

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиёва



УШБУ СОНДА:

ДРАМАТИЧЕСКАЯ

Дилором КАРИМОВА

"МАЖНАН БУЛИБ ЭЛИИ СЕВАМАН..."



Шоир: Хеч тўхтамасдан, ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танамизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қаро қирлар ила хиралаган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар! Адабиёти гулламаган ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётидан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас.

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сувон МЕЛИ

АДАБИЁТ – ИМОН



Ундан ташқари, ҳозир айрим вилоятларда ҳам иш олиб бораётган илмий даражалар берувчи Илмий кенгашларда юзлаб, балки минглаб филология фанлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинмоқда, уларнинг бир қисми алоҳида китоб ҳолида нашр қилинмоқда. Бу адабиёт илми соҳасида бутун бир мутахассислар армияси дегани.

Лекин таассуф билан айтиш жоизки, шуларнинг тақрибан 95 фоизи адабий жараёнда, яъни яратилаётган адабий маҳсулотга баҳо беришда иштирок этмайди ёки иштирок эта олмайди.

НАСР

Мухиддин ПОЛВОН

КАК ҚАШҚА



...Суворий тулпор билан бир бутун бўлиб қоронғи кеча қаърига сингиб кетди. Оқшом уларга қараб учарди гўё. Қиши билан чириган ўтнинг оғир ва қуюқ ҳиди юзга урилади. Қандайдир ёввойи қувонч чулғаб олди отликнинг вужудини; тепчиган қон бошига урилиб, қиздирарди аъзойи баданини. Бу парвоз эди, чавандоз от билан бирга ердан кўтарилиб учиб кетаётган эди. Атрофда ҳеч нарса кўринмасди: еру осмон, ҳатто, Қашқанинг боши ҳам, фақат, қулоқда шувуллаган шовқин эшитиларди ва бир зумда ҳаракатга тушган бепоён дунё рўпарадан келмоқда эди.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

АДАБИЁТИ ВА ШАХС

ИНСОН ОҶИ БЎСТОНЛАР АРО

Ҳассос назмий калом эгаси Муҳаммад Юсуфнинг ёнида доим Маҳмуд Тоирни ажралмас кўша бодом мағзидай бирга кўрардим. Маҳмуд бир куни менга: “Иброҳим ака, Муҳаммад Юсуф мендан икки ёш кичкина. Лекин мен ундан шеърга қандай муносабатда бўлиш, шеърни сарафроз қилишни, яшириб нима қилдим, шеърда замонага актуал бўлишни ўргандим...”, деганди. Ақл ёшда эмас, бошда. Шоир ўрганиб-ўрганиб, изланиб-изланиб, ўз йўлини, ўрнини топади. Биз бу ҳақда юқорида ҳам фикр юритдик. Маҳмуд замонавий долзарблиқда Муҳаммад Юсуф ва Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо билан бир сафда ёнма-ён борди.



Даврон РАЖАБ

НАЗМ

СИРАП ШИВ ЛАХЗАДА БЎЛАР НАМОЁН

Абдулла Қодирий китоби,
Бўғзимга нафасим тикилар.
Армонлар жўш урар хитоби –
Умидлар саждага йиқилар.

Инсон рости учун бўзларми?
Ул ахир, Ҳақни хўб излаган!
Бор айби – Ҳақиқат – сўзларми,
Истибдод кишанин киймаган!



Mansur ZOIROV

BOLALAR DUNYO SI

KULIB FURSIN QIYOSH

DOIMO

Bir kun tulki dalada,
Duch kelib Toshbaqaga
Uning imillashini
Qildi rosa kalaka:

– Toshbaqa, hoy toshbaqa,
Buncha sekin yurishing?
Og‘ir yukni yelkalab,
Butkul nochor turishing.





Кутмаганда келган кутганим менинг

Усмон ҚЎЧҚОР

* * *

Бу аёл нимадан қўрқади бунча,
Хуркак бир охуга ўхшарми гоҳи?
Мажол топиб унга кўз қадагунча,
Заминга тўкилиб тушар нигоҳи.

Зорикар, зўрикар, чингиллар ёдим,
Ҳозир чиқиб кетар танасидан рух.
Мен уни кўрганман минг йиллар олдин,
Мана, минг йил кейин – яна шу андух.

Лол бўлиб бу жамол, бу рух, бу қаддан,
Ортидан шамолдек чополмаганман.
Ох, мен бу аёлга минг йил муқадам
Атиги битта сўз тополмаганман.

Нимадан бунчалар афсусда аёл,
Нигоҳи нигоҳни муздай котирар?
Чалқинар кишанбанд маҳбусдай хаёл,
Ёндирар кечиккан куздай хотира...

Усмон ҚЎЧҚОР – (1953-2017). Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг "Ҳаяжонга қўмилган дунё", "Аксиз садолар", "Уйқудаги минора", "Оғир карвон", "Чамангул", "Широқ" каби шеърӣй китоблари нашр этилган. "Қувғун" достони ва "Имом Бухорӣй" шеърӣй драмасининг муаллифи. Хусайн Жовиднинг "Амир Темури" ва "Шайх Санъон" драмаларини, Юсуф Самадўглининг "Қатл кунӣ", Анорнинг "Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати" романларини ўзбек тилига таржима қилган.

* * *

Ўт тушган сахрога бошлади йўлим,
Куйди дил, куйди дил... Куйиб битмади.
Юлдузларга етган менинг бу қўлим
Ёнгинамда турган гулга етмади.

Ойсан – мен заминда ёполмаганим,
Кўнгилда илоҳдек тутганим менинг.
Излаган кунимда тополмаганим,
Кутмаганда келган кутганим менинг.

Худойимнинг мендан яшириб, мубҳам
Қайси сандиғида ётган сирисан?
Дафъатан келаркан бахт ҳам, бало ҳам,
Билмайман, гулим, сен қайси бирисан.

Кўрдим мен тақдирнинг қасос олганин,
Розиман, мен ҳамма нарсага шайман.
Ўтган умрим ўтди... Аммо қолганин,
Хонгулим, мен сенсиз қандоқ яшайман?

Хаёлингда менга жаннат тўрт тараф,
Оловингга ҳечдир дўзах деган чоҳ.
Сени севмоқ наҳот шунчалар шараф,
Сени севмоқ наҳот шунчалар гуноҳ?..

* * *

Кўзёшда буюк бир ҳикмат бор экан,
Тасалли бор экан дардда, йиғида,
Яна мен бу дарддан ёш тўқдим, бекам,
Куйдим кўзларингнинг қорачиғида.

Сен кетдинг... узилиб тушди томчи ёш,
Ҳаракат тўхтади. Ҳаёт тўхтади.
Ҳаттоки фалакда жовидон қуёш,
Энди котиб қолган қора нуқтадир.

Денгизда ногаҳон тинди пўргана,
Боғларда шамоллар босилиб қолди.
Бандидан узилган япроқлар, ана,
Ҳавода муаллақ осилиб қолди.

Сен кетдинг... бу боғлар хазонга ботди,
Кезмакдан тўхтади – ой тортди хира.
Фалакда юлдузлар нуқтадай қотди,
Муздек қотиб қолди хотира...

Дунё тўхтаб қолди... Дунё – қизиқмас,
Барчасин тўхтатди битта ишорат.
Сен кетдинг... Бу умрим энди чизиқмас,
Қотган нуқталардан иборат...

* * *

Ишқ – жунун, сўнгандан кейин анланган,
На илож, ишқ – Ҳақдан тортиқ деганлар.
Авжланар сув сепган сайин аланга,
Қаттиқроқ куяди қаттиқ севганлар.

Қандай савдоларга беланди бошим,
Оҳ, қачон бу юрак тошга айланар.
Ичимдан бир исён келади тошиб,
Бу исён кўзимда ёшга айланар.

Ошиқнинг аҳволи феълидан аён,
Кўрганлар ачиниб кетади нари.
Бу шўрлик қавмга минг йилдан буён
Ёлғон бир тасалли: "Ўтади бари..."

Оҳимдан муҳит бир силтанади-да,
Тоғдан пастга қақшаб қуйилар тошлар.
Ишқнинг бу зулмкор салтанатида
Ёлғон ростга ўхшаб туйила бошлар...

* * *

Замин тўзон сочар. Осмон – аланга...
Қизариб боқади офтоб ҳам уфқдан.
Қудуқлар кўмилган... Карвон таланган...
Шом тушар... Бошланар афтода хуфтон...

Ёлғиз ўзи қолди. Паноҳ – Худодан.
Омон қолганини саодат билар.
Саҳрода қибласин йўқотган одам
Дуч келган томонга ибодат қилар...

* * *

Ёмғиринг кутдим гиёҳдек ташнаи гирён бўлиб,
Ковжиратдинг сен оташда бебулут осмон бўлиб.

Тонг кавокибдан ёғар шабнам дея келгач ваҳий
Мен қадах тутдим фалакка лолалардек қон бўлиб.

Дайр ели эсса агар шабнам инолмай зор экан,
Япроғим учди қуюнда сайри саргардон бўлиб.

Қилмагандим мен ахир дунёни дунёдан талаб,
Дунё айланди бошимда тоши тегирмон бўлиб.

Кимга хору кимга гул эрдим ва мен кетсам қолур
Қанча дил шодмон бўлиб, қанча кўнгил вайрон бўлиб.

Ишқда йўқ менга ажал, қайтиб келурман дунёга
Дарё – Усмон, майса – Усмон, лолазор – Усмон бўлиб.

Осмон кўшиқлари

Юлдузлар кўшиғи

Ваҳки, бизни яратди зулмат,
Фақат тонгни асраб қолинглар –
Тонгни асраб қолинглар, фақат
Эвазига бизни олинглар.

Қутб юлдузи кўшиғи

Томондан адашсанг – шошма, кут мени,
Макондан адашсанг – излаб ўт мени.
Гарчанд самоватда барқарор Шоҳман,
Маслакдан адашсанг – маъзур тут мени.

Нур кўшиғи

Табиат бир шиддат ато этган – тик,
На зорлик бор менда ва на бор зўрлик.
Сарҳадга дуч келсам турадираман лол,
Айланиб ўтишни билмам мен шўрлик.

Етти оғайни

Етти оғайни –
Ягона уруғ,
Бир қизни қувиб
Қоламиз куруқ.

* * *

Қунда, ойда шафқат йўқ,
Йиллар баттар шафқатсиз;
Улардан ҳам баттари –
Фақат сиздир, фақат сиз.

* * *

Сочларинг: уч ўрим, бир боғлам сочинг,
Шамоллар, уч ўрим сочларни сочинг.
Бир боғлам, уч ўрим сочдан, одамлар,
Дунёга зулумот сочилар, қочинг!

* * *

Гул юлкинар, учади гулбарг,
Уюр шамол тушар ўйинга.
Адо бўлди юлкиниб ул барг,
Олиб кетди Жавзо тўйига.

Ҳижрон масофаси

Умримнинг энг сўнгги кунидан,
Сен билан учрашган сўнгги кунгача.
Қайтишнинг бўлсайди имкони –
Нелигини айтиб берадим
Сенга бу лаънати ҳижроннинг...

* * *

Бу асарда сўз топиш оғир,
Тушунчалар, фикрлар, ҳислар
Сўрашади ўзларига ном –
Кимдир
Ватан сўраган каби,
Сўрагани каби кимдир нон.

Барча сўзлар қўл қовуштириб йўл беришар
КУРАШ отли қутлуғ каломга.
КУРАШ сўзи сўзликдан чиқиб,
Айланиб кетади
Ватанга, нонга...

* * *

Бу дунёда тайин ўтарим,
Лекин бунча чиройли олам.
Юрагингда юрсанг кўтариб,
Ҳатто ширин туюлади ғам.

Чўққиларга кетсам юксалиб,
Пастда қолиб кетар адирлар.
Улар мени чўққидан юлиб
Қайтарарлар – шунга қодирлар.

Чалқанча ёт – ҳайқирар осмон,
Юз тубан ёт – гулдирайди ер.
Юракдан қон бўлиб беармон
Томирларга қуйилади шеър.

Қай бирини қуйлай, билмасман,
Ҳаммаси қалбимни ром қилади.
Мен қўшиқни тамом қилмасман,
Қўшиқ мени тамом қилади.

Интизорлик

Ҳар эшикда бир қайгу санқир,
Қора уруш узок чўзилди.
Ҳар хатга бир йиғларди кампир,
Сўнгги пайтларда хат ҳам узилди.
Қаердадир, тўш бериб ерга
Қолиб кетмадими тўшлиси?!
Суврат бўлиб қолган кампирга
Бир гап топиб келди қўшниси:
“Омон юрган бўлса, башарти,
Кимки кўпга келган бу тўйда –
Томга чиқиб чақирсанг отин,
Кўринармиш от миниб ойда!”
Буюк кучдир гоҳ интизорлик;
Кампир томга чиқиб нарвондан,

Нигоҳини кўтардию тик,
Ойни топиб олди осмондан.
"Абдуқодир! Ўғилгинам хо-о-й!" –
Бир илтижо учади ойга.
Кўзларида жимир-жимир ой,
Ойда отлар қўяди пойга...

* * *

Чол йиқилди оёқдан қолиб,
Чол ётганча қўшиқ айтарди.
Гоҳо Хўжа Ҳофиздан олиб,
Гоҳо Навоидан қайтарди.
Жеркиб берар эди кампири,
Тингламасди ҳеч ким ҳовлида.
Бири қўйиб, оларди бири,
Кулардилар унинг ҳолидан.
Куйлар эди чол ҳамон боқиб
Вассажуфтли ўз осмонига...
Невараси узоқ улоқиб
Қайтди бир кун унинг ёнига.
Сўраб-сўрашмасдан ҳол-аҳвол,
Кўзларидан артиб ғуборни,
Чол ўрнидан қўзғалиб, алҳол,
"Гўрўғли"ни бошлаб юборди.
Титрар эди лаби, овози,
Сўз келарди тошиб, қуйилиб.
Кўзларида қувончнинг изи
Юзларига кетар ёйилиб.
Невараси кўтармасди бош,
Бош кўтармоқ кўп душвор эди.
Соқолидан дув-дув оқар ёш,
Чол недандир бахтиёр эди.

*Озарбайжон шоири Салим БОБУЛЛО
ўгли шеърларидан таржималар*

Ҳамида Хонимга

Йўлинг узра ёлғиз дарахт бўлиб битсам
Кўлкамда тин олажаксанми?
Ё шох-бутоғимни кесиб ўтимга исинажаксанми?

Ёмғир бўлиб севалансам
ёз жазирамасида
бу шов-шувли чанг-тўзонли шаҳарнинг кўчаларига –
тупроқ хиди анқиб кетса
хидимни тупроқдан олиб ҳайратланажаксанми?

Ё ёмғир шалаббо этса сени уйга шошганингда,
жикқа ҳўл бўлиб,
пушаймон қилиб
кўкларга лаънатлар ёғдиражаксанми?
Жанубда қор
кўп ёғавермас...
Бир киш окшомида гупиллаб ёғсам
болаларни даврангга олиб қортўпи ўйнайжаксанми?
ё улардан бири йиқилса,
Ё нозик бармоғи совқотиб қолса,
айт, гулим, ғазабланажаксанми?

Бир окшом дарахт бўлмоқ, ёмғир бўлмоқ қор бўлмоқ истасам
ўлимнинг ёқасидан тутиб баҳслаяжаксанми?
ё чиқиб кетсам,
Йўлдош бўлмоқ учун менга талпинажаксанми?
Ё бир кеча
ундоқ-бундоқ шеърлар битиб,
уйқунгни ҳаром этиб,
Сени уйғотиб
Қасам сенга, ростини айт, гулим, хушланажаксанми?

Ҳикмат

Ҳикмат – сукутдадир
жим турмоқ керак
жим туриб англамоқ керак
кўп алдаганмисан ўз-ўзингни жим турмоқ билан?
бу ҳам бир ҳикматдир...

Ҳикматдир йиғламоқ
йиғламоқ етар
йиғлаган сари эрмакка узилар ўқлар
мени яраладилар,
сени ҳам отарлар –
кула-кула қотарлар...

Қуладилар сенга сен йиғлаган сайин
ўлмоқ керакдир,
бўлган нарса ўлчаб дебдилар
эхтимол бўлмаслик керакдир...
Бўлмаслик керак бўлса –
дунёга келмаслик керакдир.

Бўлмаган демаслар – йўқ эди дерлар,
Ҳаммасидан беҳабар дердилар...
Демасларки ҳикмат ичимиздан кечар
ичимиздадир
ич-ичидан озиб кетибди дерлар
Чунки ҳикмат уч-тўртимиздан кечар

қаттиқ-мўртимиздан кечар...
Ҳикмат йўқдир, бўлмаган, бўлмайди менда
мен-да ҳасрат чекаман унинг танҳолигидан
япроққа, тупроққа, кум заррасига
ва яна Ҳикматга айланмоғимдан...

Лорс Фон Триерга

...мени Мен бўлмаганда бу дунёга отдилар,
эҳтимол алдадилар мени Сен бўлмаганда

...мени Мен бўлмаганда севдилар, улғайтирдилар,
мени Сен бўлмаганда ранжитдилар.

...Сени мендан олдилар
менга Мени бердилар –
гуноҳдан тўн бичдилар.

...мени Мен бўлмаганда қўяжаклар тупроққа
Сенинг чаманингда битган атиргулга, япроққа
Мени зор қилмаслар қабрим бошига келганлар

мени тезроқ ўша гўзал гулга айлантира
мени Сен бўлмаган олис-олисларга шайлантир,
ўзинг бошла мени
мени Ўзингга айлантир.

...мени сен бўлмаганда
англамаслар дўстларим
аямаслар дўстларим
Сени мен бўлмаганда...

Халқ йўлини ёритган юлдуз

ёхуд мовий осмоннинг
тўртбурчак деразаси



Сирожиддин САЙИД

“Шарқ юлдузи” деганда менинг кўз ўнгимда шеър, ғазал, матал ва дostonларга бой олис болалик паллалари гавдаланади. У вақтлар бизнинг ҳовлимизда ҳамма назмий тил билан сўйлар эди. Ойбиби момом урчуқ йигириб, нолакор овозда нималарнидир хиргойи қилар, ён қўшнимиз усто Ҳабиб амаки сандиқ ясаб, ёғоч йўнаётиб фақат ўзигагина маълум соғинчларни эслаб ҳазин хониш қилар, байту дoston айтишга ҳамиша ҳозир у нозир Исломиддин тоғам эса халқ ижодиётининг кони эди: у билмаган эртақ-афсона, у айтмаган дostonу қисса йўқ эди, қандай мавзу бўлмасин тоғанинг унга шеърини жавоби ҳамиша тайёр эди. Рўпарадаги ҳовлидан эса кўклам чоғи равоч тергани борганда тоғу тошда чақмоқ уриб жувонмарг бўлган Ахтамкул деган ўғли доғида куйиб жизғанак бўлган Ҳожибиби момо маҳзун-маҳзун нола чекарди...

Мана шу ҳазин товушлар дунёсида менинг болалик ҳаётимга илк бор “Шарқ юлдузи” журнали кириб келгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Чамаси етти – саккиз ёшимда, ўтган асрнинг 60-йиллари ўргалари мактабда ишлайдиган отам бир куни зангор муковали қалин дафтарга ўхшайдиган китобни уйимизга олиб келди. Онамнинг хайрон қолиб берган саволига: “Чингиз деган ёзувчи чикибди, шуни берибди. Бир кунга сўраб, ўқишга олдим. Жуда зўр дейишяпти”, деган сўзларни айтиб, қўлидаги журналдан қалин сочлари орқага таралган, қошлари қуюқ, дўрдоқ лаблари қулиб турган кўркама кишининг суратини кўрсатди...

Шу кундан эътиборан ушбу журнал менинг болалик идрокимдан муқим ўрин олди. Бу зангор муковали мажаллани мен гоҳ дала шийпонларида, гоҳ Қутбиддин малим, Бекмирза домла, адабиёт ўқитувчиси Иброҳим Сафаровнинг қўлида ҳар

Сирожиддин САЙИД – Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти лауреати. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси раиси. 1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг ўттиздан зиёд шеърини, бадиа, манзума, адабий мақола китоблари нашр этилган.

замон-ҳар замонда кўриб қолар эдим. Унинг зангор муқоваси бошимиз узра нурга чулғаниб ётган мовий осмонларнинг мактабимизга тушган тўртбурчак деразалари эди гўё.

Бу сеҳрли нашр биз Тошкентга ўқишга киргандан кейин айниқса, ажралмас ҳамдам-ҳамнафас дўстимизга айланиб қолди.

Эсимда, 1974 йил устозларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиеванинг “Ёшлик девони”, “Руҳим”, “Оқ олмалар” китоблари теварагидаги шов-шувлар давом этар, шеърят ишқи ила сурурга лиммо-лим кўнгилларимиз, янгиликка ўч онгу шууримиз ҳар шеъру дostonни симириб ўқийдиган, ёдлайдиган беармон дамлар эди.

ТошДУнинг журналистика факультетида, дарсхоналар ва йўлақларда, Сирдарё далаларининг ястанган пахтазорлари, узун эгатлари аро шеърӣ мушоираларимиз қизгин кечар, шеър айтмаган, шеър ўқимаган кунимиз ҳам, тунимиз ҳам йўқ эди. Ана шундай кунларнинг бирида Абдулла акага Озод домла оқ йўл бериб сўз ёзган эканлар, шу сўз “Шарқ юлдузи”да босилган экан деган гапни эшитиб қолиб, оромимиз йўқолди. Журналнинг 1964 йилги ранги униқиб кетган 5-сонини то университет кутубхонасидан олиб ўқиб кўрмагунимизча тинчимадик. Унда “Оқ йўл, Абдуллажон!” деб сарлавҳа қўйилган домланинг сўзлари, Абдулла аканинг ўсмирлик сурати ва бир туркум шеърлари босилган эди. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” номли машҳур шеърни ҳам ўшанда ўқиганмиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин кўчаси 1-уйдаги биносидан журнал таҳририятига биринчи қават ўнг қанотидан жой берилган эди. Биз бир гуруҳ ёш ижодкорлар, асосан, хаваскор шоирлар журналнинг наср бўлими мудирӣ вази-фасида ишлайдиган Шукур ака – Шукур Холмирзаевни кўргани келар эдик. Ўша пайтлар Шукур аканинг “Қадимий Бақтрия тупроғида” эссеси журналда босилиб, анча-мунча овоза бўлган эди. Шукур ака сабаб мен кейин “Тошкент оқшоми” газетасига ишга жойлашганман.

Журнал шу халқнинг бошига нима кўргилик-савдо, нимаики ёруғлик тушган бўлса, барчасини бирга баҳам кўрган, халқ қийналса, қийналган, халқ севинса, хурсанд бўлган. Шу сабабдан эл-улус орасида унинг обрў-этибори ҳаммиша баланд эди. Бир мисол келтирадиган бўлсак, сув танқислиги, дарёлар ва қўллар масаласи бугунги кунда айниқса, оламшумул муаммога айланди. 80-йилларда Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буришдек номақбул режалар ҳам ўз-ўзидан барбод бўлгани ҳаммамизга маълум. Журналнинг 50-йилларда чиққан сонларидан бирида босилган таниқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг кенг қўламли “Сув йўли” номли катта очерки – пахта яккаҳокимлиги, беҳуда исрофгарчилик келажакда катта экологик фожиаларга олиб келиши ҳақида огоҳлантириш бонгидай янграган эди.

Собиқ мустабид тузумнинг ошкоралик деб аталмиш интиҳо даври журнал учун ҳам гўё уйғониш палласини бошлаб бергандай, ўша пайтлар шу вақтгача босилмай келинган муаммовий мақолалар, тақиқланган тарихий асарлар, айниқса, Қуръони

Карим мазмуни таржимасининг йил давомида эълон қилиниши ижтимоий-маънавий ҳаётда катта воқеага айланган эди. Бироқ сиёсий-мафқуравий таназзулга юз тутган тузум иқтисодий таназзулга ҳам учраган эдики, бу йўқчилик журналга ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади. Лекин “Шарқ юлдузи” ҳамда “Звезда Востока” журналлари қандай ҳолат бўлмасин, ўз қиёфаси, ижтимоий бурчи ва масъулиятини сақлаб қоладди. Ўша мураккаб замонда журналга бош муҳаррир бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва таҳририят аъзоларининг шижоати беҳад ибратлидир. Журнал саҳифаларида жуда кўп устозларимизнинг адабиёти-мизда воқеа бўлган муҳташам асарлари босилгани элимизнинг маънавий хазинасини бойитди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

Не бахтки, мен ҳам ўз камтарона ижодий фаолиятим давомида ушбу нашрнинг меҳру эътиборидан баҳраманд бўлдим, илк шеърий туркумларим, дoston ва таржималарим шу журнал саҳифалари орқали ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Адабиёт – халқнинг юраги” деган юксак даъвати халқ қалбининг ифодаси сифатида янграр экан, бугунги кенг кўламли ислохотлар ва янгилашлар даврида “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” нашрларининг ҳам замон кўргонини бунёд этиш жабҳасида ўзининг муносиб ўрни бор. Салкам бир асрлик ёшга етган адабий-бадий жаридаларимизнинг қадди баланд, қомати расо бўлсин, деймиз. Давлат миқёсидаги эътибор ва мавқеъи янада юксалиб, ўқувчилари бундан ҳам зиёда бўлсин. Заҳматкаш ижодкорлар ва муаллифларга бахт-саодат тилар эканмиз, толе юлдузингиз ҳамиша чарақлайверсин, деган эзгу ниятимиз бор.



Адабиёт халқнинг жон-гани бўлган бир шидир, шунинг учун бизнинг бу соҳадаги ҳар бир муваффақиятимизни, майдонга чиққан ҳар бир қимматли асарни халқ ўз галабаси, деб билади.

ОЙБЕК





Бола кўтарган

ҚОТИЛ

Ҳикойа



Аҳмад ОҚНАЗАРОВ

Вокзал ёнидаги бекат майдони қайларгадир шошаётган одамлар, турнақатор тизилган турфа русумдаги йўловчи ташиш уловлари билан гавжум. Аксарият автобусларга навбат тирбанд, йўналишли таксиларга чикувчилар эса камроқ. Таксилар иссиқ жонидан ўтиб, офтобнинг тигдек ҳовуридан қочиб, бекат майдони четдаги каттагина ёлғиз дарахт тагидаги куюқ кўланкада олди-қочди хангома билан овора.

– Эрталабдан куннинг ёнишини қара, нақ куйдираман дейди-я, уф!

– Айтганча, эшитдингизми, бир аёлнинг боласини кимдир ўғирлаб кетганмиш...

– Йўғ-е, бола адашиб қолгандир? Бозордек гавжум бу ерларда бола тугул катталарнинг ҳам адашиб қолиши ҳеч гапмас.

– Олти ойлик гўдак қанақасига адашади? Ўйлаб гапиряпсанми? Тагин аравачада ётган бўлса. Аслида, бундай бўлган: онаси аравачани вокзал эшиги ёнида қолдириб, ўзи ичкарига чипта харид қилгани кетган. Қайтиб келса, аравача бўм-бўш. Дод солиб, йиғлаб гўдагини қидиришга тушган. Кўринган одамдан сўраб-суриштирибди. Аммо, боладан дарак йўқ. Ахийри милицияга хабар қилгани югурибди. Одамлар уни ҳозиргина кетди дейишяпти.

– Аҳмоқ хотин экан. Боланиям ташқарида ёлғиз, қаровсиз қолдириб кетиб бўладими? Энди топиб кўрсин-чи? Тополмайди!

– Милиция топади!

– Ёпирай, бундан икки-уч ҳафта илгари, бир аёл гўдагини чорбозорда ташлаб кетганини айтишганди-ю, аммо бунақасини биринчи марта эшитишим.

– Ёшсан, ҳали кўп эшитасан. Ёмонлар ҳар балога қодир. Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин. Худо асрасин-ку... Ана, йўловчилар келди. Сенинг навбатинг. Йўлингдан қолма, ҳайда аравангни!

Такси жилгач, унинг ўрнини навбатдаги машина эгаллади. Ҳайдовчи жойлашиши билан деразадан бошини чиқариб, ҳамкасбларига юзланди.

– Бола ўғирланган дейишяптими?

Аҳмад ОҚНАЗАРОВ – (1949-2020). Унинг “Шокалад қани?”, “Тилла танга”, “Бола ва улоқча”, “Диафильм операцияси”, “Юмороход”, “Шайтоннинг чатоғи”, “7 “б” даги изқувар”, “Ваҳ-ҳа-ҳа!”, “Бўз йигит”, “Соҳилдаги сирли воқеа” каби китоблари чоп этилган.

- Ҳа, олти ойлик гўдак экан! Онаси зор йиғлаб, милицияга кетган.
- Қачон? Қаерда ўғирлашибди?
- Э, сенам эзмаландинг-да роса. Айтдим-ку, айнан шу ерда, боя!
- Одам дегани ҳам шунчалик беъэтибор бўладими? Хотинни айтаман-да.

Гўдагини қолдириб...

Таксичи нимадир эсига тушгандек, бехос ўйга чўмди. Ҳамкасбининг кейинги сўзларини аниқ илғамади. Хаёлида ҳозиргина машинасида шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирига элтиб кўйган, кўлида гўдаги бор аёл жонланди. Ё ўша хотин ўғриладими?.. Йўғ-е, Худо сақласин! Яна ким билади?

Шу хаёллар оғушида таксичи ўша аёлнинг машинага чиқишидан тортиб, тушишигача бўлган лаҳзаларни аниқ, қайта эслашга уринди.

...Машинага кўлида йўрғакланган гўдаги бор аёл бир ўзи чиқди. Ва шу заҳоти:

– Бошқа клиент кутмай кўяқолинг, шошиброқ турувдим. Ҳайдайверинг. Пулини ўзим тўлайман, – деди.

– Бўпти, тўласангиз бас. Битта одамми, тўрттами, бизга фарқи йўқ, – деди-ю, машинани катта йўлга олиб чиқди ва ундан манзилини сўрагани, аёл гапни қисқа қилди:

– Марказий бозор олдидаги кичик туманга. Боргач, қайси домлигини айтаман. Фақат тезроқ ҳайданг.

– Хўп... хўп...

Машина жилиши биланок гўдак уйғониб, биғиллаб йиғлашга тушди. Қаттиқ йиғлади. Таксичи чидамади:

– Болангга қарасанг-чи!

– Э, кўяверинг, азалдан йиғлоқи ўзи. Сапсем чаток. Машинага чиқса, постоянно шундай қилади.

– Қорни очикқандир? Ёки тагини хўллаб кўйгандир?

– Точно. Туғилганидан буён шунақа... Чолларга ўхшаб... Бунингам қовуғида тор-мози йўқ.

– Зап айтдинг-да. Яхшиси, эмиз!

– Ҳозиргина эмиб, ухлаганди. Ну, хорошо, ҳой, ўғлим, Аллабердижон, Али, Алик... Эммоқчимисан? Ма, эмақол, ма, ма!

Гўдак йиғидан тўхтамади. Манзилга ҳам етиб келиб, айтилган дом ёнида туширди. Йиғлаётган гўдакни бағрига босганича аёл бундай деди:

– Акажон, мана, йиғлоқи ўғлимнинг шоу-концертини ҳам роса эшитдингиз-а? Ужас! Эртага қайтишдаям шунақа қилиши точно. Болани бақиртириб, кўча бўйлаб такси излаб юриш ўзимга ҳам не удобно. Шунга... эртага худди шу вақтда бу ерга кела оласизми? Чунки мен яна поездга чиқишим керак. Агар маъқул десангиз, хизмат ҳаққингизни ортиғи билан тўлайман. Йўқса, бу бола мени жинни қилади сапсем! Уйга етказсам, бас, бабушқасининг кўлига топшираман. Унга ўрганиб қолганда!

– Майли, келаман.

...Таксичи шуларни хаёлидан ўтказар экан, ваҳимага тушиб, юраги ҳапқирди. Ёпирай, чиндан ҳам ўша аёл болани ўғирлаганмикин? Ҳақиқий онаси ўзи бўлса нега боласини овута олмади? Алла айтмади? Яна англаганим, эмизмади-ям! “Ма, Аликжон, ма”, дея шунчаки мулозамат қилган эса-да, оғзига кўкрак тутгани йўқ-ку! Шунга кўра... Мелисахонага борсаммикан? Йўқ, бўлмайди. Сўрайвериб, қакиравериб, саргардонликка солиши ёмон-да, йўқ! Тўхта!

Айтмоқчи, кўшнимиз бор-ку? Айтжон оға! Мелисахонада ишлайди. Майор!

Аҳмад ОҚНАЗАРОВ

Бу ҳақда шу оғамга секингина шипшисам-чи? Мени тўғри тушунар. Мулоҳазали, кўпни кўрган одам. Айтганим маъқул. Аслида, тажрибали, фикри теран, сўзи салмоқли бундай одамлар ҳа деганда ҳовлиқиб кетмайди. Аксинча, энди иш бошлаган баъзи ёшлар ғўрлик қилиб, ўйиндан ўймоқ чиқаришлари мумкин. Ана шундай ҳовлиқмаларидан бирига йўлиқсанг сен ҳам шериксан, деб қамаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Яхшиси, Айтжон оғага учрашай!..

Навбати етган таксичи бу гал, битта ҳам йўловчи олмасдан ҳамкасбларини хайрону лол қолдириб, бўш машинани ғизиллатганича жўнаб қолди.

* * *

Ҳайдовчим эшигига келгач, Ички ишлар бўлимида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган майор Айтжон Асқаровнинг уйига қандай киришни билмай иккилашиб турган чоғида, яхшиямки, майорнинг ўзи чиқиб қолди. Майорнинг нигоҳи йўл четида турган таксичига тушганида қорамағиз юзида севинч пайдо бўлди:

– Э, яшавор! “Йўли бўлар йигитнинг янгаси чиқар олдидан”, деганларидек, Тенгелбой кўшни, сени учратганим зап маъқул иш бўлди-да. Бир пиёла чой ичгани келиб, энди дастурхон қошига ўтиргандим, яна ишга чақириб қолишди. Шошинч, жиддий ишга ўхшайди. Очиғи, бизники доим шунақа, бор-бор, югур-югур. Хизматчилик. Илтимос, мени идорага ташлаб ўтсанг. Хўш, нима дединг, Тенгелбойжон?

– Нима ҳам дердим, Айтжон оға, марҳамат, машинага чиқинг, элтиб қўяман. Чунки менинг ҳам сизга айтмоқчи бўлган бир оғиз гапим бор эди.

– Унда кетдик. Йўл бўйи гаплашиб борамиз.

– Бир масалада бошим қотган. Сизнинг маслаҳатингиз зарур.

– Тортинмай гапиравер, Тенгелбой иним. Қўлдан келгунча, дегандек, бажонидил маслаҳатлашамиз. Қани, бошла!

– Эрталаб поезд келиши олдидан вокзалга борувдим...

Таксичи бугун бўлган воқеани оқизмай-томизмай майорга сўзлаб берди. Майор уни диққат билан тинглагач, бир-икки савол берди. Сўнгра, машинани йўл ярида тўхташиб:

– Сенинг машинангни бошқарма олдида биров кўрмагани маъқул. Бўлган воқеани эса тишингдан чиқарма. Мен йигитлар билан ўйлашиб кўриб, сени ўзим топиб оламан. Шу йўналишда юришни давом эттиравер, ҳозирча хайр, – деди-да майор машинадан тушди.

Таксичи тушунгандек, ҳеч нима демасдан машинасини орқага бурди.

* * *

... Орадан бир соатлар чамаси ўтиб-ўтмай таксичи уч йўловчини олиб яна вокзалга келган кезде, бекатдаги ўриндикда бамайлихотир сигарета тутатиб ўтирган майорга кўзи тушди. Йўловчилар билан ҳисоб-китоб қилгач, машинасини навбатга қўйиб, майорнинг олдига келди.

– Ҳов, Айтжон оға! Мени кутаётганмидингиз?

– Ҳовва, Тенгелбой, иним, сени кутаётгандим.

– Анча бўлдим?

– Йўк, ҳозиргина келувдим. Уловим ҳам бор. Ҳув, анави ерда.

Таксичи майор кўрсатган томонга қаради.

- Ҳа, анави кўк “Москвич”ми?
- Ҳа, ўша. Юр, машина ичида сенга бир нарса кўрсатаман.
- Юринг.

– Энди, иним, – деди майор икковлон машина ичига киргач. – Мана, манави папкада бир нечта аёлнинг сурати бор. Дикқат билан кўриб чик. Улар орасида ўша ўзинг айтган чақалоқ кўтарган аёлнинг сурати бормикин? Яхшилаб, синчковлик билан қарагин, адашмаслигинг лозим.

Таксичи папкадаги ўнтача суратни олиб, бирма-бир кўздан ўтказа бошлади. Еттинчи суратни кўраётиб, беихтиёр тўхтаб қолди. Суратни ёруққа тутиб, обдон разм солди, сўнгра уни майорга кўрсатди:

– Манави қиз... ўхшаброқ турибди. Лекин бунда ёшроқ кўринади. Ёш қизларга хос юпкагина қийиқ рўмол ўраган, либослари ҳам миллий. Қадимий туркманча нақшлар билан безагилган узун қизил кўйлақда. Бугунги кийиниши эса бутунлай бошқача. Ёшига мос эмас. Бош яланг, ёқалари кенг, сийнаси очик, кўк костюм-шимда. Худди ҳозирги модапараст ёшлардек.

Гапирганда русчани кўпроқ аралаштираркан. Тап тортмайди, қийшанглаб-қилпанглаб турган бир бало. Аммо, нигоҳлари... Худди охуникидек қатта-қатта қопқора кўзлари... Ҳа-ҳа, ўша нигоҳ, ўша қарашлар. Эҳ, чиндан ҳам келишган, худди эртақдаги паризодлардек. Бу – ўша!

– Хато қилаётганинг йўқми?

– Йўқ, асло! Ўшанинг ўзи... Қаранг, оға, бирдан ўша аёлнинг охирги сўзи ёдимга тушди. Мен унча тушунмагандим. “Точно вақтида келинг, а то мен сизни долго кутжак дал!” Бу гапидан “долго” сини - ку тушундим, аммо, “кутжак дал” и нимаси экан, англамадим.

- Туркман тилида узоқ кутмайман дегани бу.
- Ҳа, кечикмасдан боришим керакка ўхшайди.
- Ҳали вақт бор. Яна учрашамиз.
- Хўп, мен сиз айтгандек, шу йўналишда қатнаб тураман.
- Кўришгунча.

Майор шошилди. Негадир, унинг вазмин киёфаси янада тундлашгандек туюлди. Буни пайкаган таксичи, бу гал ҳам лом-лим демасдан “Москвич”дан тез тушиб қолди.

* * *

Туш оға бошлаган маҳал улар тагин учрашишди. Тагин ўша жойда, одамлар гавжум вокзалда. Бу пайтда таксичи йўловчи кута-кута, қўллари рулда, бошини қўлларига қўйиб, мудраб ўтирарди. Шу боис у майорнинг келганини пайқамай қолди. Кўргач, ўрнидан тураман дегунча, майорнинг ўзи келиб, унинг ўнг томонидан жой олди.

Майорнинг кайфияти яхшига ўхшамасди. Қовоғи солиқ, ички ғалаёнини аранг босиб турган одамдек, юзу кўзида ўта жиддийлик зоҳир эди. Бироқ азалдан хушфёъл, мулойим киши бўлганлигиданми, ўзини тезда ўнглаб олиб, илгаригидек мулойим гапирди:

- Хўш, кетдикми, Тенгелбойжон?
- Қаёққа?
- Сенинг бола кўтарган аёлинг билан юзма-юз учрашгани.
- Ахир, мен ваъдага биноан эртага боришим керак-ку?

– Бунга ҳожат қолмади. Аёл қўлга олинди. Бизда Милицияда.

– Шунда мени...

– Ҳа, алдаган. Сени чалғитиш учун шунақа эртақ тўқиган. Унинг на боласи, на онаси, на ўша жойда уйи бор. У гиёҳванд моддаларни сотиш билан шуғулланиб келган. Битта модда билан муқаддам икки марта судланган, қамоқда ётган. Ашаддий жиноятчи. Рецидивист.

Унинг қилган қилмишларини эшитсанг, эсингдан оғиб қоласан. Афсуски, биз уни қўлга тушира олмай юргандик. Чунки, у бизда аллақачон рўйхатда турган бўлса-да, доимий манзили йўқлиги боис, чап бериб келарди. Айтмоқчи, суратини кўрдинг-ку. Сенинг кўрсатмангдан кейин милиция оёққа турди. Бу гал уни қўлдан чиқармаслигимиз лозим эди. У қўшни республика фуқароси бўлгани билан, шаҳримизни яхши билади. Ҳатто, шаҳримизда туғилиб вояга етган туб миллат вакилидан ҳам яхшироқ билади деса, ишонавер.

Бу ерда унинг эмин-эркин борадиган, лекин бизга ҳозирча номаълум бўлиб келган танишининг уйи, хавф туғилганида қочиб чиқиб кетадиган яширин йўллари мавжуд эди. Гиёҳвандлик моддаларини олиб сотувчи саёқ шериклар ҳам орттирганди. Юртдошларимиз бўлмиш баъзи ҳамтовоқлари бир неча бор уни бизнинг қопқонимиздан қутулиб кетишига имконият яратиб берганди. Албатта, насияга эмас, нақдига.

Шунингдек, сен элтган манзил, у айтган “дом” ҳам ёлғон. Жиноятчи аёлниги навбатдаги ҳийла-найранги – дум ташлаши эди, холос. Аслида, у худудда унинг борадиган манзили марказий бозор рўпарасидаги кўп қаватли уйда экан, бозор орқасида эмас. Сен кетгач, у бозорни кесиб ўтиб, ўша жойда олиб-сотар шериги ҳамкорлигида навбатдаги энг жирканч жиноятини амалга оширади. Биз уларни жўнаб кетишига шошилишчи ҳозирлик кўраётганларида қўлга олдик.

– У эртага поездда кетмоқчи эди-ку?

– Йўқ, айтдим-ку, у сени алдаган деб. У шу бугуннинг ўзидаёқ тушдан кейинги поездда жўнамоқчи эди. Лекин, улгура олмади.

– Бола-чи... Бола қаерда?

– Афсус, болани қутқара олмадик! Жонимни азоблаётгани ҳам шу. Энди онасининг юзига қандай қараймиз, нима деб жавоб қайтарамиз? Бунақанги ёвузликни ҳалигача кўрмагандик!

– Унда нима қилди? Болани сотиб юборганми ёки ахлатга ташлаб кетганми?

– Уф-ф, шусиз ҳам ёниб турган юрагимни ўртамасанг-чи, иним. Қанийди, сен айтгандек бўлганида эди, бунчалик куйинмас эдик! Қўй, майли, идорага борайлик!

– Мелисахонагами?

– Ҳа. Нимага тортинасан? У ердагилар ҳам ўзингдек оддий одамлар. Улар ҳам сенга ўхшаган азаматларга суянади. Мана, масалан, бошлиғимиз сенга жиноятни очишда кўрсатган холис ёрдамнинг учун миннатдорлик билдирмоқчи. Сени олиб келишни шахсан бошлиғимизнинг ўзи буюрган.

– Ҳожати йўқ эди-ку. Мен сизга ишонгандим. Ўйимдагини айтиб, маслаҳатлашай дегандим-да. Мендан бошқа одам ҳам шундай қилган бўларди-ку...

– Камтарлик қилма. Ҳамма ҳам сендек эмас. Беш бармоқ бирдек бўлганидами... Лекин, сен тўғри, виждонан иш қилдинг. Бу ишинг мақтовга лойиқ. Милицияга ишониш керак. Юрақол, энди!

– Майли, борамиз!

Таксичи идорага бораётиб, майорга яна мурожаат қилди:

– У ялмоғиз хотин шунда болани нима қилган?

Майор лўнда жавоб қайтарди:

– Шошма, Тенгелбойжон, шусизоқ чирсиллаб ўт тегиб, ловуллаб ёнаётган ўзагимни ўртамагин, иним. Ҳозир ўз кўзинг билан кўрасан.

Идорага келгач, майор такси ҳайдовчисини ўз хонасига бошлаб кириб, ёнидаги стулга ўтиришни таклиф қилди. Сўнгра тик турганича сўз бошлади:

– Биласанми, Тенгелбой иним, сенинг йўловчи аёлингга ўхшаган жиноятчилар ўз қора ниятларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Ҳатто, одам ўлдиришдан ҳам. Уларнинг асосий мақсади шундаки, қўлидаги гиёҳвандлик моддаларини қандай бўлмасин кўзлаган манзилига етказиб, катта нархларда пуллаш. Ҳа, уларнинг хаёлида фақат пул, пул, пул! Осон ва мўмай ўлжа! Бошқаси билан асло иши йўқ. Ҳатто, ўша захри қотилни ўзлари истеъмол қилиш у ёқда турсин, ҳидлаб ҳам кўришмайди. Бошқалар еб-ичиб ўлаверсин, майиб-мажруҳ болалар туғилаверсин – уларга барибир, қайтанга, шу давосиз дардга мубтало бўлганлар сонининг кўпаяверишини хоҳлашади. Дардлилар қанча кўп бўлса, уларнинг бозори янада чакқонлашади. Уларга шу керак. Уларнинг бизнеси шу. Бунақанги ифлос “бизнесмен”лар турфа хил хийла-найранглар ўйлаб топишади. Ҳаромдан ҳазар қилишмайди. Қонунга хилоф барча усуллардан, хатти-ҳаракатлардан фойдаланиб қолишга, масалан, ичига гиёҳвандлик моддалар солинган пакетларни ич кийимга яшириш, қорнига ёки сонига боғлаш, машинада эса ўриндикнинг тагига, бензинбакнинг ичига, камер ва баллонлар орасига, хуллас, ўлжасини бошқага сездирмасдан олиб ўтишга пухта ҳаракат қилишади.

Масалан, сенинг машинангга чиққан йўловчинг, яъни, бола кўтарган аёл...

Яхшиси, ўзинг юр, унинг жиноятчи шеригининг уйидан кўп миқдордаги оғуни яширинча олиб кетиш учун қилган ёвузлигини ўз кўзинг билан кўр... Бошлиққа кейин кирармиз.

Майор билан таксичи хонадан чиқиб, узун даҳлиз бўйлаб юриб, мўъжазгина хонага киришди. Бу ерда бир милиция ходими соқчиликда турган экан. Хона ўртасидаги кенг стол устида қўндоғ боғичлари ечилган, усти ярим ёпиб қўйилган гўдакнинг жонсиз танаси ётарди. Таксичи боланинг устидаги қизил гуллик одеялни кўриши биланоқ дарҳол таниди. Бу, ўша аёл қўлидаги боланинг ўзгинаси эди. Тенгелбойнинг юраги орқасига тортиб кетди, бир лаҳза кўз олдини қоронғилик қоплади. Сўнг синчиклаб қараб, норасиданинг қорни ёрилиб, ичаклари олиб ташланиб, ўрнига кичикроқ целлофан халтачалар жойлаштирилганига кўзи тушиши ҳамон, даҳшатдан қотиб қолди. Кўзларидан беихтиёр ёш қуйилиб, мадори куриб йиқилаётган чоғида, майор уни қўлтиғидан тутиб, хонадан суяб олиб чиқди.

Қаердалигини унутган такси ҳайдовчиси эса, ақлдан озган кишидек, узун даҳлизни бошига кўтарганича, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан тинимсиз сўкинари, ғазабдан дир-дир титраб, ўша эртақдаги паризод шаънига аччиқ сўзлар билан беадад лаънатлар ёғдирарди:

– Ох, ёвуз! Ваҳ, хайвон! Хотин эмас ялмоғиз! Қотил! Эҳ, азроил! Ваҳ, сени тукқан онангни...

Майор уни лаънатлашларидан тўхтатмай, ўз ҳолига қўйиб берди...

2015 йил, Нукус



Кўзингдан арз этиб қошингга келдим

Дилором ЭРГАШЕВА

Сенинг муҳаббатинг

Султон-султон кездим кўчаларингни,
Бедор ойдинлатдим кечаларингни,
Йўқласам энг ғариб гўшаларингни,
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

“Ватан!” десам, ўзга изоҳ шарт эмас,
Тупроғинг севмаган мардинг мард эмас,
Кўзёшимни силма, бу дард дард эмас –
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

Хуррам жилғаларинг сой бўлди тўлиб,
Неча ҳилолларинг ой бўлди тўлиб,
Бағрим бир Ватанга жой бўлди тўлиб,
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

Бир-бир мусофирлик бошимдан ўтди,
Кўзим нокасингу касингдан ўтди,
Тошу тупроғингдан, хасингдан ўтди,
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

Бошқа бир Ватанни орзуламадим,
Сени кўзларимга гулдай қамадим,
Кўксим неча сўқдим, неча ямадим,
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

Дилором ЭРГАШЕВА – 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-ни (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Унинг “Ойнинг ўн беши”, “Муҳаббат”, “Ҳеч нима дийдорга етмайди”, “Машрабона”, “Ошиқ ўлсанг” (девон) ва “Асрор” (девон), “Пайванд” каби шеърий китоблари чоп этилган.

Кўзингдан арз этиб қошингга келдим

Токи азизларнинг хоки бағрингда,
Руҳи уйғоқ экан ёки бағрингда,
Мендайлар яшаркан токи бағрингда,
Сенинг муҳаббатинг яшайди, Ватан!

* * *

Эй, мулки жаҳон ичида бир дона тилим,
Эй, бол каби, новвот каби дурдона тилим.
Эй муҳташамим, дилбару шоҳона тилим,
Эй Она тилим, Она тилим, Она тилим.

Эй, ғазнасидан айласа харж, битмаганим,
Ҳар сўзни баҳо айласа ганж етмаганим.
Бул хаста ғариб кўнглими тарк этмаганим,
Шоҳ этди бу девонани қошона тилим.

Кўлимда гўзал гул каби, байроқ кабисан,
То юрса қалам назмида сайроқ кабисан.
Бўлган сари мумтоз яна бойроқ кабисан,
Оламни этиб ўзига ҳайрона тилим.

Сен бирла чаман бўлди бу Дил мамлакати,
Гул атри билан тўлдики ҳар саҳфа қати.
Озода кўнгулларни ёруғ салтанати,
Эй тоза тилим, Она тилим, Она тилим.

Кел

Жавзо келиб қайтар, қайтар ортга қиш,
Баҳор беҳор келар боғларга ҳар гал.
Неча хазон келди бошимга сенсиз...
Кел!

Тушларимга кириб келар валийлар,
Кел ахир, шу ерда ҳурлар, парилар,
Кўзимни кўзингла кетарсан сийлаб,
Кел!

Ойнага қарайман, ҳўўў сен қараган –
Юзларим кўзингсиз маҳзун, қариган.
Кириб кел умримга минг йил наридан...
Кел!

Тонгда булут бўлиб сочимни чайган,
Хоҳ юлдузга боксам борсан, хоҳ ойга,
Кетмаган бўлсанг ҳам мендан ҳеч қайга,
Кел!

Ёлғизлик дўппидай тушди бошимга,
На кўзимга қарар ва на ёшимга,
Ушшокни чақириб қўйдим қошимга...
Кел!

* * *

Очилмоққа маҳкум кўзим ҳар тонгда
Ва ҳар-ҳар ишларни кўрмоққа маҳкум.
Уйимга қайтаман қайтгандай жангдан,
Яралар яралар кўксимда ҳар кун.

Ичимга ютаман кейин устма-уст
Бўғзимга тикилиб қолган сўзларни.
Юрагим оғрийди сақласам сукут,
Аммо айтганимда нима ўзгарди.

* * *

Ортиқ кўтармоққа етмайди кучим,
Ўтли сўзлар бердинг менга, сўрасам.
Нега ўлгим келар ҳар бири учун?
Мунча бу ўлимни яхши кўрмасам?

Сўз десам бошимга келади осмон,
Наъралар тортади кўксимда арслон.
Осон яшар эдим, кулардим осон,
Осон шеър ёзардим шоир бўлмасам.

Кўксимда тўла чўғ, ёпинг кулчалар,
Нафас кириб чиқмас, нафас куй чалар.
Қаердан, дейсизми, кўзёш бунчалар,
Тўкиларми эди улар тўлмасам.

Сенга муҳтожроқман ҳар доимгидан,
Тирикчиликмиди тириклик деган.
Нега бунча узун ҳаётим, Эгам,
Юзинг кўрмайманми ўлмасам.

* * *

Бир-бир кириб ўтар боғларга шамол,
Изларни супуриб кетаётгандир.
Сенинг нигоҳларинг (буюк эҳтимол)
Ҳамма ишни таъкиб этаётгандир.

Эзар сукунати дов-дарахтларнинг,
Мазлум хазонларнинг қолмаган кучи.
Йиғламоқ чун бола бўлмоқлик шартми,
Телба бўлмоқ шартми гапирмоқ учун?

Қайдасан?

Ҳасратлар чиқарди мени сирадан,
Кўзёшларим кўздан кетар, хайдасам.
Эй, сен муҳаббатим ҳижронсираган,
Қайдасан?

Қара, куёш куяр купша-кундузи,
Ой ақлдан озар ҳажрингда сузиб,
Сени ахтараман оламни бузиб,
Қайдасан?

Эй, меҳрибонроғим меҳрибонлардан,
Эй, жону йўқ туриб юрган жонларда,
Эй, овози келган устихонлардан,
Қайдасан?

Хос қилди кўнглимни ҳажринг, ҳасратинг,
Хилватларга чекдинг, кўпдан асрадинг,
Кўрмасам, кўрсамда ўлдирса қадинг,
Қайдасан?

Йиғлайвердим отинг айтсам, эшитсам,
На ой-кунга тенг, на гулга эшит, сан,
Садо бер, садо бер оҳим эшитсанг,
Қайдасан?

Ҳайрон юзларимда ойни кўрганлар,
Асли нуринг тушган жойни кўрганлар,
Сени кўрмаганлар қайни кўрганлар,
Қайдасан?

* * *

Бир кунга боқарман,
Бир Кунгабоқарман.

Вах, бу не жасорат,
Афсунга боқарман.

Оинада кўзим,
Мафтунга боқарман.

Лайлони топай деб,
Мажнунга боқарман.

Жон риштасин ўйнар
Нохунга боқарман.

На Дилга боқарман,
На хунга боқарман.

Ман Унга боқарман,
Ман Унга боқарман.

* * *

Кўзингдан арз этиб қошингга келдим,
Кетибмийдим, нетиб қошингга келдим.

Ўтиб журму гуноҳимдан, юзинг оч,
Ҳажр жондан ўтиб, қошингга келдим.

Оёғимдан чалар дунё дамо-дам,
Оёғим-ла итиб, қошингга келдим.

Бу жон кўзу қошинг қатлида чиқсин,
Ўтарсанму четиб, қошингга келдим.

Ҳама этсин ҳавас етган еримни,
Не ҳасратда етиб, қошингга келдим.

Дема: “Дил, не юрак бирланки келдинг?”
Ани шундоғ ютиб, қошингга келдим.

Ҳар неки бор янчиб ўтар вақт



Башорат ОТАЖОНОВА

* * *

Соатлаб айланган кир мошин
яхши кўрган кўйлагингнинг
тортиб олар нимпушти рангин,
Гулнинг хира сояси
кўнглингдаги ғашни тиниклаштирар вақт ўтган сари
(хато қилмагансан).

Ёруғлик ва зулмат аро
мукамал ранг излаб
бой берасан энг шаффоф лаҳзаларни,
куёшнинг нуқси урар сафсар япроқларга.
Кўлингда жон берар дунёнинг энг гўзал ранглари
(хато қилмагансан).

Судралиб келасан уйга,
бир-биридан ширин табассумдан чиқар чарчоғинг.
“Бугуним уларники!” қўл силтайсан шовқин дунёга.
Болага айланиб ўйнашга шайсан,
болага айланасан:
телбага қарагандай ҳайрон боқар сенга топ-тоза нигоҳлар
(хато қилмагансан)

Дунё тескари:
кутганинг келмайди,
кутилмаганда келар кутганинг.

Башорат ОТАЖОНОВА – 1986 йилда туғилган. ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. “Кумуш ёғдулар” номли шеърӣ китоби нашр этилган.

* * *

бунча майдалашдим
бунча паст келдим
бунча қадамимга терс тушди бу йўл
ана дор
мана бош
ўқингиз ҳукм
(ҳайратлар ўлиқдир)
силтай десам бўйсунмайди қўл
бунча майдалашдим
нимжон бармоқлар
берилиб ёзаркан дунёдаги энг
расво жумлаларни тоза сўзлардан
сескандим
эзилдим
(ва сездим
ичимда туйғулар ўлаётганин)
бунчалар тош бўлдим
бунчалар беҳис
мен кузни кутаркан ихчам хонада
сочлари шафтоли бўй тўкиб бир қиз
мавсумлар келтирди –
соғиндим она...
(қучмадим ўлмадим онадай)
менга терс тушаркан йўллар
мен дорга тутаркан бошимни
мен расво жумлалар тузаркан тоза сўзлардан
мен кузни кутаркан
қизим келтираркан гўзал мавсумни –
тонг яқин
ёки ичим ё ташқарида
ёки дунёнинг менга нотаниш қунжида –
денгизлар кулрангни ечиб мовий ўранган соҳилда
ёки чўққилар булут соясига маҳв бўлган тоғларда
буғланган деразага шакллар чизаётган бир қизча
бармоқларида
севгилисин кутаётган йигит нигоҳларида
ёки изтиробдан маст қизнинг кўзёшларида –
хиргойи бошлайди муаззин.

* * *

Менда ҳеч нарса йўқ кўзёшдан бошқа.
Денгиз, осмон... кўзёш... кўзёш...
На осмонга, на ерга бор менда эҳтиёж.
Сокинлик керак, холос, бироз сокинлик.

Бир Одам қўл чўзар қутқармоқ учун,
Кўзлари, қошлари, тирноқлари,
ҳатто сочларининг оқлари ҳам менга кадрдон.
Рад қиламан таниш қўлларни
Ҳавода муаллақ қолади товушлар
Чўки-и-и-б кетаман кўзёшга – денгизга
чигал хотирамдан тортиб оламан бир фикрни:
ўзи чўкаётган одам қандай қилиб ўзгани қутқарар?
Бир Аёл қўл чўзар паришонхотир
Узрлар, савоблар, гуноҳлар қоришиб кетар теграмда
Буғдой, олма, илон, шайтон... яна кўзёши
Бир-биримизни тушунмаймиз чўкаётиб ҳам
На у, на мен кўнгил очамиз
Кескин рад қиламан силтанаман
Кўзёшлар ичига ғарқ бўламан
Чўктираман ўзимни ўзим
сочларидан арқон ясаб отар мен томон
бу арқон сиртмоққа ярар.
Бир эркак қўл чўзар
Бўғзигача сувда
мени қутқармоқчи бўлиб қўл чўзар
истайман озод бўлишни
истайман мени у озод қилишин
табассум айлар – Сўздай тансиқ, Шеърдай хушбўй,
Кўнгилдай хокисор...
ногоҳ сезиб қоламан табассум ортидаги ғамни
чўкаман ёрдамни этиб рад
Бир аёл қўл чўзар
икки бармоғига гуллар чирмашган
билмам қандай қутқарар мени
учинчи қўлини узатяптими ким у, эртакми, ҳаёт?
Хароб, кабоб, сароб... унинг кўнгли, унинг ҳаёти.
Сочларин силадим аламларим ичимга ютиб,
кўзёшга ғарқ бўлдим.
Бираёл қўл чўзар яна:
қиссами, ғуссами, одамми, оламми,
малакми, шайтонми, кимлигини билмайди ҳеч ким.
Қўлларидан тутаман маҳкам.
На ҳарорат, на титроқ бор бу қўлларда,
Маъносин йўқотган гул сўлар мажруҳ қалбида
Ҳайдайман атрофдан борлиқни, йўқликни,
Саробни, азобни.
Денгизнинг ўртасида қолиб кетдим мен,
На ёрдам, на ер, на осмонга эҳтиёжим бор.
Кошки мавжуд бўлсам...
Уларни қутқарсам ўзимдан.

* * *

Сен тонгдан печкага олов қалайсан,
Зулматни ёқасан юрагинг билан.
Мен тонгда уйқуга кетаман,
Чирокни ўчирмай иссиқ хонада.
Муаззин авайлаб уйғотар тонгни...
Ичингни иситар таниш товушлар.
Ташқарида олам ётибди тўнғиб –
Ковуш кундан совук,
кун... ковушдан.
Менинг тушларим берк, аёз қилмас кор,
денгизлар чайқалар кўзимда мудом.
Қулоқчинда янграр эллигинчи бор:
“Эй, гавҳари дарё, ту марооооооо”...
Мана шундай отар сенинг тонгларинг,
Мана шундай ўтар кунларинг сенинг.
Мана шундай куёш ботади,
Тутунга тўлади муҳташам кўнглинг.
Менинг иссиқ кунларим рангин,
Ишга отланаман оловдай ёниб.
Ёзаман, мен – сўнгги русумдаги фолбин,
Боплаб алдайман дунёни, Худони (!)
Тутундай буралиб қораяди кун,
Уфқда титрайди қоп-қора елкан.
Сочимни силайсан... (тун узун)
Совуқда ёрилган қўлларинг билан.
Мен – ўзин дардини куйловчи найман,
Мен – ўз овозига банди чилдирма.
Мен совуқ қотмайман, одам бўлмайман,
Онажон, кечирма!!!
Тонгларини тунга, тунларини зулматга кўмганим – ёлғизим –
Волидамга ҳеч қачон айта олма(йди)ган сўзларим.

* * *

Юмалаб-юмалаб хиралашди мох,
Сафсаргул бандига сингиб кетди тун.
Чумчуқлар кўзида уйғонди сабоҳ.
Кун йўлга отланди
Куёш – тилла тугун.
(Мен Кунман)
Ҳавони тирнади турна овози,
Дарахтлар анҳорга ташлади қармоқ.
Аёл юрагининг чигилин ёзиб,
Тушларини сувга қилди оқизоқ.
(Туш – бу мен!)

Тераклар чайқалди, тасаввур тўзди,
Елкамда елкандай ўсди болу пар.
Қаршимда уч йўл бор,
бири-биридан озгин:
Борса хатар.
(Мен кушга дўндим).

.....
Тугун ғойиб бўлди,
Туш эса ижобат.
Енгдим эртакларнинг сеҳрли кучин.
Мен кўкка ошиқман,
Мен кўкка ошиқдим –
Жоним, қовурғангнинг остига учдим.
(Ахир сен Эрксан!)

* * *

Қачондир зулматдан совийди кўнглим,
Қачондир, ўзимни айлайман озод.
Қачондир дунёга сиғмайди йўлим,
Мен улканлашаман!
(менга сингиб кетади фазо)
Супуриб оламан ердан соямни,
Шаклимдан ясайман исталганча “мен”.
Истасам бахтиёр, истасам ғамгин –
Шакл ўзимники, соя ҳам.
Куйлардан сирғалиб чиқади сўзлар,
Сўзлардан сирғалиб чиқади товуш.
Ва мен фош бўламан миллион юзда
(Қандай яхши ёлғонсиз яшаш).
Осмонни ўзимга айлайман кўзгу,
Куёшни тиллақош, ойни эса узук.
Қачондир дунёдан кетаман ўзиб,
Мавжудлигим эса... узу-у-у-н...

* * *

1

Тушимга осмон кирди,
Осмонда ёзувни кўрдим.
Ёзувда исмни кўрдим.
Ичимни ёритди: “Юсуф”.
Кеча мунаввар эди,
Мукаррам эди кеча,
Мен кимлигини билардим Юсуфнинг.

2

Қудук.
Қудукнинг ичида Одам.
Одамнинг ичида Ой.
Қудук туш кўрар.

3

Бир бўри увлайди,
“Ув”нинг ичида олов.
Оловнинг ичида ҳасад,
Ҳасаднинг ичида хиёнат.
Олов одамни эмас, бўрини ёқар
Олов – Юсуфнинг қонли кўйлаги.
Тонгга яқин жон таслим қилади ичимда
Инсонга айланган бўри.

4

Ўрмон.
Карвон.
Бозор.
Қудукнинг тушини сотдилар.

5

Аёл.
Луғат.
Қалам.
Қоғоз.
(Луғат бир сўздан иборат.
Бу сўзни ёзса,
Илдиз ёяди Қалам,
япроқлар кўнгилдай титрайди,
Қушга айланади бу сўздан Қоғоз)
Пичоқ бармоқни нимталайди.
Бармоқ пичоқни нимталайди.

6

Мен
ўттиз йилдан бери ухлайман
шу тушни уйғотиш учун...

Кўк қашқа

Қисса



Муҳиддин ПОЛВОН

1

Отам доврўғи чор-атрофга тарқаган номдор чавандоз бўлганини нафақат исми, тўрт тарафга тарқалган таърифи ҳам айтиб турарди. Отининг орқасидан орттирган обрўси амалидаги хурматдан кам эмасди.

Отамдан от қочиб қутулмаган, от отамни ташлаб кетмаган. Отамнинг отга бўлган меҳрини кўриб, уни бувим эмас, от тукқан деган фикр миямни пармалаб келаверади. Ўзи айтмоқчи тетапоя қила бошлагандан бери отга кўнгил қўйган, унга жажжи қўлчаларини чўзиб интилган, миндириб қўйсалар, чириллаб йиғлаётган бўлсам, дарров тинчиб қолар экан. Дуо кетган бўлса керакки, отамни бирон марта от тепмаган, тишламаган. Уруш йиллари хурккан отдан йиқилган бўлса ҳам, оғир жароҳат олмаган экан. Отсеварларнинг: "Отдан йиқилсанг фаришта сақлар, эшакдан йиқилсанг, суягинг синар", деган гапи ростга ўхшайди.

Отамдек эгарга муккасидан кетган, ўзига боп эгар деса дунёнинг нариги чеккасига боришдан ҳам тоймайдиган ишқибоз бу атрофда топилмаса керак: болохонада тут, ёнғок дарахтларидан ясалган, кумуш ва яна қанақадир сариқ рангли жездан жило берилган, от калласини эслатадиган эгарлар қатор турарди: бирининг қадди баланд, бириники сал паст, ҳаммаси кўзни қувонтирарди. Теракдан ясалган эгарни отам ёқтирмасди. Тутникени танларди. Отнинг эгарига ҳамиша арқон, бошвок осиб қўйишни тайинларди.

Меҳмонга кирсак, отимизни бирор дов-дарахт, қозик ёки дарвозанинг илгагига боғлаб қўяр, далада бўлсак, олдинги оёқларини маташтириб тушовлаб ўтлашга қўйиб юборар эдик. Унинг ҳақчақлаб, сакраб-сакраб майса чимдиши, гоҳ-гоҳида ер тепинганча, берилиб кишнашлари ҳавасимни уйғотарди.

Муҳиддин ПОЛВОН – 1951 йилда туғилган. Тошкент автомобиль-йўллар институти (ҳозирги Тошкент давлат транспорт университети) ва Москва Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Унинг “Жўйлангар қишлоғи”, “Асо”, “Дераза олдидаги ўйлар”, “Қалбимизда барҳаёт инсон”, “Мирзачўл садоси”, “Олис юлдуз шуъласи”, “Изларим илдизларим” каби китоблари чоп этилган.

Акамлар сингари мен ҳам уч-тўрт ёшимдан бошлаб отнинг феълини тушуна бошладим. От эгарлашда отамга мандан кўра чаққон ёрдамчи бўлмади. Эгарга миндириб қўйса завқ билан қийқирадиган, айтган абзалини эпчиллик билан бир зумда топиб келадиган бўлдим. Эрталаб ўрнимдан турдим дегунча, ўзимни ҳовлига ураман, от нега ётиб ухламайди, чарчаб қолади-ку, деб хархаша ҳам қиламан. От билан баробар турганим, от билан бир вақтда ўрнимга ётаётганим, охурга ҳар куни бир коса арпа ёки сулини отамдан яшириб солаётганимдан, ўзимда йўқ қувонаман. От анжомларининг номини ҳам, асосан, ўша мурғак болалик давримда отамдан эшитиб билиб олганман.

– Мен айтгай, қувватим, сен Ибратжон ҳам ёзиб, ҳам укиб олгин, жонингдан отанг. Эгар, жабдук, сувлиқ, айил, пуштон, чилвир, тасма, қайиш, беллик... Ҳозир акангга айт, қашқанинг абзалини, даврини тайёрлаб қўйсин, эртага шаҳарга тушамиз.

Бозор-ўчар қилгани отланган отам бизни азонлаб уйғотди. Отам бехосдан сўраб қолса изза бўлмай деб ичимда отнинг анжом ва буюмларини номма-ном қайтара бошладим: "Абзал, эгар-жабдук, юган, бўйинтурук, давр эса – тулпорнинг устига ёпиладиган баркут, табгир – эгарнинг тагидан тўшаладиган мато". Отни эгарлаётган отамнинг жарангдор овози эшитилди:

– Жазликни узатвор.

Буни беш қўлдек биламан. Эгар тагидан ёйиладиган бир жуфт юмшоқ намат-кигиз матони жазлик деймиз. У от терлаганда намни шимиб туради, шу билан жониворни яғир бўлишидан асрайди. Жазлик икки хил бўлади. Салт жазлик арава қўшилмаган от эгари учун, арава жазлик эса арава қўшилган от эгари учун.

Ёшлигидан абжирлиги билан ном қозонган отам қурқ ишлатмасди, қочган отни от билан қувиб борарди-да, эгарланган бўлса, жиловидан тутиболар ёки ўз отидан яйдоқ отга сакраб миниб олар, баъзида эса, олдини тўсиб, қайтариб келар эди. Қурқ дегани асов отларни тутадиган сиртмоқ. "Отни қийнашга қўлим бормайди. Аммо керакли юкнинг оғири йўқ. Байталмон тушовини узса, керак бўлар. Ҳаво анча салқин, жулни ҳам келтира қол".

Бу анжомни аллақачон бошқалардан ажратишни ўрганиб олганман. Эгар устидан ёпиладиган, астари кигиздан, авраси гулдор жун шолча ёки кашта тикиб безатилган қалин бахмал, мовут мато, жул, бу анжом отни совуқдан асрайди.

Рангли жун, ип ёки ошланган юмшоқ теридан нақшиндор қилиб тўқилган ёпик отнинг бошига байрам ва улоқ кунлари кийдирилади. Бугун шаҳарга отни безаб борсак, байрам байрамдек бўлади.

– Қассоб пичоқсиз, чавандоз қамчисиз бўлмайди. Аммо отни хўрлаган, урган, савалаган одам кўкармайди. Отдек вафодор жонивор борми дунёда? Яхши кўришингни билса, жонини фидо қилади, – дейди отам Кўк қашқани тароқ билан қашлай туриб.

Ичкарига кириб тоқчанинг юқорисидан отам қачонлардир Шаҳрихондан келтирган қора чармдан ишланган нақшин қинга солинган, дастаси кийик шохи ва қумушдан, тиғи "подшипник"дан ишланган пичоқни олгач, елкамни қисдим, қошимни чимириб ўйланиб қолдим: "Отам умри бино бўлиб отини қамчи билан саваламаган бўлса, қамчини нима қилар экан? Ёки бунинг тагида бирор хикмат бормикан?" Шундай бўлса керакки, сўради.

Аммам егулик солиб берган тугунни хуржунга жойлаб, айвон устунига илинган ҳашамли арча дасталик қамчини унинг ёнига тикиб қўйдим.

Эс-хушим кириб, югур-етимга яраб қолганимдан бошлаб отдан ажрагим келмайди. Кейинчалик эгарлашни ўзим мустақил бажарадиган, бирда эгарланган, бирда яйдоқ от минадиган, ҳатто қамчини этигимнинг кўнжиги тикиб қўйиб (отамнинг одати), дупурлатиб сойга олиб бориб ҳуштак чалиб суғорадиган, серўт ариқ бўйига тушовлаб қўядиган, Неъматжон тақачига янги пўлат тақа қоқтириб келадиган, катталар сингари пошналик этигимни кийиб, қамчини тишлаб, улоқларда иштирок этадиган бўлдим. Ҳовлининг ўртасига кўмилган, бўйи икки қулоч яккамихга бойланган отни худди тили энди чиққан болакайни эркалагандек, қанча эркаласанг шунча хузур қилади одам. Худо ҳақи, жонивор ҳар бир сўзингни, ҳаракатингни, гапингни оҳангини тушунади, худди уялгандек, пастга осилтирган тумшуғи билан қўлларингга, тиззаларингга суйкалиб эркаланади.

Бири кўкрагида тўлғониб турадиган билакдай-билакдай икки ўрим узун сочи, ёзлик оппоқ ва ҳаворанг, қишлик қирмизи қўйлаги, зар ип билан тикилган баргсимон нақшлар устига кўниб турган афсонавий қуш тасвирланган зумрадранг духоба камзули, сарв қомати, нозик гавдаси, майин ва юмшоқ овози, ширин-мулойим гапи, ёқимли юз-кўзлари ўзига жуда ярашадиган, ўта ювош Собира аммам ҳам Қашқадан кўз узмайди, худди сув устида кетаётгандек эҳтиётлик билан бориб яккамихни кучоқлайди: "Бисмиллоҳу Раҳмонир Раҳим, акажонимни, укаларимни, Қашқажонни йигит пирим қўлласин". Билинар-билинемас жилмайганча ингичка ва узун бармоқлари билан бошини эгиб турган тулпорнинг пешанаси, юзлари, сағрисини сийпалаб эркалайди, бир нималар деб пичирлайди. Отга қараб мўлтираётган аммам бобомни эслаётганмикан, бувимни хотирлаётганмикан? Балки ўз ҳаётини ўйлаётгандир. Ёки отам ўз сингисидан ҳам кўра отга кўпроқ эътибор бераётганидан кўнгил ранжини изҳор қиляптимики?

Собира аммамнинг суюкли машғулоти дутор ёки чилдирма чалиб қўшиқ куйлаш, ғазаллар, ривоятлар, нақллар ва эртақлар айтиш. Бир айтими эсимда қолган:

*Довулдек гуриллаб урган юрагим,
Ошкор этар сирин таниши – ойга.
Капалаклар менинг бўлагим,
Сирим сўзлай, тенгсиз чиройга.*

Чиройли капалакларни ўзининг фарзанди дея куйлаётган аммам бизларни еру кўкка ишонмасдан эркалатар, бунинг учун ҳатто туққан сингисидек бўлиб кетган онамдан эътироз ҳам эшитарди. Шу аммам билан жуда чиқишаман, кўпинча ёнларига чиқиб ётиб қоламан, узоқ кечалари кўнглимда нима бўлса, оқизмай-томизмай гапириб бераман. Эртақларни қайдан топарди аммагинам, ўйлаб, ўйимга етолмайман. Булоқдек қайнаб чиқаверарди эртақлару нақллар, ривоятлару маталлар. Сўфи Оллоёру Девонаи Машраб, ҳазрат Жомий ва ҳазрат Навоий, Фузулий билан Махтумқули олдинма-кетин келаверарди. Бугун аммам айтса, эртасига эшитганларимни ўзим то ухлаб қолганимча айтаверардим. Айтиб чарчамас, куйлаб тўймас эдим.

Уй тутишини айтмайсизми? Аёлнинг ўзи ораста бўлса, уйи ҳам келинчакнинг уйидек байромона бўларкан. Аммам уйидаги барча жониворларга от қўйволган: серсут, серқаймоқ сиғири Тарғилой, қариб, қартайиб қолган урғочи ити Келин-

чак, эшагининг отини юз ўйласангиз ҳам тополмайсиз: Беғамхон. Оппоқ либосга чўлганиб олган серюнг мушук Қилпиллама – бу уйнинг подшоси: нонушта, тушлик ва кечки овқатга сутга аралаштирилган қаймоқ бўлмаса, тахмондаги кўрпалар устидан тушмайди, парҳез килади. Олмахон, Дўланабиби, Нашватия, Чарос, Хусайния, Нокияхон, Ўрикнисо, Жийдабегим, Ёнғоқпошша булар энди дарахту узумларнинг номи. Ҳаммасига аёлларнинг номини берган. Аммам нон ёпса ҳам, эшак билан ўт ўргани далага борса ҳам, ҳовлидаги гуллар ва экин-тикиннинг тагини юмшатса ҳам доим ўй ўйлайди. Ашула айтганда маҳзун, овози дардли бу аёл жуда синик. Қалбидаги чиройи қоп-қора кўзлари, оппоқ юзларига тепчиб чиққандек.

Саксондан сакраб ўтган онам оғзига ғарғара келмасдан сал олдин, тиловат қилиб, суқ кирадиган даражада соҳибжамол икки қайинсинглиси: от деса ўзини томдан ташлайдиган, от абзалини темиридан бошқасини ўзи ясайдиган ҳунарманд, аммо фарзандсизлик доғидан куявериб чин дунёга кетган Собира ва саман тойда юлдуздек учавериб учиб кетган Ойнисо аммам, яқиндагина қариб юролмай қолгани туфайли хўжайини отиб, кўмиб келган Жийрон ҳақиқа бағишлаганда йиғилганларнинг ҳаммаси йиғлади. Яратган уларнинг қисматини ўлчаб берган учун бандасини қўлидан нима ҳам келарди.

3

Тирик жаҳон соғиниб қолган баҳор ҳам кирди. Қорлар эриб битгани билан кечалари ҳамон аёз. Ора-чора кундузлари ҳаво исигани билан, сал ўтмай шаррос ёмғир қуяди. Яна ҳаво совийди. Шунинг учун ҳамон иссиқ кийимлар қўл остимизда туради: устимизга иламизда, кетаверамиз. Кулранг ёпинғичга ўраниб олган осмон тунд. Аммо атроф кундан-кунга илиб, ёришиб бораётганини ич-ичингдан сезасан. Ҳовлидаги ўт-ўлан ҳам бўй чўзиб қолди. Пуштиранг гуллаган шафтолининг орқасидан ўрик, бир-икки кун ўтиб, қуралайкўз гилос ҳам оппоқ гулларини ёйди. Қор ёғмаса, дарахтларни совуқ урмайди, бу йил мева мўл бўлади. Ҳовлидаги икки туп настариннинг тўқ яшил, майда куртаклари дилни яшнатади.

Отам билан улфатларининг узун кечалари уйимиздаги ишқом остидаги ерсупада ёки кишлоқ меҳмонхонасида чордана қуриб, от ҳақида бошланадиган ҳамишанги тортишувлари бир айланиб аскияга уланиб кетарди. Шу суҳбатлардан отларнинг бир неча турлари борлигини билиб олганман. Уларни юришига қараб йўрға, йўрток, чопишини назарда тутиб, илдам, учқур, улоқчи, чопқир деб ном берадилар. От юришининг ҳам ўз номи бор: йўртиш, йўрғалаш, чопиш. Отларни рангига қараб тўриқ, жийрон, саман, қашқа, сариқ, кўк, оқ от деб ажратишларидан ҳам хабар топганман.

Пашшидаги улоқдан солимга бир новвос, тўртта чорини олдиға солиб қайтган отамнинг сандал атрофида лўлаболишларга ёнбошлаб айтган бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди: "Зотли от сувни оёғини букмасдан ичади, зоти пасти чўккалаб ичади. Бу тилсимни Амир Темур жуда яхши билган ва кўшинни зотдор, чидамли, бақувват қорабайир, ахалтака, араби отлар билан таъминлаган. Чавандозни от юзага чиқаради. Буюк соҳибқирон от устида ўтириб жаҳонни бирлаштирган".

Уйимиз биқинида оғил билан отхона жойлашган. Фақат дераза ўрнига дарча ўрнатилган, эшиклари эса уйимизниқидан анча баланд.

Туйнук тарафда ем-хашакка тўла охур олдиға боғланган уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган дўнанни отхонадан олиб чиқаман. Отга ишқи тушган одам унинг ёшини

тишига қараб беҳато аниқлайди. Кўринишидан катта отлардан фарқ қилмайдиган, хислатлари отасига ўхшайдиган, сут тишлари ўрнига доимий тишлар чиққан, ёли, думи, тўёқлари ўсиб етилган дўнан тулпор вояга етган ҳисобланади ва энди ундан насл оладилар, улоққа соладилар. Бироқ ҳар қандай от ҳам улоққа ярамайди. Улоқ чопадиган отни мингтадан танлаб оладилар. Ундан ҳам ҳамма вақт зўри чиқмайди. Пулига куйганлар ҳам топилади. Биз томондаги асл чавандозлар Бахмал билан Зоминнинг қорабайирига кўнгил қўйган, айнан шу зотга бор-будини тикиб сотиб олади. Йўлини топа олганлар ахалтака ишқида туркман элига, араби зотларни қидириб, Қашқа воҳасига қатнайдилар. От ишқибозларининг кўрган-кечирганларию саргузаштларини қоғозга тушириб адо қилиб бўлармиди?! Гарчи ўзи чавандоз бўлмасида, кироийи от ишқида ўзидан кечган, кечалари миужжа қоқмайдиган, бор-будидан ажралган, кўнгил қўйган тулпорини хотинидан устун қўядиган ишқибозлар асл учқур оти ўрнига ўнта боқилган новвос таклиф қилсалар, гўёки динига хиёнат қилган муртаддек сезадилар ўзларини. Хавослик от билимдони Худоёр Латипов қорабайир жийронини жилд янги "Мерседес"га алмаштирмагани учун таниш-билишлари тенг иккига ажралди: ярми чавандоз томонида турган бўлса, бошқа қисми: "Ўнта отдан қиммат немиснинг машинасини маза қилиб миниб юрмайдими", дея устидан кулди.

Отам бир ёқли гапни айтди ўшанда: отнинг қадрини биладиганлар жуда кам, улар бировнинг зотдор отини бир кўриш, суқланиб қараш, эгасига раҳматлар айтиш, кўнглидан отилиб чиқаётган туйғуларини от жониворга изҳор қилиш, дунёдаги бирорта китобда учрамайдиган маслаҳатларни бериш учун Жиззахдан бу ёғи Андижону Фарғона, у ёғи Хоразму Қашқа, Сурхону Самарқандга сафар қилади. Асл от ишқибози чавандоз ҳаромга қўл урса, ёлғон ишлатса, ғирромлик қилса етти пушти куйиб кетади, деган иримга қаттиқ ишонади, ана шундай пасткашликларга аралашган кимсадан орланади, ҳазар қилади ва ўз даврасига йўлатмайди.

Қадимдагидек карнай, бурғу, ноғора чалиб отни улоққа киритиш удуми сақланиб қолган. Унинг моҳияти шундаки, мусиқа янграганда суворийларнинг томирлари руҳий қувват ва шижоатга тўлади, чавандоз тулпори билан бир бутун бўлиб чирмашиб кетади ва олдинга интилади. Ўзбек карнайининг бетакрор овозини от жонивор тушунсин-да, дегиларинг кепкетади! Отам улоққа қўшаман деб ният қилган тулпорини совутади. Бу нозик юмушни адо этиш тажрибасиз одамнинг қўлидан келмайди. Совутилмаган, асов – ўйноқи от улоққа солинса, суворийни олиб қочиши, устидан итқитиб ёки тегиб майиб қилиши ҳеч гап эмас. Ақли бор инсон бу ишни қилмайди. Синалмаган, совутилмаган отнинг сиртидан ўтганлар қандай жазо олгани чавандозлар хангомаларини безайди...

4

Қашқага тикилиб меҳрим жўшади. Чимилдикқа ярашган келинчакнинг сочларидек силлиқ ёлларини силайман. Сағринига эркалаб уриб-уриб қўяман, қулоқлари, бурнидан тортаман. Эркалаб пешанасидан ўпиб қўяман, оққанд билан сийлайман. Эркалашларим жониворга хуш келади. Тўғриси, бу ишим ўзимга ҳам жуда-жуда ёқади. Пешонасида оқи бўлгани туфайли қашқа номини олган отимизга доимо кулиб турадиган улкан кўзлари, бўйни узра силкиллаб турадиган калин ёллари, узун оёқлари, ергача бориб етадиган думи, ўзига хос қилиқлари ва нозлари жудаям ярашади.

Қиладиган ишим кўплигидан қўлим-қўлимга тегмайди. Собира аммам оқ жундан тўқиб берган хуржуннинг бир томонига арпа, иккинчи томонига онам тутқазган жиззалик нон, яхна гўшт, сув тўла кади, пичоқ солиб, жонимдан ҳам яхши кўрадиган Кўк қашкага сакраб миндим. Отам саманда, акаларим эса ота-бола тўриқларда, тизилиб, йўлга тушдик. Қўшни кишлоққа сой орқали, бирда сув кечиб, кўзга ташланиб қолган ёлғизоёқ йўлчадан отларимизни йўрғалатиб кетиб борамиз. Майин изғирин бетларни, қулоқларни чимчилайди, кўзларни ёшлантиради, бурундан сув оқизади. Сойнинг четидаги увотда қор эриб улгурмаган. Эртаги баҳорнинг заиф куёши ҳавони илитмайди, аммо хашақларга ёпишиб қолган муз парчалари юзига тушган эринчоқ нурдан йилтиллайди. Дўнғалакда, ёнбошидаги кесакларни босиб қолган қор уюмларига парво қилмай уч туп бойчечак тонг палла эркаланиб уйғониб керишаётган келинчак сингари бўй чўзиб турибди. Тушиб узиб олгим келади-ю, отамдан ҳайиқаман: "Дала гулларини юлсанг, ернинг бети чўтир бўлади. Севиб чакканга оссанг ҳам, томиридан узилган чечак, барибир сўлийди. Одам ҳам шундай, ўғлим. Илдизидан узоклашса, қурийди", дейди. Тавба, ер ҳам чўтир бўларканми, дейман, пўстинимнинг ёқасини кўтариб.

Бундай ҳавода гаплашиб кетиш ноқулай, шамол шабадаси тилингдагини юлиб кетади, ҳамма суҳбат меҳмонда ёки уйда бўлади. Аммо йўлда хаёл суришнинг ўзгача гашти бор. Отамга ўхшаб, эгарга қийшиқ ўтирган ҳолда энгашиб, отнинг ёлини силаб кўяман-да, опоқдадам Отахон тўрамнинг пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Буроқда Меърожга чиққани, жаннат шамоли отларнинг икки қулоғи орасидан ўтиши, соҳибқирон бобомиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзонинг от суришлари, Тўмарис ва Нодирабегим каби оналаримиз умрларининг ярмидан кўпини эгарда ўтказгани ҳақидаги гапларини ўйлаб кетаман.

Бугун томошабинлар, дорбозлар, кизиқчилар, олқишлари остида улоққа киришим, улоқни тақимга босиб маррага ташлашим, тўй эгалари тақдим қилган солимини онамнинг қўлига тутқазишим остимдаги тулпорга боғлиқ. Парвардигор ҳар иккимизнинг томиримиздаги қон, илигимиздаги қувватни жўш урдириб, омадимизни бергин...

Бу сафар зулмат пардаларини кўринмас қўл борлиқ юзидан оҳиста сидириб олди, гўё. Орқасидан бўзариб тонг отди. Гоҳо булутлар чоки ситилиб, мўралаган куёш худди бекинмачоқ ўйнаётгандек, юзига яна чиммат тортди, аччиғлангандек булутлар орасига сингиб кетди. Кунботарда гумбурлаган овоз қулоқни қоматга келтирди. Ранги ўчган осмоннинг бағри ёрилиб, қарсиллаган овоз билан чакмоқ чакнаб, ўт чиқди, само титради, яшин юракларга қўрқувли ваҳима солиб, олов қиличини узун ташлади: тепада нимаики бўлса, тилка-пора бўлди. Қулоқни қоматга келтираётган қарс-курс, гумбурлаш авжига чиқди. Фалак гўё борлиққа сокинлик бахш этишни истаётгандек, ерга шаррос ёмғиридан илинди. Эт жунжикди, шундай ҳам толиқиб сиқилган юракка губор ўрнашди. Чакмоқни ўчиришга кўзёшидек тоза ёмғир сувининг қуввати етмайди; ер, дову дарахт, томлар, тоғлар шалаббо бўлди. Ёмғир тўхтамай демайди, шариллаб қуяверади. Сойда сел тошиб, кўчаларда тиззагача лойқа оқди.

Дам-бадам калима қайтараётган кексаларнинг қошлари чимирилган, оналарининг пинжиги кириб олганча жим ўтирган қизалоклар чурқ этишдан чўчийди, ўғил болалар отасига эргашиб, кетмон билан селнинг обдавини тараб, ариқларнинг кўзини очиш билан овора. Момақалдирок ҳам, аждардек олов пуркаган яшин ҳам,

пақирлаб куйган ёмғир ҳам сахарга яқин тинди. Қушлар эса, тонгги хонишларини унутдилар. Хўрозлар қўноққа ёпишганича донг қотди. Қалдирғочлар инига чўкди. Чумчуқлар дарахтларнинг қалин барглари остига яширинди. Каптарлар катагида кунишганича жим.

Кўнгилга ажиб бир ваҳима, хавотир, тушунтиришга киши ожизлик қиладиган кўрқув ўтиради. Ҳавонинг очилиб кетишини чин дилдан истайди киши. Бесабр одамларга кўрқув ҳам, қувонч ҳам тез келади. Аллоҳ дегунингча, уриб бошингни ёради. Энг яхшиси, ётиб китоб ўқиш, ухлаш. Кечаси тузилган режадан, кундузги таваккал тузук. Ҳар қандай балони кун ёруғида даф қилса бўлади. Одамларнинг кўзи кўзга тушса бўлди, илоҳий халқа, бирдамлик, қувват пайдо бўлади. Синовлар, мушкул вазифалар, олдинда баҳайбат тоғдек кўндаланг турган ғовларни енгиш осон кечади.

Оқшомлар башарга шодонлик, қувонч, ишқ-муҳаббат учун ато қилинган. Фозиллар кун ёришдими кечани, қош қорайганидан бошлаб тонгни кутиб ўтказадилар. Кеча-кундуз ойнинг икки палласи, куёшнинг ҳам. Тангри таоло бизларни иккитадан кўз, қулоқ, қўл, оёқ билан яратганида илоҳий маъно яширинган. Хаёл сура, сура ухлаб қолибман...

5

Ўшанда отам қашқани эгарлади-да, ҳовлидан олиб чиқмоқчи бўлди. Қашқанинг гаши келибми, ўжарлик билан бошини орқага ташлар, ташқарига чиққиси келмасди. Жониворнинг сағринини, қулоқлари ортини, пешанасини силаб эркалаб, бир калла оққанд бергандим, тумшуғини елкамга тираб, орқамдан кўчага чиқди. Илик ёмғир майдалаб, савалаб ёғмоқда, терак шохларини тўлдириб кўнган қаргалар тинмай қағиллайди. У ер, бу ерда итнинг хуриши эшитилади. Сигир чўзиб мўрайди, аммо нимагадир тонгда хўрознинг қичқириғини эшитмай қолдим. Отам юганни қўлимга тутқазди-да дуо қилди: "Оёғининг чигалини ёзиб кел. Қара, бугун ҳаво жонон бўлди. Бошинг оғримасин, ўғлим, омин!"

Қашқа минишимни истамай, жойида икки айланди. Мен ўнг қўлимга қамчини тутиб, отга сакрадим. Жиловни бўшатиб, оёқларим билан қорнига никтаган эдим, тулпор турган жойидан учди. Қулоқларим остида шамолнинг ғувуллаши қолди, холос. Фалокат оёқнинг остида деганларидек, муюлишга етганда, ўнг тарафдан мотоцикл чиқиб қолса бўладими! Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Отни тўхтатишга кечиккан эдим. Шу онда мени кўрқув тарк этган, шекилли, ўзимни йўқотмай, отнинг бўйнидан қучоқлаб, маҳкам ёпишиб олдим-да, кўзларимни чирт юмиб, "Ҳа, Қашқа!" дея қичқириб, жиловни қўйиб юборганимни биламан, барака топгур тулпор қанот чиқариб осмонга учди. Назаримда унинг парвози ҳали-бери тугамайдигандек эди. "Мотоциклчини босиб кетдим", деган ўй миямга яшиндек урилди. Жиловни тутиб, отнинг бошини орқага бурдим. Қулоғим битган, тилим танглайимга ёпишиб қолган, жоним қинидан чиқиб кетган эди гўё, оёқларим латтадек хилвираб қолганди. Кимсасиз муюлишга етиб келганимдагина қулоғим пардаси очилгандек туюлди. Тариллаган овоз узоқдан келар, аъзойи баданим эса қалт-қалт титрар эди.

Не ҳолатда уйга қайтиб, ичкари хонада донг қотиб ухлаб қолибман. Жарга ағанаётганимда оппоқ соқолли бир мўйсафид қўлларимдан тортиб тепаликка чиқариб қўйди. Онам овқатга чақирганида бошимни кўтардим. Тушим экан. Эртасига яккамихга отни бойлаётиб бу гапларни отамга айтиб берганимда хушёр тортиди:

"Нохушликни сезган экан-да жонивор, баъзида от одамданда хушёрлик қилади, Худо сақлагани рост бўлсин", деди. Сўнгра меҳр билан Қашқанинг биқинига енгил шапатилаб қўйди. Кейин... мени бағрига босиб, гурзидек қўллари билан бошимни силай туриб, анчагача қўйиб юбормай: "Тушкунликка тушма, Ибратжон, тушкунлик одамни хароб қилади. Бошингни тик кўтариб юр", деди дўриллаган овозини янада кўтариб.

Одам темирни кашф этибдики, отни тақаламасдан минмайди. Тақа дегани тўлишига етти кун қолган ойга ўхшаб эгилган, отни турли шикаст ва сирпанишдан асраш учун туёғига уриладиган япалоқ темир абзал. Соҳибжамол Собира аммам: "Тақа бало-қазолардан асрайдиган, омад ва бахт келтирадиган тимсол", деб акамга айтиб, дарвозамиз тепасига эски тақани қоқтиргандан бери юрагимда завқ-шавқ, журъат кучайгандек бўлаверади. Неъматжон тақачи отнинг оёғини тақимига олиб, занглаган михларни, ярамай қолган тақаларни узун омбур билан суғуриб ташлайди. Сўғун ўсиб кетган тирноқларини махсус ўткир пичоқ билан кесади, тўпланиб қолган кирларни эринмай тозалайди. Аввал йирик, сўнг майда тишли эгов билан туёқларни сайқаллагач, лабига қўндирган саккизта янги михни биттадан олиб қоқиб тақалайди. Аммо отни минган эгаси бепарволик қилса, синган тақанинг михлари, ўткир тошлар жониворнинг туёқларига ботиб азоблагани, от шўрлик чўлоқланиб босмай қўйгани ёки бўлмаса, шикастланиб қонаган туёғи ичига қурт тушган от олиб келишса, доимо олдига чармпеш этак тақиб оладиган темирчи бир қалқиб тушади: "От шўрликни бундай аҳволга солгандан кўра нон ейишни унутганинг маъкул эди", дея оғзидаги носини тупуришга ҳам сабри чидамай зарда қилади. Бироқ ҳамма темирчилардек раҳмдил, кўнгилчан бўлганидан туёқлардаги ейилиб битган михларни гўёки неварасининг тишини олаётгандек авайлаб, битталаб суғуради, эски тақани олиб ташлайди, туёқни пичоқ билан обдон тозалагач, керосин ёки сассиқ креолинни суртиб қўяди. Шунда қуртлар ўлади, яралар битади. Устахонага келавериб, отларнинг чекаётган азобига шохид бўлавериб, кўзим пишиб кетгани боис, ҳар куни тулпоримнинг тақаларини бир-бир текширмасам, кўнглим жойига тушмайди.

Қаёққа бормай, бобом Отахон тўранинг, "Отингни бок!" деган гапига амал қилиб Қашқанинг сувлиғини чиқариб, бўйнига емхалтасини илиб қўяман. Кўпинча, бир қулоч арқон билан тушовлаб қўйиб юбораман. Далада гиёҳлар, совуқ тушгач, қор остидан хас-хашакни топиб чимдиши, ҳовлида сабза маккажўхори, арпа ва сулини иштаҳа билан ямлашига тикилиб тўймайман. Ҳар сафар отамни улоқнинг юқори маррасига биринчи бўлиб олиб келиб соврин олишига ўрганиб қолган учқур отимни еру кўкка ишонмаслигимни нафақат жўраларим, балки таниш чавандозларнинг ҳаваси келганидан, очиғи, ёйилиб кетаман.

Ҳар сафар жониворни тақалатишга олиб бораётганда гўёки сезгандек, безовтароқ қадам ташласа-да, бир калла қанд билан сийлаган, туёқларига тақа қоқтириб қайтаётган пайтларда худди миннатдордек ўйноқилаб йўрғалайди. Жиловни қўйиб юборсам, уфқларга қараб елади. Отам энгашиб тақаларни бирма-бир кўздан кечириб: "Дуруст", деди-да, Қашқанинг бўйни ва сағринига шапатилаб қўйди. Эркалашдан эриб шўх типирчилай бошлаган тулпорим олдинги оёқларини тик кўтариб, атрофга жар солиб кишнайди.

Бир гал боғда нок тераман дея дарахтга чиқиб энди иккита мева еганимни биламан, шохи қарсиллаб шиғил солган тоифи токнинг устига ағдарилдим. Оёғимни қайириб олган бўлсам керакки, боса олмай кўзимдан учқун чиқиб, онам-

ни Учкўрғондан кўрдим. Мен-ку оғриқдан чириллаб отга ҳам қарамабман. Қашқа эса Майизжога бориб пишқираверибди. Ўша ерда куймаланиб юрган бир-иккита оқсоқол отнинг изидан келиб, ахволимга маймунлар йиғлаётганидан дарак топишди. Раимкул чўпон у ёқ, бу ёғимини ушлаб кўрди, “Синган, эзилган жойи йўқ, қаттиқроқ йиқилибсан, онанг куйруқ мой суртиб кўйса, кийикка ўхшаб диканглаб кетаверасан”, деди-да даст кўриб, тулпоримнинг эгарига ўтказиб кўйди: “Нафс шунақа бало, жиян!”, деб орқаларига қайтиб кетишди.

6

Ҳали қиш оёқламаган, баҳор келмаган серёмғир совуқ кунларнинг бири. Савалаб ёғаетган ёмғир кучайганидан-кучайиб борарди. Гира-шира аллақачон қоронғиликка айланган, ёмғир эса ҳамон шаррос куярди. Икки қадам олдинда турган одамни кўриб бўлмайди. Момақалди роқ қарсиллар, чакмоқ чақар, эрталаб илиб турган ҳаво ҳам анча совиб қолган эди. Машинанинг овозини эшитиб отамга пешвоз чиққан онам йиғламсираб, хавотирини тўкиб-солиб, зорланди:

– Ўртанчангиз келмаяпти, подадан қайтмаган қўйларимизни қидириб чиқиб кетувди, қоронғи ҳам тушди аллақачон, қишлоқда бўри пайдо бўлган деб эшитдик. Кўрқиб кетаяпман. Энди нима қиламан? Шўрим куриб ўтирибман?

Отам ўн тўрт-ўн беш яшар бўлиб қолган тўнғич акам Ҳамидбекка юзланди:

– Қашқани эгарла, ўғлим, бирга укангни топиб келамиз. – Сўнгра онамни овунтиришга тушди: – Тўйдан олдин ноғора чалаверма, нафасингни иссиқ қил. Шамсиддин тегирмонга тушса бутун чиқади. Қайси бир жарнинг қавагида мени кутиб ўтиргандир. Бирпасда топиб келамиз.

Сўнгра ичкарига кириб кўшоғиз милтиғини олиб чиқди. Шу орада акам ҳовлига кўк отни етаклаб чиқди. Қамчини тишлаб олган отам бир сакраб отга минди. Акам эса чап оёғини отамнинг узангига қўйилган чап оёғи юзасига қўйиб, чаққонлик билан мингашди. Ҳалигача йиғисини йиғиштира олмаган онам отнинг ёнига бориб, отамга қарай туриб оғзини очди:

– Ҳамидбек, манави иккита нонни белингизга туғиб олинг, йўлда асқотади, хавфу хатардан сақлайди, буни эса ёпиниб олинглар.

Онамнинг қўлидан олган нонни хуржунга солиб, эски ҳарбий плаш-палаткани ёпиниб олган чавандозлар ҳовлидан шитоб билан чиқиб кетишди. Бевовталаниб тинмай ҳураётган бўрибосар "Чангал" уларнинг орқасидан анча жойгача эргашди. Рўпарамдан келиб мени кенг тўни барлари билан ўраб олган онам ишонган устунлари ортидан қараганча, юлдузсиз қоп-қора кечанинг қутқуси, этни жунжиктирувчи шамолга безътибор тахтадек қотиб турар, шу топда у ҳушидан тамомила айрилгандек эди.

Жимжитликни чақалоқ сингилчамнинг биғиллаган овози бузди. Онам бешик гаврапўши четини кўтариб, сийнасини тутди.

7

Бурчакдаги сандалнинг ёнига чўкка тушган онамнинг ҳуши ҳалиям жойида эмасди, паришонхотир аҳволда отамнинг тугмалари узилиб кетган кўйлагига янгиларини қадади. Бу ишни бир зумда тугатиб, дазмолга сандалдан чўғ олиб солди. Бир оғиз гапирмай, айвондаги дордан йиғиштириб келган чойшабларни бурчакдаги

столга ёйиб, дазмол боса бошлади. Ичкаридаги хонада чуғур-чуғур қилаётган сингилларим ҳам чарчаб ухлаб қолишди, шекилли, овозлари тиниб, эшитилмай қолди.

Онам қўл машинасини сандалга қўйиб, қулоғини шариллатиб, нимадир тикишни бошлади. Нима қиларимни билмай болохонага ўтиб деразасининг рахидаги тошчиноқнинг ёруғида "Ур, тўқмоқ" эртагини ўқишга тушдим. Китобнинг ичига шўнғиб кетибман, чоғи. Югургилаб "Лолатепа" ёки "Қирққиз" тепаликларига бораётирман. Биладан, акам шу атрофда. Йўлда тузоққа тушиб қолган лайлак учратаман. Бу тузоқни шубҳасиз, саккизинчида ўқийдиган Абдуллажон чатоқ қўйган. Лайлакни кутқарсам, бошини силасам, чўнтагимдаги нонни бурдалаб берсам, мен билан гаплашармикан?

– Лайлакжон, – дейман унинг яраланган оёқларини латта билан бойлаб. – Ёрданинг керак бўп қолди. Акамни топиб бероласанми?

Кутқариб қолганим эвазига яхшилик қайтариш ниятида Лайлак тилга кириб:

– Орқамдан юр, Ибратвой, аканг сени кутиб кўзи тўрт бўлди, – дейди-да, осмонга кўтарилади. Мен унинг орқасидан чопаман. Аммо жарга келганда лайлак ерга қўнади ва бир оёғини чўзади. Мен уни икки қўллаб маҳкам ушлаб оламан. Лайлак яна учиб, жарнинг ўртасига бориб оҳиста қўнади.

– Ана, аканг гулхан ёқиб исиниб ўтирибди, хат ёзиб берсаларинг, уйларингга олиб бориб бераман.

Ҳар сафар калака қилиб, устимдан куладиган акам мени кўриб бир хурсанд бўлса, Лайлакни кўриб янаям очилиб кетади ва Лайлакни кучоқлаб олади:

– Мен сени чизаман, Лайлакжон! Хўп дегин. Агар одамлар сени таниб, дўст бўлиб кетишса, тузоқ қўйишга юраклари бетламайди, – деб кушга эски ошнасидек нималарнидир тушунтирмоқчи бўлади.

Лайлак эса бошини эгиб тураверади. Тавба, шунда кўрдим: Лайлакнинг кўзи куларкан, ўзи эса жуда уятчан, маънос куш экан.

Акамнинг расм чизишни яхши кўрганидан доим қалам ва қоғоз олиб юриши бу сафар жуда асқотди. У шимининг чўнтагидан бармоқдек қалам ва бир варақ қоғоз олиб бир нима ёзади. Кейин қоғозни найча қилиб Лайлак томон чўзади ва куш уни тишлаб ҳавога кўтарилди. Бирпасдан кейин Лайлак дадамни бошлаб келади ва биз уйимизга қайтамиз. Лайлак эса, бизникида меҳмон бўлади. Кетишни жудаям хоҳласа, ўртоқларимга кўрсатиб, кейин хайрлашиб қўйиб юбораман. Лайлаквой билан дўстлашиб, ундан хумчасини, "Очил, дастурхони" ва "Ур, тўқмоқ"ни сўрайман.

"Қайна, хумча" деганимда хумчадан қайнаб чиқаётган тиллага кишлоғимизда янги мактаб, кутубхона қурдирардим. Янги стадионда "Очил, дастурхон" дейман, ҳар хил таомлар муҳайё бўлади. Ўртоқларимни чақириб, меҳмон қиламан. Умриларида кўрмаган таомларни еб, хурсанд бўлишади. Лайлаквой эса, ўзини тузоққа илинтирган анави Абдуллажон чатоқни тавба қилгунча, тўқмоқ билан савалаб, таъзини беради...

Савалаб ёғаётган ёмғир осмондан тушаётган сон-саноксиз найза сингари оёққа чилпиллаб ёпишаётган лой ерга қадаларди. Чақмоқ чақиб, Чақиртепа орқасида гумбурлаган чоғда еру осмон ёришиб кетади. Мен акам кўриниб қолади, деган умидда айвонга чиқиб, чор-атрофга аланглайман. Бунақа ҳавода адашганлар кўп бўлса керак, деган фикр миямни эгаллаб олган. Ҳамма кимнидир қидириб юрган-дек туюлади менга. Қишлоқдаги ҳамма одамлар, керак бўлса ер юзидаги барча милиционерлар бизга қўшилиб биринчи навбатда акамни, кўйларимизни қидириб

топишлари керак, деб ўйлайман. Қишлоғимизда барча булбул, саъва, бедана бўлиб сайрайдиган акамни яхши кўради-да. Яна велосипеди ҳам бор. Велосипедли болалар мактаб биринчилиги учун пойга ўйнашади. Акам ҳар гал ё биринчи ёки иккинчи бўлиб маррага келади. Камераси ёрилиб қолса, ўзи ямайди. Ўртоқлариям унинг олдига гилдиракларини таъмирлатишга келишади. Устачиликка ҳам кўли келади. Отнинг устида тик туриб тулпорни елдиради, учиради осмонларга, худди булутларнинг устига чиқиб кетаётгандек овозини борича ҳайқиради. Буям майли, чопиб бораётган отнинг тагидан айланиб ўтиб, эгарга яна қайтадан ўтириб олади. Менинг қизикадиганим эса тамомила бошқа: акамнинг акварель бўёқларда чиройли жойлар ва манзараларни чизиши. Расм чизаман деб далаларга чиқиб кетган баъзи кунларда, ишига жудаям берилиб кетса, мактабга ҳам келмай кўяди. Биттагина айби шу. Бироқ, ўқитувчилар ҳам ўқувчилар ҳам унинг расмларини кўриб мактайдилару мактабга ҳамма қатори вақтида келишини талаб қилишади. Болаларнинг қулоғини чўзадиган арифметика ўқитувчиси Шокир Самадовни синфимиздагилар жуда ёмон кўради. Ўзи ёқаси яғир бўп кетган кўйлагини бир ойдаям алмаштирмайди, шимини дазмолламайди, бироқ дарсни яхши тайёрлаб келмаган ва тўполончи боланинг юзидан, бурнидан ва қулоғидан тортқилайди, бошининг орқасига тарсаки туширади.

Хаёлимни узокдан келаётган аллакимларнинг овози бузди. Дунёда яхши одамлар жуда-жуда кўп. Осмондаги юлдузлардан ҳам кўпроқ. Акам келиб, ҳаво очилиб кетса, юлдузларни бирма-бир санаб чиқаман. Кейин дафтаримга ёзиб қўяман, катта бўлганимда ўкиб, вақтим чоғ бўлиб юради. Ахир ўқишда, санашда синфда менга етадигани йўқ.

Ундай бўлса, нега кўнглимни ғашлик, бўғзимдан бўғаётган хавотир, юрагимни сикаётган кўрқув эгаллаб олган? Акамни тополмасак-чи? Юрагим кинидан чиқиб кетай дейди?

Топдим: Мен ўзим излаб топиб келаман! Шунда онам мени бағрига босиб пешанамдан, юзларимдан ўпади, янги китоб олиб беради. Акам эса ўзини кутқарган жасур укасини пакана деб ортиқ масҳара қилмайди. Аксинча, бундан кейин доим бирга ўйнайдиган, ўйинчоқлари ва рангли қаламларини берадиган бўлади.

Ўйлар қанотига миниб, иссиқ кийимларимни кийиб айвонга чиқдим. Ўчоқхонадан бир қулоч келадиган шохни олиб ҳовли томон қадам босдим. Бетимга тарсиллаб урилаётган ёмғирга парво қилмасдим. Дарвозахонага бурилаётгандим, онамнинг асабий қичқириғи эшитилди:

– Йўл бўлсин, Кўзи?

Орқамга қарасам, онам деразанинг бир табақасини очиб, қараб турибди. Онам баъзида бизларни ҳайвонларнинг оти билан номлаб эрқалатади. Катта акам баъзида "Арслон" бўлиб қолади, ҳалигача топилмаётган акамнинг лақаби "Той", меники ўзингиз эшитгандек "Кўзи".

– Қара, бир қадам нарини кўриб бўлмайди-я? Зим-зиё қоронғилик. Ёмғир ҳам тинай демайди. Озгина сабр қилсанг, даданлар келиб қолади. Ўзим ҳам тик этса, ташқарига кўз тикиб ўтирибман.

– Акамни топиб келаман.

– Сен ҳам кетиб қолсанг, бизга ким қарайди? Эркак киши бўлмаган уй хувуллаб, файзсиз бўлиб қолади. Агар ўғил болалар оналарини химоя қилмаса, ким химоя қилади? Ишонганим сен бўлсанг...

Онамнинг гапларидан эриб, кўнглим бўшашди ва шаштим қайтиб, ичкарига қайтдим. Бироқ гўёки милтиққа айланган қўлимдаги қийшиқ таёқни ташлаб юбормадим.

Онам: "Кўзи, чарчадинг, жойингга ўтиб ухла, жоним", деса ҳам қулоқ солгим келмади. Дам-бадам гумбурлаб чакнаётган чакмоқ, тинмай савалаб қуяётган ёмғир, қишлоғимизда ўрмалаб қолган бўрилардан онам қўркмасин, деган ўйда, ўзимни тетик тутгим, ҳимоячи бўлгим келарди. Уйкум ҳам қочиб кетди, отам ва акаларимнинг келишини кутиб сандал устидаги ўнинчи чироқнинг пилигини кўтариб, қайси бир эртакни ўқишга тушдим. Миям ғувуллар, хаёлим шунчалик тарқоқ эдики, китоб бу ёқда қолиб, кўз олдимга бўрилар галаси келади, қулоғимга уларнинг увлаши эшитилади. Бирдан улар отам ва акамга ташлангандек, отам эса абжирлик билан милтиғи билан барисини тил торттирмай отиб ташлагандек туюлаверади. Ўқиётган эртақлар, хаёлимдан ўтаётган воқеалардан таъсирланиб, отам ва акам кетган томонга учиб боргим келар, аммо онамни ёлғиз ташлаб кетишга кўзим қиймасди. Деразадан ҳовлига қарасам, айвон устунидаги тошчироқ ҳам бир қадам нарини ёритмайди. Зим-зиёлик, зулмат, қоп-қоронғилик, жимжитлик одамнинг ичига шарпадек кириб қўрқув жойламоқчи бўлади. Тинимсиз ёмғир ҳам атрофни бефайз қилиб юборди.

Орадан бир соатми, икки соатми ўтиб, от дупури эшитилди. Бошига қора шол рўмол ўраган онам билан чиқиб дарвозанинг тамбасини олдик. Ҳовлига олдин кўйларни ҳайдаб Шамсиддин акам, орқасидан отнинг нўхтасидан ушлаб, елкасига милтиқ нилини пастга қилиб осиб олган отам кириб келди. Ҳаммасининг устидан ёмғир суви шовуллаб оқарди. Отамнинг отдан шошилмасдан эҳтиёт қилиб Ҳамидбек акамни тушираётганига кўзи тушган онамнинг капалаги учиб, "Тинчликми?" дея акамни боши, қўл-оёқларини сийпалай бошлади.

– Тинчлик, – вазмин жавоб қайтарди отам. – Яхшиси, ичкарига олиб кир, иссиқ чой бер, устига қалин кўрпа ташла. Шамоллаб қолмасин. Ваҳима қилаверсанг, фаришталар аразлайди.

Онам биринчи бўлиб Шамсиддин акамни кучоғига олди ва овозини қўйиб йиғлашга тушди. Буни кўриб Ҳамидбек акам ҳам онамни кучоқлади. Отам елкасига милтиқни олиб айвоннинг бурчагига ўтди-да, индамасдан ўқларни милтиқнинг милдидан чиқариб, чўнтагига солди. Қўндоқдан милни ажратиб, қуролни деворга суяб туриб ўзига-ўзими ёки менга қарабми, деди:

– Олдин исиниб олайлик, кейин артамыз.

Ичкарида онам сандал устига тахлаб қўйган қуруқ уст-бошларни отам ва акаларимнинг қўлига тутқазди. Уларнинг ивиб кетган кийимларини даҳлиздаги дорга илиб ташлади. Оташқуракда исириқ тутатди. Отам биз ёнига чўккалаганимиздан сўнг ҳар биримизни отимизни айтиб дуо қилди. Тиниб-тинчимаган онам сандалдаги чўғни янгилаб, устига олма пўчоқ солганди, хонага хушбўй ҳид таралди. Отам иссиқ кўк чойдан босиб-босиб ичар, аммо бутун эътибори Ҳамидбек акамда эди. Бироқ ҳаммамизга кўз югуртириб сўради:

– Учиниб қолмадингларми, ишқилиб, азаматлар?

Акаларим шамолламаганларини айтишди. Мен ҳам. Аммо икки кўзи акаларимга қадалган онам уларнинг бошига бу кеча нималар тушганини тезроқ билгиси келарди.

Шамсиддин акам кўпни кўрган қўйчивондек салмоқ билан тушунтира кетди:

– Подада қўйларимиз кўринмади. Чўпондан сўрасам, "Ажраганини кўрмай қолибман, Лолатападан ўтганда қўйларингга кўзим тушувди", деди. Қўйларимни кидириб "Чиллиқтарон" кири томонга кетдим. Ҳали қоронғи тушмагани қўл келди, кидириб-кидириб қўйларнинг маърашидан улар жарнинг тагида, сойнинг бўйидаги

пана жойда турганини кўриб қолиб, қулай жой топиб тушдим. Аммо ёмғир ва момақалдирок кучайиб, қаттиқ чақмоқ чаққанидан безовталанган қўйларнинг бир-бирига ёпишиб тургани иш бериб, унурга ҳайдаб, ўрталарига кириб олдим-да, ёмғир тугагини кутиб ўтиравердим. Ҳечам совқотмадим, қўрққаним ҳам йўқ. Отам ўргатгандек, бирорта одам эшитиб қолар деган ўйда дам-бадам хуштак ча-либ, қийкириб ҳам турдим. Ёмғир тугаши билан йўлга тушаман, деб турсам, отам билан акам келиб қолди. Овора қилганимга роса хижолат бўлдим, онажон. Аммо отдан учиб кетган акамни Худо сақлади.

Бу гапни эшитиб анграйиб қолган онам бир акамга, бир отамга қарайди:

– Нималар деяпсан, қайси отдан, нега йиқилади? Ўзимам сезгандим бирор кор-хол бўлган, деб.

Бу гапларга парвосиз бир нималарни ўйлаб ўтирган катта акамга қарадим. Қоп-қоронғи, ёмғир кучайганидан-кучайиб турган оғир об-ҳавода Шамсиддин акам ва қўйларни отам билан бирга топиб келганидан оғзи қулоғига етган Ҳамидбек акам назаримда тезроқ тонг отса-ю, ўртоқларига оқшомги саргузаштини айтиб, бир мириқишни ўйларди. Онам эса акаларим ўз сирларини тезроқ ошкор этишларини кутарди.

Катта сопол товоқдаги қайноқ шавла баданни қиздириб юборди. Отам жимлик-ни бузиб, сиполик қилиб гапиришга ийманаётган катта акамга юзланиб гап қотди.

– Қани, нима бўлганини онанга ўзинг айтиб бер.

– Милтиқни ўқламасам ҳам бўларкан...

– Милтиқни қўятур, ўзингга нима бўлди, жон болам, – дея кўзлари мўлтирарди онагинамнинг.

– Биз мўлжални тўғри олибмиз. Соё бўйида кетаётсак, узокдан кимнингдир бор овозда чақиргани эшитилди. Отам иккимиз унга жавобан орқама-орқа, "О-о-о-о-о!" дея қийкириб жавоб қайтардик. Отам жиловни бўшатган эди, Қашқа қанот чиқариб учди ўзим.

– Тезроқ айт, ўзингга нима бўлди, отнинг қанотини кейинроқ айтарсан...

– Бир чеккадан айтаяпман-ку! Қоп-қоронғуликда яхши кўрмабмиз, олдимиздан каттакон жар чиқиб қолди. Кўк учқур бирдам тўхтамасдан тубсиз жарнинг устидан учиб ўтди. Сел ювган жой экан, чамаси. Қашқажон жардан ўтиб, олдинги оёқлари ерга теккан чоғида мен отдан ағдарилиб тушиб, қияликдан пастга юмалиб кетдим.

– Бирон жойинг лат емадимми, болам?!

– Чавандозлар йиқилади, туради. Ким отдан йиқилиб ўлибдики, мен ўлсам?

Тўнғич акам аллақачон ўзини чавандозлар сафига кўшиб қўйганидан отам мийғида кулар, онам эса дилбандига қараб тўймасди, шу палла. "Донгдор, номдор чавандоз бўлмаса ҳам майли, фақат боши омон бўлсин".

– Нафасингни шамол ўчирсин, илоҳим, – деди онам.

– Ҳали ўзимни ўнглаб ўрнимдан туришга улгурмасимдан, қаёқдандир етиб келган Қашқа тумшуғи билан туртиб, мени ўнглаб қўйди. Олдимдан жилмай ҳидлайди, жонивор. Манавингиз бўлса, "Ким бу", деб устимда хоҳолаб турибди. Отчалик ақли йўқ. Бунингиз бир ўзи жарда қолиб қўрққанидан бошқа гап топа олмаган, ҳеч бўлмаса, қўл узатишни ҳам билмайди. Отам келиб қолмаганда, ўзим билардим, сени нима қилишни.

– Нега қўрқар эканман? Тошнинг устига самолётдан йиқилибмидинг, қўл чўзсам? Ерлар эриб, ўтлар юмшаб: "Қани, ким ўмбалоқ ошар экан менинг устим-да", деб кутиб ётган бўлса. Ётавердим, маза қилиб!..

Қишлоқнинг чўл тарафидаги "Қирққиз тепа" орқасида чақмоқ чақиб, ўқтин-ўқтин гумбурлаган чоғда еру осмон бирдай ёришиб кетади. Шамсиддин ўнгирнинг ичидаги пана жойда бўлсаям акаси қидириб келишига ишонарди. Аввал қўйларни тарқалиб кетмасдан йиғиб олганидан қувонган бўлса, бугунги ёмғир туфайли уйга кечга қолгани онасини хавотирга солишини ўйлаб: "Акам кўриниб қолади", деган умидда чор-атрофга аланглади, хаёлан гир югурди. Аямай савалаётган ёмғир кўлоб ерда ҳосил қилаётган пуфакчалар худди чаппа турган қўнғирокчалар сингари чўлпиллаши бирам завқини келтирардики, қўяверасиз. Унинг назарида, нафақат туғишган акаси, балки отаси, амакилари, бутун бошли қишлоқ аҳли отлар ва эшакларда уни қидириб юргандек туюлади.

Шамсиддин кўлидаги тол новдасини ҳавода бир-икки силкитди. Жарнинг қирраларини ушлаганди, уқаланиб тушди: "Бўри ташланса, бу ерларда тош топилмайди. Отам милтиқ олиб берса асло қўркмайман, бўрининг ёниб турган икки кўзининг ўртасини пойлайман-да, тепкини босаман. Тамом. Терисини топширсам, пулига бош-оёқ қишлоқ кийим-кечак, этик, кулоқчин оламан". Шамсиддин хаёлга берилиб онасининг гапига жавоб бермаганини эслаб, бошига тушган иш ҳақида гап очди.

– Сизлар мени, қўйларимни қидираётганингизга жуда-жуда ишонардим. Зим-зиё зулматда шундоққина кўз ўнгимда тепадан юмалаб тушган акам эканлигини англаганимча, не хаёлларга бормадим. Яхшиямки, от дупури, отамнинг қийқириғи эшитилиб турганди. Бари-бир, қўрққан эмасман.

Икки акамнинг ярми ҳазил, ярми чин гапларидан онамнинг юзи бужмайди, қошлари чимирилди, нафас олиши тезлашди. Гапга аралашмай индамасдан ўтирган, ўнинчи чироқнинг кучсиз ёғдуси юзига тушиб отамнинг мийиғида қулиб гапириши ғалати туюлди менга.

– Бунинг орқамдан тушиб қолди-ю, отнинг жиловини тортиб, ўзимни ерга отиб у йиқилган ёкқа югурдим, бироқ Қашқа мендан ўзиб, ўнгирга етиб келибди. "Яхшимисан, бирор жойинг оғримаяптими? Ҳеч нарса қилмадимми?" деб сўрасам, "Хавотир олманг, яхшиман", деди.

Иссиғида билмагандир, деб ўзини отга миндириб қўйдим. Кўриб турганингдек, иккала ўғлинг ҳам, қўйларинг ҳам соппа-соғ, буларинг бир-бирига ҳазиллашмасдан туролмайди. – Гарчи отам шундай деб, онамни юпатишга ҳаракат қилса-да, яқингинада ақлни оздиришга бир баҳя қолган воқеани эслаб қулиб қўйди.

...Суворий тулпор билан бир бутун бўлиб қоронғи кеча қаърига сингиб кетди. Оқшом уларга қараб учарди гўё. Қиши билан чириган ўтнинг оғир ва қуюқ хиди юзга урилади. Қандайдир ёввойи қувонч чулғаб олди отликнинг вужудини; тепчиган қон бошига урилиб, қиздирарди аъзойи баданини. Бу парвоз эди, чавандоз от билан бирга ердан кўтарилиб учиб кетаётган эди. Атрофда ҳеч нарса кўринмасди: еру осмон, ҳатто, Қашқанинг боши ҳам, фақат, кулоқда шувуллаган шовқин эшитиларди ва бир зумда ҳаракатга тушган бепоён дунё рўпарадан келмоқда эди. Ўғлининг йиқилгани, унга бирор қор-қол бўлган бўлиши эҳтимоли мутлақо суворийни қарахт қилди. Унинг хаёли бўм-бўшлик билан банд эди шу онда. Фақат қувончга тўлиб-тошган юраги кинидан чиқиб кетаёзганди, қил томирлари баданни жимирлатиб, гўё рақсга тушарди, бепарво. Кўпдан бери қилган орзу-нияти бир неча сонияларга бўлса-да, ушалди. Аъзойи баданини ларзага келтириб, жонини халқумига келтирган завқ қуввати маст қилиб қўйганди от эгасини.

...Кейин ерга оҳиста кўндилар. Олд оёқларини тик кўтарган жонивор жон-жаҳди билан пишқириб, бошини сарак-сарак қилган ҳолда эндигина ўзига келган чавандоз йиқилган томон кескин бурилди. Шунда суворий отнинг жиловини тортиб, эгардан ирғиб тушди ва пастга қараб елиб бораётган отнинг орқасидан жон-жаҳди билан ўзини сойга ташлади. Ҳозиргина мингашиб келаётган ўгли фалокатга учради! Жарликка қулаган кўринади, овози ҳам келмаяпти. Шикаст емадимикан? Бирор жойи майиб бўлмадимикан? Кетма-кет хаёлига келаётган даҳшатли ва кўрқинчли саволлар уни адоий тамом қилиб емирар, аччиқ алам, хавотир вужудини, кўксини тиларди. Шундагина у қутилмаган, мудҳиш фожиа бошига тоғдек ағдарилаётганини ҳис этди, томоғи бўғилди, нафаси қайтди, оёқларида мажол қолмай, латтадек шалвираб, мадорсизланганидан дўнглик устига ўтириб қолди. Атрофга даҳшатли жимжитлик, оғир ва ғамгин сукунат чўккан, ҳатто сойдаги шарқираб оқаётган сувнинг овози ҳам қулоққа кирмайди шу топда.

Аммо фарзандидан хавотир-ўй суворийни туришга, ҳаракатга ундади. У қоронғидан йиқилиб, туртиниб тик жарнинг тубига бориб етди. Тепага қараган эди, қоп-қора зулматдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Осмон ҳам йўқ эди. От ҳам кўздан ғойиб бўлди. Соининг совуқ сувида тиззагача сув кечиб бораётгани учун аста-секин ўзига кела бошлади, шекилли, жон ҳолатда у ёқ, бу ёққа аланглади. Юраги тарс ёрилай дейди. "Аллоҳим, болаларимни фалокатлардан асра!" дея илтижо қилди. Қани энди болаларидан дарак бўлса. Овозини эшитса бўлди – болалари учун ўзининг жони чиқиб кетса ҳам майли ўшанда. У тошларга қоқилиб, сой бўйлаб, юқорилаб бораверди. Бир пайт қулоғига йўқолган ўртанчасининг овози чалинди. У қотиб қолди, бу ёқимли ва жондан азиз овозни эшитиб. "Ота-а-а", деган овоз қайталаганда, ўша тарафга қараб югурди. Орқама-орқа чалинган ҳуштак, ўғлининг овози жарликларда акс-садо берди! Унинг тош боғлангандек оғир оёқларининг ҳаракати бесўнақай, қанча чопса ҳам йўли унмасди. Нимагадир йиғи овози келмаётди. Бу ўйдан ўзи кўркиб кетди. Илоҳим, ўзинг асра!

Анави, кимгадир тик туриб шанғиллаб гап уқтираётган азамат ўзининг ўртанчаси-ку! Унинг кўзи икки тиззасини кучоқлаб ўтирган тўнғич ўғлига тушганда, ички титроқ уни ўша онда турган ерига михлаб ташлади! Иккаласи ҳам омон экан! Шунда унинг бўшаб қолган танаси ичига бўғзидан чиқиб кетган жони, қайтиб кирди гўё...

Отам чойни ичиб бўлгач, тош чироқни қўлига олди-да:

– Отнинг эгарини ечиб, молларга ем бериб кирайлик. Милтикни ҳам тозалала мойлаб қўйиш керак, – дея мени эргаштириб чиқиб кетди. Дарвозахонада турган Қашқанинг ёнига бориб ёлларида, бошларидан силаб, "Ҳа, яша жонивор", деди-да, айлини бўшатиб эгар-жабдукни ечиб, бир чеккага қўйди. Тоза куруқ латтада ҳафсала билан отнинг устини арта бошлади. Тулпорнинг оғзидан сувлигини олаётди: "И-йе, Қашқа йиғляпти-ку", деб қолди. Пастга қаратиб олган тумшуғига яқинлашиб, маъюс кўзларига қарасам, ростакамига оқаётган дона-дона ёшдан қўлларим ҳўл бўлди. Бу қутилмаган ҳолат ҳосил қилган ғалати титроқ танамни силкитиб юборди.

– Ҳамидбекни чақир ўғлим, Қашқа ундан хавотир олаяпти, – деди дадам.

Ичкаридан отилиб чиққан тўнғич акам Қашқанинг пешонасини силаб, юзларини тулпорнинг юз-кўзларига босиб, тумшуғини кучоқлаб ўпди. От жонивор эса кичкина чавандозини соғ-саломат кўрганидан танасига қайтадан жон кириб эриб кетди чоғи, уни тинмай хидлар, хурсандлигидан тойчоқдек диркилларди. Акам энтикканча: "Раҳмат сенга, Қашқа", деди-ю қўлидаги бир калла қандни учқурнинг оғзига тутди.

Ҳовлига чиқсам ёмғир тиниб, ҳаво чарақлаб очилиб кетибди. Сутдек оппоқ осмонда сон-саноксиз юлдузчалар кўзларини пирпиратиб, уялиқираб жилмайиб турарди.



Даврон РАЖАБ

Сирлар шу лаҳзада бўлар намоён

* * *

Оч бинафша тус олди осмон,
Ҳилол билан буржлар сирлашди.
Тирноқ шаклига кирди ойдон,
Ранглар аста-секин тўқлашди.

Ой, сен билан суҳбатим йўқдир,
Аммо кўкдан дарчамга ҳар тун
Нур оқиб келар: шивир-шивир
Ва ёришар юрагим буткул.

Бу ғуборни ювар тўзимим,
Ҳилол тушар қўлим остига.
Коинотга туташар йўлим,
Само дўнар кўнглим рангига.

* * *

Саёҳатга чиққанман:
куёш шуълаларин
юрагим ураётган
нафасга қўшилмасдан
олдин кўриш учун.
Келаётган йўлим,
ёруғликдан ёруғликка
қадар чўзилган.

Даврон РАЖАБ – 1967 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети ҳузиридаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олган. Унинг “Бир томчи юлдуз”, “Бахт шамоллари” шеърий китоблари нашр этилган.

Олисмас манзил ҳам
ҳар куни босилажак
қадамма-қадам
келажакдан иборат.

Жадидлар хотирасига

1

Айнан шу кун
ойнинг сўнгида
эслайсан ёз ўтганини
нафақат фасл –
бу кун оласан ёдга
хурфикр ва юрт қайғусин
бағрида ундирган
тетапоя қадамин
маъсум баҳор чорлаган
юрак фаслларини!

Хотирлайсан
ҳа, айнан шу кун
кузни эмас, йўқ...
қишни
қаҳратон қишни
ва номаълум дўшайган қабрни
ёпиб қўяр юзсиз қатағоннинг
доғли қори...

2

Садосиз йиғлайсан
йиғлайсан қўзёшсиз
айнан шу кун кузнинг сўнгида
Қодирий отилган
отилган Чўлпон
бўғзингда уларга отилган
қўрғошин – ёдгорлик
ва манфур учлик –
ўлаксахўрлар
адиблар устида ғимирлайдилар
улар гўё ҳалок бўлмаган
улар гўё ибодат учун
бош эггану кетган фанога
улар гўё намоз вақтида
турган каби рукуда мангу
улар ахир қиличга эмас
сажда учун эгган бошини...
айнан шу кун

ёзнинг сўнгида
эслисан
Тошканд узра эсан насимни
насимки
олиб учар шаҳидлар хокин
тўзғитар қабри йўқлар тупроғин
бир насимки кўзёш ёғдирар
эсса фақат куйдирар...
эсиб туриб эслатар,
эсиб ёндирар...

* * *

Мактаб ҳовлисида олма дарахти,
Мевалар солибди, бу қадар юкли.
Бу дарахт муаллим каби фараҳли,
Ҳаётни ўргатган каби суюкли.

Олма узай десам, кўздан оқар ёш,
Илк дарсга келганим эсимга тушар.
Бир пайтлар эдим-ку, нодон, хўб бебош,
Болалик чоғларим, ёдда чирмашар.

Мактаб ҳовлисида турибман, мана,
Кўзимнинг олдида товланар олам.
Дарахт, сен сеҳргар бўлсангу яна
Дарсларга қайтсаму, тингласанг нолам...

Қани эди, аммо имкони йўқ ҳеч,
Энди биз сабоқни, йўлдан оламиз.
Устоздан олмадик, афсус, энди кеч,
Энди биз қалбларда нолон қоламиз.

Мактаб ҳовлисида олма дарахти,
Мевалар солибди, бу қадар юкли.
Бу дарахт устоздек, эзгу бир аҳдли,
Дунёни ўргатган каби шуқуҳли.

* * *

Кечаги кундан
бугунга
капалакдек
учиб ўтар умр.
Капалак лаҳза
шаклига
кирган юрагим,
нафасга айланиб,
чиқар қафасдан.
Бу капалак

омонат парвозга
берилиб,
унутиб
кўймасмикан
ўз танасини.

* * *

Мен учаётган тайёра шаффоф,
сен уни кўрмайсан.
Мен ҳам сени кўрмайман,
юксаклардасан...
Фақат интиқлик бор:
Тиқилинч,
нотинч.

Дунё эса кенг,
сен қаердадир учаяпсан,
кимдир гўё
сен ҳақингда қаттиқ қайғурар.

Эсингдами, юз йил аввал,
мен сенинг қўлларингни
тутганимдан шод,
сен эса пинжимда
бахтиёр эдинг.

Сўнг, узилди лавҳа,
сен қайдадир олисда
қолдинг-кетдинг.
Юрагим шув этиб кетди,
учаётган тайёрамда йўксан,
қара,
йўқмиз.

Бу учоқ ҳамон қайгадир елмоқда,
Муаллақликда,
Балки, сен –
ўзингни мен билан деб, ҳисоблаб,
бахтиёрдирсан.
Бу шаффофликда:
хаёлимиз бор,
ўзимиз йўқмиз.
Кел, хаёлларда мангу қоламиз,
Кел, қиламиз парвоз,
Кел, кетамиз учиб,
Кел.

* * *

Тошкент осмонида парқув булутлар –
Ҳали бўлган эмас яқин бу қадар.
Гўё етар қўкка қўлинг узатсанг,
Ватанин топгандек – юрак дарбадар.

Қайтиб келган каби умид манзилга,
Момикпарча бўлиб, хаёл-ла елиб.
Асли адашмабман, бўлиб паришон,
Йўқ-йўқ янглишмабман, Тошкентга келиб.

Йўқса кўрмас эдим соф орзуимни,
Дайди шамол каби елардим унсиз.
Балки оппоқ бўлиб, балки тим қора,
Осмонга кетардим сўзсиз забунсиз.

Бу қадар беғубор, бу қадар содда –
Сирлар шу лаҳзада бўлар намоён.
Кўнглим осмонини англадим бугун,
Улар булутлардек урарди туғён.

* * *

Беш кундан сўнг ўтади баҳор,
Ёз келади, кипригинг каби
Ниш уради кўнглимда озор.

Кунлар ҳиссу соғинчдан униб
Сену мендан бўлиб бегона,
Кунлар ўтар устимдан кулиб!

Сўнгра ҳасрат кетади бошлаб,
Тўкилади тилсиз мевалар...
Ёз ўтади кўзимни ёшлаб.

Ёна-ёна бўлар заъфарон,
Қайтиб келар боғларимга куз
Ҳижрон ҳақда чиқарар фармон.

Кейин маҳзун қаҳратон келар,
Сен қайтмайсан, аммо қошимга...
Қиш сочимга мангу ун элар...

Тушларимга сўнг баҳор узок,
Гулбаргларин тинмай сепалар...
сен қайтмайсан, қайтмайсан, бироқ...

Софора

Яна гулга кирди Жавзо дарахти,
Энг маъсум дамларин ёя бошлади...
Гўё лайлак қордек ёғмоқлик аҳди...
Бу дарахт фусункор лаҳзаларини
Сўз эмас гулбарг-ла этарди уда,
Гулларга буркарди жазбаларини.

Менми, дард айтишда хўб едим ийзо...
Ул эса ёғарди умримга пайваст,
Ул йиғлайверарди истамай ризо...

Дарахтнинг тилида нима ҳам дердим,
Тўкилиб сўйларди, кўнгил тошириб –
Дилда бор ҳасратни мен унга бердим.

Мана у ёғмоқда мисли қор – дилгир,
Ўйнаб жилосини яйнатган каби...
Мана у ёғмоқда, шукур, Мусаввир!

* * *

Кулсанг агар
табассум қил
бор кучинг билан
худди эзгу орзуинг
ва дунёда барча армонлар
барҳам топгандек
кулгинг қимирлатсин
бор вужудингни
Бўлмаса кулма
ясама кулги
йиғидан-да хунук кўринар

“Қодирийнома”

*Теваракдан шом азони эшитиладир...
“Ўткан қунлар” дебочасидан*

1

Аллоҳу акбар... Бу – намозгар!
Йўлга отлан... сукунли садо!
Тошканд. Марғилон. От. Эгар.
“Ул кўзлар” деб бўламан адо...
Қодирийдан бошланғон савдо!
Яратган қаҳрига йўликғон
Мадфун Туркистон итлари...
Йўқ, Кумушмас, бу – эрк ўлғон!

Дарбоза ғирчиллаб очилар,
Минорада... чорлар муаззин,
Тарқалар, кўзимдан сочилар
Туйғулар! О, бунчалар хазин...

2

Тошканд, Самарқанд ва Бухоро,
Саройлари донгдор, бир қара!
Шарқу жанубға тик қурилғон...
Бу – Қодирий чизғон манзара!

Ёки ўзинг менга айтиб бер,
Ким шундай сўз айта олар!
“Ўткан кунлар”ға ташла зер
Азонларни кўнгилга солар!

Менга чизиб бер ёки сурат,
Унда ВАТАН намоён бўлсин!
Юсуфбек ҳожидек бир журъат,
Ўтли чорловидан дил тўлсин!

3

Бобонг оламдан ўтгани йўқ,
У ҳалок бўлмади жангларда.
Рукуда турғонда тегди ўқ,
Шаҳид бўлди хуни манглайда!

Қўлимда Қодирий китоби,
Бир замонлар эрлар гизлаган.
Сўнг истибдод манфур ҳукми-ла
Эранлар эр кучун йиғлаган.

Қўлимда Қодирий китоби,
Ҳар бошни мозийға элтади.
Элнинг ҳеч тушмас шитоби,
Йиғлайман, кўзёшим битади...

Титраган япроқда кузак шарпаси



Шухрат ТОҲИР

Истило қилғай

Кўнгилни саждагоҳ билдим,
Кўнгилни тоза моҳ билдим,
Авайлаб кўрки, хуснини
Равон йўлда ҳам қоқилдим.

Ажаб дунё – синоат-да,
Риёкорлар зиёратда,
Ибодатда тили бийрон,
Дили чўккан хиёнатга.

Аё руҳим, на кун келди,
Наҳот ишқим якун келди?
Нафс тўфони қаршисида
Гурур тоғи забун келди.

Иймонки истило қилғай,
Риёни интиҳо қилғай.
Эътиқод шамс тиғи каби
Инсонни имтиҳон қилғай,

Инсонни имтиҳон қилғай...

* * *

Қўл етмас ҳилолни хаёлда қучдим,
Ўт эдим, нуридан маст бўлдим, ўчдим.
Ишқ чашмаси дея шаробни ичдим,
Ғафлат кулбасида қилиб зиёфат.

Шухрат ТОҲИР – 1976 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. “Халқим” номли шеърӣ тўплами чоп этилган.

Икки дунё ичра яшар ишқ – боқий,
Дилга дард, гоҳ малҳам қуяр ишқ – соқий.
Эй, меҳр қуёши, эй, шаффоф дохий –
Муҳаббат, сенга ҳам қилдим ҳиёнат.

Қисмат не кўргузса барига кўндим,
Ўзимас, ўзгани бир осий кўрдим.
Неки бор гумроҳлик юракка кўмдим,
Кўзимга босилди чўғдай диёнат.

Шайтон ҳар қадамда ўқийди афсун,
Тундай зулмати бор, карами маълум.
Кузнинг боғларини кезгандай маҳзун,
Ўтган кунларимни қилдим зиёрат.

Эй, денгиз келбатли юрагим, уйғон,
Кўнгил, сен ҳам куйла булбулдай бийрон.
Гуноҳ харид қилдим, сотиб мен виждон...
Етар энди шунча ёлғон тижорат.

Савдойи

Титраган япроқда кузак шарпаси –
Кўкракни муштлаган юрак зарбаси.
Фигонинг армонни аччиқ зардаси,
Маҳзунсан, маҳзунсан, маҳзунсан.

Ҳаёт доим бедор, хаёллар сокин,
Орзу ўлган дилда ғуссалар ҳоким.
Севги саҳросида мажнунсан, токим,
Мазлумсан, мазлумсан, мазлумсан.

Вафо истаганинг бевафо ёрдан –
Чаман излаганинг аёздан, қордан.
Булбуллар маст бўлган гўзал баҳордан
Маҳрумсан, маҳрумсан, маҳрумсан.

Сарбонинг шайтонми ва ёки Раҳмон,
Билмадим, умидинг яхшими, ёмон.
Қалбингда уйғонган исёнлар пинҳон,
Мавҳумсан, мавҳумсан, мавҳумсан.

Асли сен ўхшайсан на дўст, на ётга,
Ўлжасин йўқотган ожиз сайёдга.
Яланғоч фаслдай шундай ҳаётга,
Маҳкумсан, маҳкумсан, маҳкумсан.

Мен

Кўклам боғдан қишнинг захрин суғурди,
Ёмғир. Новдаларда томчи югурди,
Мени соғинишга сулув улгурди,
Чаккасига райҳон таққанимда мен.

Нур бериб ҳилолга ўхшади санам,
Пойимга баҳорин тўшади санам,
Уйқусиз туш кўриб яшади санам,
Ўйида сой бўлиб оққаннимда мен.

Ортиб бораверди безабун ваҳмим,
Меҳрим ўсган сари сел бўлди қаҳрим,
Гоҳи кўнглимга ҳам келарди раҳмим,
Қалбни ишқ ўтида ёққаннимда мен.

Рухимга кўшк бўлди бу азим тоғлар,
Тоғлар само билан руҳимни боғлар.
Қуёш эркалади, лол бўлди зоғлар,
Кўкда қушдай қанот қоққаннимда мен.

Кўз очдим, пойимда хаслар кўринди,
Хасларнинг остида пастлар кўринди,
Севгимдан ошиқлар мастлар кўринди,
Самодан заминга боққаннимда мен.

Севги дилдан ғамнинг захрин суғурди,
Кўзларда кўзёши – томчи югурди.
Мени соғинишга сулув улгурди,
Дудоғига бўса босганнимда мен.

Она замин

Елкасига олиб ҳаётни
Яшар камтар бу она замин.
Шундай бандки, ажрата билмас,
На шодлик, на қайғунинг таъмин.

Бунда яшаб мен англаб қолдим,
Унинг қалби – қабр, биродар.
Инсонларга меҳрин исботи,
Хоинни ҳам бағрига олар.

Тупроқ азиз, тупроқ бегубор,
Излама, йўқ касдан гинаси.
Мангу меҳрин улашган улуг
Тоғлар – она замин сийнаси.

Бўлмас

Ҳикмати кўп гадоларнинг ҳаётида –
Тома-тома томган сувга ҳовуч тўлмас.
Номард кирни тоғ деб билар ҳаёлида –
Зоғ тилло пат таққан билан товус бўлмас.

Тунни тонгга улаб ярим дармонидан,
Шоир гўзал боғ яратар армонидан.
Нодон нолиб ўтар тўкин давронидан,
Ит кечгани билан анҳор ҳовуз бўлмас.

Куйи-кўшиқ, кўшиғи – куй булбул – замон,
Асли, инсоният умри – бир гул, замон.
"Чўли Ироқ" ларни истар кўнгил, замон,
Ҳар хиргойи қилган киши ҳофиз бўлмас.

Куй юракка етолмайди тордан бўлак,
Ибосизлар ўтар толе, ёрдан бўлак.
Кўнгил асло кун кўрмасин ордан бўлак,
Танни пинҳон тутган кимхоб номус бўлмас.

Лайлакқор

Сочларинг оқарган, фасли қиш келди,
Орзулар оққушга айландими, ёр?
Кўкда оппоқ булут – оппоқ қуш келди,
Қара, замин узра беун ёғар қор –
Парлари сочилган оққуш – лайлакқор.

Хотирда жонланар илиқ бир висол,
Ҳилол гувоҳ бўлган ойдин оқшомлар.
Сенинг муҳаббатинг лабларими ол...
Армонлар топдими дилдан ошёнлар?
Бесас йиғлаганинг каби оқшомлар
Ёғар чиқармайин товуш лайлакқор.

Фасллар ичинда адашдинг беҳуш,
Хаёлларинг баҳор, вужудинг кузак.
Кунлар ҳам, тунлар ҳам ухламай, бетуш,
Урар фасллардан қочмоқ-чун юрак.
Юрак учун фақат болалик керак...
Ёшлик сурган хаёл, ё туш – лайлакқор.

Билмам, вужудингда руҳ борми, йўқми,
Томирингда ишқми, ё қонми оққан.
Балки шу ҳаётдан ошиқ дил тўқми,
Кўзлар бугунидан ўтмишга боққан.
Орзу ва армондай хотирга ёққан
Кўнгилдай беғубор оғуш – лайлакқор.

Мен карвонман, юким кўп оғир



Сайфулло ҚУЛАЕВ

Дераза олдида

Тобут ўтса ёнидан ногоҳ
Мотам тутиб очади аза.
Ҳам шодликдан, ҳам ғамдан огоҳ,
Бўёқлари кўчган дераза.

Кузда учиб ўтса турналар,
(Кўкламгача Худо асрасин)
Хайр, хайр дегандек бўлар,
Силкитганча гулдор пардасин.

Шу одатин қилмайди канда,
Ўтганга-ю, кетганга йўлдош.
У қуёшдан тилайди ханда,
У ёмғирдан олади кўзёш.

Озгина оғрик

Ҳеч не бўлгани йўқ, хазон фаслида,
Озгина оғриди кўнгил гул учун.
Оғримоқ одатдир унга аслида,
Зоғлар ичидаги бир булбул учун.

Сайфулло ҚУЛАЕВ – 1960 йилда тугилган. Душанба шаҳридаги Мирзозаҳрат Олимов номидаги Республика Рассомлик билим юртини тугатган. Тожикистондаги ўзбек мактаблари учун “Она тили” дарслик китоблари муаллифи. Шоирнинг замонавий тожик адабиёти номояндалари ижодидан ўзбек тилига таржима “Дилдан дилга” деб номланган китоби чоп этилган.

Унга бўла билмас шодлик нўшдору,
Ўзи хабар берар дард борлигидан.
Озгина оғриди баъзида ёру,
Баъзида ағёрнинг ағёрлигидан.

Шунингдек, уришни қилмасдан канда,
Киприкка илдириб томчи-томчи нам,
Озгина оғриди укам кетганда,
Озгина оғриди кетганда онам.

Қоладиган гап йўқ, дўстим, ўзингдан,
Энди кор қилмайди, дам урма, дам ур.
Шунчаки ўқ каби отган сўзингдан,
Озгина оғриди бу кўнгил курғур.

Бу бориш-келишнинг қизиғи бўлмас,
Карвон орқасидан итлар хурмаса.
Мен соғлиқ қадрига етмасдим, хуллас
Бу кўнгил озгина оғриб турмаса.

Парадокс

Гоҳи ғалат, саволларга ғарқ,
Парвозгами гоҳи чоғланиб,
Бу хаёлкаш, ўйчан ичкари
Ташқарига турар боғланиб.

Ичкаридан у кузатади:
Дарахт. Осмон. Замин. Ёш-қари.
Қизиксиниб алҳол, шунингдек,
Кузатади уни ташқари.

Шивирлайди кечалари ой,
Деразанинг титрайди кўзи:
"Нуқул тинсиз урар кўкраги,
Ичкарида нима гап ўзи?"

Ичкарида кеча-ю кундуз,
Кўкрагимни тинсиз тирналаб,
Юрак сўрар: ташқарида-чи,
Ташқарида ўзи нима гап?

Ҳар гал шундай, асир юрагим
Кўкрак деган тор хонасидан
Ташқарига қарайверади
Кўзларимнинг оинасидан.

Онамга хат

Тонг олисида, орзудай олис,
Тун узундир хаёлга монанд.
Юрагимда тўлғонар бир ҳис,
Аҳволингиз нечукдир она.

Бу уй эмас, гўё ғамхона,
Мен соғиндим сизни телбавор.
Сиз гуллаган баҳорда, она,
Мен қишдаман, атрофимда қор.

Бошингизга элаётир гул,
Тасаввурим чизган хуш онлар.
Менинг эса эгну бошим хўл,
Вужудимга кирди бўронлар.

Борсам эди дейсиз келолмай,
Ҳар каломда соғинч – дил уни.
Моҳтоб гўё етилган олма,
Осмон – чимзор, нурли ва тиниқ.

Сиз топинган фарзанд – хотирга
Ўша пастак кулбангиз – қаср.
Фақат тушманг сиз хавотирга,
Хавотирнинг кўзлари басир.

Фақат кутинг онажон, холис
Ўйлар билан қайтарман яна.
Ҳозирча хайр, тонг жуда олис,
Тун узундир хаёлга монанд.

Яккаписта манзаралари

Кўкда шамол булутни сургай,
Ерда қушлар анжуман қургай.
Битта адир аёлдек тургай,
Этагига гулларни солиб.

Ажаб шакл сангу сойида,
Битта адир муқим жойида.
Бошқа адир тоғнинг пойида,
Чўзилгандир ёнбошлаб олиб.

Шамолларнинг лашкари энди,
Шар отларнинг дупури тинди.
Адирликка бир булут кўнди,
Шоир каби хаёлга толиб.

Тоғу тошлар кўк ёқа-енглик,
Ғимирлайди олисида чўнглик.
Қамиш-қиёқ белбоғли дўнглик,
Ётар эди найқамиш чолиб.

* * *

Рақсга тушар олов саратон,
Рақсга тушар гармселлари.
Ўроқчилар қадди ёй-камон,
Зирқирайди нозик беллари.

Оғир карвон комбайн ожиз,
Ўнгирларда бир сўз демокка.
Атир эмас, ғуборолуд ис,
Урилади сувсиз димокка.

Олисдаги тут – ҳуркак қизнинг,
Сийнасида ухлайди илон.
Хушбўйлари келмас полизнинг,
Ёмгирларни қумсар тут – жувон.

Буғдойзорни ораламас ел,
Ҳарорати орта бошлайди.
Хотин-халаж – тиним билмас эл,
Чалғи ўроқ торта бошлайди.

* * *

Неча кунки шошқалоқ шамол,
Дайдиб юрар паришонхотир.
Неча кунки ялқов туманлар,
Дараларга киролмаётир.

Музлаб ётган қари тоғ бошин,
Қучиб ётар совуқ саросим.
Кузатади гиёҳлар зимдан,
Тутаб ётган уфқ қаросин.

Суратини кўчирсам дилга,
Нигоҳимда суздирмоқ учун.
Тепаликлар – сонсиз қабрлар,
Ғамгинликни эслатар нечун.

Нечун куннинг пирпираб турган,
Нурларида оқмайди фараҳ.
Лабларимда гуллаган ҳар сўз,
Бу кунлардай заиф, тасқара.

Тушунмайман, нечун оқ отлар –
Туманларнинг силайди ёлин,
Атиргулга айланмоқликни,
Ният қилган ўсмир хаёлим.

Адабиёт — иймон



Сувон МЕЛИ

*Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур.*

Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр”

1

Бадиий адабиёт, сўз санъати пайдо бўлибдики, унинг ёнида унга баҳо берувчи, муносабат билдирувчи кимдир, нимадир бор. Биров буни поэтика, биров критика, ҳазрат Навоий бобомиз “Мажолис ун-нафоис”да нафис мажлислар деб атайдди. Ҳақиқатдан ҳам сўз санъати, шеърят ҳақида муҳокама юргизиш айна нафис туйғулар тараннумидир.

Биз ҳозир йиллик ҳисоботини ўтказаяётган кенгаш, яъни “Адабий танқид” кенгаши сал илгарироқ “Танқид ва адабиётшунослик” кенгаши деб номланганди. Кейинчалик ҳозирги номга ўтилди. Сиртдан қараганда бу икки ном ўртасида унчалик тафовут йўқдай. Лекин моҳиятга боқсак, адабий танқид бир соҳа, адабиётшунослик бошқа бир соҳа экани маълум бўлади. Тўғри, улар ўртасида узвий боғлиқлик бор, ҳар иккиси ҳам адабиёт, унинг маҳсули бўлиши бадиий асар ҳақида фикр юритади. Лекин фарқ ҳам тайин.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Тил ва адабиёт институти “Адабиёт назарияси” бўлимида икки томлик “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи” номли фундаментал тадқиқотга киришилди. Бўлимга йирик адабиётшунос олим ва драматург академик Иzzат Султон раҳбарлик қилар, унда Матёқуб Қўшжонов, Маҳмудали Юнусов, Пиримкул Қодиров (ёзувчи ва олим), Жамол Камол каби таниқли ижодкорлар фаолият олиб борарди. Мен ҳам шу зотлар даврасида эдим.

Эсимда, мавзуга киришишдан олдин ярим йил давомида мажлису муҳокама қилганмиз, адабий танқид ва адабиётшунослик ўртасидаги фарқни аниқлаш учун.

Сувон МЕЛИ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Филология фанлари доктори. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Абдулла Орипов”, “Сўзу сўз” (ҳамкорликда), “Адабиёт фалсафасига чизгилар”, “Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси” китоблари чоп этилган.

Нихоят, шундай тўхтамга келдик. Адабий танқидни адабиётшуносликдан айириб оламиз ва адабий танқиднинг етакчи хоссалари деб шуни белгилаймиз. Биринчидан, у жорий адабиётда яратилаётган асарларга муносабат билдиради, яъни адабий жараёнда бевосита иштирок этади. Адабий жараён эса ҳаминша “ҳозир”дир, ўтмиш ёки келажак эмас. Иккинчидан, адабий танқид жамиятдаги ижтимоий муаммоларга фаол тўқинади. Яъни адабий ҳодиса, асарлар орқали жамиятни таҳлил ва тадқиқ қилади. Бунинг яна бир жиҳати борки, жорий адабиёт ҳам жамият, ҳам халқ ҳаётидаги ўткир муаммоларни тўлиқ ва юксак бадиий савияда акс эттириши лозим бўлади. Бошқача айтганда адабий танқиднинг гуллаши адабиётнинг муайян тарихий даврдаги тараққиёт тамойилларига, жорий воқеликни бадиий тасвир ва ифода этишидаги фаоллигига боғлиқ.

Яна академик Иззат Султон раҳбарлигида ёзилган “Адабий танқид тарихи”га қайтсак. Китобнинг 2-томи яқунланиши арафасида лойиҳа раҳбари Иззат ака адабий танқид тарихи ҳақидаги тадқиқот адабиётшуносликсиз тўлиқ бўлмаслигини англаб, китобни маҳсус “Адабиётшунослик” боби билан яқунланди. Бобни яқинда қайтиш қилган йирик адабиётшунос олим Нўъмон Раҳимжонов ёзган эди.

Кейин мустақиллик йилларида адабий танқидчиликка бағишланган китоб ва дарсликларда, менимча, адабиёт илмининг бу икки соҳаси деярли ажратилмади. Лекин уларни ажратиш зарур, адабий танқиднинг келажак тараққиёти учун зарур.

Мен бу гапларни нега айтаяпман. Гап шундаки, анчадан буён адабий танқиднинг оқсаётгани, гуркираб ривожланаётган адабий жараёни старлича баҳолай олмаётгани ҳақида фикрлар айтилмоқда. Айрим кескинчилар, адабий танқид ўлди, дейишгача боришмоқда. Ўлишга-ку, ўлгани йўқ. Зеро, адабий-танқидий ҳаёт давом этмоқда, учрашув, тақдирот, таваллуд кунлар, радио ва телевидениядаги турли эшиттириш ва кўрсатувлар, мулоқотлар, интернетдаги баҳс-мунозаралар адабий танқиднинг (улар қандай номланиши бошқа гап) тириклигидан далолат.

Лекин адабий танқиднинг жиддий оқсаётгани – шоён ҳақиқат.

Шу фикрни адабиётшуносликка тадбиқ қила оламизми? Менимча, йўқ.

Адабиётимизнинг барча соҳалари ва даврларига оид кўплаб китоб ва тадқиқотлар чоп этилмоқда. Навоийшунослик, бобуршунослик бўйича кўплаб илмий конференциялар ўтказилиб, уларнинг материаллари китоб ҳолида нашр этилмоқда. Уларни санаш шарт эмас, менимча.

Ундан ташқари, ҳозир айрим вилоятларда ҳам иш олиб бораётган илмий даражалар берувчи Илмий кенгашларда юзлаб, балки минглаб филология фанлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинмоқда, уларнинг бир қисми алоҳида китоб ҳолида нашр қилинмоқда. Бу адабиёт илми соҳасида бутун бир мутахассислар армияси дегани.

Лекин таассуф билан айтиш жоизки, шуларнинг тақрибан 95 фоизи адабий жараёнда, яъни яратилаётган адабий маҳсулотга баҳо беришда иштирок этмайди ёки иштирок эта олмайди. Янги асарга профессионал баҳо бериш барча адабиётшуноснинг қўлидан келмайди, шекилли. Шу ўринда филология фанлари доктори Нусратилла Жумаҳўжанинг “Бадиий адабиётнинг ҳимоя иммунитетини” (Сарчашма мавжлари. Мақолалар. Т.: Mashhur press, 2016. 394-бет) мақоласидаги фикр аини муддао: “Адабий танқид замирида тадқиқотчилик ҳам бўлади. Аммо, шуниси ҳам борки, ҳар қандай адабиётшунос танқидчи бўла олмайди. Яъни танқидчилик ҳам ўзига хос нодир истеъдоддир”.

Энди менга топширилган китоблар таҳлиliga ўтсам.

Маълумки, XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида, бошқа шоирларни зарра камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, беш ижодкор алоҳида ажралади: Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон ва Ҳалима Худойбердиева. Ўтган йили шуларнинг иккитаси ҳақида махсус китоб ва монографиялар чоп этилди.

Ушбу санокда Рауф Парфи учинчи ўринда турибди. Лекин айрим параметрлар бўйича, у, унинг ижоди биринчиликка ҳам даъвогарлик қилади. Аслида ўриннинг аҳамияти ҳам унчалик эмас, шу бешликда туришнинг ўзи катта мавқе.

Гап ҳозир адабиётшунос, филология фанлари доктори Илҳом Ғаниевнинг уч китобдан иборат “Адабиёт ва тарих фалсафаси” трилогиясининг учинчи қисми “Рауф Парфи Ўзтурк дунёси” (Т.: Muharrir, 2021. 732 б.) китоби ҳақида. Шу пайтгача шоир шахси ва ижоди ҳақида анча китоблар чиқди, мен бунда Нўъмонжон Раҳимжонов ва шоир ижоди ҳақида докторлик иши ёзаётган Олим Тўлабоев китобларини кўзда тутаман. Лекин Илҳом Ғаниев китоби ҳам ҳажм жиҳатидан ҳам шоир ижодини ялпи қамрови жиҳатидан алоҳида ўрин ва ноёб хусусиятга эга. Китобда Рауф Парфи ижоди, юқорида айтганимиздек, тўлиқ қамралган, ҳар бир шеърга муайян сарлавҳа, улардан айримлари – “Ким у, фикр сочаётган оламга”, “Туркийлар, айтингиз, бизда нима бор?”, “Излаганни излаш фалсафаси”, “Тарс ёрилган қовун навоси”, “Тонг – гўдакми, гўдак – тонг?!” ва ҳоказо – қўйилган ва ҳар бир таҳлилдан сарлавҳада акс этган бадиий ғоя табиий йўсинда келиб чиқади.

Китоб тўлиғича шеърлар таҳлилидан иборат дейиш мумкинки, таҳлиллар ҳам бадиий-эстетик, ҳам маърифий аҳамиятга эга. Китобхонни, айниқса, ёш авлодни нафақат шоирнинг бадиий олами билан таништиради, балки шеърларда тилга олинган факт ва муаммоларни атрофлича шарҳлайди.

Мана бу фикрга ҳам қўшилиш мумкин: “Мен қайсарларча, яна бир фикрда қатъий тураман. Рауф Парфи XX асрнинг иккинчи ярмида миллий шеърят анъанаси анатомиясини янгилади. Унинг шеърлятида патологик анатомия бор... Унинг ишларида миллий шеър анъаналари анча жиддий эврилди, десак муболага бўлмас” (39-бет). Бундаги “патологик анатомия” махсус термин бўлиб, у оғриқли жараёнлар натижасида одам организми ва хужайралар тузилишида рўй берадиган ўзгаришларни ўрганади. Шоир шеърляти ҳам ўзбек жамияти ва миллат руҳиятида кечган оғриқли жараёнлар бағрида шаклланди, деганидир бу.

Айни шу гапдан кейин муаллиф шоир ўзлигини, таъсир кучини шундай аниқ белгилайди: “Рауф Парфи шеърларининг руҳий қувват манбаи собит эътиқод, иймон бутлиги”. Бу икки хислат ўта ноёб белги бўлиб, ҳатто ҳар қандай кучли шоир ҳам бундай синовга чидаш беролмайди. Айниқса, совет тоталитаризми шароитида. Бунинг учун Рауф Парф каби XX аср дарвешли бўлиши талаб этилади, шекилли.

Китобдаги айрим жиддий ва майда камчиликлар ҳақида. Унинг бир ерида инсониятнинг нурли сиймолари (Нур – Оллоҳдан, буни унутмайлик) қаторида Фридрих Ницшени санайди. У нурли эмас, айнан нурсиз сиймо. “Худо ўлди, энди ҳамма нарса (асосан, маънавий бузуқлик) мумкин” деган даҳшатли деструктив ғоя Ницшега тегишлики, у бежиз фашизмнинг маънавий падари бўлган эмас.

Китобнинг кўплаб жойларида машҳур Зигмунд Фрейд ғоялари ҳақида эҳтиром билан гапирилади. Рауф Парфи маънавий тоза шоир, унинг шеърларидан Фрейдга

тегишли “Эдип комплекси” каби ғоя ва туйғуларни излаш ноўрин. Зигмунд Фрейд ўзининг психоанализ таълимоти билан инсониятни ахлоқан бузилишига қора ша-роит яратди. Ғарб, ҳатто бутун дунё ҳам ушбу жараённинг заҳарли меваларини татимокда.

Зигмунд Фрейднинг инсоният олдидаги жинояти (бунга бошқа сўз топиш қийин) шундаки, у одамнинг ҳайвоний майлларини қонуният даражасига кўтарди. Бу жуда хавfli амал бўлиб, инсонни қайта ҳайвонга айлантириш йўлидаги машъум ҳаракатдир. Бежиз эмаски, унинг яқин шогирдлари, кейинчалик ўзлари мустақил ва ёруғ таълимот яратган Альфред Адлер ва Карл Густав Юнг Фрейд ғоялари билан узил-кесил орани очиқ қилдилар. Фрейднинг ўзи динсиз, атеист бўлиб, таълимоти ҳам атеистик таълимот эди. Бу ғоят муҳим нуқтаки, зеро айни дин инсонни Яратган билан боғлайди, ҳаётига маъно-мазмун киритади. Замонамизнинг йирик парапси-хологи ёзганидек, “Инсон ҳайвондан шуниси билан фаркланадики, унинг дини бор. Айни дин инстинктларни жиловлаш ва уларни иккинчи планга ўтказишга имкон беради. Диний дунёқарашни йўқотиш билан инсон муқаррар ҳайвонга айланади, – ҳозир айнан шундай жараён Европа ва Америкада содир бўлмоқда”. (Лазарев С.Н. Человек будущего. Воспитание родителей. Ч.4. СПб. ООО “Глобус”, 2010. С. 76).

Бир қисм зиёлиларимиз онгида Ницше ва Фрейд ғояларига нисбатан эҳтиром бор. Бу хато эҳтиром ёшларимизга юкмаслиги керак.

Муаллиф бир жойда Абдулла Ориповнинг “Сен баҳорни соғинмадингми?” шеърда бир шоҳ сатр бор, дея уни қуйидагича ёзади: “Ниғоҳимда фақат сен пинҳон” (89-бет) ва сатр шунга мос ҳолда шарҳланади, яъни худди Ҳазрат Навоий ғазалидаги “Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил” каби. Лекин шеър аслия-тида эса “Ниғоҳимдан фақат сен пинҳон”. Банддаги маъно да га эмас, дан га мос, шоирнинг ўзи шундай фикрлаган ва ёзган.

Яна бир жойда ёзилади: “Рауф Парфи Ўзтурк ҳам ислом даври (?) – 1994 йилда ёзилган “Тавба” деб номланган...” (557-бет). “Ислом даври” нима, балки Ислом Ка-римов давридир, яна билмадим.

Булар – жузъий гаплар. Лекин умуман олганда, Илҳом Ғаниевнинг ушбу китобини қисқача таърифлаш мумкин бўлса, бу – “Рауф Парфи Ўзтурк ижодининг кичик қомуси”, деса бўлади ва бу адолатли баҳо, бизнингча.

Китоб охирида илова қилинган Шарқ тақвими бўйича муайян йилда яратилган шеърлар жадвали берилган. Бу муайян, айтайлик, қовға йилида шеърнинг яра-тилиши унинг маъно-мазмунини ва руҳиятига қандай таъсир қилади, буни келгуси тадқиқотлар кўрсатар балки.

Ундан ташқари, “Рауф Парфи Ўзтурк шеърларида қўлланган бадий санъат-лар” иловасида санъатларнинг тури ва унга конкрет мисоллар кўрсатилади. “Ўз-ўзини таҳрир санъати” иловасида “Она тилим” шеърининг бир неча вариантлари ўрганилса, “Шоир қачон туғилган?” иловасида ушбу масалага ойдинлик кирити-лади.

Кейинги китоб филология фанлари доктори Исломжон Ёқубовнинг “Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси” китоби монография характерида бўлиб, муаллиф муваффақиятли ҳимоя қилган докторлик диссертацияси матнидир. Муаллиф катта кўламдаги ишни, Мустақиллик даврида турли метод ва услубларда яратилган деяр-ли барча романларни ўзларига хос, ички табиатига мос илмий проблемалар кесими-да етарли профессионал даражада тадқиқ қилган. Китобни ташкил этган тўрт боб, уларга кирувчи 11 фасл ва хулосада янги даврдаги ўзбек романининг бадий-эсте-тик киёфаси ва тасвир-ифода табиати очиб берилади, яққоллик касб этади.

Монография мундарижаси аниқ ва пухта тузилган, у қўйилган бош масала моҳиятини яхлит тарзда белгилайди. Биринчи боб “Мустақиллик даври ўзбек романларида жанр модификацияси” ўз ичига “Роман поэтикаси тушунчасининг замонавий талқинлари, янгиланаётган миллий романларда синтетизмнинг (синтезлашув деса ҳам бўларди) намоён бўлиши, мини-роман яратиш йўсинидаги экспериментал изланишлар каби масалаларни қамраса, “Поэтик анъана ва замонавий миллий роман” боби роман структурасида анъанавий мотив ва тимсоллар, мистик-фантастик романнинг ижодий имкониятлари, роман-миф ва мифопоэтика каби илмий масалаларни ўз ичига олади. Учинчи боб янада қизиқ ва долзарб масала: “Роман структурасида эсселашув жараёни ва поэтик ифода ракурслари” тадқиқ қилиниб, унда маърифий-биографик романда ёндашувлар синтези, роман-эссе ғоявий-бадий концепцияси: баёнчи “мен” образи ҳамда роман-эсседа индивидуал услуб ва поэтик маҳорат масалаларига тадқиқотчилик диққатига қаратилади.

Охирги боб “Модерн романда бадийлик модуслари”да икки масала, трагик ва сатирик модуслар – эстетик аналогия воситаси ҳамда мажозий, хаёлий-парадоксал поэтик ифода муаммоси атрофлича, етук илмий савияда ўрганилади. Сўнгги “Мажозий, хаёлий-парадоксал поэтик ифода” фаслида муаллиф Назар Эшонқулнинг “Тўрўғли” романини таҳлил қиларкан, ёзувчи эргашган адиблар, уларни аввал ўрганган олимлар фикрларига суяниб, Франц Кафка ва Жеймс Жойс ижодига ҳам тўхталиб ўтади, жумладан ёзади: “Миллий романчиликда онг оқимиға хос поэтик ифода шаклларида фойдаланиш мумкин. Аммо Ж.Жойс методи ўзбек романчилигида ҳеч қачон ўзини оқламайди. Чунки бизда инсон онг қатламларида пайдо бўлган бетартиблик ҳолати, табиий тарзда, тартиблилик билан алмашади” (267-бет).

Бу нозик кузатиш ва чуқур фикр бўлиб, ижодкорлар учун фойдали огоҳлантиришдир.

Монографиянинг фазилатларидан бири, унинг “Хулоса”сида Истиклол даври ўзбек романлари поэтикасидаги қатор ўзига хос белги ва қонуниятлар кўрагилиши билан бирга ундаги қатор камчилик ва нуқсонлар аниқ қайд этилади.

Айримларини кўчирамай.

– сюжет ва конфликт ривожиди публицистик баёнга берилиш (Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Улуғбек Ҳамдам)

– эҳтиросли, пардасиз саҳналарнинг очик тасвирланиши (Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи)

– ижтимоий муаммолар талқинида кескин конфликт етишмаслиги (Луқмон Бўрихон)

– А.Камю ва Ф.Кафкага таассуб қилиш (Илҳом Зоир, Назар Эшонқул)

– бадий воқеликка аналитик муносабат билдириш (Шукур Холмирзаев)

– дидактика ва яланғоч насиҳатбозлик (Отаули)

– бадий асар жанрини тўғри белгилай олмаслик (Шукур Холмирзаев, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Комил Аваз, Улуғбек Ҳамдам, Наби Жалолиддин) (276-бет).

Бу каби аниқ танқидий мулоҳазалар олимнинг теран тафаккуридан дарак беради. Лекин улар иш жараёнида батафсил очилмайди. Аммо хулосада қайд этилгани ҳам катта гап.

Китобдаги икки илова: “Мустақиллик даври ўзбек романлари хронологик кўрсаткичи (1994-2015)” ва худди шу нарса “Шарқ юлдузи” журнали бўйича (1991-2016) ҳамда тадқиқотда ишлатилган айрим терминлар луғати китобнинг амалий ва назарий қийматини оширган.

Ўтган йил нашр этилган яна бир муҳим китоб, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримнинг “Истиқлол адабиёти: назм ва наср” монографиясидир. Сарлавҳадан кўринганидек, монография “Мустақиллик даври ўзбек шеърляти” ва “Мустақиллик даври ўзбек насри” деб номланган икки қисмдан иборат. Нисбатан кичик ҳажмдаги китобда қисқа тарзда бўлса ҳам Мустақиллик даври ўзбек шеърляти ва насрининг машҳур ва кўзга кўринган вакиллари асарларига тўхталинади, улар баъзан йўл-йўлакай, баъзан батафсил ва чуқур таҳлил ва талқин қилинади. Монография “Кириш”идаёқ Истиқлол даври ўзбек адабиётининг хос қирралари белгиланади: “Янги давр ўзбек адабиётида мавзулар кўлами кенгайди. Аввалги адабий сиёсий муҳитда қаламга олишнинг имкони бўлмаган 1) ўзбек миллатининг шаънини улуғлаш; 2) мустақил Ватан қадрини тавсифлаш; 3) миллий қадриятларни эъзозлаш; 4) шонли миллий тарих билан фахрланиш; 5) аждод-алломаларнинг дунё тамаддунида тутган ўрнига диққат қаратиш; 6) диний-маърифий тушунчаларни бадий талқин қилиш каби бир қанча адабий мавзулар асосий ўринга чиқди” (8-бет).

Ана шу саналган тамойил ва мавзулар монографиянинг мазмун-мундарижасини ташкил қилади ҳам таҳлил учун танланган шеърлий ёхуд насрий асарлар шу ердаги ғоялар асосида талқин қилинади. Қисқа тарзда бўлса ҳам кўриб ўтилган шоир ёки носирнинг ўзига хослиги, характер-хусусияти имкон қадар аниқланади. Бундай талқинлар жуда зарур бўлиб, улар адабий танқид билан жорий адабиёт ўртасида хосил бўлган бўшлиқни тўлдиреди ва шу тариқа миллий адабиётимизнинг муайян муҳим даври ҳақида аниқ мисоллар ёрдамида яққол тасаввурга эга бўламыз.

Айтилганидек, китобнинг иккинчи қисмида Истиқлол даври ўзбек насри уч етакчи жанр – ҳикоя, қисса ва романга алоҳида-алоҳида тўхталинади. Қайд этиш лозим, муаллиф жуда катта адабий материални синчиклаб ўқиган, ўрганиб чиққан. Ҳар бир мулоҳаза бошида ёки ўртасида асарлар (муаллифлари билан, албатта) саноғи келтирилади, хоҳ ҳикоя, хоҳ қисса, хоҳ роман бўлсин. Улар ичидан айримларигагина эътибор қаратилади. Бошқа имкон ҳам йўқ, ҳам майдон, ҳам бадий арзигуллилик жиҳатидан. Агар романлар ҳақидаги бўлимга тўхталадиган бўлсак, унда, масалан, Мурод Мансурнинг “Жудолик диёри”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Назар Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”, Исажон Султоннинг “Генетик” ва “Алишер Навоий”, Иқбол Мирзониинг “Бону”, ёш ёзувчи Жовлон Жовлиевнинг “Кўркма” каби романларга нисбатан кенгроқ тўхталади. Менга айниқса Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи ҳақидаги муаллиф фикри маъқул бўлди. Айтайлик, “айнан Ҳирийда Навоий истиқомат қилаётгани учун ўз жанговар юришларини жиловлаб турган Шайбонийхон образига ҳам жуда холис баҳо беради; ундан душман ясалмайди” (122-бет). Ёки “Романда асрий чинордек Алишер Навоий сиймоси олис мозийдан яқин келиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Шунинг ўзи кифоя” (124-бет). Бу фикрга қўшимча тарзда айтиш мумкинки, романнинг бош фазилати – унинг маърифий, керак бўлса, илмий аҳамияти. Адиб ўз романи орқали Ҳазрат Навоий шахси ва ижодини анча батафсил очиб берди. Улуғ ижод халқимизга яна бир неча қадам яқинлашди.

Китоб муаллифи Иқбол Мирзониинг “Бону” романига алоҳида тўхтайтиди. Роман “шаклий томондан замонавий ўзбек насри учун янгилик саналади”, “Бону образи устига юкланган ижтимоий юк бор” дея тўғри таъкидлайди муаллиф. Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, бизнингча, Бону образининг бош хусусияти – ахлоқий ва маънавий поклигидир. У шу жиҳати билан турк романчилиги дурдонаси бўлмиш “Чоликуши”даги Фериди образини ёдга солади. Шунча синов ва азоб-

уқубатлардан омон чиқиб, ўз ифбат-поклигини саклайди. “Бону” романи хотимаси эса, “Чолиқуши”дан фарқли ўлароқ, аламангиздир.

Монографияда “Қўрқма” романи ҳақида ҳам анча гап бор. Муаллиф асарни юқори баҳолайди: “Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романи истиклол даври адабиётида алоҳида бир босқични ташкил этади. Бу асарда қаламга олинган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида хорижга бориб таълим олган туркий миллатга мансуб бошқа талабалар ҳам бошидан кечган бўлса ажаб эмас. Шунга кўра қўшни қардош халқлар тилларига таржима қилиниш ҳам фойдали бўлиши мумкин” (129-бет). Ва яна: “Ўзбекнинг ор-номуси, ҳаёси-иффати, ҳаракати-интилишлари – “Қўрқма” шулар юзига тутилган кўзгу саналади” (128-бет).

Рости, мен бу фикрга тушунмадим. Ровий романда ўз тилидан “мен туғма уятсизман” деб турсаю, қандай қилиб асарда гўё мавжуд “Ўзбекнинг ор-номуси, ҳаёси-иффати” ҳақида гапириш мумкин?

Ўтган йили “ЎзАС” газетасида чоп этилган “Буюк адабиёт орзуси” мақоламда роман ҳақида салбий муносабатимни билдирганман. Халқ шаънига, Ҳазрат Навоий шаънига айтилган ҳаёсиз гап-сўзлар, ўз момоси ҳақидаги номуссиз сўзларни наҳотки монография муаллифи кўрмаган, англамаган бўлса. Мен бу ерда бу асар ҳақида баҳс-мунозара очмоқчи эмасман, у бунга арзимади ҳам. Фақат филология фанлари доктори, адабиётшунос Узоқ Жўрақуловнинг Корреспондент uz га берган катта интервьюсини эшитишни барчага тавсия қиламан. Ва яна “ЎзАС” бош муҳаррири Салим Ашур таниқли шоира Ҳалима Аҳмедова билан қилган “Шеър ёзадиган аёл” (2022 йил, 1 январь) номли суҳбатидаги қуйидаги гап билан фикримни яқунламоқчиман.

“Назаримда, адабиётшунослигимиз адабиётимиздан ортда қолмоқда, дейди шоира. Сўнг давом этади: “Яқинда ёш бир ёзувчининг асарини роса кўтар-кўтар қилишди. Мен хурмат қиладиган бир танқидчи мазкур асарни шундай улуғлаганки, ҳайрон қоласиз. Рост гап, асарни тушунмадим, шекилли, деб уч-тўрт марта қайта ўқидим. Услуби ҳар ҳолда тузук, аммо ўша воқеа чуқур ўрганилмаган. Менда ёш ёзувчи бу асарнинг баъзи ўринларида **миллатнинг устидан қулгандек** (таъкид бизники – С.М.) таассурот қолди”.

“Хуллас – деб фикрини яқунлайди Шоира – адабиётимизнинг холис адабий танқидга эҳтиёжи баланд. Адабий танқидчилик ва адабиёт орасида катта бўшлиқ пайдо бўлганки, бундан фойдаланган баъзи “сурнайчи”ю “карнайчи”лар ана шу бўшлиқда жавлон уряпти”.

Бу ҳаққоний фикрга изоҳ ортиқча.

Навбатдаги китоб яна бир улуғ шоиримиз ижодига бағишланган Адиба Давлатованинг “Абдулла Орипов шеърлятида поэтик тафаккур тадрижи” (Т.: Тафаккур, 2021) монографиясидир. Бу ҳам филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни бўлиб, унда Абдулла Орипов феномени, фалсафаси улуғ шоиримизнинг бутун ижодий мероси, яъни шеърлари, достонлари, таржималари унинг ижод лабораториясига оид талқинлар негизида тадқиқ қилинган. Шоирга қариндошлиги, узоқ йиллар у билан яқин мулоқотда бўлиш муаллифга асарлар ботинига кириб талқин қилиш имконини берган.

Ушбу китоб адабиётшунослигимизда илк бор Абдулла Орипов ижоди яхлит ҳолда қамралганини, эътиборга лойиқ деярли барча асарлари юксак филологик савияда таҳлил ва тадқиқ этилгани билан қимматлидир. Китобда ушбу вазифа монографияни ташкил этган 4 боб, уларга кирган жами 10 фаслда босқичма-босқич

амалга оширилади. “Абдулла Орипов поэтик тафаккурининг адабий-эстетик илдизлари”, “Шоир лирик асарларида поэтик мазмун такомилли”, “Ижодкор шеърлятида поэтик шакл тадрижи”, “Абдулла Орипов асарларида поэтик образ эволюцияси” каби боб номлари китоб мазмун-мундарижаси қанчалик бой, аниқ ва теран эканлигини далиллади.

Монография сўнги бобидаги охириги фасл “Шоир поэтик тафаккурининг статистик ва психобиографик тадқиқи” фаслида ориповшуносликда биринчи марта шоир ижод йўлининг ҳар ўнйилликларини ўз ичига олган олти босқичга ажратилади.

Босқичлар қуйидагилар:

1. 1958 – 1967 йиллар. Ижодий ҳаётнинг бошланиш нуқтаси. Шоир сифатида шаклланиш босқичи.

2. 1968 – 1977 йиллар. Ижодий юксалиш босқичи. Шоир шахсияти, руҳиятидаги қарама-қаршилиқлар. Онасининг вафоти таъсири.

3. 1978 – 1987 йиллар. Жамият ва айрим одамларга хос салбий жиҳатлардан озурдалиқ. Қурашишга ёлғизлик қилган ижодкор руҳиятидаги драматизмнинг хасталиқ олиб келиши. Бу жараённинг шеърлятида акс этиши.

4. 1988 – 1997 йиллар. Истиқлол орзуси. Мустақиллик неъматига шукроналик мотивлари. “Ҳаж дафтари” туркумидаги диний-маърифий қарашларнинг акс этиши.

5. 1998 – 2007 йиллар. Ижодий етуқлик палласи. Ижтимоий фаолиятидаги инқирозлар даври.

6. 2008 – 2016 йиллар. Ижодининг сермахсул даври. Дунё, ҳаёт, одамларга кескин муносабат. Танқидий таҳлилнинг устуворлиги. Лирик кечинманинг руҳият билан боғлиқ омиллари. Видолашув мотивлари (221-226-бетлар).

Ушбу босқичларни диққат билан кузатар эканмиз, кўз олдимизда муаззам бир ижоднинг яхлит манзараси намён бўлади. Хуллас, монография муаллифи Адиба Давлатова сиймосида адабиётшунослигимизга зукко ва изланувчан ориповшунос кириб келди, дейишимиз мумкин.

Зукко ва камтар олим Олим Олтинбекнинг “Миллий шуур шуъласи” (Т.: Roytaxt exclusive, 2021) китоби асосан Рауф Парфи ижодига бағишланган мақолалардан иборат. Лекин Олим XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётини яхши билгани туфайли, унинг ўша даврнинг етук шоирларидан бири Каримбек Камий ҳақидаги яхши китобини эсланг, тўплам “Жадид шеърлятида истибдод ва истиқлол” номли мақоласи билан очилади. Бу давр анча ўрганилган, лекин янги фактик материаллар асосида чор истибдоди даврида Туркистоннинг аҳволи, бунга жадид зиёлиларимизнинг баҳоси, империянинг рушлаштириш сиёсати ва бошқа масалалар бўйича келтирилган аниқ ҳужжатлар мақолани ўқишли қилган. Шу ерда машхур Исмоилбек Гаспратининг “Миллатнинг икки аъзоси бор – тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шулардан биттасини бузилиши кифоя” гапи келтирилиб: “Чор мустабидлари буларнинг ҳар иккисига ҳам чанг солдилар” (5-бет) деб ёзади Олим Олтинбек.

Адабиётшуносликда кам ўрганилган ва кам эътибор бериладиган шоир, аслида биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизодадир. Китобга кирган “Сўфизода – миллатпарвар шоир” мақоласи ушбу кемтикликни бироз тўлдиради. Мен таклиф қилган бўлар эдимки, Олим бирор шогирдига оташин шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида мавзу берса, келажакда шоир ҳақида махсус монография майдонга келармиди...

“Асқад Мухтор шеърляти” мақоласи ҳам ихчам бўлишига қарамай, фикрларга бой. Айниқса шоир ва адиб афоризмлари мақолада кўплаб келтирилгани айни муддао бўлган.

Китобнинг катта қисми Рауф Парфи ижодига бағишланган, дедик. Вақт тахчиллиги боис уларга махсус эътибор қаратмасдан, фақат мақолалар номини келтирсам. Шунинг ўзиёқ Олимнинг машхур шоиримиз ҳақидаги тадқиқотлари йўналиши ва кўламини кўрсатади, деб ўйлайман.

Олим Олтинбекнинг ушбу китоби қизиқиш билан ўқилиши тайин. Ҳам илмий савия, ҳам баён энгиллиги китобнинг нақд фазилатидир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, адабиётшунос, публицист ва адиб Олим Тошбоевнинг “Ботиндаги бўрон” (Т.: Адабиёт, 2021) китоби икки қисм – адабий-илмий мақолалар ва публицистикадан иборат. Шундай бўлсада, ҳар икки қисмдаги мақолалар публицистик қизғинлик, Ватан, миллат ва она тил учун қалбдан куйиниш билан битилган. Олим машхур ёзувчимиз Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодига бағишланган “Абадий замондош” китоби ҳамда “Ултонтоз” романи билан кўпчилик эътиборига тушди.

“Ботиндаги бўрон” тўпламига кирган мақолаларнинг аксарияти ижтимоий мавзуларда. Улар ҳам катта қизиқиш ва энгиллик билан ўқилади. Китобга кирган адабий-илмий мақолалардан иккитаси айрича эътиборга лойиқ. Бири, китобга ном берган “Ботиндаги бўрон”, иккинчиси “Мен бир улкан дарддирман...” Аввалгиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, иккинчиси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижодига бағишланган. Ҳар икки мақола содда ва қизиқарли услубда, бир пайтнинг ўзида катта масалаларни қамраган ҳолда битилган. Бир ерда муаллиф адибнинг “ҳикоячиликнинг энг оғир савдоси – “қандай ёзиш кераклиги” санъатини эгаллаган бу адиблар нимани ёзиш керак”лиги масъулиятини эгаллашда сал оқсаяптилар...” (76-бет) гапини келтирадики, бу бадиий ижод соҳасидаги энг нозик нуқталардан биридир. Чунки, “нимани ёзиш” фақат ижтимоий ҳаётга эмас, ҳар бир ёзувчининг иқтидор даражаси ҳамда қалб структураси, жуда олисдан келаётган ботинига, генига боғлиқ.

Мақолада Олим адибнинг анча машхур “Навоийни ўқиган болалар”ини яхши таҳлил қилади, унинг бош қахрамони Жанобиддин Сайфиддиновнинг прототиби эрта хазон бўлган навоийшунос олим Шарафиддин Шарипов эканини тўғри қайд этади. Лекин образга нисбатан муаллиф нигоҳидаги киноя, бироз беписандликни сезмайди. Ушбу киноя қахрамон тақдирига ачинишимизга бирқадар ҳалақит бераётгандек туюлади. Киноя – дудам пичоқ хавfli нарса. Уни эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим, шекилли.

Бироз олдин номи тилга олинган мақола, назаримда, Усмон Азим ижодига бағишланган сара битиклардан. Унда шоирнинг ўзбек шеърлятида тутган ўрни, ижодининг белги-хусусиятлари ва моҳияти борасида асосли ва чуқур мулоҳазалар талай. Мақола шоирдан олинган икки мисра билан муносиб якунланади:

*Ёлгон дунё, ёлгонингга қўним йўқ,
Шоирга ўлим бор, шеърга ўлим йўқ.*

Зеро, шеъри ўлмаса, шоир ҳам ўлмайди.

Улуғ адибимиз Ойбек ҳақидаги “Китобга сиғмаган ҳақиқатлар”, Абдулла Орипов ҳақидаги “Ҳақ сўз ҳаммоли”, “Ҳақ ошиғи Асқар Маҳкам” каби мақолалар ҳам янги, оҳори тўкилмаган фикр ва кузатишларга бой. Бу китоб Олим Тошбоев ижодида очилган янги бир саҳифа, адабиётимиз, маънавиятимиз муҳиблари учун тансиқ бир совға.

Яна икки китоб ҳақида гапирмасам бўлмас. Бири – ёш тадқиқотчи Хуршида Раҳмонованинг “Хуршид Дўстмуҳаммад насри бадиияти” (Адиб қисса ва ҳикоялари мисолида) (Т.: “Poyntaxt exclusive” нашриёти, 2021) монографияси. У филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матнидир. Бундай китобларнинг аниқ фазилати шундаки, улар кўпчилик, биринчи галда илмий раҳбар нигоҳидан ўтади, турли босқичдаги муҳокама ва ниҳоят химоя жараёнида жиддий синовдан ўтиб, қисқаси, ҳар томонлама пишади.

Монография 3 бобдан ташкил топган, биринчи бобда насрий асар бадииятининг илмий-назарий асосларига қаратилса, кейинги боблар бевосита мавзуга дахлдор бўлиб, адиб ҳикояларидаги образлар бадиияти, уларда психологик тасвирнинг ўрни, сўнги бобда адиб қиссаларида образлар тизими, қиссалардаги адабий-фалсафий талқиннинг индивидуаллиги каби масалалар ҳам назарий, ҳам амалий, яъни бадиий матнлар таҳлили орқали очиб борилади ва тадқиқ қилинади.

Монография муаллиф Хуршида Раҳмонова келажақда нуктадон адабиётшунос бўлиб етишишига асосли умид уйғотади.

Иккинчи китоб ёруғ дунёни эрта тарк этган истеъдодли тадқиқотчи (ва мураббий) Наргис Шаропованинг “Сукунатнинг мунгли кўшиғи. Тадқиқот ва мақолалар” (Т.: Fan ziyosi”, 2021) тўпламидир. Наргис бир эмас, икки номзодлик диссертацияси ёзишга мажбур бўлди. У дастлаб отаси, машҳур фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов ижодий фаолияти асосида “Адабиётшунос фаолиятини илмий-биографик ўрганиш муаммоси” диссертация устида ғайрат билан иш бошлади. Бу мавзуни айрим ғаламис кимсалар ўтказишмагач, камини раҳбарлигида “XX аср 60-90-йиллар ўзбек лирикасида жанрлар модификацияси” мавзусида адабиёт назарияси ихтисослигидаги номзодлик ишини ёза бошлади, деярли ёзиб битирди ҳам. Афсуски, бевақт ўлим ишни якунлашга имкон бермади.

Китобда ушбу икки диссертация муаллиф томонидан қандай режалаштирилган ва қандай ҳолда қолган бўлса, шундайлигича киритилган. Кейинги қисмдан Наргис матбуотда эълон қилган қатор мақолалар ўрин олган. Китоб муқаддимасида Наргис ҳақида шундай дейилади: “Ушбу китоб билан танишган одам олиманинг хассос калби, мантикий тафаккурига гувоҳ бўлади”, деб умид қиламиз” (3-бет).

4

Мен кўриб чикқан охириги китоб шоир, таржимон, публицист, ислоний асарлар мусаннифи ва таржимони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабекнинг “Ёшларга дил сўзларим. Ёш ижодкорларга самимий тавсиялар” (Т.: Адабиёт, 2021) номли рисоладир. Мен атай бу китоб ҳақидаги гапни сўз охирига қолдирдим. Чунки унда кўтарилган ғоялар маърузани якунлашга жуда кўл келарди.

Китоб сиртдан қараганда ва номи билан ёшларга қаратилган эса-да, аслида у барча, катталар, ёшу кекса ижодкорлар учун беҳад кўп маънавий озуқа берадиган манбаа, ахлоқий кўлланмадир. Китобда кўплаб масалаларга дахл қилинган, қанчадан-қанча улуғ зотлар билан боғлиқ ибратли воқеа-ҳодисалар қаламга олинган. Лекин, китобдаги жами воқеликни бирлаштирувчи буюк бир омил бор, бу – иймон-эътиқод бутунлиги ва софлиги.

Тўпландаги “Адабиёт одоб демақдир” дея пурҳикмат номланган мақолада ёзилади: “Адабиёт моҳиятан адабдан иборатдир. Адабиёт инсон қалбини, виждонини, иймонини, ахлоқини, маънавиятини, адолат ва ҳақиқатини ҳамда бошқа инсоний хислатларини тарбият қилиб борувчи ҳикмат манбаидир” (7-бет). Бу гапларни му-

аллиф, яъни Мирзо Кенжабек азалий ва абадий ҳақиқатларга таяниб, қатъийлик билан айтмоқда. Бу – асосли қатъийлик.

Яна бир мақола сарлавҳасидаги фикр ҳар бир ижод аҳли учун шаръий амал кабибидир, яъни – “Ижод аҳлининг ўз ахлоқий мезони бўлиши керак”. Иймон-эътиқод эса бунда йўлчи юлдуз, яъни йўл кўрсатувчидир. Иймон-эътиқод йўқ жойда ижод чала, яратилган асар бетайин, ҳатто зарарли бўлади.

Адабиёт, унинг ажралмас узви бўлган адабий танқид иймон-эътиқод муҳофазасида собит турмоғи лозим. Акс ҳолда зиммадаги вазифани бажармайди, обрў-эътиборини йўқотади.

Юқорида айтилган барча фикр-мулоҳазадан келиб чиқиб, ўзбек адабий танқидчилиги амалиётига иймон принципини киритишни таклиф қиламан. Иймон-сизликдан Яратганнинг Ўзи асрасин!

Иймон, қисқача айтганда, Яратганга асл ишонч-эътиқодни англатади. Унинг жами белги-хислати ушбу ишонч-эътиқоддан туғилади ва куч олади. Иймон кенг қамровли тушунча бўлиб, агар адабиётга тадбиқ этиладиган бўлса, у бадиий асарнинг юксак, яъни эзгу ғоявийлиги, ифода-тасвирнинг инсонийлиги, қадриятларга шак келтирмаслик, олий ахлоқ-одоб ва ялпи гуманизмни ўзида жамлайди. Бу адабий асар нуқул эзгулик тасвиридан иборат бўлиши керак, дегани эмас. Ҳаёт – зиддиятлар макони. Эзгулик ва ёвузлик кураши абадий жараёнدير. Фақат муаллиф ўзининг энг юқори кузатув нуктасида, яъни идеалида иймон-эътиқод доирасида бўлиши шарт. У ахлоқсизликни тасвирлаганда ҳам юксак ахлоқ соҳиби бўлмоғи лозим.

Иймонсизлик чалкаш, бетайин ғояларнинг адабий асарга кириб келишида шаброит яратади. Бу эса адабий танқид, адабиётшунослик асарда олға сурилган ғоя, яъни бадиий концепцияга жиддий эътибор қаратиш заруриятини туғдиради. Бадиий асарни ғоявий нуқтаи назардан баҳолаш, яъни ғоявийлик талабини тиклаш, кучга эндириш зарур. Ғоя, ғоявийлик – совет тоталитар тузумининг ихтироси эмас. Азал-азалдан йирик умуминсоний ғоя юксак бадиий йўсинда, жонли образлар воситасида акс эттирилганда буюк бадиий обидалар вужудга келган. Ноинсоний, шарр ғоя ҳеч қачон буюк бадиий асарга моя бўла олмайди. Чунки шарр ғоя ҳақ ҳам, эзгу ҳам, гўзал ҳам эмас. Бу уч бирлик – ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик – яхлитлик касб этмаган жойда қатта адабиёт, буюк санъат яралмайди.



Замонавий матншунослик илми

Абдурасул ЭШОНБОБОВ

Шарқ матншунослик илмининг ривожини, унинг назарий асослари шаклланишига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири, таниқли шарқшунос, форс-тожик адабиёти тарихи бўйича йирик мутахассис Евгений Эдуардович Бертельс (1890 – 1957) илмий меросига теран назар ташлаш, у амалга оширган ишларга қайта-қайта мурожаат этиш матншунослик олдида турган долзарб муаммолар ечимида ҳар тарафдан ёрдам беради.

У ўз илмий фаолиятини Россия Осиё музейи қўлғамалар фондида Шарқ қўлғамалар манбаларини илмий тавсиф этишдан бошлаган. Бу пайтда Шарқ адабиёти намуналарининг биронтасининг ҳам илмий-танқидий матни мавжуд эмас, тадқиқотчилар эса бевосита бирламчи манбалар билан иш кўришга мажбур эдилар. Шу сабабдан олимнинг бутун умри ёзма ёдгорликлар орасида кечди. Бир неча ғарб ҳамда шарқ тилларини (қадимги форс тили, араб, туркий тиллар) яхши билиши, қадим Шарқ тарихи, маданияти, фалсафасидан пухта хабардорлиги учун айнан бирламчи манбалар устида тадқиқотлар олиб борган Е.Бертельс асосий ихтисослиги форс адабиёти мутахассиси бўлишига қарамай, “Навой ва Аттор” мақоласида (1928) икки тилда ёзилган асарни чоғиштириб, Алишер Навойнинг жаҳон адабиёти тарихида кам учрайдиган оригинал шоир эканлигини рад этиб бўлмас далиллар билан исботлай олган. Мазкур мақолада буюк шоирнинг адабий анъана ҳамда тасаввуфга муносабати аниқ кўрсатиб берилган. Олим “Лисон ут-тайр” асарининг танқидий матни йўқлигига қарамай, унинг нисбатан ишончли уч нусхаси устида иш олиб бориб, дoston матнда учрайдиган айрим фарқли ўринларни тағхатда (сноскада) қайд этиб борган ва шу сабабдан ҳам бу илмий изланишлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлса-да йўқотмаган.

Абдурасул ЭШОНБОБОВ – 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида ўттизга яқин мақолалари эълон қилинган.

Е.Э.Бертельс, шунингдек, собиқ иттифок даврида Шарқ адабиётининг йирик вакиллари Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий таваллуд саналарини кенг кўламда нишонлаш ишларида фаол иштирок этган, марказий нашрларда бу мавзудаги кўплаб илмий мақолалари билан чиқишлар қилиб, монографиялар ёзган. Унинг раҳбарлигида “Шоҳнома”, Низомий Ганжавий “Хамса”си ва бошқа кўплаб дostonларнинг илмий-танқидий матнлари тузилиб, чоп этилди. Шарқ матншунослик илмининг янги даврдаги илмий назариясига асос солиб, унинг амалиётда қўлланишида ҳам катта ҳисса қўшган.

Маълумки, Шарқ адабиёти намуналари орасида муаллиф нусхаси (автограф) деярли мавжуд эмас. Бизгача етиб келган аксарият асарлар котиблар томонидан кўчирилган нусхалар бўлгани учун асар матни уни кўчирган котибнинг саводхонлик маданияти, матнни қай даражада тушуниши, хаттотнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, кўчирилаётган асар билан ораликдаги масофа ва яна бошқа кўплаб бошқа омиллар бевосита қўлёзма матнида муайян даражада акс этганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ўтмишда бугунги кунга нисбатан муаллиф (автор) ҳуқуқи тушунчасининг тамоман ўзгача идрок этилганлиги матнга нисбатан “эркин” ёндашувга сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида матннинг деформация (турли хил ўзгаришлар)га учрашига таъсир қилган. Шу сабабли бундай матнларни мунтазам қайта кўчирилиш жараёнларида содир этилган ва ҳозирги кунга қадар етиб келган хатолардан (кенг маънода) холи қилиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки илмий-танқидий матнли асарлар нисбатан саҳиҳ, муаллиф матнига имкон қадар яқин ҳамда барча йўналишдаги тадқиқотлар учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Шарқшунос қўлёзма манбани нашр этишда нималарга диққатни қаратиш хусусида ёзаркан: “Аввало нашр этишга мўлжалланган асарнинг қадимий нусхасини қидириб топиш керак. Кейинги даврларда кўчирилган нусхалар котиблар томонидан киритилган сон-саноксиз интерполяция (муаллиф матнига ташқаридан киритилган киритмалар) ва ўзгаришлар билан тўла, матншунослик ишига умуман яроқсиздир.

Ишончли, саҳиҳ матнни тузиш учун, биринчи галда, ёдгорликни имкон қадар кўпроқ қадимий нусхаларини бир ерга тўплаш лозим.

Бироқ мумтоз асарни нашр қилиш учун унинг қадимий нусхаларини йиғиб, уларни ўзаро чоғиштириб фарқли ўринларни белгилаш кифоя қилмайди.

Ёдгорликнинг нашри – бу механик ёхуд шунчаки техник иш эмас. Бу илмий тадқиқотнинг бир қадар мураккаб туридир. Буни амалга оширишдан аввал асари нашр қилинаётган муаллиф ижодини ўрганиш, унинг адабиёт тарихидаги мақомини аниқлаш ҳамда нашрга тайёрланган асарни муаллиф адабий меросида тутган ўрнини белгилаш, бундан ташқари, муаллифнинг луғат бойлиги хусусида тасаввурга эга бўлиш ва энг муҳими ижодкор услуби ҳақида тушунча ҳосил қилиш лозим бўлади. Матншунос филолог бир вақтнинг ўзида ҳам тарихчи, ҳам адабиётшунос ва албатта, тилшунос бўлиши шарт. Буларсиз унинг иши аввалдан муваффақиятсизликка учрайди¹”, дейди.

¹ Бертельс Е.Э. *Навои и Джамии. М., 1965. 10 с.*

Демак, танқидий матн тузиш механик ёхуд техник иш бўлмай, балки илмий тадқиқотнинг ўта мураккаб йўналиши ва у матншуноздан қатор зарурий билимлар заҳирасини талаб қилади. Шу боис олим Шарқ адабиёти намуналарининг дунё бўйлаб тузилган танқидий матнларини диққат билан кузатаркан, уларни илмий таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб, ўз мулоҳазарини вазминлик билан билдирарди. Масалан, Е.Бертельснинг 1935 йили Эронда форс адабиёти тарихи билимдони, таниқли низомийшунос Воҳид Дастгирди томонидан тузилган Низомий Ганжавий “Хамса”сининг танқидий нашри юзасидан айтган қуйидаги мулоҳазалари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: “Дастгирди катта ишни амалга оширган. У томонидан нашр этилган матн, шубҳасиз, Низомий ижодини келгусида ўрганишда улкан ёрдам беради. Бирок, афсуски, бу нашрни танқидий матн деб қабул қилиш мумкин эмас.

Нашрни тайёрлашда Эрон кутубхоналарида сақланаётган XIV – XVII асрларда кўчирилган ўттиз қўлёзмадан фойдаланилган. Қўлёзмаларнинг илмий тавсифини ношир келтирмаган ва шу сабаб ишда фойдаланилган у ёхуд бу манбанинг қайси даврга оидлигини аниқлаш мушкул. Боз устига, матнда фарқли ўринлар (қўлёзмаларни ўзаро чоғиштирганда аниқланган – А.Э.) келтирилмайди фақат айрим ўринларда (қавс ичида) берилади. Лекин китобхон манбанинг қайси даврга тааллуқли эканлигини билмаганлиги боис унинг айнан қайси қўлёзмадан олинганлиги мавҳум ҳамда матнни сон-саноксиз кўчирилишлар асносида ўзгаришларга учраши тадқиқотчи назаридан четда қолган² . Кўриниб турибдики, ўз даврида Низомий ижодининг нуқтадон тадқиқотчиси бўлмиш В.Дастгирди (1882 – 1942) танқидий матнни тузишда асос бўлган манбалар (эътибор беринг, ўттиздан ортиқ – А.Э.) илмий тавсифини бермаган, қўлёзмалараро фарқли ўринлар хужжатлаштирилмаган ва шу сабабли Е.Бертельс ушбу нашрни илмий тадқиқотлар учун яроқсиз ҳисоблайди. Шу билан бирга, олим ношир томонидан Низомий дostonлари матнидаги мураккаб байтларга берилган изоҳ, шарҳларни қадрлайди ва булар асарни тушунишида ниҳоят даражада муҳим ўрин тутишини алоҳида эътироф этади.

Одатда, кўп ўқилган, доимий равишда адабий жараёндан мустаҳкам ўрин олган, бадий эҳтиёжни мунтазам қондирган асарлар энг кўп кўчирилган асарлардир. Айни кўчирилиш жараёнида бу асарлар матни кўплаб ўзгаришлар, қўшимчалар, тўлдиришлар билан “бойиб” бораверган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ҳам шундай асарлар сирасига киради. Дастлабки хомчўтларга кўра, бугунги кунда жаҳон бўйича Шарқ қўлёзмалари хазинасида “Шоҳнома”нинг 600 дан ортиқ нусхалари мавжуд³. Агар биз дунё фондларида сақланаётган манбаларнинг ҳаммаси ҳам илмий тавсиф этилиб, каталог сифатида чоп қилинмаганлигини назарда тутсак, юқоридаги миқдор яна ҳам кўп бўлиши мумкин.

² Бертельс Е.Э. Низами и Физули.М.,1962. 19 с.

³ Бу ҳақда қаранг: Акимущкин О.Ф. Средневековый Иран. Культура. История. Филология. Санкт Петербург. 2004. 178 с.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Фирдоуси. Шах-наме. 1 том. Научно-критический текст, различения, примечания и приложения М.Н.Османова.М.,1991.5 с.

Қайта кўчиришлар жараёнида матн сатҳида турли хил ўзгаришлар доимий рўй бериб, кўшимчалар хаддан зиёд кўпайиб боравергач, темурийлар даврига келгачгина “Шоҳнома” асарининг ўзгаришлардан холи таҳририни яратиш (матнни тозалашни) ишига жиддий эътибор қаратилади. Бу ишни темурийзода Мирзо Бойсунқур (1397 – 1433) бошчилигидаги бир гуруҳ адабиёт ихлосмандлари 1425 йили амалга оширдилар. Айти тузилган матн замонавий фанда “Бойсунқур редакция”си номи билан шуҳрат қозонди ҳамда ХХ асрнинг иккинчи ярмига қадар “Шоҳнома”нинг деярли барча нашрларига асос бўлиб хизмат қилди⁴. Бироқ Эрон Ислом республикасида фаолият кўрсатувчи Фирдавсий институти илмий ходимларининг тадқиқотларига кўра “Бойсунқур редакция”сига 8000 байт интерполяция (ташқаридан киритилган) қилинган, яъни муаллиф матнига кўшимча сифатида киритилган⁵. Эслатиб ўтамиз, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонининг ҳажми 7000 байтдан бироз кўпроқ. Демак, “Шоҳнома” таркибидан катта бир дoston ҳажмидаги матн “жой олган”. Биз бунинг сабаблари хусусида тўхталмаймиз, чунки бевосита мавзу доирасидан бироз четга чиқишга тўғри келади. Муҳими, Е.Э.Бертельснинг “Шоҳнома” танқидий матнини тузишда ёндашув услубини кузатишдир.

Олим ишга “Бойсунқур редакция”сигача (1425 йил) кўчирилган қадимий қўлёзмаларни жалб қилди ҳамда асос нусха сифатида нисбатан аввал кўчирилган манбани олиб, “Шоҳнома”нинг ХIII аср бошига оид редакциясини яратишни асосий мақсад қилиб қўйди. Чунки асарнинг қадимий, муаллиф яшаган даврга яқин нусхаси сақланмаган бўлиб, (ўша пайтдаги маълумот асосида) ишга жалб қилинган энг қадимий қўлёзма эса шоир вафотидан салкам 250 йил ўтиб кўчирилгандир. Бундай вазиятда тўғридан-тўғри танқидий матн тузишга киришиш мантиққа зид эди. Айнан шу сабабли Е.Бертельс асарнинг ХIII асрга оид таҳририни тиклашни мақбул кўрди.

Олимнинг матншуносликка доир назарий қарашлари янги давр ўзбек матншунослик илми учун назарий асос бўлди. Бу ҳақда таниқли навоийшунос, матншунос Порсо Шамсиев шундай ёзади: “Алишер Навоий “Хамса”сининг илмий-танқидий матнига асос бўлган қўлёзмалар тавсифига ўтишдан аввал, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бизга озарбайжон олимлари коллективининг Низомий Ганжавий “Хамса”си устида олиб борган иш (эслатиб ўтамиз, Низомий “Хамса”сининг танқидий матни Е.Э.Бертельс раҳбарлиги остида тузилган – А.Э.) тажрибасига, шунингдек, Москва шарқшунослари томонидан Фирдавсий “Шоҳнома”сининг илмий-танқидий текстини яратишдаги бой тажрибаси катта ёрдам берди. Профессор. Е.Э.Бертельснинг “Шоҳнома” матни учун қўлёзма танлашдаги принципларини тўла ҳолда Навоий “Хамса”сига ҳам қўллаш мумкин бўлади”⁶.

Ўтган ХХ асрда ўзбек матншунослик илми катта ютуқларни қўлга киритди, биринчи галда, Алишер Навоий асарларининг танқидий матнлари тузилди, шу билан бирга бошқа мумтоз адабиётимиз вакилларининг адабий мероси халқимизга имкон қадар тўла тақдим қилинди. Тузилган матнлар юзасидан матбуотда таҳлилий характердаги мақолалар мунтазам равишда нашр этиб борилди. Айрим ноёб манбаларнинг факсимел нашри чоп қилинди ҳамда бу борада муайян тажриба тўпланди.

⁵ Ўша ерда. 6 с

⁶ П.Шамсиев. Ўзбек матншунослигида оид тадқиқотлар. Тошкент. 1986. 27-бет.

Тўпланган тажриба эса келгусидаги ишлар учун мустаҳкам илмий пойдевордир. Шу билан бирга, тараққиёт давом этар экан вақт ўтиб аввал бажарилган ишларга танқидий қараган, ютуқ ва камчиликларини рўй-рост кўрсатган ҳамда янги билимлар мажмуига таянган ҳолда янада олға илгарилашни замон тақозо этмоқда.

Маълумки, матншунослигимизда асосий урғу танқидий матн тузиш ва уни имкон қадар тезроқ чоп қилишга қаратилган эди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, муаллиф нусхаси бизгача етиб келмаган адабий ёдгорликни адабиётшунослик ёхуд тилшунослик аспектида тадқиқ этишдан аввал унинг танқидий матнига эга бўлиш шарт. Иккинчидан, ўтган юз йилликда ўзбек алифбосининг сурункали ўзгариши (1921, 1929, 1940 йиллар), имло қоидаларининг мунтазам равишда ислоҳ қилиниши мумтоз адабиёт намуналарини, жумладан, шоир асарларини ҳар гал янги алифбода нашр этишни кун тартибига долзарб масала сифатида қўйди. Қўшимча тарзда шуни айтиш жоизки, буюк шоир ижодий мероси ва умуман мумтоз асарлар билан биринчи навбатда ўсиб-униб келаётган ёш авлод – ўқувчи ва талабаларни, кейин эса кенг китобхонлар оммасини имкон қадар тезроқ таништириш биринчи ўринга чиқди. Айнан шу сабабли мумтоз меросни ҳар гал янги жорий алифбода тезроқ тақдим қилишга урғу қаратилди. Биз бугун бундай ёндашувни ўз даври учун зарурий ва ҳар бир фан ривожига содир бўладиган табиий босқич деб биламиз. Айни пайтда матншунослигимиз фақат танқидий матн тузиш билан чекланиб, тадқиқотнинг бир қадар мураккаб бу тури шунчаки техник ёхуд механик ишга айланиб қолганини ҳам афсус билан таъкидлашга мажбурмиз. Чунки одатда, мантшунос ишга беш-олтита нисбатан қадимий, ишончли қўлёзмаларни жалб қилади, улар орасидан бир нусхани таянч – асос сифатида олиб, қўлёзмалараро фарқли ўринларни аниқлаб, уларни илмий аппаратда (тагхатда) кўрсатади ва шу билан матн тузувчининг иши “тугайди”. Ҳолбуки, иш жараёнида аниқланган фарқли ўринлар, хатолар, ўзгаришлар тушунтирилиши, илмий изоҳланиши шарт.

Шу ўринда, таниқли навоийшунос – матншунос Порсоҳон Шамсиевнинг (1897 – 1973) куйидаги сўзлари эътиборга молик: “Мана шу кўчиришларда баъзан кўчирувчиларнинг бепарволиги ёки чаласаводлиги натижасида текстда хилма-хил нуқсонлар юз бериб келган бўлса, кўпинча била туриб, атайин киритилган ўзгаришларга ҳам дуч келамиз. Бу ҳодисалар илмга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва Навоий меросини қўпол бузишдан бошқа нарса эмас”⁷.

Албатта, котиб икки-уч аср муқаддам ёзилган асарни қайта кўчирар экан, табиийки, айрим имловий хатоларга йўл қўяди, ўзи учун тушунарсиз сўзларни (архаик) баъзан ўзгартириши ҳам мумкин. Бироқ муаллиф асарига “атайин киритилган ўзгаришлар” (матншуносликда “интерполяция” дейилади) нима учун содир бўлди ҳамда уларнинг аслият билан муносабати қандай деган саволлар кун тартибига чиқиши лозим. Бу киритмаларни “илмга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва Навоий меросини қўпол бузишдан бошқа нарса эмас” дея баҳолаш етарли эмас. Чунки маъно-мазмун билан алоқадор “парча” ортида ижодкор асарига муносабат, талқин ётади. Уларни муайян давр (ёдгорлик ёзилган ёхуд кўчирилган) билан боғлиқ ҳолда

⁷ Алишер Навоий. *Сабъаи сайёр. Илмий-критик текст. Наирга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент. 1956. 7-бет.*

ўрганиш эса бадиият намунасига бўлган муносабатни объектив баҳолаш имкониятини беради. Яратилган матн (кўчирилган) инсон онгли фаолиятининг маҳсули экан унда яратувчи ижодкорнинг (кенг маънода котиб, саҳхоф, музаҳҳиб, мусанниф) саводхонлик маданияти, асарни қандай тушуниши ҳамда тушунтириши маълум даражада акс этади. Матншунос матн сатҳидаги рўй берган ўзгаришларни шунчаки қайд этиб бориш йўлидан эмас, балки маъно-мазмун билан алоқадор, дахлдор жиҳатларни тушунтириб, изоҳлаш йўлидан бориши шарт. Қисқаси, матн тарихи муайян давр билан алоқадор тарзда тадқиқ этилиши лозим.

Ўзбек матншунослиги кейинги пайтларга келиб ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан бирмунча сулшлашди ва бу ҳолатни бартараф қилиш хусусида ўз даврида (ўтган асрнинг 80-йиллари) “Шарқ юлдузи” журнали ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида қатор баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бу чиқишлар орасида таниқли навоийшунос А.Ҳайитметовнинг “Матншунослик муаммолари” номли мақоласи алоҳида ажралиб туради. Муҳтарам устоз матншунослигимиз тарихига қисқача тўхталиб, ютуқ ва камчиликларни вазмин таҳлил этиб, қилинажак ишлар ҳақида қатор назарий характердаги мулоҳазалар билан ўртоқлашган. Унингча, биздаги матншуносликнинг асосий йўналиши бир ёзувдан иккинчи ёзувга ўтказиш – табдил бўлиб қолган: “Адабий меросга бўлган қизиқиш эса бизнинг мамлакатимизда тобора ортиб бормоқда. Бу вазиятда илмий-танқидий текст тузилишини зарур деб топган асарнинг текстлари бевосита бирон қўлёзма манбадан ҳозирги замон ўзбек алифбосига кўчирилади. Буни транслитерация дейилади. Биз кўпчилик ҳолларда шундай текстларга эгамиз. Бундай текстлар илмий мукамалликдан узоқ бўлса ҳам, омманинг биринчи эҳтиёжини қондирадириш жиҳатидан керак. Шу йўсинда биз ҳозирги кунда кўп классиклар ва уларга замондош авторлар асарларининг нашр этилган нусхаларига эгамиз⁸”.

Юқорида қайд этилганидек мумтоз ижодкорлар асарларини имкон қадар тезроқ халқимизга етказиш асосий тамойилга айланган бўлса-да, мустақиллик йиллари ягона мафкура босимидан халос бўлиб, миллий меросимизни эмин-эркин тадқиқ қилишга ўтганимизга қарамай бундай ҳолат “изчил” давом этмоқда. Боз устига, совет даврида бир неча бор чоп этилган ва бугун яна қайта нашр бўлаётган адабий манбалар, хусусан, Алишер Навоий асарларининг жорий нашрларида кўплаб матний хатолар учрамоқда⁹. Биз бундай ҳолатни кейинги даврларга келиб илмий-танқидий матнларнинг умуман йўқлиги ҳамда малакали матншунос кадрларнинг озлиги, уларнинг малакаси, шунингдек, бу соҳага эътиборнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаймиз.

Ўз вақтида устоз навоийшунос матншунослигимиздаги бундай нохуш вазиятни амалга оширилган ишлар юзасидан танқидий характердаги таҳлилий мақолаларнинг ниҳоятда озлиги, назарий умумлашмалар чиқарилмаслиги ҳамда методологиядаги заиф-

⁸ Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари. Шарқ юлдузи. 1982. №3 169-бет.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Раҳмон В. Мумтоз сўз сеҳри. Т., 2015. Муҳтарам матншунос Алишер Навоий асарларининг жорий нашрлари бўйича йўл қўйилган кўплаб матний хатоларни аниқлаб кўрсатган. Бундан ташқари, қўпол хатоларни юзага келиш сабаблари ҳақида ба-тафсил тўхталган.

¹⁰ Ўша мақола. 171-б.

лик билан боғлаган эди ва биз бунга тўла қўшиламыз”: Матншунослик соҳасидаги ҳозирги энг катта камчилигимиз классикларимиз асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш бўйича ишларнинг сусайиб бораётгани ва бу ишларни амалга оширадиган мутахассислар ниҳоятда озлиги билан ифодаланмоқда. Бу эса ўзбек текстология фанининг назарий муаммоларини ўрганишни, рус ва бошқа қардош республикаларда бу борада йиғилган тажрибаларни ўзбек текстологияси ривожига хизмат қилдиришни кечиктирмоқда. Машҳур рус матншунос олими Д.С.Лихачёвнинг 1962 йили чоп этилган “Текстология” монографиясида муаллиф ўзининг X – ХҮП асрлар рус адабиёти матнлари устидаги ишларини чуқур илмий асослар орқали ёритади. Унинг тажрибаларининг кўп қисми ўзбек ва бошқа халқлар адабий меросини ўрганишга ҳам бемалол татбиқ этса бўлади¹⁰”. Эслатиб ўтамиз, Дмитрий Сергеевич Лихачёвнинг (1906 – 1999) юқоридаги монографияси ярим аср мобайнида уч марта чоп қилинган (тўлдирилган ва тузатилган шаклда) ва бу унга бўлган илмий эҳтиёждан дарак беради. Таниқли олимнинг фикрича, матн тарихини тадқиқ этиш текстологиянинг устивор вазифасига айланиши лозим. Яъни матн инсоннинг онгли фаолияти маҳсули экан уни муайян давр билан боғлиқ ҳолда ўрганишгина кутилган натижани беради. Бундан ташқари, матнни чоп этиш юзасидан, яъни мутахассислар учун ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган нашрлар борасида қатор назарий мулоҳазаларни илгари сурадики, уларни эътиборга олиш адабий меросимизнинг замонавий тақдимотида муҳим аҳамиятга эгадир. Гарчи тадқиқот қадим рус адабиёти тарихи материаллари асосида бўлса ҳам ўрта асрлар адабиётига хос қатор типологик муштарак нукталар монографиядан унумли фойдаланиш мумкинлигини кўрсатар? Шу билан бирга, тадқиқотдаги назарий умумлашмаларни адабий меросимизнинг специфик хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ қилиш ўзини оқлайди.

Бугун республикамызда қўлёзма ёдгорликларни ўрганишга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда ва бу маданий меросимизни янада чуқурроқ тадқиқ этишга ҳамда унинг замонавий аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳар жиҳатдан кўмаклашади. Ўйлашимизча, олимнинг мавзуга алоқадор мақолаларини ўзбек тилига таржима этиб, чоп қилиш бўлғуси матншунос ёки манбашунослар учун ўзига хос маҳорат дарслари вазифасини ўташи мумкин. Юртимизда устоз шарқшуноснинг “Навоий”, “Жомий” китоби, “Навоий ва Агтор” мақоласи, айрим рисоалари филология фанлари доктори, тилшунос Ибодулла Мирзаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Демак, матншунослик бугун адабиётшуносликнинг ёрдамчиси эмас, балки етакчи йўналишига айланиши лозим. Ушбу жараёнда Е.Э.Бертельс илмий меросининг муносиб ўрни бор. Унга мурожаат этганда замонавий матншунослик илмининг ютуқларига таяниш, аввал бажарилган ишларга эса танқидий ёндашиш, ютуқ ҳамда камчиликларини рўй-рост кўрсатиш мақсадага мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Безовта туйғулар овози

Кундаликдан



Авлиёхон ЭШОН

* * *

Биз омонат ҳавоза устида туриб, Шеърят деб аталмиш муҳташам қаср биноси-га исмимиз ёзилган ғиштни қўйишга уринаётган ношуд одамга ўхшаймиз. Бўйимиз деворга етмагани учун қўлимиздан тушиб кетаётган ғишт пастда турган мухлис-ларга тегиб, уларнинг ақли, тафаккури ва ҳис-туйғуларини жароҳатляпти.

* * *

Ҳар бир шоир ўз ҳаёти давомида ягона – гўзал ва мукамал Шеърини ёзиш учун қалам тебратади. Бошқа шеърлари эса ёзилажак ўша Шеърнинг хомаки нусхалари, узук-юлуқ парчалари, холос. Шунинг учун ҳақиқий шоир ўзининг ёзганларидан ҳеч қачон қониқмайди.

* * *

Шеър қора қаламда чизилган сувратга ўхшайди. Ташбиҳ, истиора ва сифатлаш каби санъатлар сувратни янада ёрқин ва жозибали қиладиган рангли бўёқдир.

* * *

Баъзан шоирдан ўз шеърларини тушунтириб беришни сўрашади. Бу, шеър ёзи-лаётган пайтда фалақда юрган шоирни ерга тушириб, номаълум тилдаги битикни ўқиб беришга мажбур қилишдай гап. Оғриқ ва изтироб, қувонч ва ғуссани тушун-тириб бўлмайди, уни фақат ҳис қилиш мумкин.

Шеърни таҳлил қиладиган мунаққидларга ҳавасим келади.

Авлиёхон ЭШОН – 1957 йилда туғилган. Ленинобод (Хўжанд) давлат педа-гогика институтининг тарих-филология факультетини битирган. Унинг “Тунги тиловатлар”, “Райҳоний рангли сувратлар”, “Маҳжуб”, “Сирли пардалар”, “Бо-тиний ёруғлик” номли китоблари чоп этилган.

* * *

Шухратга эришган инсон баланд тепалиқдан югуриб тушаётган кимсага ўхшайди. Мувозанатни сақлай олмаса, йиқилиб тушади.

* * *

Гоҳида шоирдан шеър қандай бўлиши ҳақида сўрашади. Бунинг учун ўша шоирнинг шеърларини ўқиб кўриш кифоя қилади. Зеро, ҳар бир шоир шеърни қандай тушунса, ўшандай ёзади.

* * *

Ўзини танимаган ва ўзининг асл моҳиятини билмаган, бу дунёдаги вазифасидан хабарсиз киши атрофдагиларга кўринмай қолишдан чўчиб, ҳар гапида “мен... мен...” деб таъкидлаб туришни хуш кўради. Шунда ҳам унинг кифоаси кўзга кўринмайди.

Ўз ҳолидан вокиф бўлиб, ўзининг кимлигини билганида эди, “Аллоҳ” деган бўларди.

* * *

Инсон нафақат ўзгалар билан, балки ўзи билан ҳам танишиб бормоғи лозим.

* * *

Бир пайтлар шеър ёзиб юриб, кейин матбуотда кўринмай қолган дўстимнинг андишаси ҳозирга қадар мени ўйлантиради. Нега ёзмай қўйганини сўрасам, шундай жавоб қилганди: “Бундай ўйлаб кўрсам, мен ҳам ҳамма қатори ёзишим мумкин экан, шунинг учун бу ишнинг баҳридан ўтдим”.

* * *

Кўзгуни қанча ялтиратиб артсанг ҳам, хунук юзни чиройли қилиб кўрсатмаганидек, тинмай мактасанг ҳам, ёмон шеър яхши бўлиб қолмайди.

* * *

Душмандан ҳам манфаат етиши мумкин, зеро, у қабоғингни ситиб бўлса ҳам, кўзларингни очиб кетади.

* * *

Адабий муҳитдан йироқда ижод қилаётган шоир девор тагида ўз ҳолича ўсиб ётадиган, илдизига дарё суви етмаган ёввойи гулга ўхшайди. Унинг кўз тиккани ва ишонгани ёмғир олиб келадиган булутлар...

Қаровсиз гул кузга етмай қовжираб қолганидай, қизгин адабий жараёндан узилган шоирнинг ҳам истеъдоди аста-секин сўна бошлайди.

Дарё сувидан ичиб кўрмаган шоир барг ёзиб, кўкка бўй чўза олмайди.

* * *

Тирноғи остидан кир кидириб қолишларидан чўчиб, бир умр муштини тугиб юрадиганлар ҳам бор.

* * *

Дўстим бир шоирнинг китобини совға қилган эди. Гапнинг очиғи, ундаги шеърлар менга ёқмади. Орадан икки-уч ҳафта ўтиб, дўстим бир даврада китоб ҳақида фикримни сўради. “Ёмон” десам, дили ранжийди, “яхши” десам, ёлғон гапирган бўламан.

– Жуда яхши шеърлар экан, – дедим дўстим ва даврадагиларни ранжитиб қўймаслик учун. Ёлғончи бўлиб қолмаслик учун эса бироздан кейин қўшиб қўйдим, – лекин мен шу кунгача шеър бошқача бўлади, деб ўйлаб юрган эканман.

* * *

Ҳар куни ёзиш шарт эмас. Бир ойдан кейин ҳам қайта ўқиса бўладиган битта шеър ёзсангиз, бутун умрингизга етиб-ортади.

* * *

Шоир нимагадир эриша олмагани учун бошқалардан ёзғирмаслиги лозим. Афсуски, айрим шеърларни ўқиб, шоирнинг атрофини душман босиб кетибди, деган хаёлга борасан. Муаллиф ким биландир жанжаллашиб уйига қайтгач, қўлига қалам олгандай таассурот уйғотади.

* * *

Ўртамиёна асарлар ёзилмаслиги учун яхши китоблар ҳақида кўпроқ ёзиш керак.

* * *

Ҳақиқатни бировга айтиш қийин иш эмас, лекин ҳақиқатни ўз кўзингга тик боқиб айта олишинг учун катта жасорат зарур бўлади.

* * *

Бир шоирнинг шеърларини ўқидим. Муаллиф ўзининг тариқат йўлига киргани ва ишқ аҳлидан эканлигини қайта-қайта такрорлабди. Аслида ошиқ хаёли доимо Ҳақ ёди ва зикри билан банд бўлгани учун ўзини буткул унутади. Ўз ҳолидан беҳабар ошиқ “мен” дея олиши мумкинми?!

Хожа Аҳмад Яссавий шундай демишлар: “Ошиқликни даъво қилиб юролмадим”. Ул мўътабар зот яна айтадилар: “Ишқ даъвосин манга қилма, ёлғон ошиқ”.

* * *

Муштдай келадиган тош омоч тишини синдириши мумкин бўлганидай, бир гализ ибора ҳам шеърини сатрларни пароканда қилади.

* * *

Бир матодан тикилган, бичими ва ранги айнан бир хил бўлган либослар шеърга эмас, балки эгизакларга ярашади.

* * *

Маҳаллий шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида яхши фикрдамисиз? Бу адиблардан ихлосингиз қайтиб қолмаслиги учун жаҳон адабиётига мансуб асарларни ҳеч қачон мутолаа қилманг.

* * *

Шарқ мумтоз шоирлари ижодида Қуръони Карим ояти карималари ва ҳадиси шарифлар мазмуни асосида ёзилган шеърлар кўп учрайди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқига ёзилган Шайх Саъдийнинг куйидаги машҳур байти:

*Банӣ Одам аъзои якдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рӯзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор. –*

Ҳазрати Расули Акрам саллоллоҳи алайҳи васалламнинг “Воҳиднинг бир узви бўлмиш мўъминлар учун дўстлик ва муҳаббатдан ўзга ҳеч нарса йўқдир” дейилган ҳадисларидан олинган.

* * *

Ҳар бир шеърдан тасаввуфий маъно излаш удумга айланаётганга ўхшайди. Ҳолбуки, ирфоний шеърлар таҳлили чуқур билим талаб қилади. Масалан, мумтоз шоирларимиз ижодида кўп учрайдиган “ғариб” деган сўзни тасаввуф илмидан ҳабарсиз киши “қариндош-уруғи йўқ ёки кимсасиз” маъносида тушунади, лекин тасаввуф истилоҳида бу сўз “асл ватандан келиб, ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётган солиқ” деган маънони билдиради.

“Асл ватан”, “ўткинчи дунё”, “ғурбат”, “солиқ” сўзлари ҳақида ирфоний тушунча ва билимга эга бўлмасангиз, шеърнинг ботиний маъносидан беҳабар қоласиз.

* * *

Биз шеърият нималигини англаб етмаганимиз учун тинмай шеър ёзаётганга ўхшаймиз.

* * *

Кимдир қамишдан най ясайди, бошқа биров эса бўйра тўқийди: бири руҳ учун, бошқаси тана учун.

* * *

Редакциядан барвақт чиқиб, уйга қайтиш учун бекатда турган эдим, ўғлим телефон қилиб қолди: “Дада, бозорга боряпман. Автобусдан тушиб, ўша ерда кутиб туринг, бирга қайтамыз...”

Белгиланган жойда учрашдик. Қўлимда уч-тўртта янги китоб солинган елим халта бор эди. Ўғлим уни менга кўтартиргиси келмай, ўзи билан олиб мева-чева, совғасалом харид қилиш учун бозор расталарини оралаб кетди.

Мен машинада кутиб ўтирдим. Анчадан кейин ўғлим беш-олтита елим халта кўтариб келиб, машинанинг юкхонасига жойлади.

Қош қорайганда уйга етиб келдик. Машина юкхонасини очиб кўрсак, китоб солинган елим халта йўқ. Ўғлим кўкат харид қилаётиб, уни растанинг олдида унутиб қолдирибди.

Хижолат бўлиб, ўзини қўйгани жой тополмаётган ўғлимга таскин бердим: “Кўп ташвиш қилаверма, ҳозир ҳеч кимга китоб керак эмас, топилади. Бир ҳафтадан кейин қайтиб борсанг ҳам, қўйган жойингда турган бўлади. Мева-чева ёки кўкат солинган елим халтани қолдириб келганингда, бошқа гап эди...”

Ўғлим эртасига бозорга бориб, китобларни олиб келди. Чиндан ҳам уларга ҳеч ким тегмабди, лекин кимдир китобларни ерга қўйиб, елим халтанинг ўзини олиб кетди.

* * *

Шеърнинг юраги гупуриб уриб туриши керак. Уни эшитмадингизми, демак, бундай шеърлар сохта ва жонсиздир.

* * *

Ҳофиз Шерозий ижоди ўз замонасида ҳам, кейинги даврларда ҳам кўплаб тадқиқотлар мавзуси бўлган. Шоирнинг деярли ҳамма шеърдан илоҳий мазмун излангани учун унга “лисон-ул-ғайб” деган нисбат берилган. Ҳозир ҳам баъзи адабиётшунослар ушбу иборани тез-тез такрорлаб туришади.

Аслида ғайб илми фақат ягона Аллоҳга аён, чунки банда ўз қисматини, олам ва одам тақдирини, бошқача айтганда, Оқибатни ҳеч қачон била олмайди.

Ҳофиз ўзига берилган таърифдан рози бўлмай шундай ёзган эди:

*Зи сирри ғайб кас огоҳ нест, қисса махон,
Кадам маҳрами дил раҳ дар ин ҳарам дорад?*

(Ҳеч ким ғайб асроридан огоҳ эмас, қисса (афсона) тўқима, Қайси дил маҳрами бу ҳарамга йўл топади?)

Шеърларни талқин ва таҳлил қилиш яхши, лекин меъёрни унутмаслик лозим.

* * *

Бир пайтлар ён дафтаримга “Умр – тонгдан шомга қадар йўл”, деб ёзиб қўйган эканман. Бугун эса ўша ёзувнинг давомига “Ўлим йўл тугаган жойдан бошланган йўлдир”, деб қўшиб қўйдим.

* * *

Одам боласи кўлидаги охирги бир бурда нонини бошқа бировга тутадиган бўлгандан кейин меҳр-муҳаббат ҳақида гапириш мумкин.

* * *

Ёш бола отаси ёки акасининг оёқ кийимини кийиб кўришни яхши кўради. Лекин катта пойабзални судраб беш-олти қадам юрганидан кейин оёғи чалишиб йиқилиб тушади.

Бугунги кунда мумтоз шоирларнинг ғазалларига боғланаётган баъзи мухаммас ва тазминларни ўқиб, кўз ўнгимда катталарнинг кийимини ҳавас қиладиган болалар намоён бўлади.

* * *

Кўлингидеги китоб ўқий бошлашинг билан уйғона бошлайди. Уйғонган китоб сени уйғота оладими-йўқми, бу ёғи энди муаллифнинг бедорлигига боғлиқ.



Шахриёр ШАВКАТ

Нидолар мудрайдир Моҳи Хоссада

Исён

Чангаллаб зуғумнинг бошини,
қасосга ботирган момолар,
Қайтгунча султоннинг қўшини
тахт қўриб ўтирган момолар,
Хивичда битмаган ишини
қиличда битирган момолар,
"Ўғлимни қайтар" деб ёвларга
ялиниб юрибсиз, водариғ!

Етти алп бир келса, тупроққа
етти бор йиқитган хотинлар,
Жон қизим, ўт қўй, деб титроққа,
ҳар жангда уқитган хотинлар,
Жирканиб қараган қўрқоққа,
қўрқувни қўрқитган хотинлар,
Ҳаҳ, деса, ҳовлининг тўрида
қунишиб юрибсиз, водариғ!

Ёв босса, тап тортмай жисмини
дарёга топширган сулувлар,
Зўр келса, муқаддас исмини
урҳога топширган сулувлар,
Не бўлди, бугун пок хуснини
савдога топширган сулувлар?
Ўзингиз ошиқиб, бегона
кучоқда эрибсиз, водариғ!

Шахриёр ШАВКАТ – 1998 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти талабаси. "Рухим қушлари" номли китоби чоп этилган.

Нотўғри қичқирдик, хўрозлар,
тонг отмай қўшил деб умматга,
Минг йиллик шиддатдан арозлаб,
жасорат чирмалди чимматга,
Димикқан фикрлар, оразлар –
то ҳануз тушмоқда қимматга,
Қошларга мағрурлик ўрнида
Ҳалимлик сурибсиз, водариғ!

Сизлар-чи, ур тўкмоқ – қўллари,
аёлни хўрлаган палидлар?
Сизлар-чи, маишат қуллари –
иффатни зўрлаган палидлар?
Дунёга келишдан илгари
шамчиноқ кўрмаган палидлар,
Гўрингиз устида қарғишдан
иморат курибсиз, водариғ!

Эй дарднинг урғочи исёни,
энг буюк курашчан мўъжиза,
Тубига тушинг ҳар маънони,
тахқирли сифатдир – ожиза!
Тузатинг ис босган хатони,
югурмоқ – энг олий ҳодиса,
Водариғ, не қилиб юрибсиз?
Йиқилиб юрибсиз, водариғ!

Бухоро

Бухоро бордим-у кела билмадим,
Оҳулар мўлтираб ўртади, воҳ-воҳ!
Амирлик аркининг ўрнидек қадим
Муҳаббат дилимни этди қароргоҳ.

Тирилди кўзимда мудраган орзу,
Такаббур ўйларим тортганда лоҳас.
Сахрога туядек чўккан шаҳар бу,
Минори калон-у
калондимоғмас...

Ҳайратим ҳапқириб сўрайди ёрдам:
Бу ўша – лаблари чиройли ҳовуз!
Бу – Сомон йўлининг илмини ёвдан
Донишманд кумларга яширган улус!

Топмадим. Рақибим – қоп-қора қутқу,
Асабим, ғазабим терлади излаб...
Қизилқум чўлига дўнаман буткул,
Чой қуйиб узатса ойчеҳра қизлар.

Дарвоқе, Ситорам... маъсума, музгар,
Менинг тош бағримга қулаган чинни...
Зулумни шарт қирққан қайчини, дўстлар,
Кўрдим-у
унутдим амирлигимни...

Энг ноёб лавҳани синдирди уйқу,
Ўшанда жувонмарг бўлди тамаддун.
Алмисоқ кунидан бир кун ўтди-ю,
Етти йил йиғладим етти пир учун...

Энди кўзёш томмас қуруқ лабимга,
Қайси кўз умрида хато қилмаган?
...Ва мана одамлар чор тарафимда –
Бухоро келгану кета билмаган...

Сўзона

1

Бир уюр сўзларни кўрдим газетда,
Сурат бу – кўлмак.
Сувлагани келганди отлар...
Ёлдор айғирлар,
қорабайирлар,
тўриқ кашқалар
юк тортиб кетарди
сарлавҳа томон.
Гижинглаб турарди тойчоқлари ҳам,
Катта ҳарфларнинг ёнида тақа (.)
Бу қайсингники?
Сўрашга вақт йўқ!
Сўкинади тирелар узун:
Сарлавҳа олчоқ,
сарлавҳа хоин,
сарлавҳа ёмон!

2

Бир гал совуқ шифохонда
кўрдим –
осма оларди
шифтга термулиб маъюс
бувам давридан қолган сўз.
ҳали у газет,
ҳали у минбар,
ҳали у концерт
чайнаб ташлади
бу меҳнат фаҳрийсини.

3

Бир сўз
Йўлчи роқ ёнида ўраниб,
Тўхтаган мошиндан тилайди ҳиммат,
Ўзлигини унутиб.
Бу дунёда баридан қиммат,
Бу дунёда баридан тоза,
Бу дунёда баридан азиз,
Сўзлигини унутиб.

Увайсийнинг қўлидан ўпган,
Нодиранинг тилидан ўпган,
Маъсумалик йўлида унган,
Маҳзунага сингил тутинган,
Зарифгина,
Ҳариргина сўз,
Қўлларингни шеърларимга чўз.
Шунда битар навозишларинг,
Бунда кутар алпомишларинг...

4

Мана бу – юзсиз сўз!
Ана у – тузсиз сўз!
Мен уни кўргандим
Қадимги Римда
оппоқ тогада
киборлик ила
ҳукуматга қиларди хизмат.
хиёл тоза,
хиёл афтода,
ўз бурчини биларди қисман.

Буниси
ал-мисоқ кунидан бери бор,
(сўз берганмиз ўшанда ахир!)
Отилган ўқларни...
Зинҳор ва зинҳор...
Барибир!
Бу эса
сопол косага

кон қуйиб,
жон қуйиб,
охирида имон қуйиб,
сарбадорлар ичган ўша онт!
Бунисими?
Туришидан маълум-ку ўзи,
Амир Ҳусайннинг ваъдаси...

Бу –
Мағрибдан машрикқа
Машрикдан мағрибга
катнаган фармонлар
устига босилган муҳрнинг сўзи –
Амир Темурнинг сўзи.

5

Бадқовоқ сўзлар,
Юмалок сўзлар,
Мўмиёланган сўзлар
Миср эҳромларига қапишиб ухлар.
Нидолар мудрайдир Моҳи Хоссада.
Дуолар ғудрайди майгун косада.

Сулаймон пайғамбар узугин
ичида,
ташида
сўзлар бор,
хикмат ташиган.

6

Бу сўз – пичок,
Тиғи тўмтоқ,
Услуги нўноқ.
Уни минг йиллардан буён
Тахтага михлайди намойишчилар.
Ҳар гал бу сўзнинг
Қўлини қайириб,
Бурнини қонатиб,
Устидан сув сепиб
Маҳкамага тортар
сарой зобитлари.
Аммо ҳар сафар
Ёмғирдан кейин
Бодраб чиқаверар эринмаган сўз...

7

Буниси – “Иқро”.

* * *

Тиф эдим
осмоннинг кўзига қадалиб қолган,
Чўғ эдим
вулқоннинг бўғзида йўталиб олган.
Сув эдим
энг сулув сувсарнинг юзидан ўпган,
Қув эдим,
эхтирос ортидан чопгани-чопган...
От эдим,
елкамга осмонни ташлади дунё,
Дод эдим,
соч юлиб, йўқсиллар бошлади ғавғо,
Муз эдим
мени минг тиллога сотганда бойлар,
Туз эдим
манглайин артганда ҳорғин гадойлар.
Ўч эдим
жодилар остида ўйнаганимда,
Оч эдим
минбарда бир сўзни чайнаганимда.
Гўл эдим
бурнимга илк бор тиш урганда жаҳлим,
Қул эдим
виждонни савалаб турганда фаҳмим.
Кўп эдим
бостириб келганда серойна ҳислар,
Чўп эдим,
дастимдан дод деди, асранди кўзлар.
Тош эдим,
яхшилар бошига тушдим барибир,
Ёш эдим,
кечир, эй дилрабо, ёш эдим, ахир!
Лол эдим
хайратдан.
Кулсангмас, кулмоқчи бўлсанг,
Тол эдим –
мажнунтол,
сен Лайли бўлмоқчи бўлсанг..
Ўқидим,
мактубинг атрли, жоним тасаддуқ,
Йўқ эдим,
сен мени ахтариб келганимда йўқ..
Зўр эдим
жасадим тортқилаб, зўрикқанда ёв,
Ғўр эдим.

Теграмда
машаққат ўйнади лов-лов –
пишмадим,
уволми шунча ўт, меҳнат-у сайқал?
Кишнадим,
ёл силкиб қўймади бирорта байтал...
Бойидим,
эгнимда зарбоф тўн, юрагим йўқсил,
Лой эдим,
сополга айланиб,
синдим-ку чил-чил!
Нур эдим,
неча йил соямни пойлади омад,
Сур эдим,
ниҳоят, чалиндим, кўпди қиёмат!



*Риторикани ва поэзияни ёкитирмайдиганлар -
оғиз одамлар...*

СИНЕСИЙ



Кафтимда исмингни кўтарар дуо



Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

* * *

Нимёруғ хонанинг бир бурчи ҳорган,
Қўлингиз тонггача қаламга тутқун.
Хаёлдан бу ҳолни олиб, деворга
Соянгизни чизиб ўлтиради У.

Шамолга айланиб келади гоҳо
Қанот боғлай дея қоғозларига.
Сиз бор ҳовучларга тўлар "илоҳо!"
Тебраниб кетасиз овозларида.

Қаршингиздан чиқса, титроқ югуриб,
Нафаси бўғзида бўлинар ярим.
Кўзингиз кўзига тўқнашмай туриб,
Сочилиб яйрайди кўзмунчоклари...

Интиқ кўчангиздан ўтмаган ҳамон,
Унинг ҳам кўчаси кўрмаган сизни.
Юз бор суҳбатида бўлгансиз, аммо,
Танимайсизми?

Билмайсиз, бир қизки, ўйлари ҳарир,
У севган денгиздек нигоҳингиз жим,
Биров пайқамасин дея, тунлари
Тушига беркитиб ухлаганларин.

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА – "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори. 1996 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат Консерваториясини тамомлаган. "Мовий кўшиқ" номли шеърӣ китоби нашр этилган.

Сиз сўзга буркайсиз уни тамоман
Кун келар,
ўшандан бошланади кун.
Бир умр ёп-ёруғ хона ичра ҳам
Соянгизга дўниб ўлтиради У!..

Калейдаскоп

Мени ёлғизликка кўмди одамлар,
Кўнмадим,
улардан чиқдим ташқари.
Кўзимга жамики денгизни ғамлаб,
Сочимга минг тунни тарам-тарамлаб
Йўл олдим хуржунга,
гавжумлик сари
ойна тутар дунёга ёмғир саваган
Ижара деворлар йиқилган кўча.
Ке-ечгача чироқлар ҳамрохдир менга,
Кечгача.
Чироқлар йироқлар...

Оқ кўпми ё қора? Кўзим ўнгида,
Физиллайверади автолар сони,
Оқ кўпми ё қора?..
ва ёниб ётади чўнтагимда жим
Кўнғироқ каломлар ва овозларнинг
қабулин истамай худди ўзимдек
овозсиз дастурдаги телефоним.
"Хоним,
ўтиб кетай..." тургинар кимдир
Қарасам чорраҳа. Қутаман
яшилнинг юзидан ўта олмайман
Ҳамроҳим куз ҳурмати
сарикда ўтаман.

Пуфак узатади ночор болакай
Фалон пул ҳавонинг тутқундагиси.
Ер ости йўлида ўлтиради шай,
Тарозибон хола бойиб дам-бадам
Унга кулгуларим вазнин сотаман –
Қирқ беш килограмм...
Баҳоси беш юз сўм унинг,
Гўёки
ясама гулларнинг ифоридек танг
Сунъий хазонларни

кўрганмисиз ҳеч?
Табиийлик ёнишга
маҳқумми дейман...

Айни дам,
Ҳеч не ёқмаётир,
борликда йўқлик,
Шунчаки ке-е-таман...
Ҳатто истамайман, тушуняпсизми,
Нима исташимни
билмоқликни ҳам.
Совқотиб боряпман қуёш тиғида
Шунчаки, недир бор аралаш оғрик
ёронғу туйғулар қоришиғида.
Кутгим йўқ,
Эшитгим йўқ,
Йўқдир гапиргим...
ўйлашни истамам, аммо ҳозир жим
баридан кутқарсин қулоғимдаги
Янграмаётган қулоқчин...

* * *

Ярим тун.
Зил-замбил зимистон.
Дераза – шулар дояси.
Энг заиф нурларни деворда
Аллалар япроқлар сояси...
...мен – зимман.

Зўрларнинг хивчини – узун тил,
Занжири тилида қулларнинг.
Нима деб овутай гулдонда
Оёгин туш кўрган гулларни?...
Мен жимман.

Сукунат энг қадим хумчадир,
Садоси минг йиллар нарида.
Чанг босган энг тоза тилаклар,
Чироғим дунёнинг қарида.
Мен – жинман.

Қанотим остида эди кўк,
Мардларга ёр эдим қачондир.
Изларим йўқолган заминда
Қачондир бор эдим, қачондир...
Мен – чинман!

Сочилиб боряпман очунга,
Чўқмоқда минг битта бўлагим.
Бор бўлса қаерда, кўрсатинг,
Қандай яшаяпти юрагим?
Мен кимман?

* * *

Ё чиндан тизгиндан чиқди коинот,
Балки биз ундаги сўнгги асотир.
Тоғ эрсанг, ўссанг ҳам,
чўксанг ҳам, хайҳот,
Ўприлиб тушади осмон –
Хавотир.

Хотирлар потирлаб тирнар бўғизни,
Минг йилки нўноқмиз ё шундай ғариб.
Ҳақиқат, оқибат каби сўнгсўзнинг
Чинаккам маъносин ахтариб
топдикми?

Қай бири адлнинг роҳи?
Ҳамонки сарф бўлиб лаҳзама-лаҳза,
Бирликнинг занглаган эшигин қоқиб,
Кўксингда мушт бўлиб уради ларза.

Алмисоқ белбоғи бўлган Кайвонга
Кўп оғир, биламан,
бас, энди бунча
Кучингни ҳайфлама, токи майдонга
Бирга-бир тушгуъчи мард келмагунча.

Ғурурим, бир зарра тўкилма асло,
Ё Ҳақ, де йўлласин саодат сари.
Кафтимда исмингни кўтарар дуо,
Елкангни – Эгамнинг фаришталари!..

* * *

Йўлма-йўл
ўзини излайди фурсат,
Кўрсат,
кўзгуларда котганин кўрсат.
Сувларда жилмайиб ётганин кўрсат.
Йўлма-йўл
ўзини излайди фурсат.

Йўлма-йўл
аёлнинг қадри тўшалган...
Яшалган
бировнинг умрида – сукут.
Босиб ўт, сени аёл тукқанин унут.
Йўлма-йўл...

Йўлма-йўл...
Заминнинг либоси ямоқ.
Тупроқми?
Не қипти бир кафти, Дўстим?
Яланғоч қолгунча Ватаннинг усти
бериб юборамиз, йўлма-йўл.

Йўлма-йўл,
Изларга ташлайсан назар,
Алҳазар,
бу йўлдан ўтмаган Одам?
Додламоқчи бўласан...
...Овозингни ютиб юборар қадам.
Йўлма-йўл...

* * *

Она, об-ҳавога дўнди йилларим
Хотирамни уради яшин.
Бўғзимда чақади момақалди роқ
Кўзимга бир олов, бирда сув ташир.
Уйимизнинг тили бўлса, бўларди китоб.
Ўзи ўйнаб,
ўзи йиғлаб,
ўзи юпатгувчи китоб.
Соғинчларим айлайди хитоб,
Деворда оёғидан осилган рубоб,
томирлари

отамнинг етимлик йилларида ва
рўзгорнинг авжида узилган рубоб...
Отам хониш қилса шашқатор бўларди шашмақом,
Тебрани-иб-тебраниб йиғлар эди шам.
Суратлар чизардик мафтункор бирам,
Дунёнинг рангидан кўп эди қувончларимиз.
Энг муҳими тўқ мусаффо эди кўзларимиз.
Сиз айтган эртақлар каби мусаффо...
“Мусаффо” кунларнинг бирида
Отам мусофирга кетган маҳали,
Укам билан “сарик” бўлгандик ёмон.
Дўхтирга, дорига пул йўқ, шекилли,
Жўхори попугин қайнатиб бергач
Кўйимизга бокиб,
Сизнингда рангингиз бўлганди сомон.
Сарик рангни шундай англайман ҳамон.
Отам Ватанини севарди жуда.
Унутмаслик учун уни сафарда
Баҳор ифорини кўтариб бошга
Дўпписин остида кетди авайлаб.
Тўрт фасл ортидан қайтди саҳарда
Опшоқ дўши бўлиб сочлари...
Бошидан,
кўнглидан не ўтса ўтди.
Чизмай кўйди,
чалмай кўйди,
айтмай кўйди...
Сўнг алам устида айтдим, онажон:
Отамни ватани унутди!
Соғинч шеърлар ёздим кучиб рубобни,
Укам кўшиқ айтди отамнинг овозида.
Отам дала чопди,
Сиз орзу ёпдингиз.
Қамаша бошлади дунёнинг ранги.
Ишончим – рубобнинг торлари эди.
Шунда ҳам чаляпман дилда борини.
Аммо,
Келажак кўзига тик боқай деса,
Ватан унутмасин Оталарини.

* * *

Заррабин дераза ичра коинот,
Хонам гардишига ташлар ўзини.
Чўлпон кўзларимга тўқнашар ҳаёт,
Парда тин олади хўрсиниб...

Мўралаб туради тоғларнинг ярми,
Булутлар артганда ойнинг курагин.
Туртиб юборади сайёраларни
мудрок чигиртканинг хурраги.

Тобора яқинроқ кўринади кўк,
Тобора сочилиб боради сирлар.
Ва ё фаслларнинг аҳамияти йўқ
Кайвоннинг белбоғин тортар асрлар.ё
Кўрдим,

термиларди Ҳазрат кўзидан
Мажнуни бедор сўз, Лайли висоли.
Улуғбек бобомнинг “Зиж”лари билан
чой ичиб ўлтирар ҳисобим...

Шамол тентирайди қисматидан маст,
Эътиборим торгар баридан рўй-рост,
Шаффоф оламини ёриб чиқолмас
Томчи ичидаги овоз...
Заррабин дераза ичра коинот!...

* * *

Келгунингча борлигини билмасди йўл,
Саллоланиб хиром этди – келди рашким.
Зоҳир нима,
ботин нима – унутдиму...
Кўзларингда аксим билан жой талашдим.

Ё ярашди бизга ишқи шуаронинг,
Сўз яралди умримиздан ишққа довур.
Ким биларди, ахир, сен-ла куйламоқлик
Ҳам куйланиб ўтмоқ бахтин,
ажабтовур!

Келгунингча учрашгандик Алмисокда,
Мен манзилман қадим-қадим,
эсингдами?
Навқирон бу ўнгим билан сармаст чоғда
Тушларимни эслолмадим,
эсингдами?

Бир ифор бор – субҳи содиқ аро тилсим,
Сажда қилсанг,
таъзим этсам – висол жамдир.
Ҳисоб куни тарозида сўзлаб турсин:
Сенинг меҳринг,
Менинг ҳамдим!...

Келгунингча... борлигини билмасди йўл...



Иброҳим ҒАФУРОВ

Инсон оҳи бўстонлар аро

Шоирнинг туғилиши Биринчи ҳол

Маҳмуд толенинг эрка бир танлови дамида шеърят жунуни билан дўстлашди.

Қон-қариндош тутинди. Жунун билан бирга шеър ёзди ва айтди.

Қариндошлик, дўстлик то умрининг шу палласигача авж пардаларига кўтарилиб, жўшиб боряпти. Ижодкорлик оламларида бу ҳам чинакам феномен, фавкулодда мўъжизавий ҳодиса.

Анча пайтлардан буён Маҳмуд ва унинг шеърияти ҳақида кўнглимда туғиб юрган гапларни бир тартибга солиб айтгим келади. Мана у қутлуғ етмиш ёшига ҳам вазмин қадамлар отиб, яқинлашиб бормоқда. Юракда фикр-ўй тугунларини айни ечадиган пайт. Айтадиганингни айт.

– Алло, Маҳмуд, – дейман, – публицистик мақолалар китобларингиз ҳам чиққан бўлиши керак. Менга ўнлаб китобларингизни ҳурмат ихҳори бўлган сўзлар – дастхатлар ёзиб тақдим этгансиз. Лекин публицистик китобларингиз, ижод жараёнлари ҳақидаги мақолаларингиз менда йўқ экан...

(Телефонда ўртага жимлик чўқади ва бироздан сўнг Маҳмуднинг дўриллаган овози яна эшитилади:

– Менинг шу пайтгача йигирма бешдан ортиқ китобим чиққан. Публицистик китобларимни сизга етказмаган эканманми, мендан ўтибди. “Европа саёҳати”, “Янгиланаётган Ўзбекистон” деган публицистик китобларим бор. Шоирлар ҳақида ҳам анча-мунча мақолалар ёзганман. Аввало, Миразиз Аъзам, Асқар Косимнинг илк давр китобларига. Балки ўша пайтларда кўзингиз тушигандир. Матбуотда чиққан. Буни қарангки, сизга ўхшаб ижодимнинг илк нишонларини адабий мақолалардан бошла-

Иброҳим ҒАФУРОВ – Ўзбекистон Қаҳрамони. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. “Дўстлик” ва “Меҳнат шухрати” орденлари соҳиби. Филология фанлари номзоди. 1937 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Бир қанча бадий, адабий-танқидий китоблари нашр этилган. Э.Хемингуэй, Ф.Достоевский, Э.По, У.Фолкнер, Ч.Айтматов, В.Распутин, Г.Маркес, Ж.Жойс асарларини ўзбек тилига ўгирган.

ганман. Шеърлар борасида танқидий мулоҳазалар ҳам билдирганман. Ўртада тортишувлар бўлган... Университетни битираётган пайтларим эди-да. Университетлар одамни илм билан бойитади... – дея Маҳмуд одатдагидай гапларини ҳикматоса қилиб, ҳикмат қўшиб айтади.

Шеърлари ҳам туп-тус ҳикматга тўла. Гоҳ Маишраб, гоҳ Яссавий, гоҳ Ҳаким ота, гоҳ Махтумқули саслари янграб туради. Аммо Маҳмуд Тоир ва ҳикмат – бу алоҳида катта мавзу. Мен авваллари Маҳмуднинг ҳикматларини ўзимча “жайдари фалсафа” деб ўйлаб юрардим. Жайдари фалсафа – илмий бўлмаган фалсафа: яъни одамлар, халқ ўртасида шундай кези келганда тилга олинадиган ҳаётий халқона донишмандликлар. Уларни кўпинча нақ ҳаёт, турмушининг ўзи яратади. Халқ мақоллари Афлотун ва Сукрот бўлмаса ҳам, жайдари фалсафанинг гултожи. Маҳмуднинг шеърларида ҳикмат шундай чинакам гултожга айланган ёки айланаётган, жараён чексиз давом этаётган ҳоллар, мисоллар кўп. Маҳмуд шеъриятида зуҳурланаётган ҳикматларни у бирон ердан ё мақоллар китобларидан ё халқ достонларидан олмайди. Ҳикматлар – мақол эмас. Дониш сўзнинг бир ёмби шакли. Улар шеърнинг қуйилиб келиши жараёнларида шеърнинг ўзи, унинг мавзуси, шеър ёзиши нияти билан бирга тугилади. Улар Маҳмуднинг ўз хаёлхонасида тугилган ва тугилади. Мен қавс ичида айтилаётган фикримни шу ерда тугатиб бошқа наволарга ўтмоқчиман).

Аслида публицистик китоблар ҳақидаги гапдан кейин, Маҳмудга учта – ўзим учун аниқлаб олмоқчи бўлган савол бермоқчи эдим. Лекин телефонда бунинг фурсати бўлмади. Менинг кўп гапларим ичимда қолганини сездим, эртасига Маҳмуднинг ўзи йўқлаб келди. Мен беҳад суюниб кетдим. Нима деманг. Ҳаёт дид-фаросат ва кўнгил ўқишининг қаҳқашони, яъни юлдузлар билан ғиж-ғиж тўла осмони... ичимда Маҳмудга шундай учта саволим бор эди, сиздан ҳам яширмай қўя қоламан, азиз ўқувчим. Яъни:

- Маҳмуд, сизни адабиёт дунёсига ким ва нима етаклади?
- Адабиёт дунёсида кимга эргашдингиз?
- Сизни адабиётчи бўлишга нима турткилади?

Маҳмудни шоир адабиётчи сифатида яхши таниб олай деяпман-да. Бўлмаса, мақола ёзиб, фикр айтиб, лойиқ бир баён бўладими? Асло!

Маҳмуд саволларимни эшитиб, жилмайиб қўйди. Ичида “Иброҳим акам барибир танқидчи-да” деб қўйдимикин? Аммо саволларимга худди мақола ёзаётгандай лўнда-лўнда жавоб берди. Болалик пайтлари, университетда таҳсил олган 1969 – 1977 йиллар ичида ҳарбий хизматни ҳам ўтаган, яна таҳсилини давом эттириб, нашриётларда экспедиторлик қилган замонларини ҳикоя қилди.

Орада:

– Маҳмуд, таржимаи ҳолингизни ёзганмисиз? – деб сўрадим унинг кизиқарли ҳикоясини тинглаб ўтириб.

– Йўқ, – деди Маҳмуд, – вақт ёмон совурилиб кетадиган раҳмсиз нарса экан, Иброҳим ака, – деди у хўрсиниб, – ёзадиган нарсалар жуда кўп. Лекин вақт етказиб бўлмайди...”

Мен Маҳмуд Тоирнинг кенг қамровли ижоди ҳақида ўйлаганда, унинг ижодига айниқса икки зотнинг таъсири жуда кучли бўлган деб чамалаб юрардим. Ва уларга ҳавасим келарди. Биринчиси Маҳмуднинг университетдаги домласи ва раҳбари атоқли олим Озод Шарафиддинов. Иккинчиси Ўзбекистон Қаҳрамони, улуғ шоир Абдулла Орипов.

Озод Шарафиддинов университет талабаларида ижодий куртакларни худди баҳор шабадасидай очарди. Эркин Воҳидовдан Абдулла Ориповгача, жуда кўп ижодкор ёшлар тақдирида бунга гувоҳликлар сероб. Маҳмуд ҳам Озод домланинг назарига туш-

ди. Озод домла унинг манглайида адабиётчиликнинг лаёқатини сергак уқди. Унга Миртемирнинг машхур “Излаганим” китоби бўйича битирув диплом иши ёзишни таклиф қилди. Маҳмуд бу ажойиб китобни ўқиган ва доим ёнида олиб юрар, ухласа, ёстигининг ёнига қўяр, қачон уйкудан кўз очса, яна буюк устознинг шеърлари ичига шўнғирди. У “Излаганим”ни ёдлаб олди. Завқ-шавқ билан илк ижодий ишини ёзиб битирди. Зафарли ёқловдан сўнг эртасига Озод домла Маҳмудни учратиб, унга бир китобчани тутқазди. Бу Миразиз Аъзамнинг ўша пайтлар овоза бўлган “Севаман” деган китоби эди. “Севаман” Маҳмудни ўзига ром қилди. Китобчадан инсон ғайрати ва ихлоси ёғилиб турарди. Маҳмуд тўлкинланиб бу китобга тақриз ёзди. Мақола матбуотда чиқди. Тилга тушди. У Миразизнинг ҳам диққат-эътиборини тортди. Навқирон ўғлонлар танишиб олдилар. Ҳақиқатан, ўша пайтлар “Излаганим”, “Севаман”, “99 миниатюра”, “Сизга айтар сўзим”, “Мен сув ичган дарёлар”, “Йиллар армони”, “Ёшлик девони” сингари яхлит китоблар шеърятда одамлар учун том маънода йўлчи юлдуз бўлган, ижтимоий-сиёсий қоронғиликларни ёритган, миллат хаёлини истиклол орзуси билан тўлдирган, ёндирган эди. Озод Шарафиддинов то сўнгги нафасигача Маҳмуд Тоир ижодини қизиқиб кузатиб борди. Маҳмуднинг китобига сўз, мақола ёзди, шоирга доим далда берди. Озод Шарафиддинов шоирнинг “Отамнинг ўкинчи” деган эхтирос ва инсоний фарзандлик дарди билан ёзилган достонига сўз ёзди ва унда қуйидаги фикрни ҳам айтиб ўтди: “Бирин-кетин чоп этилган шеърый тўпламлар, “Ҳақни таниб”, “Сайланма” каби китоблари бугунги шеърятимизда ўз ўрнини эгаллади”. Озод домла шу ерда дostonдан ўзига ғоят ёққан бир бандни мисол келтирди:

*“Ахир Оллоҳ отани
Осмон қилиб яратган,
Жаннатдан чиққан гулга
Богбон қилиб яратган”.*

Буларни албатта Маҳмуд шоирнинг шоҳ сатрлари деб ҳам аташ мумкин. Маҳмуд ота-она азизликлари таърифларида Абдулла Орипов изидан бориб, Ҳаким ота хазратларининг “Отанг парвардигорингдир” деган мўъжиза сўзлари қаторида туришга лойиқ курч мазмундор сатрларни дунёга келтирди. Мен бу мўъжизакор сатрларни Навоийнинг “Оналар аёғи остидадур” мазмунли гўзал шеърига ҳам муқоёса қилишга журъат этаман. Шеърый, фикрий, миллий анъаналар доим тириклигининг бир чиройли мисоли бу. Аммо Маҳмуднинг сатрлари ҳаётнинг ўзидан, шоирнинг шахсий тажрибасидан бунёд бўлганини ҳам таъкидлаб ўтайлик. Шу гапларни эслаб ўтарканмиз, ҳозир Озод домланинг “ўз ўрнини эгаллади” деган ҳаққоний иборасига эътибор қилгимиз келади.

“Ўрнини топиш” ҳар қандай инсон учун ҳаёт йўллари, интилишлари, изланишларида ниҳоятда зарур ва ниҳоятда катта масала. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бутурли драмаларга олиб боради. Буни тузатиш инсонга жуда қимматга тушади. Айниқса, ижодкор инсоннинг ҳаётда, майдонда ўз ўрнини топиши, уни мустаҳкам эгаллаши – ҳаёт-мамот масаласидир. Ўрин топиш халқ ёдига, эътирофига киришдир. Ҳар бир ижодкор бунга ўз улуғ сермашаққат меҳнати билан эришади. Қадр-қиммат топиш шу ўз ўрнини топиш билан чамбарчас боғланган. Эҳ-ҳе! Маҳмуд адабиётда ўз ўрнини эгаллаш учун қанчалаб машаққатли ҳаёт мактабларини босиб ўтди. Нимага эришган бўлса, асил Худо берган пешонаси билан эришди. Аммо адабий воқелик учун яна шуниси ҳам эътиборлики, Озод домланинг адабиётдаги ўрин ҳақидаги эътирофи бизнинг кунларимизда шоир Мирзо Кенжабекнинг “Маҳмуд Тоир ўзбек шеърятда ўз ўрни, ўз маънавий мақомига эга бўлган халқ шоири” деган сўзлари

билан мўътабар тасдиқ ва ҳамоҳанглик топди. Мирзо Кенжабек бу сўзларини Маҳмуд Тоирнинг “Сўз саодати” китобига ёзган дебوحасида қайд этиб ўтди. Мирзо Кенжабек чин ҳикматпараст шоир сифатида Маҳмуднинг ҳикматли шеърларига астойдил тўхталди, уларни қадим ҳикматпарастликлар билан чоғиштирди, Абу Бакр Варроқнинг “Ҳикмат барча ишларнинг энг тўғри ҳукмлариدير, ҳикмат эҳтиёжга яраша сўз айтмоқдир” деган олтинга тортиб олса арзийдиган фикрини келтирди ва Маҳмуднинг ўзи тан берган бир қанча тўртликларини мисолан кўрсатди, чунончи:

*Сиз ойга осилманг, нарвонингиз йўқ,
Қуёшга қўл чўзманг, давронингиз йўқ,
Юлдузлар узоқда, етмайсиз, аниқ,
Чунки қалбингизда осмонингиз йўқ.*

Бундай дард билан айтилган бағирдор шеърлар тизимлари шубҳасиз Маҳмуд Тоирни қатта шоир даражасига, Мирзо айтмоқчи, “мақомига” олиб чиққани аниқ. Бундай шеърларни ўз даврони етиб, Машраб, Яссавий, Ҳақим ота, Хувайдо, Фурқат, Ҳамид Олимжонларни ёд билган ва кўнгил оламларини мана шундай шеърятда созлаган шоир айтаётгани бежиз эмасдир. Маҳмуд бу мақомга буюк иисоний интилишлар, покланишлар, Арастучасига айтсак, катарсисларда эришди. Мен боягина Маҳмуднинг иждокор сифатида вояга етишишида кучли таъсир кўрсатган икки адибга ҳавас қилишимни эслатдим. Озод ака ҳам, Абдулла Орипов ҳам бағоят бу томондан бахтли сиймолардир. Маҳмуддай садоқатли ва йўл биладиган шогирдлари борлигидан улар ростдан ҳам фахрланардилар. Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоир, Сирожиқдин Саййид, Рустам Мусурмон, Турсун Али, қолаверса, ўзининг ёзишича, Янгибой Худойберганов кабилар доим Абдулланинг ён-атрофида эдилар. Мен булар ёнига Абдурахим Эркаев ва муҳтарам эзгу сўз Дониёр Бегимкуловни ҳам қўшган бўлардим. Бу хурматли зотлар Абдулла Ориповнинг дунё ишларидан маълум даражада рози бўлишида анча яхшиликлар қилдилар. Абдулла ҳам уларнинг иждокор ва инсон сифатида ўсишига мислсиз ҳиссасини кўшди. Ақчакўл, Дўрмону Зоминда шеърят байрамлари машғалаларини баланд аланга олдирди. Маҳмуд булар сафида энг муҳаббатли ва садоқатли шогирдлик удумларини тўла адо этди. Маҳмуд Ўзбекистондаги барча шеърый чиқишларининг “Бисмилло...”сини Абдулланинг “Онажоним шеърят” манзумасини ёд ўқишдан бошларди. Ва шу руҳда замонасоз сўз айттарди. Сўзлари тоза ва самимий кўнглининг ажиб жарангига тўла бўларди. Маҳмуд ўзбек халқи ва қолаверса, Абдулла учун чин нотик бўлди.

Маҳмуднинг биринчи шеъри ўн икки ёшида Юқори Чирчиқнинг “Суръат” газетасида чиққанда ва ажиб тарзда “Танноз келур” деб аталганда, бугунги кунларни, бугунги иззат-эътиборни ўйлаганмикин?! Аммо тақдир уни йиллар ўтиб, сўз мулкида ҳақиқий ўқтам ва кўркем шоирга айлантди. Бунга ҳам Абдулланинг ҳиссаси бор, албатта.

Маҳмуд ўсмир ёшида ажойиб, оқил, илм эгаси, уста дурадгор, суюкли отасидан жудо бўлганда, ўзини бу хувуллаган оламда қайга қўйишни билмай, Абдулланинг “Онажон” шеърини ўқиб, ёдлаган ва унга Миртемирнинг “Онагинам”ини зам қилганда, пайтлар келиб Рим, Парижу Берлин кўчалари, залларида шеър ўқиб юришини тасаввурга ҳам келтирмаганди. Лекин унинг пок ниятига кўра, “онажоним” деб энг юксак даражада таърифланган шеърят тақдирини баланд пиллапояларга кўтарди. Уни адабиётчи бўлишга сеҳрли шеър оҳанглари ундади, ҳамма ерда шу оҳанглар уни қўллади, ҳаёт синовларида мадакор бўлди. Бу том маънода худди шундоқ. Биронта ясалган ё тўқилган уйдирма ҳол йўқ. Биз Маҳмудда шоирлик

қандай ва нима бўлиб бошланганини “Шоирнинг туғилиши. Биринчи ҳол” деб ата-япмиз. Ва Маҳмуд Тоир қандай бошланганини англамоққа уриняпмиз.

Абдулла шоғирди Маҳмуднинг “Ҳақни таниб” деган ва Маҳмудни Маҳмуд Тоир қилган китобига “Самимият шоири” деб номланган сўзида шундай ёзди: “Маҳмуд Тоирнинг шеърларида жилғалар рақсга тушиб, тошлар қўшиқ айтади. Ялпизлар эса ариқ бўйларида тизилишиб, йўқ, чордана қуриб ўтиришиб қарсақлар чалишади. У сўлим табиат, маъсума баҳор шоири”.

Булар улуг шоир жуда топиб айтган Маҳмуд Тоир шеърятининг таъбир жоиз бўлса, маҳмудтоирона белгилари, ташбеҳлари, хосликлари. Абдулланинг худди Маҳмуд шеърини усулида сўз баён қилаётганидир. Қолаверса, Абдулла беназир дид эгаси эди. Баъзан шоирлар, шеърини китоблар ҳақида ёзилган мақолаларни ўқийсиз. Фикрингиз уларни ўқигач, интенсивлашишини истайсиз. Аммо интенсивлик йўқ. Ҳолбуки, шеър деган нарсаси бу руҳий оламдаги тўла интенсивлик. Бунинг ўрнига тўла зўракилик бўлса-чи?! Шеър ва шоир чала-чулпа ўқилиб, тақриз ёзаётганидан афсусланадиз. Абдулла шеърини аниқ сўзлар билан лўнда тушунтирар, лўнда танқид қиларди.

Маҳмуджон отасидан қолган эски уйда, эски танчада айрилиқдан қунишиб ўтириб, шеър дунёсига кирди ва унда доим фикрдан фикрга, сўздан сўзга, оҳангдан оҳангга мутгасил ўсиб, уйғунлашиб борди. Халқ ичига кириб, халқдан куч ва илҳом олди. Тарих унга кулиб бокди. Истиқлол Маҳмудга ўхшаган шоир ўғлонларнинг пок орзуларини рўёбга чиқаришда мўътабар минбар бўлди. У том маънода истиқлол шоирига айланди. Уни “истиқлол шоири” деб мендан анча олдин Озод домла, Абдулла ва фан доктори Абдуғафур Расулов айтганлар. Аммо ҳақиқат тақдорлангани билан озайиб қолмайди. Аммо бу энди “Истиқлол шоири” деган мақоламизнинг “Иккинчи ҳол” деб аталган бўлагининг ҳикояси.

Ёруғлик тез кетиб қолади. Қоронғи шиддат ва шитоб билан бостириб келмоқда. Осмонда Ой ҳам Ер юзидаги манфур ишлар, инсониятга қарши жиноятлардан уялиб, кўкда қизариб кетмоқда. Ой куймоқда, дўстлар, Одамзотга башорат бермоқда. Аммо сира таълим олмайдиغانлар ғоят бисёр. Ўзинг сақла, Парвардигор, Ўзинг меҳрибон Тангримизсан.

Истиқлол шоири

Иккинчи ҳол

Маҳмуд Тоирни шеър аҳли ва мухлислар “истиқлол шоири” дейишади. Улар юз карра ҳақ. Истиқлол шоирларининг сифатларини сизга айтмай. Улар аввало ўта ижтимоий-сиёсий, маданий ва журналистика соҳаларида фаолдирлар. Бунда шоирликда ҳам фаолликни биринчи ўринга қўямиз. Айниқса, Абдулла Орипов мактабидан чиққан ижодкорлар (мен номларини мухтасар санаб ўтай) аввало, ажойиб салоҳиятли Муҳаммад Юсуфнинг ижтимоий-маданий фаоллиги тилларда дoston бўлди. Ҳассос назмий калом эгаси Муҳаммад Юсуфнинг ёнида доим Маҳмуд Тоирни ажралмас қўша бодом мағзидай бирга кўрардим. Маҳмуд бир куни менга: “Иброҳим ака, Муҳаммад Юсуф мендан икки ёш кичкина. Лекин мен ундан шеърга қандай муносабатда бўлиш, шеърни сарафроз қилишни, яшириб нима қилдим, шеърда замонага актуал бўлишни ўргандим...”, деганди. Ақл ёшда эмас, бошда. Шоир ўрганиб-ўрганиб, изланиб-изланиб, ўз йўлини, ўрнини топади. Биз бу ҳақда юкорида ҳам фикр юритдик. Маҳмуд замонавий долзарблиқда Муҳаммад Юсуф ва Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо билан бир сафда ёнма-ён борди. Тошкент, Нурафшон шаҳарларидаги янгилианишлар, ажойиб ислохотчилар ҳақида эҳтирос ва замона воқелигининг шои-

рона таҳлилларига бағишлаб тўлиқ мақолалар, дostonлар ёзди. Тошкент вилоятида бораётган улкан ўзгаришларни мағзи-мағзига кириб, уларнинг ниҳоятда характерли хусусиятларини жонли-ҳаётгий ифодалаб берди. Ахир шундай мавзуларни вилоятнинг энг сеvimли фарзандларидан бўлган Маҳмуд ёзмаса, ким ёзсин?!

Маҳмуднинг истиқлолчилик ва ислохотчилик руҳидаги муҳокамалари, энг аввало, ишонарли эканлиги ва муаллиф уларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиққанлиги билан ўзига жалб қилади. Ёзувчи асарининг мафтункорлиги муаллифнинг ўз материалини теран билиши, англаши, изоҳлаши билан белгиланади. Маҳмуднинг “Янгиланаётган Ўзбекистон” деб номланган публицистик асарлари жамланган китоби ислохот – истиқлол масала-муаммоларини чуқур билиши ва англаши билан ўзига тортади. У Президентимизнинг турли чиқишларига жуда ёрқин муносабатлар билдиради. Унинг давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятида ўтказган учрашувларида сўзлаган маърузаларидан чуқур таъсирланиб, Юртбошига йўллаган хати ўз ақуаллиги билан жамоатчиликнинг эътиборини тортди (“Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 26 мартдаги сони).

Хатда Президентимиз кўтарган ранг-баранг ижтимоий-сиёсий масалаларнинг янги қирралари очилгани кўзга ташланди ва ислохотчиларнинг диққатини тортди. Мен бир неча ой аввал оташин шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг ҳам публицистик ва адабий мақолалари жамланган китобини ўқидим. Воқеалар, она юрт, кенг миқёсдаги барча салмоқли ўзгаришларга шоирона теран тушунчали муносабат ва ёрқин баҳолашлар... Ахир Сирожиддин ҳам Абдулла Орипов устозлик меҳнатларининг шарафли самарасида. Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо, Мирзо Кенжабек ва ёши булардан улўғроқ эса-да, жўшқин ва гоятда нозик фикрли Анвар Обиджон ҳамда қолаверса, катта файласуф ва социолог олим Абдурахим Эркаев, фидокор адабиётчи Дониёр Бегимқулов Ориповнинг адабиётимизга етиштириб берган салмоқли, тарихга кирадиган самараларидир. Буларни ўйлаганда, устоз деган тушунча ҳақида фикрлаганда, кўз ўнгимдан адабиётимизнинг ёрқин мазмундор фактлари сира кетмайди. Мен бу фусункор сиймоларни Орипов таълимини юксак даражада ижодий сурагда олиб, истиқлол даври адабиётимизнинг аортаси ўтган, юрак аортаси сўз, образ, фикр, гўзал туйғуларнинг истиқлоли деб биламан. Улар истиқлолнинг ўқ марказида ижод қилаётган миллий кашфиётчиларимиздирлар. Шахсан ўзимни бу эҳтиросли ижодкорлар ижодиёти олдида адабий танкидчи сифатида қарздор деб ҳисоблайман. Мен уларнинг ижодини таҳлилу талқин этиб, уларнинг бадий нафосат ва бадий таълим усулларини ёзиб, дунёга намоён қилишим керак эди, деб ҳисоблайман. Худди Чўлпон, Фитрат каби алломаларнинг буюк ижодиётлари олдида ҳам қарзимиз жуда кўп ва туганмас бўлгани каби.

Замондош шоирларимиздан етмиш ёшнинг табаррук остонасига кўтарилган изчил журналист, шоир, азиз дўстим Ўткир Раҳматнинг менга илиқ сўзлар ёзиб, тақдим этган китоблари олдида ҳам ўзимни қарздор санайман. Ўткир шеърий тафаккури жуда ўзига хос шоир. Унинг шеърий фикри тагидаги маънолар ва уларнинг турфа товланишларига етиб бориш осон эмас. Матбуотда бир қанча дўстона ёзилган тақризлар, мақолаларни ўқидим. Аммо уларда унинг ўзига хос, ҳар ким ҳам дарҳол англаб етавермайдиган инжа тафаккурини уқиб ололмадим. Балки қариётгандирман. Мен мақолалар ва ранг-баранг жанрлардаги асарлар, китобларни ростини айтсам, миямни интенсивлаштириш, унинг ҳали очилмай, “кўрик” бўлиб ётган қаватларини очиш ниятида интизорлик билан мутолаа қиламан. Бўлмаса, бебаҳо олтиндан ҳам қиммат вақтларни уруғ кўкармайдиган ерга сочишдан нима маъно чиқади?! Агар Маҳмудга ўхшаб, ҳикмат билан сўйламоқчи бўлсам, вақтни бой бериш бизга инъом этилган тақрори йўқ ҳаётни бой бериш билан баробар, дер эдим. Аммо менда ҳикматосоликка хуш

иштиёқ йўқ бўлса керак. Шунинг учун ҳикматли сўз айтадиганларга, кишиларни тўхтамай имон эзгулигига чақирадиганларга жуда ҳавасим келади. Ва эътироф этайки, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддиновнинг шундай шоғирдлари адабиётимизни тебратаётганликлари, бадий фикр ва дид-фаросат ўсишига хизмат қилаётганликларидан кўнглим, ростини десам, худди Маҳмуднинг кўнглидай ўсади. Ростдан, Маҳмуд Тоир – кўнгил шоири. Балки бу фикрни кимдир айтгандир, аммо мен ҳам уни жуда такрорлагим келади ва яна шуни ҳам кўшимча қилишни истайманки, Маҳмуд Тоир истиқлол руҳи билан қонган “Ҳақни таниб”, “Сайланма”, “Мендан мени сўрама”, “Бедорларга беринг дунёни”, “Ватан не деб сўрганларга”, “Сўз саодати”, “Уйғоқ дил” сингари жонга, дилга, кўнгилга, имонга, ҳамият ва номус-орга яқин ва ушбу улуг ахлоқий-илоҳий тушунчаларга ошуфта китоблари билан юракларимиз, маънавий оламимиздан жой олган Маҳмуд Тоир “Бедорларга беринг дунёни” дейди, “Мендан мени сўрама” дейди. Гулдираб, чақмоқдек шеър, байт айтади. Ёваллоҳи! Маҳмуддан Маҳмудни сўрамасак, кимдан сўраймиз?!

Маҳмуд Тоир – халқ фарзанди

Учинчи ҳол

Халқ назарида санъатда маълум градация (даража) бўлади.

Мисол учун, чунончи, Эркин Воҳид – классик. Абдулла Ориф ҳам классик. XX ва XXI аср ўзбек шеърятининг классиклари. Улар теварагида мисол учун Рауф Парфидан тортиб, Ҳалима Худойбердиевагача ой атрофидаги юлдузлар каби. Ундан сўнг Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Азим Су

юн алоҳида катта оқим. Кейин Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо, Мирзо Кенжабек халқ суйган ва тан олган бир буюк тўда. Буларнинг атрофларида ҳам жуда кўп юлдузлар, туркумлар жойлашган. Улар кундузи кўзга ташланавермайдилар, лекин кечаси Бешиктоғдан қарасангиз, кўзингиз, камашиб кетади. Мусаффо тоғ ҳавосида “ялт-ялт” балқиб турадилар.

Шу оқимларда жуда ёрқин бўлиб кўзга ташланадиган Маҳмуд Тоир катта меҳнат-машаққатлар эвазига Олимп чўққисига ўз ўрнини қозонди ва ҳозир мана шу дамларда халққа суюкли бўлди... Халқ фарзанди бўлиб шеър айтди. Халқ ичида уни улуғлаб, сўзлар айтиб келади ва нотик бўлиб танилди. Баъзан унинг шеър айтувда ўзига хослигини, нутқда оҳанглarning барча пардаларидан моҳирона фойдаланиши ва ўзига магнитдай тортиб олишини Қодир Махсум, Ориф Алимахсумов ёки Туйғуной Юнусхўжаева хонимга ҳам ўхшатадилар. Бу ўхшатишларнинг ҳар бирида ҳақиқат навозишлари йўқ эмас. Аммо Маҳмуд Тоир ўзига хос ва ғоятда табиий. Чотқол тоғларининг йигити, Бешиктоғнинг йўлбарси, Қурамаларнинг гулдуриси, Оҳангароннинг кўзни қамаштирадиган ёруғи айни шундай бўлса керак-да. Уни Ориф Одилхонов, Хайриддин Султон билан бирга алқашиб, тоғ йигитлари дейишади. Ажиб фасоҳатли шоирамиз Шарифа Салимовада маликалардек малихлик зуҳур этса керакким, уни эркалаб “тоғ қизимиз”, “Чотқол қизи” деб суйишади. Уларнинг элга суюкли бўлишларида муболаға йўқ. Тошкент вилояти ўзи азим пойтахт билан эгиз, шунақанги гўзал диёрим деб шоирлар куйласалар, тарихи, азамат одамларини улуғласалар, арзийди-да.

Маҳмуд шоирнинг халқ орасида учкур сўзга айланиб кетган ажиб ҳикматлари жуда кўп. Менинг назаримга келсак, унинг ҳар бир шеъри, дардли лирик дostonлари, ғазаллари, тўртликлари, иккиликлари бари яхлит ва жарангдор ҳикмат шаклига кирган. Унинг беназир ҳикматлари Яссавий, Лутфий, Навоий, Атоий, Саккокий, Гадойидек мислсиз париваш шоирлар ҳикматларининг давоми.

Маҳмуд шоир доим чин айтади. Ва чин айтганда, доим ҳақиқий шоирлар каби айтганлари муболағасиз бўлмайди. Маҳмуд шоир бир чеккаси шоирадил онаси ва мутакаллим уста дурадгор отаси айтган, улардан эшитган ва олган ўғитларини шеър қилади. Отаси у ўсмир чоғида оламдан ўтган бўлса-да, бироқ Маҳмудга кўп доно сўзларни айтишга улгурди. “Эркингни асра ва кўксингдаги чўғни сўндириб қўйма”, деди. Маҳмуд буни эслаб қолди ва доим таъсирланиб юрди. “Сен вафоли эркак бўл”, деди онаси. Маҳмуднинг юраги бу сўздан дукирлаб уриб кетди. Маҳмуд ҳаётда ҳам, шеър у ижодда ҳам, халқ ичида тинимсиз тарғиботларда юрганда ҳам, бошига нима иш тушмасин, шундай бўлди. Вафоли эркак, ахлоқ-одоб удумларини ибодат каби қабул қилди ва амалга оширди. Бу сўзлар унинг шеърини ибодатининг боши, аввали ва охири. Мен кўп эътибор қилганман: у шеърни дуо каби ёзади, дуо каби айтади ва шеърга дуо каби ишонади. Дуо юракдан чиқади ва дуо бўлади. Унинг дуо шеърларига истак шеърлари табиий қуйилиб боради. Ҳар бир шеърда майл билдиради. Майл феъллар билан сўзлайди ва муҳокама юритади: “Бўлсин!” дейди. Аммо ҳаёт улуг келиштириб бўлмас зиддиятларга тўла. Шоир ёниб-куйиб “Бедорларга беринг дунёни!” дегани билан ҳеч қачон бошқалар дунёни бедорларга шунчаки бериб қўймайдилар. Улар буни мулойимлик билан кескин рад этадилар. Ким дунёни шу майл-истак билан “бедор”ларга бериб қўяркан?! Ҳеч қачон бермайди! Ёлғиз йўл: бедорларнинг ўзлари ақл-идрок, манглай терини тўкиб дунёларни олмоқлари зарур! Бошқа йўл йўқ! Аммо шоирлар яхши ният-истаклар кучоғида доим майл-истак феъли билан фикрлашдан чарчамайдилар. Наилож: шеър бу майл-истаклар дунёси-да. Бўлсин ё бўлмасин! Майл-истак туп-тус ана шу!

Бир кун Бешиктоғ рўпарасида баланд тепадаги боғда дўстлар билан шеър суҳбатида ўтирдик. Чуқур жарлар тепасидаги боғлар, тўқайзорларда булбуллар, зарғалдоқлар басма-басига сайрашарди. Паст-баланд боғлар, кўм-кўк адирларни айландик. Кечга яқин Маҳмуд бизни волидаси билан саломлашиб кетишга ҳовлисига олиб борди. Онаизор бизни шод-хуррам кутиб олдилар. Ойнаванд айвончада ўтирдик. Онаизор бизга бир идишда анжир мураббо шарбатини олиб чиқдилар ва ҳар биримизга иккитадан анжир ва унинг шарбатидан қуйиб бердилар. Анжир олтиндай товланар, шарбати эса оловдаги олтиндай кўзни қамаштирарди. Мен бунда, бу рангда, онаизорнинг бул содда қишлоқча илтифотида Маҳмуд шоирнинг шеърлари, дostonларини кўргандай бўлдим. Шу бениҳоя тиниқ олтин ранглар, олтин анжирлар нақ Маҳмуднинг шеъри, Маҳмуднинг сатрлари, Маҳмуднинг ташбеҳлари, Маҳмуднинг жайдари, аммо бетимсол фалсафаси эди. Она ва анжирлар – улардаги юрт ва юртдошлар инъикоси – Маҳмуднинг энг гўзал мавзулари шундан иборат. Назаримда, бу тириклик ва поэзия жавҳари эди. Маҳмуднинг кейин ёзган йигирмадан ортиқ шеърини ва публицистик китобларига кирган асарларда шу ранг ва таъмининг товланишларини кўзим илғайдиган бўлди.

Маҳмуд шоирнинг университетда ўқиган йиллари, ҳарбий хизматда бурчини адо этган кезлари, нашриётлар, редакцияларда журналистика сирларини ўрганган вақтлари изланишлари қамрови жуда катта бўлди. Юқорида айтганимиздек, у Миртемирнинг эрк туйғуларига тўла китоби – “Излаганим”ни ёдлаб олди. Озод Шарафиддинов уни қўллади. Маҳмуд устози етакловида Миртемирни илм ва шеър назарияси кўзи билан ўрганди. Пировардида, Маҳмудда ҳам миртемирона кайфият – эл-юртга қайғуриш уйғонди. Қайғуриш билан бирга сезгир, хотираси кучли йигитга ўтли шеър дарди келди. Бадий таълимот учқунлари барқ урди унда. Бадий таълимот – шеър таълимоти ичига ўз уйига киргандай кириб борди. Кейин у дўкундан Машрабнинг сариқ муқовадаги китобини сотиб олди. Девон унга ёт бўлиб қолди. Маҳмудга Машрабнинг сўзона ғазаллари қатори Абдулла Орифнинг она ҳақидаги

шеърлари тенгсиз оҳангдор бўлиб туюларди. Абдулланинг “Йиллар армони” китобини ҳам ёстиғининг тагига қўйиб ётарди. Тунги радио тингловлари қатори тинмай ўқирди. Маҳмуд кўп шоирларни қаттиқ ихлос қўйиб ўрганди. У Абдулладан, чунончи, Ватанга фидокор фарзанд бўлишни ўрганди. У Абдулладан шеърни, сатр ва қофияни ижтимоий қиррадор қилиб яратишни ўрганди. Абдулланинг “Онажоним шеърят”идаги: “Ҳақ йўлни топдим лекин Сен бирлан ёнган ўтда” деган сатрлари Маҳмуд учун ижод эҳтиросининг мезони бўлиб қолди. Абдулла атрофидаги Маҳмуд Тоир, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид каби шоирлар ундан ижтимоий долзарблик ва қабарикликни программа каби қабул қилдилар. Бу адабиётимизнинг гўзал ва ижодий маҳсулдор хусусиятларидандир. Бу шоирлар истиқлолни ва миллий эркни шундай маърифий қиррадорлик билан қуйладилар ва шеърятга ўзига хос мундарижа ва кўтаринки инсон туйғуларини олиб кирдилар.

Маҳмуд Тоир буни шундай ифодалаган: “...воқеаларнинг гувоҳи бўлиб яшамок, уларни юксак пардаларда қуйлаб яшамок – энг улуг саодатдир”. Бу сўзларни Маҳмуднинг устози Абдулла Ориповнинг етмиш йиллиги муносабати билан ёзган мақоласидан келтирдим. У Абдулладан шулар баробарида ҳайратланиб, қаранг, ўзи ҳам шу мақомга кўтарилди. У яна Абдулла шеърятга боқиб, шеърда туйғуларни худди тоғ майсасига тушган шабнам ва унинг шаффофлигини истифода қилишни ҳавас қилди. Маҳмуд ажойиб иккиликларида шу ҳавасига етди. Иккиликлар Гомер замонларидан қолган ажойиб жанр. Навоий фасих намуналар яратган. Унинг маснавийлари иккиликларнинг бетимсол намуналаридир. Маҳмуд Тоир иккиликларда шу жанрнинг ажойиб хикматли намуналарини яратди.

Маҳмуд Тоирнинг шоир бўлиб етилишида ҳар бир нарса ўз маъносига эга.

Маҳмуд Тоир бағри баланд жойларда туғилди. Баланд бағирдор шамолгоҳларда ўсди. Баланд тоғларга сўқмоқлар очди. Шеърятнинг, бадий сўзнинг конларини топди. У қачон шоир бўлди? Миртемир, Машраб, Атоий, Асқад Мухторни тинмай ўқибми балки... Очиғи, барча шоирлар уни шоир қилдилар. Ўз сафларига олдилар. Нафсиламрга у она қорнидаёқ шоир эди. Она қорнидаёқ у бўзлаганди. Машраб каби дунёга борлигини маълум қилганди. Шундай юксак мақомли фикр унда тарбияланмаган бўлса, у вилоятининг муаммоларини ўртоқлашиб, дардлашиб, давлат раҳбарига хат ёзишга журъат этардими? Эркин Воҳидов бир пайтлар шоир ҳақида “У истиқлол даврининг шоири” деб катта қамровда таъриф берган эди. Кўплар сўнг бу таърифга бажонидил қўшилдилар.

Маҳмуд Тоир китобларида туйғулар баланд мақомларда Ҳақни танийди. Ҳақни таниш йўлида эл маърифатига жонбозлик ила ҳиссасини қўшади. Эл-юрт равнақидан илҳом ва масаррат олади. Элнинг илҳомёр куйчиси каби қуйлайди. Ғолиб ҳаёт маъно-мазмунини шунда кўради.

“Кўнглимни тошга ёрдим”



Баҳодир КАРИМ

Истеъдодли шоир Эшқобил Шукур тўғрисидаги ушбу мақолани ёзишга кўп ҳозирлик кўрдим. Жавонимдаги шеърий китобларини кўлимга олиб ўқидим, зарурларини ажратиб, ёнимга кўйдим... Чалғидим. Нимадир ҳалақит беради. Ёлғон ёзишни ёмон кўришимми, шеърни тушунмаслигимми ёки шоирнинг овози? Нимадир... Баҳарҳол, ҳар юмушнинг ўз фурсати келмоғи керак. Вақти келди чамаси, қалам аста юрди.

Гапни илк танишув палласидан бошлаганим маъқул, деган умидли бир туйғунинг шамоли хотирам саҳифаларини бир-бир варақлай кетди...

1987 йил. Талабалар шаҳарчаси. Талабалар турар жойи. Рустам Мусурмоннинг бежирим хонаси. Эшқобил ака, Рустам ва мен камтарона талабанинг дастурхони теграсида – учовлон. Илк танишув – шу. Тирик шоирни ўз кўзим билан илк кўриб туришим. Чунки мактабдаги “Адабиёт” дарслик китобларида ўтган раҳматли ижодкорларнинг таржимаи ҳолларини ўқиб зада бўлган кўнгил айни дийдордан “янгилик қидирган”, излаган ва топган бўлса не ажаб?! Эшқобил Шукур деган шоир билан танишганимдан қувониб, сакбоқдошларга сўзлаб юрдим. Улар ҳавас қилишди... Дарвоқе, ўша илк учрашувда, табиийки, бадий адабиёт, адабий ҳаёт, шеърят ва сўз ҳақида гурунглашганмиз. Эшқобил ака, негадир кейинги кунларда ўзига “менимча” деган сўз маъқул келмай юрганини айтган эди. Сабабини билмадим, ўзи ҳам билмаслигини сўзлади. Овозини телеэкранда кўп бора эшитганман. Ўша титроқ ва табиий овоз: “Қани сенинг овозинг!” дея ундов белгилари қаторлашган ва мудроқ кўнгилларни уйғотган бир сас-садо. Айнан соҳир садо менинг ушбу ночор иншоларим устини қоплаб олади, уни кўримсиз ва кўрксиз қилиб қўяди. Чунки шоир овози шеъридек кўркам, сокин, титроқли ва жарангдор. Шеърни илмийнамо шарҳлаш қийин. Илмийнамолик нағмалари ва кишанларидан холос

Баҳодир КАРИМ – филология фанлари доктори. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд”, “Қодирий қадри”, “Янгиланиш соғинчи”, “Ўлтон ва танқид”, “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур”, “Адабиётишунослик методологияси”, “Рухият алифбоси” каби адабий-илмий китоблар муаллифи.

бўлиш ниятида бошқача услубий йўллардан юрмоқ истаиди кўнгил. Бироқ яна қолиплашган тасаввуримдан йироқлаша билмай ўйлашиб ўтиравераман...

Ҳа-ҳа, дарвоқе, миллат қалби, урф-одатларининг билимдонига айланади Эшқобил ака гурунгимиз асносида ва Кўҳна Урганчдан сўз очади. Раҳматли шовотлик Баҳодир Содиқ ёзади: “...Кўҳна Урганчда бир дарвоза бор: ёши мингдан ошган. У ўзбекнинг энг қадимги дарвозасидир... У дунёдаги барча дарвозали ва дарвозасиз шаҳарларга қарши яшаётган шаҳарсиз дарвозадир...” Эҳтимол, раҳматли алломақалб бу инсонни ҳам менга илк бор Эшқобил ака эслатгандир. Осмонўпар миноралар тавсифланади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг орияти, Ватан суйгуси, марқадига қараб боради гап ўзани. Менинг қаршимда мозий билимдони пайдо бўлади. Менми ҳазарати Кубро уйига яқин одам ёки Эшқобил Шукурми? Шунда ҳикмат тўқийман: “Уйларнинг эмас, ўйлар ва кўнгилларнинг яқинлиги муҳим”. Бош қимирлатиб, ўзимнинг қанчалар ўзимдан олислашиб кетганимни, тарих бўйича билимим ҳам ҳаминқадар эканини ич-ичимдан сезиб, жим ўтираман. Табиийки, гапирсам анқовлигим багтар билиниб қолади. Шуни сездирмаслик учун – барчага урф бўлган – бамисоли донолар қиёфасида сукут сақлайман. Эшқобил ака менинг тушунчаларимни синаб чамалайди ва мени хижолат кишанидан қутқаради. “Ҳали бирга борамиз Кўҳна Урганчга, Баҳодир, “Олтин бешик” кўрсатувининг битта сонини Кўҳна Урганчга бағишлаймиз”. Кўзларим чақнайди. Наҳотки?! Ҳайрат кучайиб, кўнгил парвозга шайланади. Ичкаридан шеър келади беихтиёр:

*“...Кўҳна Урганч – уч юз олтмиш пир,
Шайх Кубронинг холис дуоси.
Кўҳна Урганч – саҳрода асир,
Қиёматда – наҳот ихёси?”*

*Кўҳна Урганч – “Қирқ мулла” хоки,
Беморларга шифомикин у?
Кўҳна Урганч – шаҳарми ёки
Кўз илгамас кенгликда қайғу?”*

Нажмиддиним.... Қирқ муллам... “Кўнглимга туморлар таққан” элимни, элдошларимни, Кубролар жисми мадфун тупроқни Эшқобил ака эслаб эъзозлаганидан бош осмонга етади.

Аммо... Аммо орзулар орзулигича – армон бўлиб қолади. Орага симлар, симтўрлар ва сарҳадлар тортилади. Эшқобил Шукур билан иккимиз қушларга ҳавас қилдик. “Ой бориб омон қайт, кўнглим-а” – Руҳимиз учади. Яна шунга монанд шоир акамизнинг ўзи айтмоқчи: “Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай! Мен қушларнинг тушларида кўринай, Мен тушларнинг қушларида кўринай...”

Шу-шу мен Тошкентга келиб, Эшқобил Шукурдек кўнгилдош топдим. Ҳар кўришганидан “Баҳодир” деган самимияти худди жигарларим меҳрли овозидек эшитилади.

Эшқобил ака мени катта олим деб ўйлаб юради. Тўғриси, бундан одам ийманари. Миллий театрдан чиқиб келар экан, салом аликдан кейин: “Мана шу Баҳодир, биласанми, ҳў, бизнинг ижара ҳовлига Рустам Мусурмон, Бобомурод Эралилар билан бирга пилла тергани борган... ҳозир катта олим”, деб Машхура кеннойига мени

мақтайди. Ташқаридан камтарга ўхшаб кўринаман, истиҳола қиламан, ичкаридан манмансирайман. Кўп қатори ийманганнамо ҳолимни намоён этаман, манманли киёфамни яшириб тураман...

Азизлар, аслида Эшқобил Шукурнинг олтмишга киргани билан табрик ўрнида шеърлари таҳлилига бағишлаган мақола ёзмоқ ният қилган эдим. Дардлар қаламнинг сиёҳи рангига кирди, кечирасизлар...

Эшқобил Шукур қалбини, шеърятини мендан кўра Рустам Мусурмон яхшироқ билади. У университетда аспирант бўлган йиллари “Сочлари сумбул-сулмбул” деган мақола ёзди ва “Ёшлик” журналида чиқарди. Шу мақола ҳаёлимдан кетмади. Шеърстонда Рустам Мусурмон туйғун, сезгир ва ҳаяжонли олим. Содда, ишонувчан, оккўнгил шоир.

Аслида, биз талабаларнинг назар-эътиборини Эшқобил Шукур шеърларига “Шоирнинг илк тўплами” рукнида босилган “Сочлари сумбул-сумбул” тўплами муҳрлаб қўйган эди.

“Сочлари сумбул-сумбул...” Бу китобчани ҳали шу кунга довури ўқийман, варақлайман, гоҳида ёдаки пичирлайман:

*“Айланай, гулларнинг тилидан,
Кўзларим рангларга тўлмоқда.
Юрагимнинг узун йўлидан
Ширин-ширин кунлар келмоқда.
Суйганларим, суюнчи беринг”.*

Марҳамат, беринг суюнчини, азизлар!

Шеър бундай бўлибди! Эшқобил Шукур шеърларини тушуниш осонга ўхшайди, лекин тушунтириш нисбатан қийин иш. Кўзлар қувончдан рангларга тўлиши... Юракнинг узун йўли – бу шоирона топилдик. Шоир шеърларини холис юрак билан ўқиш лозим. Чунки у шундай туйғуларнинг ранги, суврати, йўли. Шеър учун сезим муҳим. Сезими сезиш сезгисидан мосуво одам шеър ўқимади, ўқимагани ҳам маъқул аслида. Жисмини обод қилгувчилар бундай маҳали сўз руҳини – гўзалликни барбод қилади.

Бир фикр шуки, Эшқобил Шукур шеърлари кимнингдир таянчли ёки тарғибчи сўзига қараб қолган кунга йўқ. Умуртқа суяги бутун шеърлар улар. Ижод аҳли орасида шундайлари борки, бугун китоб ёзиб, эртага бирор маддоҳ сўзчидан мақтов билан алқов кутади. Тақриз, тадқиқ. Балки улар шунга ҳақлидир? Ҳатто бу ҳақда ҳеч ийманмай очиқдан-очиқ айтадиган тоифаси ҳам пайдо бўлди. Ёзмадим, ёза олмадим. Шунда бир ўртамиёна носир дастхат ёзиб, мени мақтаб, гажакдор имзоларини қўйиб берган китобини ҳеч уялмай қайтариб ҳам олди. Бердим қайтиб. Балодан нари...

Аммо Эшқобил ака мендан муносабат кутмайди. Ўз шеърлари менинг муносабатимдан, мақтов-алқов ёки “жузъий камчиликлари” хусусидаги таклифларимдан баланд туришини яхши билади. Шоир учун шуниси, шундай тутуми маъқул ва аълодир. Тилангани – шоирнинг маҳв бўлгани, тилингани. Эшқобил аканинг шеърый топилдиқлари, тасвирлари, метафорали, оксиморонли таъбирлари бошқа бировларникига ўхшамайди.

*“Кўнглимни тошга ёрдим,
Тошлар синди-я чил-чил.
Сув ичгали кўзимга
Қушлар кўнди-я бир-бир”.*

Кўнгилдаги дард кўлампидан тошлар парчаланаяди. Қушлар кўзёш ичмоқдами ёки кўз – бу дарёми? Марҳамат талқин қилинг-чи?

Рух ҳақида сўзлаш, ёзиш, шеър айтиш қийин. Бироқ Эшқобил Шукур – рухият одами, рухпарвар; руҳи элига, элдошлари руҳига пайванд. Рухи мумтоз шоирлар руҳига эш. Шоирнинг “руҳидан булоқлар” сизиб чиқади. Элдан чиққан, ёғийга ён босган кимсанинг “руҳи сақов”, орсиз бўлади. Орият – буюк туйғу. Ор-номус – руҳий тарбияга тегишли тушунча. Агар руҳинг тоза-покиза бўлса, ҳаммага хуш ёқади. Ҳатто “мусаффо руҳингни алқайди қушлар”.

Эшқобил Шукур шеърларидан қушлар сайрайди: қалдирғоч – “вижир-вижир”, турналар “курей-курей”, булбуллар “чип-чип”лаб сас беради. “Кўзларимда сокин-сокин чайқалади дард” – дардли. Гоҳида шоир “ой ва шамол билан диллаш”гиси келади. “Юракнинг ичида ўтирибман жим” бундай юрак қасридаги истиқомат, ўтириш, ичкаридаги сукутли гурунғ ҳам чин шоирга хосу мос ҳолат, албатта.

Эшқобил ака сўзига эҳтиёткор шоир. Айни дамда “оловли музлар”ни, ўзаро мураса қилмайдиган сўз бирикмалардан фойдаланаяди. Шеър табиати уларни кўтаради. Шеърни маънолар, сирлар, лаҳзалар безайди. Гоҳида идрок зўриқади. Қайта ўқишга, ўйлаш ва тасаввурга эҳтиёж пайдо бўлади.

Эшқобил Шукур ҳа деб ташқарига чиқавермайди; унинг овози жамиятдаги долғали ҳодисалар билан араллашиб йўқолиб кетмайди. Кўприклар қурилишини шеърга солмайди. Шоир учун кўнгиллараро қурилган сўзкўприк муҳим. Оролнинг қуришини шеър қилиб ёзмайди. Шеърини оролга дўндиради. Ўқиган одам сўз ичра сузади, гоҳида сувсаб чўлласа, сўзбулоқдан симиради.

Ижодкор эл-юрт виждонидир. Алишер Навоийни “миллат виждони” деб шеър ёзган Эшқобил аканинг маънавий оламига ҳам асло бегона эмас бу табаррук тушунча. Шоирнинг шахсияти ҳам холислик, тўғрилиқ, ҳақиқатдан сабоқ беради. Чунки Сўз ва Ҳақиқат – булар “манғу сафардош” саналади.

Ҳамма кўз очиб кўрганларим деган таъбирни кўлласа, Эшқобил Шукур бир китобига “Кўз юмиб кўрганларим” деган номни қўйибди. Мухлислари кўлига етиб бораётган ушбу китобига тилак билдириб ёзадики: “Янгра овозидай азиз виждоннинг...” Шеър – виждон овози. Шеър – ор-номус, ҳаё-ибо, самимият ва ҳаққоният садоси.

*“Ҳаёга суюнмоқ, орға таянмоқ
Худо берган давлат экан, аслида”.*

Шоирнинг лирик қахрамони момолари номусини “Осмоннинг устунни”, “Ернинг ўқи” ўлароқ тавсифлайди. Дарҳақиқат, юксак инсоний фазилатлар туфайли одам одам бўлади, миллат миллат. “Мардлар номусида тирикдир миллат”. Шоир миллат шаънига муносиб яшаб ўтган мардлар билан гурунғлашади. Хаёлини эркин қўйиб, зарур бўлса, “сайёҳ булут” ёки “кекса сукут” билан гаплашади. Қари, минг йиллик харсангтош ҳам шоир суҳбатдоши. “Донишмандлик – гўзал яшамоқ”. Гоҳида шеър

ана шундай чўнг ҳикматлари билан гўзаллик касб этади, умрбоқийлик рутбасига мушарраф бўлади. Хусусан, “Кўз юмиб кўрганларим”да шоир турли одам ва нарсаларни – дарё, тоғ, тош, дарахт, гўр, рубоб, соя, олмос ва бошқаларни кўз юмиб хаёл кўзгусида кўради. Даласида экинзорини зараркунанда ҳашарот босган дехқонни кўради. Яна ўй-хаёл кенгайди ва контраст ҳолга келади: “Фикрга толаман, ўйлаб қоламан... Бир пайтлар мамонтлар-ла курашган Одам энди жанг қиларди ҳашарот билан”.

Китобига ном бўлган бу улкан шеър структурасига кўра йигирмадан ортик бўлимдан иборат бўлиб, вазни эркин қўйилади ва шеърнинг умумпафоси-умумнафасида ўзига хос ўйчан ва салобатли ритм ҳукмронлик қилади.

*“Икки бўри кўрдим,
ер талашарди.
Икки кийик кўрдим,
ёр талашарди.
Икки қўнғиз кўрдим,
Гўнг талашарди.
Икки одам кўрдим
Гўр талашарди”.*

Бўри, кийик, қўнғиз – булар ҳам рамзий образ ва улар ҳам қайсидир маънода бу оламдаги турли табиатли одамларни эсга солади. Фикр одами кўрганидан ибрат олади, ибратидан сабоқ чиқаради. Ҳазрат Нажмиддин Кубро айтадики: “Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим... Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез, шошилиб йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узокроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан, дунё-ю охират яхшилигини қаноатда, дунёю охират ёмонлигини эса таъмада кўрдим”.

Бобосўз изидан кетаётган шоир Эшқобил Шукур мудраётган сўзларни уйғотиб юбориш кўйида юрибди. Ҳа, шоир айтмоқчи: “Юракни уйғотиб юборинг”. Қани, сўзни уйғотиб юборинг. Бизга ўша уйғоқ сирли, сеҳрли, содда, самимий, ўзбакий, туркий сўзлар керак. Ухлаган сўзларни уйғотиш машқлари муборак бўлсин!

Мен ҳам сўз териб юраман: кўча-кўйда, отизда-уйда. “Ўзимизнинг сўзимиз” қопимда бир дунё сўзларим бор. Эшқобил Шукур билан ана шу сўзлар ҳақида сўзлашиш мароқли. Шоирнинг сўзлар билан сўзлашув китоби – “Бобосўз изидан” қисқа муддат ичида икки қатла босилди. Шоир унда “Йўқла”ни йўқлаб ёзибди. “Йўқ бўлиш”дан, маънонинг кенгайишидан баҳс юритибди. Шунда фикрга толдим. “Йўқлов” балки ростданам ҳам “йўқ одам”га нисбатан қўллангани маъқулдир. Болалиқдан, мактаб ёшимдан ҳамон эслайман – синфда бизни муаллим асло “йўқлама” қилмас эди. Ҳар доим “борлама” қиларди. Борларга сабоқ берар эди. Яна қизиғи, “текширувчи-комиссия” сўзлари ўринда ҳам “борловчи” ишлатирлади. Борловчи тепадан, юқори ташкилотлардан келади ва у ҳамиша шу сўзнинг савлат билан ишлари чала одамлар кўнглига ғулғула-ваҳима солиб туради. Борловчи ҳужжатларнинг бор-йўқлигини тафтиш этади. Бор бўлса, баракалла дейди, йўқ бўлса чора кўради.

Сўзлар билан сўзлашиш, сўз дардига мубтало бўлишда хайр бор, яхшилик бор. “Қўлоғоч” билан “келидаги бугдой ёки шоли туйиб янчилади”. Қўлоғоч – бу келисоп. Энам – Тозагул Қодир хоррат кизининг келида алланималар майдалаганлари ҳали-хануз кўзим ўнгида.

“Мумкин” билан “имкон”ни изоҳлайди Эшқобил ака ва уларнинг битта ўзақдан келиб чиққани, арабча сўзлар эканига урғу беради. Аммо бу ўринда шоир туйган, сезган муҳим бир тушунча бор: халқ мақоллари таркибида бу иккиланишга мойил сўз қўлланмайди. Қўллаб бўлмайди. Яхши фикр.

Бир замонлар Эшқобил Шукур “Кошғарий ёди” шеърисида ёзган эди:

*“Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
Тил – эга, даврлар аниқловчилар...
Йилларми, ўлган сўз узра “Болам” деб
Ўзбекистондаги тилчилар”.*

Бир замонлар бундай айтим-марсия-йўқлов шоирлар иши бўлди. Ҳатто ўзбек тилига давлат тили берилган бир паллада “Ўзбекистондаги тилчилар” пана-панада тамошабин бўлиб юрди. Ёв қочди. Ботир кўпайди. Кўп тилчилар оммавий ахборот воситаларини гуллатди. Бирор марта остона ҳатлаб кўчага чиқмаган кимсалар кейинчалик хотиралар сўзлашди мароқланиб ва ҳамон сўзлашмоқда... Маломат учун узр. Бори шудир.

“Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?” аслида шоирнинг ўзи хотиржам эмас эди. Бу ичкаридаги нотинчлик кўп йиллар давом этди ва охир-оқибат туркий сўзларни девон қилган Кошғарийдан сабоқ олган шоир “Бобосўз изидан” номли сўзлар китобини эълон қилди. Изҳорнинг ўзига хос усули – йўл-йўсинини ҳам топди у. Аслида ижодкор одам ҳамиша сўз йўлидаги йўлчи-йўловчи, сўз изловчидир. “Инсоният босиб ўтган бобо тарих – йўл. У ҳақ сўз ровий” сидир. Ҳақ йўли, халқ йўли ва ҳақ сўз йўли – бундаги сифат туркумини эгаси бирлаштиради. Дарҳақиқат, олис-яқин ўтмиш – йўлнинг барча бекат, манзил ва мароҳиллари ҳақ сўзнинг намён манзараларидир. Сўздан жонсиз олам жон олади, ўлик вужуд тиралади. Ҳақ сўзнинг қамров қуввати куёшга тенг – нурли, тафтли, ёруғ ва қамрови ҳам кенг. Одамлар эҳтиёжманд.

“Бобосўз изидан” Эшқобил аканинг тилимизнинг улкан билимдони эканидан дарак беради. “Бобосўз изидан” – бу китобда биз билган ва билмаган сўзларнинг маъно қирралари очилади. Шоирнинг шеърини таъбирича: “Сўзлар гуллаётир кийғос ва кийғос”. Ҳа, унинг сўзлари насрий асарлари – қатор ҳикоя ва киссаларида ҳам “кийғос ва кийғос” гуллаб-яшнаб турибди.

Эшқобил Шукур синчков одам. Одам танийди. “Хотира ёки бошимдан ўтганлари ёдимга тушади” китобидан отамни таниди, отамнинг кўнглини, одамгарчилигини, ҳақгўйлигини сизди. Кейинги йиллардаги ҳар учрашувда Отамнинг шу китоб гапимиз мавзусига айланди. “Маънавий ҳаёт” журнали учун “Отам ва мен” деган мақола сўради. Ҳалигача ёза олмадим.

Ўша китоб охирида Энамдан ёзиб олганим ҳикмат сўзларни эслатди. “Қаранг, “Очлик нени едирмас, тўқлик нени дедирмас”. Бу Кошғарийда бор-ку, Баҳодир! Уни бир шеъримга эпиграф қилиб олганман”, деди. Мен ҳам уни “Девон”дан ўқиб ҳайратга тушган эдим. Чунки эсимни танигандан бери шу гапни, шу нақлни Энамдан кўп бора эшитганман. Мактабда бир синфни ҳам буткул ўқишга имкони бўлмаган Энам раҳматли ҳақида бир мақола ёзиш учун “Энам “Девони луғатит турк”ни ўқиганми?” деган сарлавҳам борлигидан сўзладим. Эшқобил ака маъқуллади.

Сўз, янги сўз, эскидан уйқуга кетиб, уйғонган сўзлар Эшқобил аканинг энг яқин дилбандлари, ошнолари, садоқатли дўстлари. Шоир билан Сўз ҳақида сўзлашаш мароқли.

Эшқобил ака билан баъзан “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Мушоира” каби танловларда бирга ҳакамлик қилдик. Шоирнинг баҳолашлари одилона; виждонига хилоф иш тутмайди у. Иштирокчини ортиқча изза қилмайди, танбеҳлари ҳам маданий шаклда, ўта одоб-ахлоқ доирасида. “Бундай бўлмайди, ахир. Ўқимоқ керак... Зиёлига бу ярашмайди...” мазмунли койишлари бўлади. Кўп гувоҳи бўлдим, ҳеч иложсиз қолган паллада ҳам иштирокчининг кўнглини кўтариб, рағбатлантириб, келажак ишларига омадлар тилаб реал баҳосини қўйган ҳолда “Энди, сизга “ноль” балл қўямиз, бошқа иложимиз йўқ, ахир”, дейди ўта салобат, хотиржам ва рози-ризолик билан. Иштирокчи ҳам бундай муносабатдан мамнун бўлади. Салобатли ва муҳташам “ноль” баллидан эса асло хафа ҳам бўлмайди. Бу бебаҳо “ноль” балли ҳам Эшқобил ака воситасида қиймат касб этгандек бўлади...

Шу йил ёз бошида Туркиянинг Истанбул шаҳрида Туркий халқлар шеърятининг халқаро миқёсдаги улкан анжумани-фестивали бўлиб ўтди. Ўнлаб шоирлар ўз эмакдошлари, таржимонлари, кўзмунчоқлари, кузатувчилари, қарсақбозлари билан бориб қатнашади. Мақсади – ғолиб бўлмоқ. Ўзбекистонда битта ўзи ёлғиз – Эшқобил Шукур. Даврани тўлдириб, гулдиратиб сокин ва табиий шеър ўқийди. Ҳакамларнинг холис баҳосига ҳавола. Тақдирлаш маҳали бир чеккада ийманиб туради. Ким нима деркин? Бир қадам ортга тисарилса, кўқомонлардан бири имлаб тўхтатади. Не бахтки, муҳташам даврада бошловчи овози янграйди: “Ўзбекистон – шоир Эшқобил Шукур “Қалдирғочнинг кўзёшлари” шеъри учун Туркий халқлар шеърятининг фестивалининг энг олий соврини – Бахтиёр Ваҳобзода номидаги бош мукофот билан тақдирланади”. Уч кунлик сафар, Эркин Аъзам айтмоқчи, “Эшқобил Шукур борди, забт этди ва қайтди...”

“Қалдирғочнинг кўзёшлари” – бу шеърнинг тароватини кетказиб илмийнамо сўзлар билан билжираб, ўзимча оламшумул таҳлилу талқинларга берилмоқчи эмасман.

Гапим туганчига демоқчиманки, яхшилар ёнимизда юрибди. Уларни қадрлайлик. Истеъдодли шоир Эшқобил Шукур биз билан елкадош, элдош, замондош, дилдош. Шоирга эҳтиром ила, марҳамат, “Қалдирғочнинг кўзёшлари” шеърини бирга ўқиймиз.

Қалдирғочнинг кўзёшлари

Мен

*Қабрда тугилган Гўрўгли эдим,
Икки жаҳон аро Йўлўгли эдим,
Зулмат йўрғаклаган Нурўгли эдим...*

Мен

*Қизгин қизгалдоқлар кафтида ўсдим,
Ёнаётган музнинг тафтида ўсдим,
Бир жуфт кабутарнинг кифтида ўсдим...*

Мен

*Ризқ гуллаган дала бўйида эдим,
Қанот ёзган ялпиз бўйида эдим,
Висол ва Ҳижроннинг тўйида эдим...*

Мен

*Қалдирғоч қўрғонин меҳмони бўлдим,
Адашган мусофир армони бўлдим,
“Бор экан, йўқ экан” достони бўлдим...*

Мен

*Битта боларига толиб тушибман,
Кўҳна бир тандирга қолип тушибман,
Ўз-ўзимга мағлуб – голиб тушибман...*

Мен

*Махлуқдан малаклик изладим кўпроқ,
Қошимда Инсондай гуллади тупроқ,
Кўлим қанот бўлди, кўзларим чироқ...*

Мен

*Булбул ўқийтган китобни кўрдим,
Гўдак кулгусида хитобни кўрдим,
Шамолни ияртган шитобни кўрдим...*

Мен

*Қақраган чўл эдим, чин дарё бўлдим,
Бўм-бўш осмон эдим, ўзимга тўлдим,
Ерга жилгаларни етаклаб келдим...*

Мен

*Билдим руҳ рўёмас, қон ҳам эмас жон,
Кўзёшлар сув эмас, нон эмас виждон:
Одам ҳеч эт эмас, хокмас бу жаҳон!
Мен...*

"Мажнун бўлиб элни севаман..."*



Дилором КАРИМОВА

Қатнашувчилар:

Шоир – Чўлпон

Иичи, дўст, чекист, темир одам – бир киши кийёфасидаги шоирнинг дўст ва душманлари

Саҳрои Кабир. Қуёш жазираи отаи бўлиб атрофга оловини пурқар. Машаққат ила қум кечиб келаётган кимса кўзга таишланади. Оёқяланг, эгни-боиши юун, ниҳоятда ҳориган. Ҳансираган кўйи бироз тин олиб, кимни ё ниманидир ахтаргандек аламноқ, атрофга гамгин нигоҳ ташлайди. Бироз тургач, йўлда яна давом этади...

Қум барханлари қаъридан муסיқа етовида қўйидаги ёзувлар сизиб чиқади:

"Мажнун бўлиб элни севаман..."

...Тун. Қоронгилик чўмган хона. Курсига чўкиб ўтирган кимсанинг эгик гавдаси елас-елас кўзга таишланади. Бу – тушқун хаёлларга қўмилган шоир.

Шоир: *(овози бўғилиб чиқади.) Кечалар, кечалар...
(Ташқарида тун хунук шовуллайди.)*

Оҳ, сенсиз ва ойсиз
Бир кеча худди бир йилдир.
Қайтариб айталар: "Кечалар – рўёсиз
Олдингда..." Кўп оғир бир йўлдир.

*Қора тун бағридан хонага ваҳима уйғотиб шивирлаган товуш акс садо беради:
"Ҳа-а-а... Кечалар – рўёсиз олдингда..."*

** Чўлпон шеърлари асосида шеърый композиция*

Дилором КАРИМОВА – Ўзбекистон халқ артисти. 1948 йилда туғилган. А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги ЎДСИ) институтини тамомлаган. Унинг "Пўртана" номли киноромани, "Севгим менинг – андуҳим менинг" эссе ва киносценарий китоблари чоп этилган.

Дилором КАРИМОВА

Кўп оғир бир йўлдир...

Шоир сесканиб тушади. Қулоқлари остида яна кимдир пичирлайди: “Эй, дарвеш, бу йўлда биргина йўлчи сен... Кета бер, бир кун сўнгига етарсен...” (қиқирлаб кулади.)

Шоир чўчиб ўнг-сўлига қарайди. Ҳеч ким йўқ. Қўрққанидан кенгайган қорачиқларида ўтмиш хаёллар акслана бошлайди...

Муסיқа. Чўли ироқ. Юракларни ўртовчи най ноласи.

Йидоқ тепаликда маҳзун турган якка қайрағоч ва шоир. Сувсизликдан дарахтнинг барглари қақраган, яшил тусини йўқотган. Ҳаво рутубатли. Куёш юзини чанг тўсган. Якка дарахт пойида макон топган қишлоқ ҳам чангга буланган, хира парда ортидан ола-чалпоқ кўзга ташланади.

Шоирнинг қалби умидбахш орзуларга, вужуди куч-қувватга тўлган, иродаси курашга шайланган пайти. Якка қайрағоч тагида кўксини шамолга бериб якка турган шоирнинг, абгор юртини кузата туриб, хаёлларидан ушибу фикрлар ўтади:

Шоир: Ҳеч тўхтамасдан, ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танамизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, майшат йўлида ҳар хил қаро кирлар ила хиралаган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар! Адабиёти гулламаган ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас.

(Шоирнинг ижодхонаси. Ҳаяжонда тез-тез нималарнидир ёзар, ўчирар. Қайта ёзар, сўнг ёзганларини овоз чиқариб ўқир.)

Шоир: Сўнг даврда йўқсул Шарқнинг тарихи
Бир бет бўлсин оқ сатрни кўрмади.
Дунё тарихини ёзгон муаррих
Яхшилиққа қаламини бурмади.

Шарқнинг қайси бурчагини қарасанг,
Йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг.
“Томуғ” деган сўзни билмак истасанг,
Шарқни бошдан-оёқкача юрардинг.

(Шоир қоғоздан бошини кўтариб, ўзига-ўзи гапира бошлайди)

Бир замонлар ер юзида ўз бошли
Улуғ, шонли маданият туғдурғон
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон
Бўлди четлар панжасида кўзёшли...

Ўрнидан туриб кетиб, эғнидаги енгил чопонини ечиб ташлайди ва у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди. Бироздан кейин шарт тўхтаб, нигоҳини бизга қадайдди.

Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,
Қулоғингга ўтганлардан эртақ тўқий.
Кел, кўзингни ёшларини суриб олай,
Кел, ярали танларингни кўриб олай, туйиб олай.

Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлайди. Қалбларни ларзага солувчи мусиқа нолалари эш бўлади. Шоир ичига тушган ўтни ўчирмоқ ниятида ташқарига чиқади. Шоир қора булутлар қўпаётган осмонга тикилиб қолган. Еру осмон булутлар таҳдидидан безовта. Гўё бошинг тепасида паҳмоқ сочларини ёйиб олган улкан алвасти панжаларини кенг ёзиб, сени бўғмоққа шайланар, ўрадек қора оғзи домига тортмоқчи бўлар. Ғазаб-ла қўзғалган шамол увиллаб, шоирнинг эгнидаги енгил чопонни ечиб олмоқ ниятида юлқилайди, тортқилайди. Ёлғиз турган якка дарахт шохлари ҳам қарсиллайди, япроқлари ҳар томонга тўзғийди.

Шоир: Ҳаво бузук...
Кўк юзида қоп-қора
Кўмир каби қатор-қатор булутлар...
Ҳаво бузук... Тўғри шарқнинг ҳавоси
Неча йилдир жуда ёмон бузулгон;
Аввали бузғон оппоқ қўллар жафоси,
Ёзмишига қора чизик чизилгон...
Кўк юзида қатор-қатор чизилгон
Кўмир каби булутлари – ёт эллар;
Ул элларнинг қуллуғида эзилгон
Шарқ эллари... бузук, қуруқ кўп ерлар...
Шарқли киши қатик еса нон топмас,
Нон тополса қуруқ нон бор, чойи йўқ.
Бир ҳовучлар емагига ном топмас,
Бойликларни сиғдиришга жойи йўқ...

Шамол қува-қува қора булутларни тарқатиб юборади. Борлиқ аста-секин тинчий бошлайди. Якка дарахт ҳам бир “ух” тортиб бўшашади. Тун осмонида қўрқангиса юлдузлар бирин-кетин кўрина бошлайди.

Шоир: Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла
Оталарнинг тарихдаги хатосин.
Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат сафосин.

Нега жимсан, нега жавоб бермайсен,
Нега кўзинг қизаринди, ёшланди?
Нега юзинг сўлган каби юмшарди?
Нега сенда бир талваса бошланди.

Биламен мен, сўзламайсан шунинг-чун
Сўзлайдиган яхши сўзинг йўқ эрур.
Оғиз очмоқ йўқсил элни эзмакка,
Қон қилмокка ҳасратларинг кўп эрур.

Фалокатлар кўрган ота-боболар
Истикболнинг қимматини билмаган.
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар
Тузуқкина чора, тадбир қилмаган.
Биз, йўқсиллар, бошқаларга қул бўлиб,

Чет оёқлар томонидан эзилдик.
Ҳар ярамас, ҳар бузукнинг тагида
Алам ортган, жабр кўрган биз эдик.

Шарқ элига қутулишга йўл йўқми,
Унга ҳеч ким шафқат кўзин солмасми?
Ғарблиларда инсоф, виждон ҳеч йўқми,
Бирор қувват бу зулмни олмасми?

Шоир эҳтиросидан қайси бир юлдуз дош беролмай ярқ этиб ўчади. Шоир қаршисида темирчи кийимида “ишчи” пайдо бўлади.

Ишчи: Илгарида бўлмаса ҳам энди бор
Ғарб устида бош кўтарган улуғ куч.
Ул кучдирки, мазлумларга йўл очар,
Ортиқ етар эзилганинг, эй Шарқ.

Инсонликка саодатнинг бирдан-бир
Тўғри йўлин кўрсатгувчи Марксди:
Бироқ Шарққа қутулишнинг йўлини
Кўрсатгувчи улуғ доҳий Ленин эди,
Сендек киши Шарқ элига тансиқди.

Шоир: *(келган мададдан хурсанд.)*
...Шарққа қутулишнинг йўлини
Кўрсатгувчи улуғ доҳий сен эдинг,
Сендек киши Шарқ элига тансиқди...

(Манзара осмону фалакдан баҳри уммонга ўтади.)

Ишчи: Пўртана кўзғалди, пўртана юрди,
Пўртана ўзини кирғоққа урди.

Шоир: Пўртана олдида бир кема кўрди:
Ичида зич одам... ўйнатди, сурди.

(кучли ҳаяжонда)

...Бу маҳшар, қиёмат, пўртана...

Ишчи: *(сўзини бўлиб)*
Ҳа, ҳа!
Бу маҳшар, қиёмат, пўртана! Тўлқинлар
Ҳаммаси йўқсилнинг кўнглида,
Бир дамда дунёни куйдирур вулқонлар
Ожизнинг у ўтли дилида...
Ўйна, эй тўлқинлар, пўртана даҳшат сол,
Қирғоқлар титрасин, кўрқиб.
Кўк юзи, ерости тинч бўлса ваҳшат сол
Дарёдан сув ташлаб, пурқиб.
(шоирнинг юзига тик боқиб.)

Бу менинг кенг кўнглим ғавғони, жанжални,
Тўполон, кўзғалиш, чувалаш, исённи, тўфонни
Суядир; шунинг-чун дунёни, жаҳонни тоғ ва тош
Ҳаммасин ағдармоқ истайдир, ёнадир, куюдир...

*Тасвирда уммон чайқалишлари, тўлқинларнинг даҳшатли, омонсиз ўйинлари...
Уларга ҳамоҳанг жўшиқин муסיқа жўр бўлиб туради.*

Шоир: *(дўстининг кайфиятига тушади)*

Ўйна, эй, пўртана, тўхтама, қувват ол,
Чоғ келгач, эриниб ётма, ухлама, бўлмасин йўқлама.
Кўп эзган душмандан, паст жондан ўчни ол, ўчни ол, ўч ол...

Ишчи: *(шоирнинг елкасига қўл ташлаб)*

Суюнингиз: кўпдан бери зиндонда
Қуёш кўрмай, захлаб қолган кўнгиллар
Чиқар кунлар етди...
(қаҳр билан) Қайғурингиз: Эй!
Кишанларни ясовчи усталар,
Бошқаларни тубанлар деб атовчи хўжалар.
Сизнинг учун ёз бошининг қоридек
Эрув кунлар келадур.
Сизнинг учун алвастининг зоридек
Йиғлар кунлар келадир...

Шоир: Мазлумлар, эзилган, хор бўлганларнинг
Ғазаб оловлари бир кун туташар!
“Интиқом! Интиқом!” деган наъралар
Тўлқиндай қутуриб дарёдай ошар!

Эй! Токай игво билан, алдашлар билан
Миллион-миллионларни асир қиласиз?
Токай англамаган, хом мияларга
Жаннат ваъдаси-ла таъсир қиласиз?

Ишчи: Токай?! Токай!!

Шоир: *(ишчининг елкасидан қучиб)*

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ кўзғалса куч йўқдирким тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.

Ишчи: *(кўкрагига муштлаб)*

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди...
(Тасвирда: қора коинотда тошдек қотган Ер)

- Шоир:** Эй, бу кун, эй бу кун
Дунёлар сарсилди!
Фикрлар, хаёллар,
Рўёлар сарсилди!
- Ишчи:** Эй, бу кун, оловлар
Дунёни ёндирди,
Инсонлар оч ерни
Қонларга қондирди!
- Шоир:** Эй, бу кун кўкларда
Куёшлар тутилди.
Эй, бу кун, шамоллар,
Бўронлар кутурди!
- Ишчи:** Эй, бу кун, жаҳаннам
Оловлар пушкурди.
Эй, бу кун, вулқонлар
Зулматга тупурди!
- Шоир:** Эй, бу кун, чакмоқлар
Чакдилар, чакдилар...
Эй, бу кун, тўфонлар
Оқдилар, оқдилар...
- Ишчи:** Эй, бу кун, дўл келиб
Оламни йикқан кун!
Эй, бу кун, куррамиз
Меҳвардан чикқан кун!..
- Шоир:** Кўзғалди оч қолган,
Энтиккан бир йиғин.
Ўлимнинг кўзига
Кўз тиккан бир йиғин.
- Ишчи:** Золимнинг қўлидан
Қудратни олдида,
Ўзининг маҳсули –
Зиндонга солди-да.
- Шоир:** Ўзича яшашнинг
Йўлини қаради,
Ўзига бир олам
Қурмокка яради.

Табиатдаги ўтирилишлар – тўфон, zilзила, тошқин, вулқонлар ҳайбатини жан-

говар куйлар остида милтиқ қўндоқларига ўрнатилган қип-қизил байроқлар тўла майдон салобати босади.

Ишчи: Фақат, яна қизил байроқ хилпирар экан,
Миллионларнинг ўткир кўзи – тагин йўлларда,
Янги ҳаёт, синфсиз ҳаёт қуриш истаги
Миллион-миллион
Эркак, хотин, қиз, ўғилларда!

Шоир: *(дўстининг қўлидан тутиб)*

Ҳа, ҳа, дўст!
Янги ҳаёт, синфсиз ҳаёт қуриш истаги,
Миллион-миллион
Эркак, хотин, қиз, ўғилларда!

(Тасвирда шоирнинг бахт ва ҳаяжондан балқиган юзи муҳрланиб қолди.)

(Шоирнинг ижодхонаси. У мутолаа ва ижод билан машғул. Қалб сўзлари тасвир ортидан эшитилади.)

Шоир: Бир неча йил қантаргач
Яна олдим созимни.
Энди айтиб йиғламас
Кўнгилдаги розимни.
Кўнгилдаги кудурат
Кўтарилди, ниҳоят,
Энди, илҳом манбаи –
Қайнаб ётган шу ҳаёт!
Қурилиш дostonлари
Пардалардан оқажак.
Эй, кўнгил, янги дардлар
Тагин сени ёқажак!

*Тасвирда: кўм-кўк осмон, чарақлаб турган қуёш, учирилаётган ранг-баранг шарлар...
Совет даврида яратилган ёрқин, тантанавор қўшиқлардан бири янграйди. Сатрлар орасида чапаклар, “Ура” деган хитоблар эшитилиб туради.*

2-қисм

Учирилган шарлар бирин-сирин ёрилиб битади... Қувноқ қўшиқ ўрнини маҳзун куй эгаллайди. Шоир хилват дарахтзор оралаб бораркан ўзи билан ўзи гаплашиб боши оққан томонга қараб кетарди. Атроф бора-бора ваҳимали тус ола бошлайди. Йўлини йўқотиб бирдан тўхтаб қолади.

Шоир: Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

(У ёқ-бу ёққа аланглаб.)

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,

Дилором КАРИМОВА

Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.
Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.

(Орқасига қайтиб кета бошлайди.)

Қаландардек кириб дунёни кездим, тополмайин ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.
Муҳаббат осмонида *(осмонга қараб)* гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Куёшнинг нурида тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Шоир қоқилиб тушиб ерга чўккалаб қолади. Ногоҳ ўтлар орасида маъюс қимтиниб турган бинафшаларга кўзи тушади. Бинафшага тикилиб туриб маъюслик унга ҳам кўчади.

Шоир: Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми,
Кўчада ақчага сотилган.
Бинафша менманми, бинафша менми,
Севгинга, қайғунга тугилган?
Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?
Бинафша,
Айт менга,
Кимларким улар ким,
Игнани бағринга санчалар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчарлар?
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,
Нимага узоқроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалар тортгучи тусинг бор,
Кўнглимга исриқлик тўкмайсан?
Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғунгни қайғумга қўшгил.
Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил...

Шу пайт шигалаб ёга бошлаган ёмғирнинг бир-икки йирик томчиси шоирнинг юзига тушади!

Шоир: Эй, кўкларнинг кўз торгучи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени?
Ёлғиз менми кўклар чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагини тиглаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?

Осмонни қоплаган қора булутлар атрофга қоронгилик ёяди. Момақалди роқ гулдураб ёмғир шаррос қўяди. Шоир шамол, ёмғирни ҳам сезмай дарахтзор оралаб хаёл ва изтироблари исканжасида девонавор кезади.

Шоир: *(Тасвир ортидаги ички овоз.)*

Кўзимга кўринган саробми эди,
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?
Севгимнинг боғчаси харобми эди,
Шу боғча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди
Ёки кўк тусида пардами эди,
Кўнгил шу чокқача тирикми эди,
Жоним кўклардами, тандами эди.

Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?
Каъбамга осилган бут эмасмиди?
Бутни Тангри деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш –
Илоҳий бир муҳаббат, ишқ билан севдим.
Беш йил... *(овози чиқади)* ...Шунинг учун беш йил англайиш...
Ёниш, куйишларим... оҳ, энди билдим!

(секин-аста жазавага туша бошлайди.)

Оҳ, энди билдимким, барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.

(бақриб дарахтларни ура бошлайди.)

Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,
Бағримга ботмоқда оғули тикан.

Шоир: *(Алам билан бошини чангаллайди.)*

Чиндан-да мен бу кун ёлғизми қолдим,
Чиндан-да у ўтли севги битдим?
Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари
Чўғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдим?
Чиндан-да мен букун севмасми бўлдим?
Чиндан-да муҳаббат ўтими сўнди?

(Қалб пучмоқларидан жавоб излайди. Жавоб йўқ. Аста сўрайди.)

Чиндан-да мен букун тиканми илдим?
Кўнглим бу алданишга, оҳ, қандай кўнди?!

Табиатда ўзгариш: ёмғир тиниб, борлиқ бирдан жимиб қолган. Кўм-кўк ўрмон саргая бошлайди. Дарахтлар барг тўкиб, учиб келаётган қаргаларнинг овози қулоққа чалинади. Шоир турган ерида дарахтга суяниб қолган. Унинг ҳам кўринишида

Дилором КАРИМОВА

Ўзгарши. Кўз қарашу нигоҳлар дардчиллашган, оғирлашган. Чакка сочлар оқарган!..

Шоир: Боғлар яна сарғайди, тўкилди... яна бўшлик...
Қушлар яна тўп-тўп қочалар... қарға фақат шод!
Ҳар нарсада бир қайғу, қадар, ранги сўлишлик.
Ичдангина, тинсизгина ҳар нарсада бир “дод”...

Тун. Шоирнинг ижодхонаси. Девор, шипга мажҳул соялар солиб, шам лип-лип ёнади. Ёзув столи атрофида бир-бирига қараб икки ўртоқ суҳбатлашиб ўтирибди. Шоирнинг дўсти қиёфасида сезиларли турланиш. У энди оддий ишчи эмас, фирқа аъзоси. Кийинишида ҳам рус инқилобчилари “большевикларга” тақлид қилган.

Шоир: *(Жуда тушкун кайфиятда.)*

...Нечун очилди кўзим, қайга қочди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлиб тошди, ошди қайғуларим...

Дўст: *(Ялт этиб қарайди)*

Сўнги пайт фитратингда ғалат ўзгарув...
Дилингни ёр, не бўлди, дўст?

Шоир: *(Бироз тин олиб)*

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

Дўст: Ҳа, бироқ уларнинг товушларида
Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар!

Шоир: На учун ёзмишнинг ўйнашларида
Ҳар юриш кўнглимни ништардек тиглар?

Дўст: Кенглик хаёллари ўчдими кўкка,
Бутун умидларинг ёвларми кўмди?

Шоир: Мангу тутқунликка кирдими ўлка,
Хаёлда порлаган, шамларми сўнди!

(Дўст шоирнинг юзига қаттиқ тикилиб қолади.)
Нега менинг қулоғимда тун ва кун
Бойқушларнинг шумли товуши бақирар?

Дўст: Тушунмадим...

Шоир: Нега менинг борлигимга ҳар ўйун

Ва ҳар кулгу оғу сепар, ўт кўяр?

(Бироз хаёлланиб)

Менинг ўйимми қора?

Ёки *(пичирлаб)* юрт кўкида булут?..

Дўст: Сенинг ўйлариң қора!..

(Шоир ўрнидан даст туриб кетади. Аламини босолмай у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди. Эпкинидан шам лопиллаб, девордаги соялар аралаш-қуралаш бўлиб кетади).

Шоир: Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега унинг боши узра қуюқ булут кўланка?
Унинг эркин тупроғида ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар?
Нега уни бир қул каби қизғанмасдан янчалар?
Нега тағин танларида қамчиларнинг кулиши?
Нега улар турмушида умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улуши?
Нега бунча умидсиздир туриши?

Дўст: *(Ўз-ўзига хуфиёна пичирлаб)*

Эҳ, дўст... Ўйлариң бўлибди-ку бунча қоп-қора.

Шоир: Нима учун кўзларида туташгучи олов йўқ?
Нима учун тунларида бўриларнинг қорни тўқ?
Нима учун ғазабини уйғотмайди оғу-ўқ?
Нима учун борлиғида бу даража бузғунлик.
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Нима учун куч Тангриси бор кучи-ла солдирмас?

(Шоир Дўстидаги ўзгаришини сезмай, унга дилини ёришида давом этади).

Кўнглим каби йиқик уйлар, қишлоқлар,
Бойқушларга бузук кўксин очганми?
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар
Юртни ташлаб, тоғ ва тошга қочганми?
Шундай қатта бир ўлкада ёнмаган,
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

Дўст: *(ғазабини яширолмай)*

Янги турмуш, янги ҳаёт талаб қилар ахир қурбонлик.

Шоир: *(афсус билан)*

Ҳа, минг афсус, янги турмуш мушт экан,
Йўқ! Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқик,
Бу боғланган, бу эгалик турмушда.

Дўст: *(сергакланган, хаёлидан ушибу ўйлар ўтади)*

Ҳа... Агар шундай кета берса, бу аниқ
Тилак учун қила олмас бир иш-да.

(лабларини қимтиб, ерга қарайди)

Шунча чоғлар чидаб келган кўнглимга
Бу кунгина ўз чизиги тор келди.

(бошини кўтариб, манглай остидан унга қарайди)

Гўё унинг қўл тегмаган бўйнига
Ип боғланиб, жуда қаттиқ тортилди.

(Шоир дўстидан мадад кутиб, умид билан гапирди)

Шоир: Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?
Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдур,
Кетга қараб – ўлим бўлсин – кетмайдир.

Дўст: *(сир бой бермай елкасига қоқади)*

Ҳа, ҳа, шундай... Кўп сиқилма.
Ҳаммаси яхши бўлади. Мана кўрасан!..

3-қисм

Биринчи кўринишидаги ҳолат. Тун. Қоронғилик чўккан хона. Ва деразадан ташқарига қараб чуқур ўйга ботиб ўтирган шоирнинг чўкиб қолган пажмурда гавдаси. Фақат у бу гал аниқроқ кўринади. Соч-соқоли ўсган. Кўзойнагининг бир томони дарз кетган. Тун бўйи хотира уммонида сузиб чарчаган шоир чуқур “ух” тортиб бошини қўлларига қўяди. Шу пайт чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбура-лайди. Шамол туриб, ёмғир ёға бошлайди. Дабдурустдан пайдо бўлган шовқиндан чўчиган шоир бошини кўтаради. Тун бўйи ёниб, эриб адо бўлган шам “лоп” этиб ўчади. Шоир фавқуллодда шуурига келиб ёпишган қиёфасиз хатарнинг эпкинидан сесканиб кетади. Ва беихтиёр ташқарига қулоқ сола бошлайди. Шамолнинг гувуллаши, шох-шаббаларнинг қарсиллаши, баргларнинг шовуллаши, шиддат билан ёғаятган ёмғирнинг дераза ойналарига урилиб чарсиллаши, яхши ёпилмаган кўча эшик табақаларининг девор кесакисига “калла қўйиб” тарақлаши ва ниҳоят дераза қаришидаги кўча устунига ўрнатилган осма чироқнинг шамолда у ёқдан-бу ёққа бориб келиши оқибатида хона деворларида ҳосил бўлаётган ажабтовур соялар – “ажиналар ўйини” бир бўлиб номаълум, мавҳум, мавҳумлиги билан эса кўрқинчли

ҳолатни юзага келтирар эди.

Шоир: (пичирлаб)

Тун ёмон, тун қоронғу,
Тун қўрқинч, тун азоб.
Тунда эски ва янги –
Ҳар нарса – хаёл сароб.

Туннинг узунлиги,
Чуқурлиги кўп ёмон.
Туннинг бузқлиги,
Ёлғизлиги беомон.

Тунда ҳар нарсанинг товуши
Йироқдан ғувуллаб келар,
Тунда кўп чоғлар юзимга
Жинларнинг қўллари урилар.

Туннинг яширин кучоқларида
Ўлимлар, қонлар тўлгандир.
Унинг алдамчи боғларида
Қанча ёш гуллар сўлгандир.

Шу пайт эшик орқасидан шопиллаган қадам товуши эшитилади. Ўрнидан туриб, эшик олдига боради. Эшикнинг танбаланганини текширади. Ташиқарига қулоқ тутади. Кимнингдир кўланкаси дераза орқасидан ўтгандек бўлади. Илқис дераза томонга қарайди. Дераза ойналарига чарсиллаб урилайётган ёмғир тўсатдан тўхтаб қолган. Фавқулодда хонага этни жунжиктирувчи, юракни ҳапқиртирувчи қулоқ тагида тинимсиз чийилловчи қора сукунат чўқади.

Шоир: (овози титраб)

Бу тунким, сирли қоронғу,
Кўйўларда шарпа-да йўқдир,
Кўнглимда тўп-тўп қайғу,
Оҳ, йўллар қанча узоқдир.

Шоир сеҳрлангандек ташиқарига тикилиб қолган. Зулумотли осмонни тўлдирган оғир, гунгурт ранг булутлар қаъридан сизиб чиққан тўлин ой совуқ нурларини тарашиб, унга хўмрайиб қараб турарди.

Шоир: Кучоғинда қалтирайман, титрайман,
Ортиқ сендан безди кўнглим, оппоқ ой.
Йўлни очсанг, энди бундан кетаман.
Кўклам яқин келган дейлар, бир қарай...

Дилором КАРИМОВА

У эшик томон йўлланиб, тамбани туширади-да эшик табақаларини очиб, қоп-қора тун қўйнига шўнгиб кетади. Бирдан у – қор билан қопланган яйдоқ дала ўртасида пайдо бўлиб қолади. Совуқ шамол қор парчаларини у ёқдан-бу ёққа сарсон қилар, юз-кўзига уриб, захрин сочар, шоир ҳайрон-ҳайрон атрофга боқади.

Шоир: (алаҳсираётгандек)

Нима бу?..
Эвоҳ, ахир мен йўлга
Баҳор кўмсаб чикқандим-ку!
Ҳар томонда қор, қор, қор...
Ел билан тушар, чиқар.
Оғир-оғир ёйилар,
Кафан каби керилар,
Қип-яланғоч далага.
Қуши кетган уяга.
Қишлоқ бироқ кўринмас,
Бошидан булут кетмас,
На йўл, на из билинмас.

Шоир бу гал бехосдан музлаган ҳовуз бўйига келиб қолади. Аввал ҳайрон бўлади. Сўнг ҳовуз билан боғлиқ мудҳиш воқеа эсига тушади.

Шоир: Ҳовуз юзи икки қарич муз бўлган,
Ёш болалар тийғанишиб ўйнайлар...
Ушуб...

Дўст: ...Ушуб

Шоир чўчиб орқасига қарайди. Тўсатдан, қаердандир пайдо бўлиб қолган дўстини кўриб ажабланади. Дўст бу гал чекист-ҳукумат одами кийимида: қора чарм камзул, қора шапка ва қўлида тўппонча.

Дўст: (“Хўш нима бўпти” дегандек истеҳзо билан)

Ушуб, тўнғиб масжиддаги чол ўлган,
Етим қолган болалари йиғлайлар.

Шоир: (дўстининг бераҳмлигидан жаҳли чиқиб)

Жар қишлоқнинг йўлида ҳам шаҳарга
Қаймоқ ва сут келтиргувчи бир бола...

Дўст: (бепарво)

Тўнғиб ўлган. Ҳар кун эрта сахарда,
Шундай қилиб бир неча жон йўқола.

Шоир: *(ғазаб билан)*

Ахир бир бола ўлган, яна бир неча жон йўқола!

Дўст: *(пинагини бузмай)*

Хўш, нима бўпти?
Янги турмуш янги қурбонлар талаб қилади.

Шоир чидолмай Дўстининг ёқасига ёпишади. Уни зўр бериб бўғмоқчи бўлади. Шу пайт ўзини хонасида кўради. Тиришиб йўқ нарсани бўғарди. Дўст эса зойиб бўлган. Ғайритабиий ҳолатидан саросималаниб атрофни кузатади. Хонада Дўст тугул, ҳеч ким йўқ. Энтикиб деразадан ташқарига қарайди. Қор йўқ. Ёмғир йўқ. Тун чекиниб кун оқара бошлаган. Баргларидан жудо бўлган дарахтлар сўппайиб турибди. Богни қаргалар овози босиб кетган...

У ҳолсиз, қўл-оёғи титраб иш столининг курсисига бориб ўтиради. Бошини пан-жаралари орасига олиб қаттиқ сиқади.

Шоир: *(бошини аста кўтаради. Кўзлари ёшига тўлган)*

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур?
Ёнғоққа ёпишиб, бир чангал солдилар,
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?

(чуқур хўрсинади)

Ўксик кўнгил куши
Тушди қафасга,
Сира етолмайдир
Эркин нафасга.
Қора кунлар тушди менинг бошимга.
Қип-қизил қон бўлиб
Кунлар ботадир...
Ёмон ҳидга тўлиб тонглар отадир...
Оғир кунлар тушди менинг бошимга.

(“Тиқ” этган товушдан югура бориб, эшикка қулоқ тутади)

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини
Тилим билан сўрсам
Оққан конини...
Оҳ!.. Қонли кунлар тушди менинг бошимга.

(Кўрқа-писа дераза олдига келиб, ташқарига мўралайди)

Ҳасратим кўп, элга
Айта олмайман.
Армоним кўп, дилга
Жойлай олмайман.
Ўгли кунлар тушди менинг бошимга.

Бирдан ваҳима, қўрқув исканжасига тушган шоир жонҳолатда столидаги хат, қўлёзмалар, китоб жавонидаги баъзи китобларни олиб, шоша-пиша уларни кўздан кечиришига тушади. Баъзиларини яшириб, баъзиларини йиртиб-бурдалаб кир ювадиган катта мис тоғорага солади-да ёқиб юборади.

Шоир: *(оғир нафас олиб)*

Муҳит гирдобиди бир сомон парча,
Бир похол чўпидек оқиб бораман.
Ҳар амал, ҳар ишни “ҳақ”, деб бораман,
Вазминим қолмади бир узук қилча...

Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни,
Чакмоқдек ялтираб учиш йўқ энди,
Ёлғон хаёлларга кўчиш йўқ энди,
Оқиш йўлига солдим қуйимни.

Шу вақт приёмник (радио) “тилга” киради. “Дўст”¹нинг ҳиссииз, мазмунсиз, лекин ҳукмфармо нутқи тантанавор жаранглайди. Шоир бир қалқиб тушади.

“Дўст”: Бузиб эски турмушни
Бажардингиз зўр ишларни
Адо қилиб юмушларни
Ҳорманг энди, колхозчилар!

Фирқа сизнинг раҳбарингиз,
Бузилмайди сафларингиз.
Шараф тўла дафтарингиз,
Ҳорманг энди, колхозчилар...

(гулдуроч чапақлар)

Шоир: *(беихтиёр қайтаради)*

...Фирқа сизнинг раҳбарингиз,
Бузилмайди сафларингиз.
Шараф тўла дафтарингиз,
Ҳорманг энди, колхозчилар...
(ийглагудек)

На исён, на тўфон, на ўт!
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.

¹ Дўст – душманга айланди. Шунинг учун Дўст қўштирноқ ичига олинади.

Ай, ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.
(аччиқ кулиб)

Мен энди худди бир сомон парчаси
Тамом таслим бўлдим муҳит эркига...

(Радио яна "тилга" киради)

"Дўст": (буйруқ оҳангида)

Менда энди қайғулар йўк...

Шоир: (худди тушида гапираётгандек, беихтиёр)

...Менда энди қайғулар йўк,
Мен баҳорлар каби шанман.
Кечаларнинг ўлимига
Қаҳқаҳалар солган менман!

"Дўст": Менинг янги Ватанимда...

Шоир: ...Менинг янги Ватанимда
На Мажнун бор, на-да занжир!
Мунда ҳар бир ишлаганнинг
Бахти кучоғида келур!

"Дўст": Худди шундай!
Мунда меҳнат қувнаб-қувнаб...

Шоир: ...Мунда меҳнат қувнаб-қувнаб
Мўъжизалар яратади.
Мунда ҳар кун шўх қўшиқлар,
Қуйлар ила тонг отади.

"Дўст": Баракалла!
Миллионларнинг бири каби...

Шоир: ...Миллионларнинг бири каби... (жимиб қолади)

"Дўст": (жаҳл билан)

Хўш!

Шоир: (мажбуран)
Мен ҳам ҳар кун тер тўкаман,
Ҳар кун янги ҳаяжонлар,
Зафарларга кўникаман!

(Радиодан яна чапак овозлари янграйди. Шоир охир ўзига келиб қазаб билан радиони юлқиб отади)

Етар, бас! Чекдан ошгандир
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Кўлимда сўнгги тош қолди,
Кўнгилда сўнгги интилмак.
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Кучимда сўнгги талпинмоқ!
Кўлимда сўнгги тош қолди,
Ёвимга отмоқ истарман!
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмак истарман!

Ногаҳон қаршисида тўппонча ўқталган “Дўст” пайдо бўлади. Шоирни мўлжалга олиб отмоққа шайланади. Шоир жонҳолатда уни итариб юбориб, қамоқдан чиққандек таиқарига отилади. Ҳамдардларни қидиради. Уларнинг кўзини очмоқчи, алдовларга берилмасликка чақирмоқчи бўлади. Бироқ одам зоти йўқ. Дарё қирғоғига келиб қолган шоир сувга дардини дoston айлаб фарёд қилади. Кошки, лоақал у эшитса!..

Шоир: Минг йилларнинг ихтиёрида бўлган
О дарё-и Норин!
Энди бил:
Юз йилларнинг ихтиёри сенда эмас!
Одам бугун ҳеч бир кучга банда эмас.
Сен, азамат, шундай ердан ўтасанким,
Сенга ўхшаш узиқора дарёлар – жим,
Ўқирмасдан, бўқирмасдан оқадилар,
Бўйруқ кутиб қирғоқларга боқадилар!
Сендан асов, сендан ёмон дарёлар ҳам
Бўйин эгиб келишдилар бира-бирам!

(дарё қулоқ тутгандек сокин оқади)

Днепрни билармидинг? Бало эди!
“Мен телбага кишан борми, қалай?” дерди.
Озод меҳнат бир ҳамлада ушлаб олиб,
Оз фурсатда озод қилиб – йўлга солиб
Ўз эркида ўйнатади у телбангни!
Сен мағрурсан! Сенга ҳали тегмаганлар,
Сенинг темир иродангни эгмаганлар.
Ҳали сени пўлат қўлга олмаганлар,
Йўлларингни оч чўлларга солмаганлар.

(Сувнинг ранги қорайиб, тўлқинлар бесаранжом мавжлана бошлайди)

Қуриб қолган ариқларга оққанинг йўқ!
Оқ олгиндан шокилдалар таққанинг йўқ!
Электрик юлдузларни ёққанинг йўқ!
Лампа кўзла мамлакатга боққанинг йўқ!

(хайқириб)

Эрта-индин сен жиннига тегажаклар!
Иродангни – метин бўлсин – эгажаклар!
Сени пўлат кўлларига олажаклар!
Йўлларингни оч чўлларга солажаклар!
Куриб ётган ариқларга оқажаксан!
Оқ олтиндан шокилдалар тақажаксан!

Ғазабланган тўлқинлар қирғоққа келиб урилади. Шоирнинг овозини карнайдан келган “Дўст”нинг баланд, тантанавор овози босиб кетади.

“Дўст”: Бузиб эски турмушларни
Бажардингиз зўр ишларни...
Фирқа сизнинг раҳбарингиз,
Бузилмайди сафларингиз...

Шоир чидолмай яна фарёд кўтаради. Унга ҳамдард бўлиб табиат ҳам кўзгалади. Сув қирғоғидан ошиб-тошади, шамол туриб дарахтларнинг бошини эгади, шоирнинг юз-кўзларини чимчилаб ўтади. “Жим бўл!” дегандек кўйлак, камзул ёқа-этакларидан энтикиб тортқилайди. Аммо шоирнинг сабру тоқати сўнгига етганди.

Шоир: Йўк, йўк!..
Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқик,
Бу боғланган, бу эгалик турмушда.
Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,
Кетга қараб – ўлим бўлсин – кетмайдир!

Шу пайт қоронғилик қаъридан қояга ўхшаш баҳайбат бир нарса чиқиб келади. У инсон нусхидаги руҳсиз, жонсиз, аммо бешафқат машина. Яхшилаб қарасангиз, “Дўст” қиёфасидаги беомон темир нарса – Робот. У шоирнинг устига қора калхат қанотлари ташлаган соя каби бостириб кела бошлайди. Шоир орқага тисарила-тисарила тубсиз жарлик ёқасига бориб қолади.

Шоир: (ўзига хўрлиги келиб)

Ким?.. Ҳеч ким...
Бир тупсан... ёлғизсан, яккасан...

(кўзи ёшига тўлади)

Бир тупсан, ёлғизсан, яккасан!..

(Гурсиллаб қадам ташлаб темир одам таҳдид солиб келаверади)

Қоп-қоронғу кеча... чироқлардан
Сўнги нур кетди, у йироқлардан
Ўкириб, гувлаган товуш келадир.
Нима? Қандоқ товуш бу? Билмайман...
Кечанинг, балки, йиғлаган доди,
Балки куннинг аламли фарёди!

"Мажнун бўлиб элни севаман..."

Бостириб келаётган “Дўст” – машина ҳайбатли, оғир темир панжаси билан шоирнинг қўлидан тутмоқчи бўлади. Шоир тисарилиб қаришлик кўрсатади.

Шоир: Ким бу?..
Кўлимдан тутмоқчи бўладими?
Шу кетсиз гирдоблардан кутқариб
Қирғоққа отмоқчи бўладими...

“Дўст” – Робот машина шоирни жарликка итариб юборади. Қулаётган шоир юрагидан видолашув нидоси узилиб чиқади.

(Жарликка йиқилиш саҳнаси секинлаштирилган ҳолатда кўрсатилади.)

Шоир: Алвидо, эй кучоққа сиғмас ер,
Алвидо, эй кўкатга кўкрак қир.
Алвидо “мунда қол” деган юрак
Кўп оғир сендан айрилиб кетмак...

(Кетма-кет отилган ўқ товушлари ва “Гиря” даги эркак-аёл фарёди янграйди.)

Хотима

Фожияли куй ўрнини ёрқин, гардсиз, бахтли онларни ифодаловчи лирик мусиқа эгаллайди. Қоронгулик, хиралик чекиниб, қуёшли, нурли борлиқ юз оча бошлайди. Табиат қўйнидан бахтиёр, умид ва орзуларга гарқ бўлган Чўлпон чиқиб келади. Унинг йирик, қора кўзлари дунёга қулиб боқади. У хаёллари каби гўзал табиат кучоғида элу юрти бахт-саодатини ўйлайди ва унинг порлоқ келажагига ишонади. Инчунун унинг безовта руҳи авлодлар қонини абад жунбишига солиб тургувчидир.

Шоир: Юрганда, турганда ҳар гўзал нарса
Менинг кўзларимга севги кўринди...
Кўнглим қуруқ эмас, яна севги бор,
Фақат бу севгида алданиш йўқдир.
Ҳорган кўзларимда хаёл яна бор,
Фақат у хаёллар нурдан тиниқдир.

Энди ҳар нафасда яна қуяман,
Фақат Мажнун бўлиб элни севаман,
Унга ҳурмат билан бўйин эгаман,
Бошимни у учун дорга қўяман!..

Тамом

Юракка

таниш

соғинчлар



Зикрилла МАМАТОВ

Негадир тинчгина насрда қалам тебратиб юрган бир замон шоир бўлгим кеп қолди. Машҳурликка қизиққан бўлсам керак. Негадир кўплар шоир бўлгиси келади. Талант бўлса майли-ю, ёзганларида тутуриқ бўлмай, даъвоси оламини бузмоқдан ўзи асрасин. Биз ҳам бир “улуғ шоир”ликни ҳавас қилдигу, шеър қалаштириб ташлай бошладик. Ёзганларим ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас. Ўртача. Лекин, ёзаман деядурғон бўлсам, унча-мунча кўкрак уриб юрғонлардан яхши ёзишимни ҳам биламан. Ёзавердик. Ёзавердик. Дафтарлар тўлиб кетди. Ўзимизга-ўзимиз маҳлиёмиз. Не ажаб, шундай кунларнинг бирида бир шоирнинг шеърини ўқиб қолдим, руҳим алланечук ором ола бошлади. Айни дамда руҳим сармаст эди. Мен ҳақиқий шеър ўқиётгандим. Бу шеър кимники экан деб ажабланаётгандирсиз, кимники ҳам бўларди, албатта Жонтемирники-да! Ҳа, мен Жонтемир шоирнинг юрак торларининг қўрларида пишган, шеърни ўқиб шоирга мухлис бўлдим қолдим. Ўйлатади. Тафаккур қилдиради. Чин шеър ва чин шоирлик бахти аслида шу бўлса керак. Жонтемирнинг ёзгонларига ҳавасим келган. Ўшандан кейин “шоирлик”ни йиғиштириб қўйдим. Шеър ёзмадим, ёзмайман. Назм мен учун эмаслигини тушуниб етдим. Чин сўз айтаётган, шу майдонда ўз ўрнига эга бўлганларнинг барисига таъзим қиламан.

Бир сеvimли адибимизни машҳур гапини ўзгартириб талқин қиладиган бўлсак: "Шундай шеър ёзсанг, ўқирманни ўйлатса, ўқирманга ўзини кўрсатса, ўқувчи раҳмат айтиб ўқиса, ва яна иккинчи марта шу шеърни ўқиётганда алланечук руҳинг ором олиб, кечаси билан шеър таъсирида тўлганиб чиқсанг!" Айнан Жонтемирнинг шеърлари шу таърифга жуда мос келади... Унинг шеърларига бироз тўхталсак. Айрим мисраларини олиб бермоқчи бўлаяпману, бир мисрасини олсам қолғонлари хафа бўлиб қоляпти. У “Жўрам” шеърида Жонтемир бўлишига ҳиссаси беқиёс бўлган раҳматли бобосини эслайди.

Зикрилла МАМАТОВ – 1999 йилда туғилган. Республика ёш ижодкорларининг Зомин – 2021 семинари наср йўналиши иштирокчиси. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 4 босқич талабаси.

* * *

*Бобо... Йўқ, Бу сўз гализ!
Дўст. Ўртоқ. Жўра...
Ҳа, ҳа, ахир, сен энг яқин жўрам эдинг-ку!
Тепакал жўрам-а...
Соқолли жўрам...
Жўралар эса бир-бирларини сизлашмайди.
Қара,
Худди сенга ўхшаб ўсдим –
Фирт дайди.
На маконим бор
На манзил тайин,
Дийдам тош қотгану
Юрагим майин.
Биласанми,
Худога яқинлашяпман
Сени ўйлаган сайин...
Жомдаги май эмас,
УЛ ҚОН!
(юррак ҳам бормоқда нураб)
Ва сени чорлайман –
Айқирри-иб,
Айқирри-иб,
"Тепакал жўрам-а...
Соқолли жўрам..."*

Шеърни тўлиқ ўқисангиз юрак ўртанади, унутилган соғинчлар ёдга тушади. Қолгонини ўзингиз фикрлаб, мушоҳада қилаверасиз-да.

Ҳар бир шоирнинг шеърларида ўзи ўсган тупрокнинг ўрни бўлак. Шоир, носир, ижодкор, полвон, спортчи, олим чиқарган гўшаларга ич-ичдан ҳавасим келади. Ахир ҳазилми, уларнинг ўғли шоир, носир, полвон, олим... Юртнинг байроқдорлари. Ори, ғурури. Шоири улуғлайди, полвони шарафлайди.

Жонтемир ижодида ҳам болаликнинг сеҳрли олами кўп бор эсга олинади. "Қорапойча" шеърида:

*Ичикманг, бобо...
Шотутлар қонига бўялганда ер,
Нашватига битганида эт.
Ҳусайнимиз ширага бўкканда,
Соғинч ҳақда шеърларим
Бўлганда минг бет,
Бораман!
Қарапойча – эгилмас орим!*

*Қарапойча – мен чиққан қорин!
Қарапойча – очил дастурхон!
Қарапойча – битта мен шоир,
Қолган барча туққанлари хон!*

Сиз ҳам шеърни ўқиб туриб беихтиёр шоирга ва “Қарапойча”га ҳавасингиз келган бўлса, ҳеч ажабланмайман...

Шоирнинг “Йўқлов” шеъридаги ушбу мисралар ҳам кўпчилигимизнинг ёдимизга кўп ажиб ҳисларни уйғотмоғи аниқ:

*Тош кўчалар, жонон кўчалар,
Маъзур тутинг темир пошнамни.
Кўмсаб келдим.
Соғиниб келдим.
Ҳовлимизни...
Чўпон ошнамни...*

*О, қаранг-а, тикилиб қаранг,
Теракларда юзлаб яшил мушт.
Тортилганда тун ёйи таранг,
Ойни ўпган ариқлар – кумуш.*

*Илк бўсамнинг гувоҳи, пастқам,
Ранги учган девор бормисан.
Момом эккан анжир – маҳбубам,
Менга мендек интизормисан?!..*

Ва бу мисраларни ҳам ўқиб яна ўқигингиз, таниш соғинчларга қайтгингиз келатгани аниқ:

*Ёз ойлари. Айни саратон,
Молдан қайтгач қизиб, нурланиб.
Чўлпиллатиб эмардим шодон,
Токка осиз қатиктўрвани.*

*Қиш. Танимни яйратар сандал,
Кўнгиш кибр, нафратдан фориг.
Шеър ўқирдим уйқумни чандиб –
Рауф Парфи, Абдулла Ориф.*

*Кўп соғиндим Олапар, аммо,
Борсам энди сен йўқ, ёшлик йўқ.
Бир аёл бор – кўзига само
Ғам булутин тўшаган қуюқ.*

*Мен ҳаммадан унга керакман,
О, билдирмас, тоғдай ичи кенг.
Қишлоқ. Кўча. Телба тераклар
Согинч тўкар кузда ичикиб.*

Баъзида ҳайрон қоламан. Инсон юраги шунча дардни кўтариши мумкинми? Оғирлик қилмасмикин? Йўқ кўтараверади. Бунинг учун Жонтемирга ўхшаб чин шоир бўлиш керак. Устозимиз Узоқ Жўрақулов шоир Икром Отамурад ҳақида "Икром ака юкли шоир" деган маънода ёзгандилар. Шу таърифни Жонтемир ижодига нисбатан қўлласак ҳам бўлади.

Мен мақтаётган шоир Ўзбек адабиёти майдонида сўз айтмоқнинг залворини ниҳоятда кенг тушунади. Шунинг учун залворли ёзади. Биз томонларда тўй курашлар бўлади. Ўша ерда полвон ор учун товоқ кўтаради. Мен Жонтемирни ҳам шеърятда ўша товоқ кўтарадиган полвонга ўхшатаман. Хуллас, шунақа гаплар.



*Поэзия воқеликка тақлид эмас, воқеликнинг
талқини, тафсири ҳам эмас. Поэзия - ўз-ўзи
воқелиқдир, ҳаётий воқелиқдан кўра юксакроқ;
даразжадаги воқелиқдир...*

Эрлинг КРИСТИ



Сен менинг бош кўяр муқаддас жойим



Муҳаммад РАЖАБОВ

* * *

Бу азиз тупроғинг топтамади ким?
Кир, Доро, Искандар, Чингиз, Ботухон.
Машрику мағрибда қолдими ғаним?
Кўксинга тиғ уриб айламаган қон.
Қорачиғларидай асраб юрт шаънин,
Орим, деб отланди Тўмарис момо.
Жалолиддин тутди эркнинг байроғин,
Темур қиличидан ёришди само.
Сенми шоҳ Машрабнинг юрак туғёни?
Навоийнинг назми оламини тутган.
Сенми фироқдаги Бобурнинг жони?
Бир кафт тупроғинга зор бўлиб ўтган.
Истиқлолнинг туғи бошинг узра тож,
Толеинг балкиди кўкда ногаҳон.
Булут кетиб, қуёш заррин нур сочди,
Музаффар тонглардан ёришди жаҳон.
Қуриган дарёлар яна йўл очди,
Сен менинг бош кўяр муқаддас жойим.
Тангрим инояти сенсан – онажон,
Тилагим бор бўлган, омон бўл доим,
Гуллаб яшнайвергин, хур Ўзбекистон!

*Муҳаммад РАЖАБОВ – 1950 йилда тугилган. Самарқанд педогогика институти-
ни (ҳозирги СамДУ) тамомлаган. Ижодкорнинг шеърлари матбуот саҳифаларида
чоп этилган.*



Мунира МУҲИДДИН

Бахт нимасан

Бахт ўзинг нимасан, шаклинг қанақа?!
Қанотинг мавжуд-ми капалак мисол?!
Қиёфанг ҳилолни эслатар, балки,
Балки камалаксан,
балки бетимсол?!

Бахт ўзинг нимасан, шаклинг қанақа?!
Кўзга илинмайсан,
Шаффофмисан, бол?!
Магар сиёҳингга бўёқ етмаса,
Менинг қонимдаги қирмизини ол!

Билмадим.
Билмадим.
Билмоғим душвор,
"Хулволар ҳамални эмган лаҳзалар"
Руҳим осмонини момақалдиروق,
Сўнгсиз савол билан ларзалар.

Ёқимтой шамол

Яшноқ далаларда ёқимтой шамол,
Яшнагиси келар само тагида,
Яшнагиси келар яна ҳалиги
Момо Ҳавволарнинг
беланчагида.

Яшноқ далаларда ёқимтой шамол,
Парча ланиб кетар, туртиниб тошга,
Ва тиклай бошлайди ўзини
Томчидай титилиб, тўзғирлар – бошқа.

Яшноқ далаларда ёқимтойшамол,
Ёқилгиси келар саратон тафтга,
Ёқилгиси келар ҳатто малаклар
Юзига юзлатган ҳафиф а кафтга.
Яшноқ далаларда ҳафиф а шамол...

Мунира МУҲИДДИН – 1981йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) биология факультетини тамомлаган. "Севиб, севилмаган қиз", "Мен ишқнинг боласи", "Оқ капалак" шеърлар тўпламлари нашрдан чиққан.

* * *

Қор қўйнида дарахтлар ҳиссиз,
Нафасини ютади қўклам.
Қўклам, мени қайдадир бир қиз,
Сенинг каби кутар қорда хам.
Улгуришим керак баҳордай...

Зилола сув, покиза синглим,
Қай тошларга урасан бошинг.
Сенинг каби озурда кўнглим,
Тўкмоққа жой излар кўзёшин
Улгуришим керак анҳордай.

Хув, ялтироқ кўнғизим, ошнам,
Болаликни кетдинг етаклаб.
Қайтарим бор етмишдан ошсам,
Печак гулни этак-этаклаб,
Улгуришим керак гулзордай...

Оқ осмондан томчилар сабоҳ,
Булут билан ювар ҳаёсин.
Вужудимни топади, бир кун
Чин дўст кийиб ҳарир либосин.
Улгуришим керак наҳордай...

Кутасан

Ким экан кутганинг?
Билмайсан, билмайин ўтасан
ўтасан, кетганим маъқул деб,
кетганинг сезилмай кетасан...

Ғамга бош қўясан болиш деб,
оғир иш қолмайди “қолиш”дек.
Кетасан...
кетаман-келишдек.
Келишмай, кулишмай ўтасан.

“Қўйгин” га ундайди юрагинг-кечирар...
келади кечирим сўрагин.
Совиган кўнгилни муҳаббат
аталмиш хотирга ўрагин...

Илишин кутасан, кутасан...



Шахризод ШОДИЕВ

Шахризод ШОДИЕВ – 1998 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети талабаси. Республика матбуотида шеърлари чоп этилган.



Бобуржон ЎКТАМОВ

Хавотирлан(ма)гин

Шарқираб оқмоқда баҳорги лойқа,
Сувнинг ранги йўқми унда, ёз яқин...
Гармсел эсяпти ёмғирли кунда,
Само бағрин тилар билдирмай чақин.

Сен термилма, гавхаринг асра
Унга ошуфтадир ҳали ҳам сийрат
Конуссимон жисмим оғриксиз
Аммо, ботин ўрни борлиги билинар фақат.

Аллитерация

* * *

Сунбул сочларингни силаб сийпалаб,
Сирли сўзларингдан савол сўрайман.
Севасанми, сен сўйла севгилим?
Сенинг сумбатинга садқадир севгим.

* * *

Куйларингни куйлайқол куйиб кетябман,
Куйдиргувчи кўзларни кўргим келяпти.
Кулгилар кўпирган кулгичларингнинг,
Касрига кўпчилик куйиб кетяпти.

* * *

Қизганиб-қизганиб қарайман қизга,
Қизғалдоқдек қизариб қараб кўяди.
Қабарган кўлимни кўлига кўйсам,
Қалдирғоч қошини қоқиб кўяди.

Бобуржон ЎКТАМОВ – 2002 йилда тугилган. Самарқанд давлат университети талабаси. Республика матбуотида шеърлари чоп этилган.

* * *

Тобора емрилиб бормоқда хоким,
Йилларнинг чархидан эврилди ҳаёт.
Энди ботинимда жимжитлик ҳоким,
Басирлигинг боргин, бор тупроққа от!

Зоҳирий кўзгуйим бўлди табассум,
Яноқлар ҳайқирди сохта жилвадан.
Ахир, бу кўнгилга эмасми зуғум?
Фарқим ҳам қолмабди ҳиссиз жилғадан.

Тонди, кўзлар тонди оғир нафасдан,
Ҳақиқат бағрига отди ўзини.
Киприқлар беркитган бу тор қафасдан,
Дув-дув тўкиб айтди унсиз сўзини.

Кераксиз шабнамдек шошдилар ҳар вақт,
Манзилин алишди, оҳ, тенгсизига.
Меҳр мавжларини яратди қат-қат,
Кўзёшлар айланди бахт денгизига!

* * *

Ойнинг кўзларида тунда ёш кўрдим,
Қалдироқ унида ғазаб, тош кўрдим.
Кексайган қуёшда буюк дош кўрдим,
Девона дилимдан бир зор топмадим.

Даҳрлар ранжида кўп овоз келди,
Бахт куйин кўтариб, бот-бот соз келди,
Таҳаммул олдида ақлим оз келди,
Асрорим тутмоққа бир ор топмадим.

Чинорим қадрига улкан тоғ тушди
Чириган кўнгилга кетмас доғ тушди.
Аммо ашк кўлидан узун “оҳ” тушди,
Роббимдан яқинроқ бир ёр топмадим.



Муяссар ЎКТАМ қизи

Муяссар ЎКТАМ қизи – 2000 йилла тугилган. Самарқанд давлат университети талабаси. Ижодкорнинг шеърлари Республика матбуотида чоп этилган.



Равшан МАДУМАРОВ

Унутмоқ осонмас бизларни

Сояман ортингдан эргашган,
Ёстикман тунлари дардлашган,
Тушингман ўнгингга алмашган,
Унутмоқ осонмас бизларни.

Юракка тиг санчган камонман,
Юзингга ранг сочган сомонман,
Ёмонман, мен ўша ёмонман,
Унутмоқ осонмас бизларни.

Афсусман эгилган бошларда,
Тим қаро, уюлганқошларда,
Армонман кўздаги ёшларда,
Унутмоқ осонмас бизларни.

Қалбингни тарк этса вафолар,
Ўрнини эгаллар жафолар,
Бу дардга йўқ эрур даволар,
Унутмоқ осонмас бизларни.

Марғилоннинг йўллари

Марғилоннинг йўллари,
Узоқ-узоқ экан-ей.
Ёрнинг қаро кўзлари,
Бизга тузоқ экан-ей.

Олис дея бормасам,
Жонда фироқ ўрлайди.
Қаро кўзин кўрмасам,
Соғинчлари чорлайди.

Қайдан тушди нигоҳим
Марғилоннинг қизига?
Оромимни алмашдим
Болдай ширинсўзига...

Бахт қушини тутолмай,
Орзуларим бўлди туш
Ёр васлига етолмай,
Армон дилга урди ниш.

Бу ҳечкимга сир эмас,
Бефойдадир минг фиғон.
Олисларга қиз бермас
Кумушдан сўнг Марғилон...

Равшан МАДУМАРОВ – 1966 йилда туғилган. Тамбов давлат педагогика институтини тамомлаган. Ижодкорнинг “Унутмоқ осонмас бизларни”, “Соғиниб яшайман” китоблари нашр этилган.

Қўша жаноза



Нортўхта ҚИЛИЧ

*Ёлғизмен. Ёлғизмен. Шундай ёлғизмен.
Юлдузлар олисдир. Еллар бегона.
ОЙБЕК*

1

Кечки овқатдан сўнг, бирпас давра куриб, жамул-жам телевизордан бир лавҳани томоша қилаётган эдилар.

Одатдагидек, кутилмаганда, телефон жиринглади. Беҳуда жиринглардан, бесамар кўнғироқлардан Нортўхта тўйиб кетган. Жуда!.. Тобора авж олаётган ёлғонларга, хушомадларга, кўзбўямачиликларга сира тоқати йўқ. Феъли шунақа. Бундай бир мослашишни ўйлаб ҳам...

... э, мослашишимми-а!..

Аввалдан ҳаммасини билиб турганлиги учунми, эшитишним, кўришним ис-тамайди.

Дастакни хотини олди. Саломлашди. Сўрашди. Сўнг, Саъдулла жўрангиз, деб, дастакни узатди.

Саъдулла деганимиз – Саъдулла Аҳмад – шоир. Раҳматли Тилак Жўра Саъдуллани суюб, Саъдий, дер эди. Саъдулла сўзга ҳассос... Саъдулла сўзга инжиқ... Лекин, одати ажойиб: кайфияти яхши бўлса, хотиржам сўрашади – аввал соғликни сўрайди. Кейин, кайфиятни... Саъдулла билан ҳол-аҳвол сўрашаётганида, Нортўхтанинг ҳам кайфияти чоғ бўлади. Умрининг маънисиз ёниб-қуйиб ўтаётганлигини ўйлайди... Лекин, барибир, Саъдулла билан гаплашаётиб, янаям яшагиси келаётганлигини сезади. Чиндан ҳам, тутақиб яшаётганлигига ўзини ишонтириш учунми ё бечора, жафокаш юрагига қўр олиш учунми, Саъдулла, жўражон, битта янгисидан эштайлик, дейди. Негадир, Саъдулла ўзининг шеърларидан ўқишни ёқтирмайди. Лекин, жўра – жўра-да! Жўра дегани – шунчаки ўртоқ ёки дўст, дегани эмас-ку, ахир!..

Нортўхта ҚИЛИЧ – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. Унинг "Оппоқ тонг" номли биринчи ҳикоялар тўплами 1981 йилда нашр қилинган. Ўшандан бери унинг "Ёронгул", "Мўъжиза", "Чигириқ", "Байрам", "Илтижо" "Икки олам аро", Қунлар учайапти" номли китоблари чоп этилган.

Нортўхта ҚИЛИЧ

Майли, дейди. Бирпас жим қолиб, кўнгил учун бирор тўртлигини ўқийди. Ана шундай телефон гурунглари чоғида ўқиган бир тўртлиги Нортўхтага жуда ёқиб қолган:

*Нималар деб сайраяпсан, булбулигўё?
Тугилганлар ўлар; ўлганлар тугилган.
Икки йўқлик аро кўприк бу дунё,
Икки йўқлик аро бўгилган.*

...ў, дунёсики бўгилган бўлса, бандасининг жонига балли-е!

Нортўхта хотинидан дастакни олди. Саломлашди. Сўрашдилар. Сўрашаётиб, Саъдулланинг анча шашти сузтигидан англадики, нохуш нимадир рўй берган.

...нима бўлиши мумкин? Жаҳон айвониға дарз кетдимми –ё?

Саъдулла кўп кутдирмади, эшитдингизми, деди: Ғайбулла ака оламдан ўтиб-ди.

...Ғайбулла ака-я?! Бечора... Ҳай, о т а-я!..

Гўё, Ғайбулла ака – Ғайбулла Салом – Ғайбулла ас-Салом ўлмайдигандек, мангу яшаши керакдек, бир муддат Нортўхта гангиб қолди. Ва, шунинг баро-бариди, бирин-бирин Ғайбулла акага алоқадор хотиралари тобора шуурида ёркинлаша бошлади.

Аллабир катта йиғинда маърузага чоғланаётиб, минбарда Ғайбулла ака бирдан юрагини чангаллабди-ю, қулабди.

Буни эшитаётиб, беихтиёр Нортўхтанинг кўнглидан шундай бир фикр кечди: "Бечора. Кутулибди. Ниҳоят, кутулибди. Худо раҳмат қилсин!.."

Ушбу фикр кўнглидан кечгани билан, негадир, Нортўхта бирор-бир енгилликни ҳис этмади. Қайтага, мустақилликнинг дастлабки йилларида, домдараксиз йўқолган ёлғизгина ўглининг ўлик-тириклигини билолмай ўтганлигини ўйлаб, баттар ғусса босётганлигини тўйди.

...кўзи очиқ кетди бечоранинг.

Баъзан таниш бировнинг қазо қилганлигини эшитиб, – во ажаб! – худди шундай бўлиши керакдек, бир тукингиз ҳам қилт этмайди. Лекин, Ғайбулла акадай яқинингизнинг қазоси эса жисму жонингизни ўртагандан ўртайверар экан.

Ҳамон Нортўхта жим – оғир сукутга толган эди.

Саъдулла ошна-оғайниларга хабар қилиш кераклигини айтди: "Тонгда, бомдод намозидан кейин, Минор қабристонига қўйилармиш. Дафн маросимини Ҳамидулла бош бўлиб ўтказаётган экан".

...тонгда! – Беихтиёр таажжубланиб, Нортўхта ёқасини ушлади. – Нима учун тонгда? Нима учун пешин намозидан кейин эмас? Нима учун?!. Ахир, ёру биродарлари Самарқанддан етиб келолармиканлар? Қозогистонлигу туркманистонлик шогирдлари, дўстлари жанозага улгурулмайдилар-ку!.. – Ҳамидулла – Саъдулла аканинг ўғли; раҳматли Саъдулла Кароматовнинг, – Ғайбулла аканинг кенжа шогирдларидан, Бош вазирнинг ўринбосари. – Агар... агар!..

Ғайбулла ака таржимашуносликда мактаб яратган олим. Шундай олимнинг дафн маросими ҳам, албатта, ҳар қанча эъзозу эҳтиромларга муносиб. Бироқ, Нортўхтанинг англашича, товуқ кўноғидан тушмасдан, тонг бўзарар маҳалда, Ғайбулла ас-Салом жасадининг биров билиб, биров билмай тупроққа топширилишида аллақандай бир сирли шошқалоқликми, нимадир яшириндай эди.

... шундай... Шундай. Арслоннинг ўлигиям арслон-да!

Эртага, тонготардан аввалроқ таъзияхонада учрашмоққа келишиб, хўшлашдилар.

Нортўхта дастакни жойига қўйиб, болаларига Ғайбулла аканинг оламдан ўтганлигини айтди

Ҳаммалари, ҳатто, неваралар ҳам юзларига фотиҳа тортдилар: Худо раҳмат қилсин!..

Кейин, бир-бир таниш-билиш оғайниларга жаноза хабарини етказишни ўйлаб, Нортўхта дастакка қўлини чўзди.

Айни ўша пайтда телефон жиринглади.

Нортўхта дастакни қулоғига тутиб, одатича, ассаломалайкум, деди. Иброҳимнинг алик олгани эшитилди.

... кўнгли сезган-да! – деб ўйлади Нортўхта, Иброҳимга кўнғироқ қилмоққа чоғланганлиги хаёлидан кечиб. – *Иброҳимга ҳам жабр-э!*.. *Худо жонига тўзим берсин.*

Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, Иброҳим, эшитдингизми, деди. Нортўхта эшитганлигини айтди.

Тонготардан анча олдинроқ, йўлакай Тўра акани бошлаб, таъзияхонага бирга боришга келишганларидан сўнг, хайрлашдилар.

2

Ғайбулла ас-Салом – Иброҳим Ҳаққул – Нортўхта Қилич – қайғудош биродарлар.

Ғайбулла аканинг Ҳабибуллоси йўқолган. Дом-дараксиз!.. Ҳабибулло Республика Бош прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича тергов бошқармасининг бошлиғи бўлган. Адлия полковниги!.. Ўша кунларда мамлакатдаги ягона, йирик Самарқанд чой қадоклаш фабрикасининг чойфуришларини тергов қилаётган катта бир гуруҳни ҳам бевосита ўзи бошқараётган экан. Айтишларича, бир қоп пулғаям сотилмаган. Отасининг ўғли-да!.. Кейин, айни тергов авж олаётган кунларнинг бирида, тушлиқдан сўнг, кимдир биров пастдан туриб, телефон орқали чақирган... Ҳаво хийла салқин бўлишига қарамай, тезда қайтиб чиқишига ишониб, кастюмини ҳам киймай, Ҳабибулло шошилинич пастга тушган.

...ўшандан бери еру кўкда йўқ. Қанча бўлаяпти шунга – етти йилми, саккиз йилми, кўпроқми?.. Э, ҳар қандай бошқа дарднинг юз йиллик оғриғи ҳам фарзанд доғининг бир кунлик, бир нафаслик аламичаям бўлолмас-э! – Ўз фикрини ўзи маъқуллаб, аламзадалик билан, Нортўхта аччиқ хўрсинди. – *Яхшиям-ки, ўғлидан бири-биридан азиз, бири-биридан ардоқли зурёдлар қолгани.*

Иброҳимнинг эса Ғафуржони нобуд бўлган. Айни навқирон йигит ёшида!.. Дилором ҳам, ҳатто сўзга хасис Рауф Парфи ҳам, – улар кўшни яшар эдилар, – раҳматли Ғафуржонни жуда хушфёъл, ўта абжир, – каратечи-да! – жуда закий бола эди, деб таърифлаганларини Нортўхта кўп маротаба эшитган. Ўша кунларда Ғафуржон университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига кириш учун имтиҳон топшираётган экан. Ҳамма баҳолари аъло. Яна биттагина имтиҳонда ўтса – студент!.. Лекин, кўринмас бало оёқ остида, деганларидек, биринчи қаватида “Мебель” магазини жойлашган тўққиз қаватли турар-жой биносининг олтинчими, еттинчи қаватидан – охирги имтиҳонидан бир кун олдин – отиб юборишган... Аввал ўлдириб, кейин отворишган, деган тахминлар ҳам бор... Нега, нима учун ахир?!.. Ҳали-ҳануз ўртагувчи ушбу саволга жавоб йўқ.

...Ғафуржон – Иброҳимнинг битмас юрак яраси, – деб, ўйлади Нортўхта, Ғафуржоннинг қазоси кунларида Иброҳимнинг: "Бу дунёсида юраги шилинмаган бирор бир бандаси йўқ экан", деган аламангиз гапини эслаб. – *Ғафуржон – туш; отасининг адоқсиз, аёвсиз туши... Ғафуржон – Иброҳимнинг фожеий эртаги. Ўзи ўқиб, ўзи йиғлайверади... Халқ айтадики, ўглингиз ўлганида бир кун йиғлайсиз,*

Нортўхта ҚИЛИЧ

*кейин, бир умр – то сўнгги нафасингизга довр еру кўкка сизмай чингсийверасиз...
Ғафуржон, илоё, навқирон руҳинг тоабд Худойимнинг Жаннатида бениҳоя яйра-
син.*

Ўша мотам кунларида, ундан кейин ҳам, ўзаро гурунглар асносида, Иброҳим хо-
муш-хаёлчанлик билан, Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Хожа Баҳоуддин Балогардон
буваларимиз ҳаётдан бир-биридан таъсирчан, бир-биридан даҳшатангиз ҳикоялар
сўйлаган. Айниқса, улардан иккитаси Нортўхтанинг хотирасида муҳрланиб қолган.

Эмишки, Хожа Аҳмад Яссавий буванинг биргина ўғиллари бўлган. Тўғон бошида,
сув талашиб, ўғилларини ўлдиришипти. Ана ўшанда ўғилларининг ўлдирилганлиги
ҳақида шум хабар келтирган кишига Яссавий бува: “Ҳай, аттанг! Сапчани бемаҳал
узибсизлар-да”, деб боғлиқдаги оқ отларини инъом қилган эканлар. Ўғилларини
ўлдириб қўйган йигитга эса ёлғизгина қизларини никоҳлаб берган эмишлар... Бун-
дай валломатликнинг маъни-моҳиятида пинҳон асл нимадирини расмона ақл билан
англаб етиш... душвор, кў-ў-ўп душвор. Иккинчи ҳикоя эса янаям даҳшатлироқ,
янаям!.. Ҳазрати Баҳоуддин Балогардон бува ҳажга борганларида, қарасаларки,
биров қўйни, биров бузоқни, бирови туяни Тангри таолога атаб, қурбонликка
бўғизлаётган экан. Баҳоуддин бувада эса ўша тобда қурбонлик қилишга арзирли
ҳеч вақо йўқ. Нима қилиш керак – кўп ўйлаб ўтирмай, қўлларини фотиҳага очиб: “Ё
бор Худоё, ўзинг берган бир ўғлим бор. Ўшал ўғлимни ўзингга атадим. Омин!” деб-
дилар. Ҳамроҳлари ўшал кун, ўшал соатни эслаб қолибдилар. Кейин, муборак ҳаж
сафаридан қайтиб, билсаларки, айни ўшал кун, ўшал соатда ҳазратнинг ўғиллари
оғримай-нетмай, жон таслим қилган экан.

Эҳтимол, шундай ғалоғул ҳикоялару ривоятларнинг теран мулоҳазалари
Иброҳимнинг куйган кўнглига малҳам бўлолгандир. Ахир, фарзанд фироғига, фар-
занд доғига чидаш осонми?!

*...о-о, бой бериб қўйган фарзандингизни кўмсаганингизда, дунёси сариқ чақагаям
арзимасдай туюлиб, еру кўкка сизмай қоласиз!..*

Дилшодининг қазоси ҳозиргидай Нортўхтанинг ёдида. Кўзларидан юм-юм ёш
оқиб, борлигу йўқлик аро маҳв бўлиб ўтирганида, маҳалланинг оқсоқоли Мир-
сайдулла ака дабдурустдан: “Сиз шукр қилинг, иним”, дедилар. Бирдан жиннига
қарагандай, кўзларида аччиқ ёшлар билан, Нортўхта оқсоқолга қаради: “Эси бор-
ми бу чолнинг?! Бу нимаси ахир – ишонган ўғлимдан, суянган боламдан айрилган
бўлсаму, яна шукр қилсам?!”

Ҳамиша Мирсайдулла ака “Астра” чекардилар. Хотиржам сигаретни тутатиб:
“Ҳа-ҳа, сиз шукр қилинг, иним! – дедилар, янаям ўктамроқ оҳангда. – Ўғлингизга
икки газ ер насиб қилаяпти-ку! Ўғлингиздан икки ўғил – икки нишона қоляпти.
Шукр қилинг!..”

Дилшодининг қазосидан бери бир дунё вақт ўтди – агар иккала неваранинг ёши-
ни бири-бирига қўшсангиз, дадасининг ёшидан анча ўзиб кетади. Лекин, ўйлаб
қараса, ўтган бир дунё вақт – бир нафасча, бир киприк қоққанча ҳам эмас. Ҳаммаси
ҳозиргина рўй бергандек!.. Ана, дунёларга бергисиз боласи, жон талоша-талоша,
тонготардан эртароқ омонатини топшириб, энди жонсиз-руҳсиз, сўнгги сафарини –
борса-келмас сафарини кутиб ётгандек. Ҳадемай, лапанлаган тобут ортидан мотам-
дор тумонатни эргаштириб, қабристонга йўл оладилар...

Ана, Ғайбулла аканинг кўзлари очик кетди – ўғлининг... бир кунда, бир на-
фасда дом-дараксиз йитган Ҳабибулласининг ўлик-тириклигини билолмай ўтди.
Ўлди деса, гўри йўқ, тирик деса, ўзи йўқ. Жабр... жабр!.. Ғайбулла акага кўп жабр
бўлди. Ниҳоят, сўнгсиз изтиробларга дош беролмай, аламзада юрак ёрилиб кетди.
Иброҳимга эса чандон жабр: Ғафуржонидан на бир нишона қолди, на бола факр...
бирор бир сулувнинг сочларини тўйиб-тўйиб ҳидлаёлди.

Хомуш-хаёлчанлик билан, таниш-билишларга бир-бир кўнғироқ қилганидан сўнг, Нортўхта телефонни нари суриб, оғир ўрнидан турди.

Неваранинг катгаси – Туроншоҳ столни, кичиги – Шерзод хонтахтани эгаллаб, дарс таёрламоқда эди.

Ҳали эрта. Ухлайдиган вақт эмас. Лекин, барвақт уйғониш керак: тунги учларда!.. Шуни ўйлаб, Нортўхта ётоқхонасига ўтди.

Барибир, энди алламаҳалга довур ухлаёлмаслигини билса-да, тунчиروқни ўчириб, уйкуга чоғланаркан, илк марта Ғайбулла ака билан қачон, қаерда учрашганларини эслашга уринди. Жуда кўп марта Ғайбулла ака билан кўришган, жуда кўп маротаба Ғайбулла аканинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Лекин... биринчи марта қачон, қаерда учрашганларини эслаёлмади.

Ҳамиша, ҳар гал Ғайбулла акани элагани баробарида, беихтиёр кўз ўнггида раҳматли Тилак Жўраси одатича майин кулиб-жилмайиб, бор бўйича намоён бўлади. Биляптики, Ғайбулла акани Тилак Жўрасиз тасаввур қилолмайди.

...водариг, энди уларнинг ҳар иккаловлари ҳам аламли, ҳар иккаловлари ҳам сўнмас ўтмишига айландилар.

Тилак Жўра – курсдоши – жўраси – сирдоши – маслакдоши эди. Унақа жўра камданкам бандасига насиб қилади. Буни энди... энди адоқсиз бир алам билан, қизгин бир ифтихор билан англаяпти. Раҳматли Фармон – синфдоши, у ҳам шунақа – қиёматли жўраси эди.

Бир хуфтон чоғи, – хануз у кунни Нортўхта яхши эслайди: 1981 йилнинг ўнинчи ноябри эди ўшанда – ҳалигина Машраб аканинг “ГУРУНИ”и кўриги-томошасидан қайтиб, “Время”ни томоша қилаётган эди. Нохос, телефон жириглади. Шартта дастакни олиб, кулоғига тутди:

– Ассаломалайкум! – деди.

Дастакдан қиз боланинг йиғиданми, алланечук хирқираганроқ овози эшитилди:

– Амаки, ўзингизми?

...ий-э, Нодирами?.. – Бирдан Нортўхта сергак тортди. – Нодира-ку! Тилакнинг қизи. Тинчликмикан.

– Ўзимман, кизим, ўзим. Тинчликми?

Беихтиёр изиллаб-йиғлаб, Нодира:

– Уйимиз ёниб кетди, амаки! – деди.

Дабдуруст кўнглидан нохуш гумонлар кечиб, Нортўхта:

– Ўзларингиз омонмисизлар ахир?! – деди. – Отанг соғми?

...хайрият. Хайрият-э!

Пиёлада совиб қолган чойни гуппа кўтариб, шартта Нортўхта ўрнидан турди.

Хотини, ўғиллари – ҳаммалари, бетоқат, саволчан назар билан қараб ўтирган эдилар: тезроқ айтсангиз-чи, нима бўпти?

– Тилакнинг уйи куйипти.

– Вуй-ей, айтманг-эй! – деди хотини, паришон ёқасини ушлаб. – Ўзлари соғмикан ишқилиб.

Бари соғ-саломат эканлигини айтиб, Нортўхта дахлизга ўтди. Саросар кийинди. Ё пирай, бирпасда йўлга шай бўлиб, Дилшод:

– Дада, ман ҳам сиз билан бирга бораман, – деди. – Яхшими?.. Яхши, денг.

Дилшод Тилакни яхши кўрарди, айниқса, унинг қўлларини ҳавога тўлғаб-тўлғаб, завқ-шавқ билан шеър ўқишига ишқивоз эди.

Тилакникида узоқ қолиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, Нортўхта:

Нортўхта ҚИЛИЧ

– Йўқ, Дилшоджон, – деди, йўлга шошилиб. – Ҳозир эмас, кейин... кейин!..

Тилак шаҳарнинг у чеккасида – Сағбон маҳалласида яшайди. Йўл олис... Лекин, кечки пайт бўлганлиги учун, қатнов анча камайган эди. Машинани учириб, ҳаялзамон ўтмай, етиб борди.

Дарвоза ёпиқ экан, аста итарган эди, очилди. Қоп-қоронғи бостирмадан ўтиб:

– Тилак! – деди.

Ичкаридан Тилакнинг бир қадар ҳорғин... бир товур мудроқ овози эшитилди:

– Келавер.

Қафасдайгина ҳовлича... Ҳовличанинг тўрт томони баланд деворлару иморатлар билан қуршалган. Булутлар оралаётган синиққина ой нуридан атроф-тварақ кўройдин. Ўртада ихчамгина сўри. Сўрининг устида сандиқ, жомадонлар, идиш-товок, кўрпа-тўшак қалашиб ётибди. Куйган кийиз ҳиди, ачимсиқ пахта-чағит ҳиди димокқа бурқсиб урилади.

– Кел, – деб, Тилак сўрининг бир чеккасида қаддини тиклади. Ҳаво аёз эди. Ечинмай ётган экан, бошида кулоқчини шалпайган телпак. – Ўт ўчирувчилар токни кесиб кетишди.

Нортўхта, қўллашиб кўришаркан:

– Болаларинг қани? – деди.

Эшиги, деразалари ланг очиқ уй томонга ишора қилиб, Тилак:

– Ана, – деди. Уф тортди. – Ётибдилар... Болохона ёниб кетди. Чирокдан эмиш.

Ялт тепага қараб, Нортўхта анграйиб қолди: том кўчирилган, тўсинлар ҳамда эшик-деразанинг кесакилари косовдай қорайиб кўринади.

– Анча китоб, диссертация.... – Бирдан нафаси қайтиб, Тилак оғир ютинди. – Э, қайси бирини айтмай, кўлёмалар ҳам куйиб кетди!

– Бошинг омон бўлсин, Тилак. Куйганга куйма, жўра.

Айтган ушбу гапи Нортўхтанинг ўзига ҳам аллатовур ғалати туюлди. Илк марта бу гапни аллазамонлар – ўспирин чоғлари, “Қобуснома”да ўқиганлигини эслади: куйганга, йитганга, ўлганга – куйма!

...э, айтишига осон. Хоразмлик айтадики, бировники бировга кийиз кесганча бўлмас. Қўлёмалар ҳамма-а!.. – Ўша аснода Асқад Мухтор домланинг таъкидларидан ҳикматангиз бириси тахминан ёдига тушади: “Ўчирган сатрларимдан қайси бирларидир, мангули ҳақиқатга дохиллигини билолмайман”. – *Эсиз... Эсизгина-я!..*

Хийла жимликдан сўнг, паришон оҳангда, Тилак:

– Онаминг оху ноласи урдими, дейман-да! – деди, сигарет тутатиб. – Эндиям қайтмасам бўлмас.

– Эсинг жойидами, Тилак?!

– Онарни биласан-ку!..

Тилакнинг онаси – бўйи бастлари салкам икки газ келадиган, тўла-тўқ, буғдойранг, ёшлари тўқсонларидан ўтган, ўта мўмина, жудаям содда, ажойиб бир онахон.

Бир гал, Тилак ёзги таътилга борганида онаси мавридини келиштириб:

– Тилакжон, бачам, бир йиллик пенсиямни йиғиб қўйибман, – дебдилар. – Ўшани дириктирингга этиб бер-да, диплўмингни олиб, Қоракўла қайт энди, бачам. Ман чарчадим.

Тилак Жўра яйраб қикирлаб кулиб, аллақачон университетни битиргани-ю ҳадемай олим бўлажagini айтгач:

– Кўп йиллардан бери студентларга дарс бериб юрибман, она! – дебди. – Ҳали билмайсизми, домламан-ку!

– Ман не билай, бачам, – дебдилар онаси, кўзларини артиб. – Отангнинг жияни Қиличбойнинг ўгли сандан анча кейин ўқишга кириб, ўтган йили битириб келувди. Шу кунларда каттакон бир идорада бинойидай хўжайин. “Вўлга”да юради. Маниям баламнинг отаси ҳаёт бўлганида, аллақачон диплўмини олиб берармиди, деб ўйлайман-да! Тўксон – йўксан, деб қўйбдилар. Етар энди, кўзим очиклигида бағрима қайт-да, Тилакжон?! Муаллимлик қилмоқчи бўлсанг, ана, ўзинг ўқиган мактаб!..

Нортўхта, дабдурустдан нима деярини билолмай, айтар гапига у қадар ўзи ҳам ишонолмай:

– Дурустроқ ҳовли ё квартира насиб қилса, онангни кўчириб келарсан-да, Тилак! – деди.

Ажаб, чиндан ҳам орадан бирор икки йил ўтиб-ўтмай, Тилак Жўрага беш хонали, катта, ёруғ уй насиб этади. Бирок, онасини кўчириб келолмайди.

Онаси бир юзу бир ёшга кирганларида, Тилак доврўғи дoston бўлғили ёш тўйи қилиб беради.

Аммо, ҳали у кунларга довр олдинда кўп машаққатли, бири-биридан кўп баракали ва самарали йиллар бор эди.

Айни тобда эса ачимсиқ куйинди ҳиди бурқсиётган ҳовличасида, борлиғи йўқлик аро, ғамгин ҳасратлашаркан, Тилак:

– Йў-ў-ўқ, йўк! – деди, хаёлчан бош чайқаб, – Ўзим боришим керак, ўзим.

– Ҳаммамиз ҳам эрта бир кун ота-юртга борамиз-да! Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирмайдилар-ку!

Тилак икки ўт орасида эди, индамади.

Яна хийла фурсат узук-юлуқ гурунглашиб ўтирганларидан сўнг, Нортўхта сўридан тушаётиб, кўрпачанинг тагига озрок пул қўйди.

Шартга кўрпача остига қўлини суқиб, Тилак:

– Эй, манга қара! – деди. – Нима қилганинг бу?!

– Тилак, жўра! – деди Нортўхта, шарт бурилаётиб. – Эрталаб кўришамиз. Эртагача!..

Ҳамма-ҳаммаси ҳозиргидай ёдида: ўшанда, тун алламаҳалда уйига қайтиб, Машраб акага қўнғироқ қилган эди. Қўнғили сезганидек, дўстларга “солиқ” солаверишни Машраб ака маъқулладилар: “Жуда яхши ўйлабсиз”, дедилар. Қанчага қурби етганлиги билан қизикдилар. Озрок беролганлигини Нортўхта қийналиброқ айтди. “Яхши, – дедилар Машраб ака. Ва, ўзларига ҳам рўйхатда ўшанча ёзиб қўйишни сўрадилар. – Нажмиддин акага, – акахони, ҳамкасабаси, кўшниси, – юз сўм, Ғайбулла акага, – устози, – юз сўм, – ўша кунларнинг юз сўми шу кунларнинг беш юз... йўқ, қарийб минг дўлларларидан кадрлироқ эди, – ёзаверинг. Эрталаб ишга ўтаётганингизда, атаганимни мендан ола кетасиз”, дедилар. Сўнг, асло бу ишни пайсалга солмасликни тайинладилар.

Ана кейин, ухламай, ўйлай-ўйлай, кўнгилга яқин ошналарни Нортўхта бир-бир рўйхатга ёзган эди.

Орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, ўшанда ишончи андишасизларча поймол бўлганлиги ҳамон Нортўхтага алам қилади.

...э, аламки, таърифига тараф йўқ!.. Эсиз... эсиз... эсизгина умидлар-а!.. Ўзи, кўкрагига муштлаган қаламкашига ишоиниш – қизил қор ёғишини қутушидай бир ҳавойи амал экан.

Мана, шу тобда ҳам аниқ эслапти, рўйхатга киритилган ёзувчи-ю шоирларнинг деяри кўпчилиги парвоям қилмаган. Қайта эслатишга эса Нортўхтанинг елкаси ёр бермаган... Лекин, Ғайбулла ака... Ғайбулла ака бошқача одам эди-е! Ўз чекларига

Нортўхта ҚИЛИЧ

тушганини ўша заҳоти кўш-қўллаб топширганларидан ташқари, тагин ҳовличани таъмирлашга ҳам анчагина кўмак берибдилар. Сал кейинроқ эса, беш-олти ойлик егуликни етказиб: “Кандидатлик дипломи сенга керак бўлмаса, менга керак, – дебдилар. – Билмасанг, билиб қўй, бала: Ғайбулла Саломнинг фалон шогирди кандидатликни ҳимоя қилолмай қочворди, деган иснодни мен кўтаролмайман. Етар!.. Кўча-қўйларда санғиб, шеърхонлик қилиб юрганингни кўрсам ёки эшитсам, хафаллашиб қоламиз. Тушундинг-а?.. Сенга олти ой муҳлат. Олти ой!.. Ана ундан кейин, кишлогинга кетасанми, шаҳарда қоласанми – ихтиёринг!..”

Ҳимоя куни эса, тонг саҳарлаб, Ғайбулла ака бир бўҳча кўтариб, Тилакниқига борибдилар: “Ҳаяжонланма, балам! – дебдилар. – Сендан ҳам кўра, бугун мен учун катта синов. Манави янги костюм-шимни кийиб, ҳимояга тўйболадай ясаниб бор. Кўзингга қара, мени уялтириб қўйма лекин!..”

Ўшангача жуда кўп ҳимоя йиғинларида Нортўхта ҳам қатнашган, лекин бунақасини ҳеч кўрмаган эди. Ҳатто, ундан кейин ҳам кўрмади.

Ана, Тилакнинг онаси – ёшлари тўксонларидан ўтган забардаст онахон – шодумон неваралару талай қариндошлар, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, талабалар, шогирдлар даврасида; ёлғизгиналари – дунёсига берган зурёдлари – машҳур шоир Тилак Жўранинг онаси эканликларидан фахрланиб ўтирибдилар: қандай яхши, қандай соз, арзанда ўғил бугун олимлик диссертациясини ёқлайди.

Ҳайъатда казо-казо олимлар. Ҳамма ҳаяжонда. Айниқса, Ғайбулла ака!..

Биринчи бўлиб Бойбўта ака, – Тилакнинг ҳамкасабаси, акахони, – шоир Тилак Жўра яратган илмий тадқиқотнинг ўзбек таржимашунослиги фанида тутажак ўрни ҳамда назарий қиммати ҳақида гапирган эди, шекилли. Кейин... Нажмиддин ака. Нажмиддин Комил, – Ғайбулла аканинг тўнғич шогирди, – олиммисан - олимда!.. Боқлади: ҳаммага манзур бўлган пухта, теран таҳлилдан сўнг, шоир Тилак Жўрадай олимни вояга етказган онасига, шоирнинг олимлик қирраларини кашф қилолган устозига раҳматлар айтди.

Бирдан ўшанда кенг-мўл хонани тутиб кетган шодон қарсақлар жаранги, мана, шу тобда ҳам Нортўхтанинг кулоқлари остида аксу садо бериб янграётгандек!..

...ўшандай қувончбахш, ўшандай сурурбахш дамлари борлиги учун ҳам, дунёси гўзал, ҳаёт бетакрор. Одамнинг интилиб-интиқиб яшагиси келаверади. Яшасин, ҳаёт!..

Тагин икки-уч олимнинг таъриф-тавсифидан сўнг, Тилак, хаёлчан қулимсираб, секин минбар томонга ўтди. Эгнида янги, ярашиқли костюм, оппоқ қўйлак, бўйнида, – раҳматли ҳеч қачон галстук тақмас эди, – кимдир биров чиройли тўғалаб берган галстук. Қўлида думалоқлаб ўралган уч-тўрт варақ қоғоз. Бир муддат сукутдан сўнг, мухтарам илмий кенгаш раисига, кенгашнинг аъзоларига, шахсан устози Ғайбулла Саломга, хуллас – илмий ишига юксак баҳо берган олиму тадқиқотчиларнинг бари-бариларига бир-бир миннатдорлик изҳор этгач: “Мен учун энг катта ютуқ, энг катта мукофот – ёзган ишимнинг аввало устозим Ғайбулла акадай олимга маъқул бўлганлиги, – деди. – Диссертацияни ёзиш жараёнида XX асрнинг буюқ жафокаш шоири Нозим Ҳикматнинг тутқунликда кечган, соғинч тўла дарбадарликда ўтган чигал қисматини, асарларининг ўзбек тилига таржимаси тарихи-ю таржималарнинг бадииятини, шунингдек, қардош туркий тилларга қилинган қатор таржималарини тадқиқ этаётиб, адолатнинг оташин куйчиси Нозим Ҳикмат ҳақида гўзал бир дoston ёзганлигини айтди. – Мен – шоирман, – деди. – Ҳурматли оппонентлардан кейин, назарий тезислару илмий ибораларга тўлиб-тошган иши ҳақида яна батафсил маълумотлар билан азиз биродарларини толиқтирганидан кўра, дostonдан боблар ўқимокни афзал билаётганлигини айтиб, ҳайъат томонга майин қулимсираб қаради: – Майлими?”

Тилакнинг ажабтовур таклифидан ҳамма ҳайратга тушиб, бир зум жим қотди. Ғайбула ака эса, Тилак Жўрадан асло бунақасини кутмаганмилар, кўзлари кат-тайиб, анг-танг бўлиб қолдилар.

Раис эса, – қойил! – хушҳол жилмайиб:

– Яшанг-э, шоир, бор экансиз-ку! – деди. – Достондан ўқинг-да, достондан!

Бир лаҳза, бир зум гавжум хонага теран жимлик чўқди.

Худди ушбу лаҳзаларни умр бўйи кутиб яшагандек, Тилак Жўра қоғоз тутган кўлини беихтиёр ҳавога тўлғай-тўлғай, шаррос ўқий бошлади.

...ҳар бир шеър ўзича шоир кўнглининг бир парчаси. Шоирлик – фидойилик. Агар вазиятга, шароитга мослашса, шоирнинг шоирлиги бир пул. Шароитга мослашган шоир – мутедир, муттаҳамдир. Шундай.

Ўшанда ҳаммадан кўра, ҳатто, Тилакнинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ Ғайбулла ака суюнган эдилар. Тилак Жўранинг номзодлик иши юз фоиз овоз билан тасдиқланганлиги эълон қилинганида, Ғайбулла ака, – ўнга яқин фан доктори, ўттиздан ортиқ фан номзодига устозлик қилган оқсоқол олим, – боладай кўзлари жикқа ёшларга тўлиб, Тилакни маҳкам бағрларига босган эдилар.

Дод аламки, дунёси – бебақо, умр – бевафо экан. Дилшоддан бир йил кейин... Йўқ, аниқроғи, ўн бир ойдан кейин, – Дилшоднинг йил оши маърақаси арафасида, – Тилак касалхонада даволанаётиб, бирдан узилган эди. Ўшанда тутдай тўкилган Ғайбулла ака, мана, энди қиёмат сафарига шай бўлиб, уйда оёғини узатиб ётибди. Ҳозир, шу тобда беқўним... беқарор ғусса шарпадай кезаётган Ғайбулла аканинг олмазор, хур-мозор, кадрдон хонадони сўнгсиз мотамга тўла.

Эртага, тонгда жаноза ўқилади.

...қизик, нега... нима учун пешинда эмасу, тонгда?.. Шундай одамни-я!.. Шундай беназр олимни-я!.. Зўрники тегирмон юргизар, деганлари шу-да!.. – деб ўйлади Нортўхта, аччиқ хўрсиниб. – Ҳақ гап экан: арслоннинг ўлигиям арслон.

4

Траввай йўлидан ўтиб, Бодомзор маҳалласига кирганларидан сўнг, йўлнинг ҳар иккала чеккасида қатор тизилган ҳукумат машиналарини ҳамда алламбало хусусий уловларни кўриб, Нортўхта машинасини қўйгани қулайроқ жой кўзлай бошлади. Нишабликдан эниб, Ғайбулла аканинг кўчасига яқинлашганлари сари, тобора қантариғлиқ машиналар кўпаймоқда эди. Икки-уч кўча берида, йўл чеккасида Нортўхта машинасини тўхтатди.

Учовлон эдилар – Тўра ака, Иброҳим, ўзи.

Тўра акага эргашиб, Ғайбулла аканинг кўчаси томонга йўл тортдилар.

Ҳамма жим.

Ҳали тонг отмоғига хийла вақт бор. Салқин. Хур-хур шабада эсмоқда.

Ғайбулла аканинг ҳовлиси кўчанинг ичкарироғида, катта йўлан бирор икки юз кадамларча юрилади.

Кўча бошиданоқ ҳар иккала томонда саф тортган мотамдорлар тун ғираширасида соядай кўрина бошладилар.

Узоқдан – Ғайбулла аканинг дарвозаси тарафдан, ишқом ёнидаги симёғочдан таралаётган катта симчироқнинг нури атрофни хира ёритяпти.

Тўра ака икки-уч кадам олдинда. У кишининг ёшлари улуғ... Мартабалари улуғ... Ҳамма учун бирдай куйди-пишди, кайвонифеъл оқсоқол. Эҳтимол, Ғайбулла ака билан тенгдошдирлар.

Нортўхта ҚИЛИЧ

...йўқ, сал ёшироқ бўлсалар керак.

Ғайбулла аканинг дарвозалари томонга яқинлашганлари сари мотамдорлар сафида танишлар кўпаявердилар: университетнинг, институтларнинг домлалари, газеталарнинг, журналларнинг мухбирлари, нашриётларнинг ноширлари, таржимонлар, шоирлар, ёзувчилар...

Аслида, аллақачон сафга қўшилиб, бир чеккада қўл қовуштириб тураверсалар ҳам бўлаверарди. Лекин, таомилга кўра, ўзини яқин билганлар мархумнинг биродарларига бирров кўриниб, ҳамдардлик билдирадилар. Бундай пайтда бир-бир таъзиядорларнинг елкасига қоқиб, биров: бандалик, дейди, бирови: бандачилик... Бунинг қай бири тўғрироқлиги Яратганнинг ўзига аён.

Маъракабоши Наримон ака, – Ғайбулла аканинг сингилларининг эри, мамлакатнинг энг катта, энг бадавлат нашриётларидан бирининг директори. Наримон аканинг атрофида ҳукуматнинг юксак мартабали вакиллари... ёғолмаган булутдай бўлиб, оҳанжама курсиларда ўтирибдилар. Ҳамидулла эса, дарвоза олдидаги баланд ишқомдан берирокда бармоғини бигиз қилган кўйи, бировга нимадир буюрапти.

Наримон акадан сал нарироқда Саъдулла кўринди: бошида дўппи; қўлларини қовуштирган; хомуш.

...жуда!..

Дўппи кийиш хаёлига келмаганлигидан афсусланиб, Нортўхта аста Иброҳимнинг биллагига туртди: Саъдулла томонга бошлади.

...катталар билан кўришмоқ Тўра акага ярашади. Тўра Мирзаевич – арбоб одам, энг асосийси – кайвонифеъл азизимиз.

Саъдулланинг келганига анча бўлган экан.

...ухламай ...ухлаёлмай, тун яримдаёқ пойу ниёда йўртаверган, шекилли.

Бомдод намозидан сал олдинроқ тобут кўтарилади. Ана, Бодомзор мачити яқин. Жаноза мачитда ўқилади. Эмишки, мачит – Аллоҳнинг назаргоҳи.

Бир маҳал, Иброҳим билан Саъдулла хиёл босиқ, лекин, аллатовур чарсрок оҳангда ғижиллаша бошлади.

Саъдулланинг даъвосича, навоийшунослик ҳақир аҳволга тушиб қолаётган эмиш.

...ола-а, топган жойларини қаранг!

Уларнинг баҳсига Нортўхтанинг парво қилгиси келмади. Биладика, Навоийни билиш учун яна минг йиллар ўрганмоқ керак: юзингда терни кўриб ўлсам – биргина мана шу сирли... мана шу тилсимли ҳолатни Навоийдай тушунмоқ учун, у н д а н Навоийдай лаззатланмоқ учун... О-о, осон эрмас бу майдон ичра турмоқ!..

Кейин, хаёли чалғиб, бир гал Ғайбулла ака билан нашриётда учрашганларини эслади. Ўша куни Дилшодини бири-бирдан зўрроқ, бири-бирдан машхурроқ дўхтирларга кўрсатиб, лоақал бирортасидан ҳам тайинли маслаҳат ололмай, туш пайтига яқин ишхонасига қайтган; хонада бир ўзи; хомуш-хаёлчанлик билан, аччиқ-аччиқ сигарет тутатаётган эди. Ногоҳ, эшик очилиб, остонада Ғайбулла ака кўриндилар: бир қўлларида ҳасса, иккинчисида чарм папка... Қўша қулфли, чарм папка Ғайбулла акага эскитдан кадрдон. Бир замонлар ТошДУнинг журналистика факультети қошида таржимашунослик назарияси – ўтган асрнинг етмишинчи йилларида! СССРда биринчи! – кафедрасини очишга рухсат олиш учун, Масков кўчаларида идорама-идора, сарсон-саргардон изғиганларида, ичи турли ёзишмалару хужжатларга тўла кўнғирранг, чарм папкани Тилак, – қаҳратон совуқларда, эзгин ёмғирларда, – қўлтиклаб юрган!..

Нортўхта, хафалигини сездириб қўймасликни ўйлаб, чаққон ўрнидан турди. Қўллашиб кўришдилар.

Ғайбулла ака Еје Лецнинг “Қайсар сатрлар”ини таржима қилган эдилар. Папкадан карректурани чиқараётиб, сезгир эмасмилар, нега бунча хафа кўринаяпсиз, Нортўхтажон, дедилар.

Ўғлининг билгисиз бир дардга чалинганлигини айтиб, Нортўхта тагин сигарет тутатди.

– Эҳ-ҳа, шунгами?! – дедилар Ғайбулла ака, куйинчак бир ғамкашлик билан. – Бунинг чораси осон. Осон!.. Наманганлик Муҳиддин табиб... Муҳиддин Умаровни эшитгансиз-а?.. Кўрган эдингиз-ку, юролмайдиган бўлиб ётиб қолганимда, мани ўша табиб даволаган-да!..

Ҳабибуллогиналари дом-дараксиз йўқолганидан кейин, кўп ўтмай, оғир бир дардга чалиниб, Ғайбулла аканинг тўшакбанд бўлиб қолганлари ҳозиргидай ёди-да: Тилак иккалови кўргани кираётганларида, янга кўп гапирмасликни ҳамда Ҳабибуллони асло эслатмасликни тайинлаган эдилар. Саратон ойлари эди, шекилли. Нимёруғ, салқин хонада, баланд каравотда Ғайбулла ака юзлари заҳил тобланиб ётган эканлар. Ўшанда Тилак отасидан-да азизроқ устозига милт-милт термилиб, кўзёшларини тиёлмаган; Ғайбулла ака эса юм-юм йиғлаган эдилар.

5

Бирдан юракларни зирқиратиб, аёлларнинг доду фарёди ҳовлидан кўк тоқига ўрлади: отажо-о-он!.

Зум ўтмай, ланг очик дарвозада, тобуткаш биродарларнинг кифтларида тобут кўринди.

Кўча тўла тумонат эди. Ҳамма барабар тобутга талпинди. Ҳамма ўзича билган, ўзича суйган улуг бир замондошининг сўнгги сафари олдидан тобутига елка тутмоқчи. Тонгсахардан елиб-етиб келганларининг асл сабабиям шу.

...ҳа-да, Ғайбулла ака ёшу қарига бирдай азиз, бирдай қадрдон эдилар.

Мачит яқин эмасми, ҳаял ўтмай, трамвай йўлини кесиб ўтиб, етиб бордилар.

Мачитнинг рўпарасида, катта йўл бўйида бири-бирдан янги “Мерс” автобуслар қатор тизилиб турибди.

...демак, жанозадан сўнг, тобутни машинага юкламоқчилар, – деб ўйлади Нортўхта, ўзича алланималаргадир ҳам қойил қолиб, ҳам танг қотиб. – Ана, Минор яқин-ку! Ахир, яёв кўтариб борилгани яхши эмасмиди?.. Бир-бир ҳамманинг кифти тобутга тегарди. Ё тавба, бунча?!.

Мачитнинг ҳайҳотдай ҳовлиси одамга тўлиб кетди.

Ҳамма сукутда. Ҳамма мотамда.

Қонгалаш тонг бўзариб отмоқда.

Бир чеккада давра қуриб, намозхон чолларнинг чиқишини кута бошладилар.

Вақтдан фойдалангиси келибми, таъзихонада чала қолган баҳсга, нукта ўрнида, Саъдулла гулмих урмоқчи бўлди: яқин бировига кўрсатишга ярамайдиган қораламаларини олимларингиз уялмай-нетмай, китоб қилиб чиқараяптилар, деди.

...о-о, тўғри гап – тарсаки – туққанингизга ям ёқмайди.

Лекин, индамаслик – ҳар қандай жавобдан авлороқлигини билса-да, бинойидай навойишунослигиям, яссавийшунослигиям Иброҳимга иш бермади: бирдан тутаклиб кетди.

Шартта Тўра ака ҳай-ҳайлаб, орага тушдилар.

Ўша аснода, намоз тугаб, чоллар ҳовлига чиқа бошладилар.

Имом, – оппоқ соқоли калта кузалган, забардаст отахон, – баланд овозда барчани саф-саф бўлиб тизилишга чорлагач:

Нортўхта ҚИЛИЧ

– Салоти жаноза! – деди.

Дарров орқарокдаги сафларнинг биридан сиқилишиб жой олдилар. Таомили шуки, жаноза ўқилаётган пайтда, орага шайтон ораламаслиги учун, кифтлар бири-бирига тегиб туриши керак.

Саъдулла билан Иброҳимнинг ўртасида туриб, Нортўхта қўлларини қовуштирди.

– Азиз биродарлар! – деб, бир нафас Имом оғир сукутга толди. – Бугун биз мархум биродаримиз Ғайбулла ака Саломовнинг жанозасига йиғилдик. Ғайбулла акахонимизнинг васиятларига биноан, ўғиллари Ҳабибуллонинг ҳам жанозасини кўшиб ўқиймиз.

...ё Худо! – Бирдан Нортўхта қотди-қолди. – Ё Художон?! Олтмиш ёшида ўғли йитган бўлса... Ўшанда Ҳабибуллоси ўттиз саккиз ёшида бўлган. Саккиз йил йўл қараб, кутиб яшади... Саккиз йил-а!.. Бугун 2000-йилнинг 31-январидан... Бир кун эмас бир кун ўғлининг топилишидан, соғ-саломат кириб келишидан умид қилган – то куни кеча минбарда маърузага чоғланаётиб, бирдан юраги ёрилиб кетгунигача қадар!.. Айролиқ азоби... Муттасил кутиш азоби... Бот-бот қўмсов дардлари... Бунчалар қийноқларга қандай чидай олган экан-а, жимитдайгина жон?!

Узоқ кутишнинг сўнгсиз изтироблари-ю жудолик азобини, жудолик аламини бир нафас, бир зум жисму жонида ҳис этаркан, беихтиёр Нортўхтанинг юрак-бағри куйишиб, қайноқ, аччиқ кўзёшлари селдай куйилди. Ўзини тутолмади.

Ўлимнинг ҳақлиги, ёшу қарининг ажал олдида баробарлиги ҳақида Имомнинг жаноза аввалидан айтаётган ваъзи эса осмону фалаклардан таралаётган аксу садодай Нортўхтанинг кулоқлари остида шафқатсиз бир ҳукм янглиг жарангламоқда эди.

...лекин, не учун Ер юзида Ўзига халифа қилиб яратган азиз бандасининг бу қадар қийноқларга, бу қадар азобу уқубатларга маҳкумлиги ҳақида Имоми тугул, Авлиёсиям миқ этолмайди. Эмишки, ушундай сиру синоатнинг бари Худога аён. – Яна ва яна ихтиёрсиз равишда Нортўхтанинг кўксидан аламангиз ингрок аралаш оташин бир хўрсиниқ тошиб чиқаверди. – Ё Художон?! Ё?!.

Ахийри, бетоқат шивирлаб, Иброҳим:

– Нортўхта-а?! – деди.

– Кўйинг, индаманг? – дедилар Тўра ака, аста.

Раҳматли Фармон жувонмарг бўлган куни, – во ажаб, ҳаммаси куни кечагина рўй бергандай-а! – Тўра аканинг шамдай куйганлари ҳам Нортўхтанинг ёдига тушди. – Энг суюкли шогирд эди ахир!.. Ўзбек бежиз айтмаган-ку: устоз – отангдан улугу отангдай меҳрибон, деб. Бечора Ғайбулла ака эса икки қарра куйди: ёлғизгина ўғли дувалангда учган оппоқ варақдай йитганидан кейин, ўғлидай азиз шогирди Тилакнинг қазосида яна бир куйди. Ёмон куйди. Жуда!.. Ғайбулла ака!.. Ғайбулла акажон!.. Ёлгончи дунёсида чеккан адоқсиз азобларингизнинг ажри мукофоти илоё чин дунёсида сизга насиб этсин: азиз руҳингизга ўлгингизнинг навқирон руҳи поки билан дийдорлашмоқ насиб қилсин. Ахир, жон – руҳ бор-ку!.. Бордан йўқ бўлмас, йўқдан бор бўлмас. – Ниҳоят, кўнглидан кечган ушбу ҳақиқатга астойдил ишонгиси келиб, Нортўхта сал юпангандай бўлди. – Инша Аллоҳ!..

“Юрагимга она арслон қўйган ин...”



Салима УМАРОВА

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева
“Сайланма”сини ўқиб

Шоирнинг бахти – қаламининг қудратида. Ҳеч ким ҳеч қачон эплай олмаган баралла, жарангдор овозда куйлай, сўйлай билишида.

Шоирнинг қудрати – унинг халқчиллигида, кўпнинг, элнинг бўғзидан чиққан дардни топиб айта билишида.

Шоирнинг ютуғи ҳар қандай вазият, лаҳзалардаям эътиқоди собит, иймони бутун қолишида.

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева “Сайланма”сини такрор-такрор ўқирканман, худди шу халқчиллик, шу иймон, шу улуғликни бот-бот туяман...

Ҳар бир мисраси, ҳар бир шеъри инсонни фақат маънавий юксакликка етакловчи, Ватан, Она, Муҳаббат, Юрт, Иймон, Инсонийлик каби боқий ва муқаддас тушунчаларни бор бўлагигича ифода этиб, Кўнгил рангларини ўзида шоёну намоён қилгувчи бу китоб бежизга чин шеърхонлар учун шу қадар суюқ ва қадрли эмас.

Шоиранинг инсоний изтиробларга жондош ва жонбахш ушбу мисраларига эътибор қилинг:

*Йироқдаги оппоқ соч онам,
келмоқдадир кипригида нам...
...Қамчин уриб келмоқда отам,
Отин суриб келмоқда отам...*

Бу сатрларни ўқийверасизу, Юрак қалқий бошлайди. Рух Соғинчдан улғаяверади. Соғинадиган дунёимиз – ана шу дунё! Сиғинадиган дунёимиз ҳам ана шу дунёга монанд!

Салима УМАРОВА – “Шухрат” медали, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. “Инсон ҳақида кўшиқ”, “Қалб дафтари”, “Юракнинг ранглари”, “Райҳон ҳиди”, “Дил тилаклари”, “Саодат йўли” номли тўпламлари чоп этилган.

Қани у кўкларнинг мунис лаҳзалари? Нега бу сатрларни ўқигач, оёқлар шунчаки юрмайди, югурмайди, балки қанот чиқарган каби уча бошлайсиз ўша лаҳзалар томон?

Кўнгили оёқнинг қанотига айланади бу пайт. Масофаларни чекинтиради бу кўнгили. Дийдорга рўбарў келган бағр эса осмон қадар кенгайиб очилади. Унга Болангни босасан, Соғинчини босасан. Онангга, Отангга интилиб... Қайбир лаҳзада эса Армонни...

Ва сесканиб кетасан. Кўнгили энди бундай нолавор сўйлаётганига дуч бўласан:

*...Аммо бир кун она қишлоққа қайтиб,
Отанинг қабрини устидан чиқдим...*

Ёки:

*Бир лаҳза “чоп-чоп” у “қув-қув”дан бўшаб,
Эрк берайлик беҳол шавқ-оҳимизга.
Бир лаҳза яшайлик фарзандга ўхшаб,
Онамизни олиб паноҳимизга.*

Ниҳоят... Кўнгили яна ўзининг мурғак, мунис Соғинчи бағрига қайтади. Уни қароғлари билан суйиб, қалби тубидаги энг ноёб, энг порлоқ тилақларини айтади. Яхлиту ёруғ кўнгилланинг ифодачисига айланади.

*Жоним болам, қанотсизга сен қанот бўл,
Ўзга ўз бўл, эгилмагин, ётга ёт бўл,
Ерга қара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,
Йўлингдаги хотирани ўчирмагин.*

Ва кўнгили яна мисрадан мисрага, шеърдан шеърга улғая бораркан, яппа-яхлит эл дардига кўшилиб оқади, миллат дардига туташиб кетади.

*Ў, дунё-я, ўзбекнинг не сор боласи,
Кўкрагида ёнар ўти бор боласи.
Шу ўт сабаб аввал-охир хор боласи,
Магаданинг тупрогида ухлаб ётар...*

*Куймайманми, ўнглаганинг кўриб ўлсам,
Бир-бирингни бир-бирингдан кўриб ўлсам.
Ўтарканман бу дунёдан, бир армоним –
Бир-бирингни ўнглаганинг кўриб ўлсам.*

Лекин бу Кўнгили уйғок, бу Кўнгили исёнкор, бу Кўнгили жасоратбахш. Ва ҳаёт билан ҳамоҳанг. Эл кўнглига туташ. Юрт юкига елкадош. Ватанга қадрдон, унга муҳаббатли, тақдири билан қисматдош. Шу боис ҳам муборак Истиқлол баробарида излаганини топади, истаганига етади ва ўз муҳаббатига садоқат билан мисралар битади:

"Юрагимга она арслон қўйган ин..."

*Бири Машираб, Балхда қолди дорда осилиб,
Бирин Сибирь, қайинзорда бағрин тешиди тиз.
Бу изларки, азал-абад кетмас босилиб,
Бугун шодмиз, кўтарилди паймол ётган туг.
Туг остида тирик-ўлик қурбон кўраман,
Ҳар бирининг кўксида бир Қуръон кўраман...*

Шоиранинг юракдаги оғриққа ҳамоҳанг мисраларини ўқиркансиз, кўнгили пўртанадай тоша – оқа бошлайди. Соғинчли, озорли, ўлмаслик либосини кийган азалий туйғулар... нигоҳлар, кўзёшсиз йиғлаётган қароғлар қаърига кўмилган икrorликка айланади. Ҳеч нарсани илғамаслик – лаҳзалар қисмати бўлади бу пайт:

*Тенгсизга чопарлар, тенглига бормас,
Минг қўйлига борар, мунглига бормас.
Тўйига, уйига борар во дариг,
Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.*

Забон-чи, у ҳам лол бу сукунатли уммонда. Сўзласа, унинг измида, сизласа яна, изласа яна унинг измида... Шу кўйи, бўзланади, сўзланади, сўз айтиб айланаверади.

*Ёшланмаган бирор кўз учратмадим,
Бемор қалбга малҳам сўз учратмадим.
Ўзимнинг бўл, дедим ҳар ўзгага лек,
Ўзга ўзга бўлди, ўз учратмадим.*

* * *

*Қай ҳофизга Худо – сийму зар,
Қай шоири худобехабар.
Қай отинининг ботини зар,
Бундай элни ким уйғотадир?!*

Бу каби ҳақовоз, силсиладор мисралар, улар қаватидаги дарду оғриқ тўлғоқдай замзама касб этавергани сайин туйғулар зарбларидан энди Кўнгили ўртанаверади... Шу аснода мавж уриб, кенгаяверади. Ва охир-оқибатда... тонг нурафшонлиги эна бошлайди, унинг қату қаватларига. Кўнгили тилига айланган забон бу дам ушбудаийн мисраларни пичирлай бошлайди, сўнг... баралла сўйлайверади:

*Мен бир ҳақиқатга бергандирман тан,
Бу ҳақдаги шубҳа менга ботмайди.
Тупроқ устидаги дўстни билмайман,
Тупроқ остидаги дўстим сотмайди...*

* * *

*Ҳар кимки тиз букиб ошга етади,
Тил бошқа, нияти бошқа етади.
Ҳазир бўл пойингда ётган итлардан,
Оёқ ялаган ит бошга етади.*

* * *

*Дунё қиё боқмас, солланиб ўтсанг,
Унга фарқсиз, ким сен: арслонми, итсан?
“Арслоним эди”, деб йиғлар гар дунё,
Эртага саҳрода бенишон йитсанг.*

Ниҳоят, Кўнгил кенгликларида камалакранг бир тўлкин пайдо бўлади, жунбуш уради, минг бир юракка шуъла бериб, жилоланаверади. Юраклар, беихтиёр, уйғона бошлайди, уйғонаверади.

*Оллоҳ, мен ҳеч ким, бир саргардон қулман,
Узмагин, титраниб турган бир қилман.
Бобуришоҳ топмаган ғамғусорларни,
Йиғлаб излаган у битта гофилман.*

* * *

*Бир соридан ғам, чоҳ келади,
Бир соридан дард, оҳ келади.
Қул бўлмай, тур, бошқа соридан,
Сени суйиб Оллоҳ келади.*

* * *

*Тирик жонлар бир-бирига қув бўлди,
Ким ўзарга чопачопа сув бўлди.
“Биз ҳам чопиб келдик, Сиз ҳам келурсиз”,
Қабристондан келган садо шу шул бўлди.*

Шоиранинг дунёда энг шаффоф, бокира, бокий туйғуни ташиётган мазкур жонбахш мисраларини мутолаа этаркансиз, бу азалий-илоҳий туйғудан дардман бўлмаган Кўнгил топилмаслиги, юрак борки, қачондир, қачон бўлмасин, у деб нола чекмиши, Ҳаёт эса гоҳ яшил рангдан яшнаб, гоҳ зардобий рангдан қовжираб, бу нолалар ичида тозаравермишини туясиз. Ана шу боис ҳам мисралар руҳимизга сингиб, жонимизга тутшиб кетгудай. Ана шу боис ҳам Дунё “омон-омон” қўшиқларини айни шу кўнгил кўчасида туриб қуйлаётганига шубҳа йўқ.

*Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,
Бегим, иккиланмасдан Ер юзин ташланг миҳлаб,
Миҳнинг, тигнинг захрини сезмай ёниб бораман.
Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,
Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман.*

Бирок бу туйғу ҳамиша ҳам ардоқли эмас, азиз қилингани, илоҳий неъмат сифатида ардоқлангани йўқ. Баъзан у шайтоний оламнинг эрмаги, жаҳолат дунёсининг эртаги бўлиб, Хатолар туғади. Хиёнатлар туғилар унинг оёқлари остида.

"Юрагимга она арслон қўйган ин..."

*Билмайман ким бундан ўтар солиб дод,
Кимдан оз ё кимдан кўпроқ айб ўтди.
Билганим, кўрнамак нопок икки зот,
Бир тоза мевани паймоллаб кетди.*

*Бировлар қарғайди куйиниб, бўзлаб,
Биров кўзёшини артар панада.
Ҳар кўкракдан она исини излаб,
Чақалоқ чинқирар касалхонада.*

Яхшиям бу кўнгил мулки боқийлигидан бошқа нишонлар мавжуд. Меҳрининг туби – Муҳаббат мавжуд. Уни Кўнгилгина кўради, угина изҳори дил мисраларини битади.

*Майли, ишқ ҳақида чекмаса ҳам оҳ,
Балки бу ҳам сўзсиз ишқ тоқатидир.
Аммо ўзни унга санаркан паноҳ,
Бу эрнинг аёлга садоқатидир.*

*Юраги ҳақида очиб юрманг фол,
Буни текширмасдан ҳис этган маъқул,
Силаб кўйлагига урдими дазмол,
Аёлнинг эрига садоқати шул...*

Кўнгил мулкининг бу топ-тоза ранглари товланаверади. Янги-янги изларга – ўзанларга кўчаверади. Ўлмас-ўчмас мисралар қавату қанотида янада улуғвор, ўлмас туйғулар сеҳру шаробини ичаверади. Энди ундан янада буюкроқ муҳаббат бўй кўрсатади. Кўнгиллар янада қудратлироқ таъму дардни ҳис этади бу дам.

*Мен Сени ер-кўкка ишонардимми,
Қизнинг чин бахти бу, тақдир иши бу.
Майли, юрагингга кирган мардининг
Бошига қўнган кетмас Хумо қуши бўл.*

* * *

*Ёлғизим, қўш бўлди, менинг бағрим бут,
Кўксим тоғ тенгига қўшдим, деб тенгни.
Ўғлим, жуфт ҳалолнинг кўнглин овлаб ўт,
Келин овлаб ўтсин сенинг кўнглингни.*

Инсонни улуғвор руҳият билан юксалтирувчи бу илоҳий муҳаббат жуфти ҳалол баробарида фарзандларни кучиб-ардоқлайди. Шу боис оила кўрғонини тўлдириб, Ватан сарҳадларига кўчади. Ва... унинг ҳар майса гиёҳини, ҳар зарра тупроғини кўзу киприклари устида асраб-авайлайди. Унинг бахту фаровонлигини жон қадар қизгангучи қўриқбонга айланади оқибатда. Фанимига қарши, дахл етказувчи но-бакор жонларга рўбару келганда, энди Она арслонга айланиб, курашга шайланади:

*Юрагимга она арслон қўйган ин,
Парвардигор, руҳим ўзинг кўтаргин.
Даргоҳингда топишгунча мен жонни,
Ўлдирмагил кўксимдаги арслонни.
Ўрмалабми келаётир сокин хоб,
Оллоҳ, уни қайтармоқнинг йўлини топ.
Ўрмалабми келаётган тулки, қуш,
Балки менга раҳми келар “бояқиш”.
Ўрмалабми келаётган олчоқлар,
Бир кун қаддин кўтармоққа дил боғлар.
Ўрмалабми изво, ҳасад кўринар,
Кўзларимни кўзлаган дард кўринар.
Инимга йўл излашар-у, қилиб қасд,
Хунимга йўл излашганини пайқашмас.
Булар шундай шахдимга қил теккизар,
Кўнглимдаги арслонга тил теккизар.
Йў -ўқ!
Мен таслим бўлмай туриб, сўрмалаб,
Қонимизни ичадиган маст йўқдир.
Она арслон ўлмай туриб, ўрмалаб
Бу ўрмонга кирадиган кас йўқдур.
Юрагимга она арслон қўйган ин...*

Ва шу асно руҳи жонида Оллоҳнинг беқиёс қудрати, муҳаббатини ҳис этади. Ва охир-оқибат шууру жонларга биргина хулоса, руҳу рангни бахшида қилиб:

*Оллоҳни “жоним” дема сен жон қўймагунингча,
Ҳақ йўлида ўзингни қурбон қўймагунингча.
Илмуамалинг бир пул, ёнишларинг тўзгин кул,
То ёстигинг остига Қуръон қўймагунингча.*

деркан, бу дунёда бор илму амалинг, молу дунёнинг бир пуллигини таъкидларкан, фақат Оллоҳ ёди билан вобаста яшашгина чинлик, ростлик дунёсига дахлдор эканлигини англатади.

“Гарри поттер” асарлар туркумининг мифопоэтик жиҳатлари



Гуласал ХУДОЙБЕРДИЕВА

Замонавий адабиётда мифлар, мифологик деталлардан фойдаланиш кенг қўлланилиб келинаётган усуллардан бири сифатида машҳур. Гарчи мифлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимги даврларидан пайдо бўлган, инсонларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини образли тасвирловчи ривожий асарлар саналса-да, улар сўз санъатининг таркибий қисми сифатида қабул қилинмаган. Чунки мифларда асосан қадимги одамларнинг олам ҳақидаги ўша даврга хос билимлари мужассам бўлиб, яратилган образлар ҳам асл, ҳақиқий қаҳрамонлик ҳисобланган.

Ҳозирги давр болалар адабиётида шуҳрат қозонган асарлардан бири Жоан Роулингнинг “Гарри Поттер” ҳақидаги туркум романларида мифопоэтика ҳодисаси катта ўринга эга бўлиб, унинг интерматн билан уйғунлашиб кетганини кўрамиз. Бу асарлар ўзида антик адабиёт намуналари мавжудлиги билан ҳам ижодкорнинг бетакрор бадииятини характерлайди.

Масалан, бу туркумнинг биринчи романи бошида Гаррининг туғилган куни 1980 йил 31 июль эканлиги қайд этилади. Айтиш жоиз, мазкур сана бевосита асар муаллифи таваллуди – 1965 йил 31 июль билан ҳам боғланган. Бу пайтда туғилганлар арслон буржи вакиллари ҳисобланиб, оқкўнгил, мағрур, доно ҳамда саҳийлик фазилатларига эга, табиат томонидан лидерлик сифатлари инъом этилган инсонлар деб ҳисобланади. Табиийки, Гарри образида ҳам айнан шу жиҳатлар мужассамлаштирилади ва унинг дунёга келиш санаси сифатида айнан шу куннинг танланиши бевосита мифологияга бориб тақалади. Чунки Келт қабилалари мунажжимлар башоратига кўра айнан шу кун Муқаддас белгига ишора қилади. Хагриднинг Гаррининг туғилган кунда келиб, унга совға бериши ҳам бежиз эмас. “Anyway – Harry, said the

Гуласал ХУДОЙБЕРДИЕВА – 1990 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

giant, turning his back on the Dursleys, a very happy birthday to yeh. Got summat fer yeh here – I mighta sat on it at some point, but it’ll taste all right”^{1,2}

Чунки Гарри Поттер туғилган кун санаси қадимги Келт кабилаларининг тақвими бўйича илохий кун санаси билан боғлиқ.

Туркумнинг “Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси” қисмида “дементор”, “сгубит”, “падфут”, “тумшукқанот” каби мифологик образлардан ҳам кенг фойдаланилган. Асарда бундай мифопоэтик элементларнинг кўплиги эса ушбу туркум интерматнида миф, асотир, афсоналарнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

“Дементор” – қадимги ривоят ва афсоналарда айтилишича, инсонлар қалбига кўрқув ва даҳшат солиб турадиган афсонавий, кўзга кўринмас махлук. Бу махлуқлар, одатда, инсонларнинг мудҳиш хотираларидан юзага келган. Уларни ҳайдаш учун кувноқ хотиралардан фойдаланиш тавсия этилади. “Азкабан маҳбуси”да ҳам дементорлар ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларнинг таътилдан кейин поездда Хогварсга қайтаётган пайтида тилга олинади. Профессор Люпин болалар билан бир купеда кетаётганида Гаррига бир дементор келиб ҳужум қилади, шунда Люпин “None of us is hiding Sirius Black under our cloaks. Go^{3,4}” – деганида ҳам дементор қимирламасдан тураверади. Профессор Люпин сеҳрли сўзларни айтиб, таёқчасини силтагандан кейингина дементор кўздан ғойиб бўлади.

Адиба дементорларни санғиб юрувчи қора шарпалар кўринишида тасвирлашидан мақсад инсонга ваҳима соладиган нарсалар ҳамиша мавҳум бўлишига ишора қилади. Ҳатто мифларда ҳам одамлар доимо ўзлари англамаган ва кўрмаган нарсаларидан кўрқув ҳис қилишган. Мифлардаги анъаналарга содиқ қолган Ж.К.Роулинг услубида ҳам кўрқув мавҳум ҳолатда акс этади. Дементорлар асар бошидан тортиб то Сириус Блек билан боғлиқ ҳақиқат аён бўлгунига қадар туркумнинг антогонист образлари таркибини ташкил қилади. Жазода ўлимдан ҳам оғир ва қийноқли азоб – “дементорлар бўсаси”, яъни уларнинг инсон руҳини суғириб олиши ва ҳатто бу ҳақда эшитишнинг ўзи ҳам барчани бирдек ларзага келтирадиган кўрқув сифатида талқин этилади.

Илк Азкабан маҳбусининг қочиши Волдеморт ёрдамчилари – дементорларнинг ҳар жойда пайдо бўлиши ва дайдиб юришига сабабчи бўлиб, ўша маҳбус Сириус Блек, яъни Гарри Поттернинг чўкинтирган отаси саналарди. “They are stationed at every entrance to the grounds,” Dumbledore continued, ‘and while they are with us, I must make it plain that nobody is to leave school without permission. Dementors are not to be fooled by tricks or disguises – or even Invisibility Cloaks,’ he added blandly, and Harry

¹ J.K. Rowling. Harry Potter and Philosopher’s Stone. United Kingdom: Bloomsbury, 1997. – p. 40.

² – Қисқаси, Гарри, гап бошлади давангир Дурсллар оиласига орқа ўгириб, – туғилган кунинг билан табриклайман! Мана, сенга совға. Фақат, йўл-йўлакай андак эзиб қўйган бўлсам керак. Хечкиси йўқ, барибир жуда мазали. (Гарри Поттер ва афсонавий тош: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг I қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов. – Тошкент, Адабиёт учкунлари, 2018. – 57-б.)

³ J.K. Rowling. Harry Potter and the Prisoner of Azkaban. United Kingdom: Bloomsbury, 1999. – p. 67

⁴ “Хеч қайси биримиз кийимимиз остига Сириус Блекни бекитиб олган эмасмиз. Кетинлар бу ердан”. (Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг III қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов. – Тошкент, Наврўз, 2019. – 88-б.)

“Гарри поттер” асарлар туркумининг мифопоэтик жиҳатлари

and Ron glanced at each other. ‘It is not in the nature of a Dementor to understand pleading or excuses. I therefore warn each and every one of you to give them no reason to harm you. I look to the Prefects, and our new Head Boy and Girl, to make sure that no student runs foul of the Dementors’.^{5,6} Шу тариқа Дамблдор мактаб ўқувчиларига ҳар қандай куч, сеҳр ва жоду дементорлар олдида ожизлик қилишини эслатиб қўяди.

Сириус Блек бўлса падфут, грим, сгубит яъни хавфли, кўрқинчли қора ит тимсолини гавдалантиради. Афсоналарга кўра Британия худудида сеҳрли қора итлар черков ва қабристонларда соқчилик қилишаркан. Қадимда улар ўликларни тириклардан ҳимоялайди, деб ишонилган. Улар соқчилик қилаётган жойда кимдир сайр қилиб юрса, бу итлар дарҳол ўша одамнинг қаршисидан пайдо бўларкан. Сеҳргарлик илмида эса, кимдир гримлар билан бирга кўрилса, эртаси куни ўша инсоннинг ўлими башорат қилинади. Биз фойдаланган падфут, грим, сгубит тушунчаларининг барчаси ёвуз қора итни англатувчи синонимлардир.

Башорат фани ўқитувчиси Сбилла Трелани болаларга сеҳр-жоду санъатининг энг мураккаб қисми – башорат фанини ўрганишда улар табиатидаги кўриш қобилиятисиз ижобий натижаларга эришиб бўлмаслигини тушунтиради. Гаррининг қора итлар билан алоқаси айнан шу дарсада ойдинлашди. Финжонидаги қаҳвани ичиб бўлиб, ундан қолган куйқумга қараб, ҳар бир ўқувчини кутаётган ҳодисалар башорат қилиниши лозим эди. Гарри келажagini ўқишда Ронга ёрдам бериш учун келган профессор Трела боланинг финжонида қолган куйқада “Сгубит” яъни “Трим”ни кўради ва ҳар йилги башоратига кўра болалардан кимдир, аниқроғи, Гаррининг тез кунларда ўлиши ҳақидаги хабар билан синфнинг бор диққатини ўзига тортади.

Гарри Дурслларникидан кочган тунда ҳам йирик қора итга дуч келган эди. Роман охирида бу ит Сириус Блек эканлигини тушунади. Гарчи Сириус Блек Поттерлар оиласининг дўсти бўлса ҳам, Волдемортга уларнинг манзилани айтган, Петигрюни ва ўн иккита маглни ўлдирганликда айбланиб Азкабан қамоқхонасига камашган. “Магл” – асл келиб чиқиши сеҳргар ёки жодугарларга бориб тақалмайдиган зоти паст афсунгарлардан. Слизерин ворислари бу турдаги касбдошларининг борлигидан ўлимини афзал кўришади. Асардаги энг ақлли ва қобилиятли қиз Гермиона ҳам магл эканлиги, ушбу образнинг ўзини ҳам ҳар доим ҳавотирга солади.

Роулинг нимага айнан ит анимагига эга Сириусга шу исми танлаганлиги ҳам мифологик асосга бориб тақалади. Сириус мифларга кўра энг ёруғ юлдузлардан “Ит-Юлдузи”нинг маъбуд ёки маъбудаси бўлиб, ёз чилласидаги жазирама ва курғоқчилик манбаи саналади. Астрономик маълумотларга қараганда ҳам Сириус – Ит юлдузи – Alpha Canis Majoris – тундаги энг ёрқин икки карра кўп нур сочадиган юлдуз ҳисобланади.

⁵ J.K. Rowling. Harry Potter and the Prisoner of Azkaban. United Kingdom: Bloomsbury, 1999. – p. 72

⁶ – Дементорлар мактабимиз худудига олиб келадиган йўлларда туради, – давом этди Дамблдор. – Токи улар шу ерда экан, айтиш жоизки, мактаб худудини рухсатсиз тарқ этиб бўлмайди. Бу гапни ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида ўнг ва чап қулоғи билан эшитиб, эслаб қолиши шарт. Дементорларни ҳар хил қилиқлари-ю, қиёфа ўзгартиришлар билан ва ҳатто кўринмас плашлар воситасида ҳам алдаб бўлмайди. Ўтинч, узр ва нолалар дементорлар табиатига ёт бўлиб, бундай тушунчаларни идрок этишмайди. Демак, огоҳлантириб қўйишим керакки, сизга шикаст етказиши учун дементорга ўзингиз сабаб берманг. Умид қиламанки, синфбошилар ҳамда янги эътироф этилган энг ибратли ўқувчи йигит ва қизимиз мактаб ўқувчиларидан бирортаси ҳам дементор билан ҳазиллашмаслигини кузатиб боришади. (Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг III қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов.– Тошкент, Наврўз, 2019. – 95-б.)

Сириус Блек анимаги “ит” эканлиги учун “Сириус” исми танланганлиги маълум бўлса, иккинчи томондан Гарри ҳаётида янги нур – унинг учун қайғурадиган тутинган отаси борлиги ҳам аҳамиятга моликдир. Ҳатто, блек совға сифатида жўнатган энг учкур супурги ҳам “Чакмоқ” деб аталарди. Бу билан вокелар яшин тезлигида содир бўлганлигига ва Гарри тақдири ижобий томонга йўналганлигига ишора берилади.

Башорат фани ўқитувчиси сифатида айнан Сбилла Треланининг танлангани ҳам мифларга бориб тақалади. Унинг дарслари талабалар томонидан жиддий қабул қилинмаслигининг энг муҳим омили профессор амалга оширган башоратларнинг кўпчилиги уйдирма бўлиб чиқарди. Ушбу образ юнон мифологиясидаги, Дамблдор таъкидлагандек, Кассандра Треланига бориб тақалади. Кассандра Троянинг хуснда бетакрор маликаси бўлиб, Аполло уни севиб қолади ва унга башорат қила олиш қобилятини инъом этади. Аполло бу совға эвазига Кассандра уни телбаларча севиб қолади деб умид қилади. Аммо, унинг умидлари умидлигича қолади. Аполло севгиси Кассандра томонидан рад этилади. Бундан жаҳли чиққан Аполло Кассандрани ҳеч ким унинг башоратларига алданмаслигига ишонтиради.

Профессор Трелани томонидан Гаррининг ўлими башорат этилгани, табиийки, болаларни ҳайрат ва саросимага солади. Барчани энди нима бўлиши қизиқтираётганлигини англаган профессор Макгонагалл юнон мифологиясининг таъсирида ўз фикрини қуйидагича баён этади: “I see,” said Professor McGonagall, fixing Harry with her beady eyes. ‘Then you should know, Potter, that Sybill Trelawney has predicted the death of one student a year since she arrived at this school. None of them has died yet. Seeing death omens is her favourite way of greeting a new class. If it were not for the fact that I never speak ill of my colleagues –’ Professor McGonagall broke off, and they saw that her nostrils had gone white. She went on, more calmly, ‘Divination is one of the most imprecise branches of magic. I shall not conceal from you that I have very little patience with it. True Seers are very rare, and Professor Trelawney...’^{7, 8}.

Гарчи профессор Трелани ажал хусусида ноҳақ бўлса ҳам, Гаррининг баҳайбат қора ит – грим Сириус Блек билан кутиллаётган учрашуви ҳақидаги башоратида ҳақ эди.

Туркумнинг “Махфий хона” қисмида гербология фани ўқитувчиси профессор Сарсабил хоним дарс машғулотларини жуда қизиқ ва айни вақтда ниҳоятда хавфли ўсимликлар етиштириладиган учинчи иссиқхонада олиб боради. Машғулотлардан бирида тагликларга сепилган уруғдан униб чиққан “мандрагора” ниҳолларини кўчириб, гул тувакка ўтқазилгани ўргатади. Бу ўсимликнинг хусусиятлари ҳақида сўралганда, табиийки, ҳар доимгидек Гермiona фаоллик кўрсатиб, қуйидагича жавоб беради: “Mandrake, or Mandragora, is a powerful restorative, said Hermione, sounding as usual as though she had swallowed the textbook. It is used to return people

⁷ J.K. Rowling. Harry Potter and the Prisoner of Azkaban. United Kingdom: Bloomsbury, 1999. – p. 84

⁸ – Тушунарли, – такрорлади профессор Макгонагалл, қуш кўзига ўхшаш кўзини болага тикиб. – Ундай бўлса, билиб қўйинг, Поттер, профессор Сбилла Трелани шу мактабда дарс бера бошлаганидан буён ҳар йили ўқувчилардан бирининг ўлими ҳақида башорат қилиб келади. Лекин ҳалигача ҳеч ким омонатини топширгани йўқ. Ажал аломатини кўриш янги синф билан танишининг у хуш кўрадиган энг таъсирли усулидир. Мен, одатимга кўра, ўз ҳамкасбларим ҳақида ҳеч қачон ёмон фикр билдирмайман, акс ҳолда... (Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси: роман / “Гарри Поттер” романилар туркумининг III қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов.– Тошкент, Наврўз, 2019. – 113-б.)

“Гарри поттер” асарлар туркумининг мифопоэтик жиҳатлари

who have been transfigured or cursed, to their original state.”⁹,¹⁰ Мандрагора аксарият зидди-захар дори-дармонларнинг ажралмас таркибий қисмилиги унинг ижобий томони бўлиб, бироқ у ниҳоятда хавфли ўсимликлар туркумига киради ҳамда унинг йиғисини эшитган ҳар қандай киши ажал ёқасига келади.

Юқоридаги маълумотлар гарчи бадий тўқима бўлиб туюлса-да, Ўрта асрларда одамлар мандрагора кўчатини тупроқдан суғуриб олиш ёки экишдан жуда кўрққанлар. Улар бу каби ўсимликларда инсон руҳи мавжуд ва у экиш жараёнида азият чекади деб ишонишган.

Асарда энди ўтилиши режалаштирилган фанларнинг маълумотларини ҳам олдиндан тўлиқ ўзлаштириб олувчи энг аълочи ўқувчи Гермiona ҳисобланади. Профессор Макгонагалл Гермionанинг интилишларини инобатга олиб, унга вақтни орқага қайтариб, замонлараро саёҳат қилиб, бир вақтнинг ўзида иккита машғулотда қатнашиш имконини берувчи сеҳрли соатни совға қилади.

Гермiona исми асослари юнон мифлари ва шу билан бирга Шекспирнинг “The Winter’s Tale” (“Қиш эртаги”)¹¹ драмасига бориб тақалади.

Шекспир драмасида Гермiona муаллиф яратган ўзига хос ва бошқа асарларида такрорланмас образни гавдалантиради. Россия императорининг қизи Гермiona чиройда ва ақлда тенгсизлиги сабаб, эри Леонтеснинг асоссиз рашкига дучор бўлади ва унинг қисматида ҳам Дездемона тақдири такрорланади. Қирол Леонтес уни хиёнатда айблаб, қамокқа ташлайди ва ўлимга ҳукм этади. Гарчи Гермiona вафот этса-да, унинг тенгсиз тасвири барчанинг ёдига муҳрланади. Гермiona ҳайкали бунёд этилади. Қирол Леонтес вафотидан кейин, орадан ўн олти йил ўтиб Гермiona ҳайкали одам сийратига айланади ва Гермiona ҳаётга қайтади.

Гермiona исмининг мифлар билан алоқасини таҳлил қиладиган бўлсак, “Гермес” исмининг аёллар учун ишлатиладиган шакли эканлиги ойдинлашади. Ривоятларга кўра, Олимп тоғидаги “илоҳ”ларнинг амр-фармон ва хабарларини Гермес одамларга олиб келиб, тушунтириб, талқин этиб берган эмиш¹². Шунингдек, Гермес нотиклик, зукколик ва тез фикрлаш худоси ҳам эди. “Гарри Поттер” туркум романларининг барчасида Гермionaда бошқа қаҳрамонларга нисбатан нотиклик, зукколик ва тез фикрлаш устунлик қилади.

“Азқабан маҳбуси”да Ҳагриднинг сеvimли куши тумшукқанот машғулот давомида Драко Молфейга хужум қилганлиги сабабли Сеҳргарлик вазирлиги тасдиғи билан ўлимга ҳукм қилинади. Хиппогриф тумшукқанот ҳам грек афсоналари билан алоқадор бўлиб, бош қисми бургутникидек ва тана қисми отникига ўхшаш мавжудот ҳисобланиб, туркумда ҳам худди шундай тасвирланади: “Trotting towards them were a dozen of the most bizarre creatures Harry had ever seen. They had the bodies, hind legs and tails of horses, but the front legs, wings and heads of what seemed to be giant eagles, with cruel, steel-colored beaks and large, brilliantly orange eyes. The talons on their front legs were half a foot long and deadly looking. Each of the beasts had a thick leather collar around its neck, which was attached to a long chain, and the ends of all of

⁹ J.K. Rowling. Harry Potter and the Chamber of Secrets. United Kingdom: Bloomsbury, 1998. – p. 72

¹⁰ Мандрагора бу, кишини асл ҳолатига қайтарадиган ниҳоятда қучли восита саналади. Ушбу ўсимликдан тайёрланган дамлама воситасида бирон-бир нарсага айлантириб қўйилган ёки афсун таъсирига дучор бўлган одамларни меъёрий ҳолатга қайтариш мумкин. (Гарри Поттер ва маҳфий хона: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг II қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шоқир Долимов.– Тошкент, Zukko kitobxon, 2021. – 111-6.)

¹¹ https://shakespeare.folger.edu/downloads/pdf/the-winters-tale_PDF_FolgerShakespeare.pdf

¹² Баҳодир Карим. Рухият алифбоси. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 210-6.

these were held in the vast hands of Hagrid, who came jogging into the paddock behind the creatures”¹³,¹⁴. Асосий жиҳатлардан бири, Роулингча ёзилган бадиий адабиёт намуналарида гиппогрифлар ёқимсиз, хунук ва кераксиз мавжудот сифатида тасвирланган бўлса, адиба улардан фарқли равишда тумшукқанотни ижобий образ сифатида гавдалантиради. Ушбу цикл охирида дастлаб Гарри ва Гермiona томонидан ўлимдан қутқариб қолинган тумшукқанот яна бир бегуноҳ Сириус Блекни ўз устига миндириб, уни ҳам ноҳақ жазодан сақлаб, узокларга учиб кетади.

“Гарри Поттер ва олов кубоки” туркумида Марказий Европа мифлари билан тугаш Болгария жамоасини қўллаб-қувватловчи чиройли аёллар “вейлалар” ҳақидаги маълумотлар берилади. Уч буюк сеҳргар мусобақасида иштирок этиш учун ташриф буюрган вейлалар барчани эс-хушидан айиради. Гарри ва шунингдек бошқалар хаёлида ҳам “Veela were women ... the most beautiful women Harry had ever seen... except that they weren’t – they couldn’t be – human. This puzzled Harry for a moment, while he tried to guess what exactly they could be; what could make their skin shine moon-bright like that, or their white-gold hair fan out behind them without wind... but then the music started, and Harry stopped worrying about them not being human – in fact, he stopped worrying about anything at all”¹⁵,¹⁶.

Марказий Европа ривоятларига кўра вейлалар чўқинтирилмаган аёлларнинг ер юзида қолиб кетган руҳларидир. Агар кимда-ким уларни хафа қилса ёки кўнглига озор берса қисқа муддат ичида ўлиши муқаррар деб ишонилади.

Рождество балида Волинканинг сўнгги титрок нотасини эшитган Гарри ўзини енгил ҳис этади. “Шайтоннинг сингиллари” гуруҳи мусиқасини тугатиши билан бал иштирокчилари гулдурос қарсақ чалишади. Балда куйлаб, барчани ларзага солган “Шайтоннинг сингиллари” аслида ўғил болалардан ташкил топган гуруҳ бўлиб, фақатгина номланиши аёлларга хос эди. Гуруҳ номини Шекспирнинг “Макбет” драмаси билан алоқадор деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, асл негизига қарасак Шекспир ҳам уни ўзи яратмаган, балки Британия афсоналаридан олганлиги маълум бўлади. “Макбет”да башоратчи учта жодугар опа-сингиллар тақдир, нимфа ва париларни ўзларида акс эттиришган. Афсоналарда ҳам улар шу маъноларда қўлланилган. Ж. Роулинг интервьюларида “Макбет” унинг энг сеvimли драмаси эканлигини таъкидлайди.

“Гарри Поттер ва қакнус ордени” даги “Дамблдор армияси” учун гермиона томонидан ишлаб чиқилган сохта галлеон тангалар ва илк бора “Гарри Поттер ва олов кубоки”да тасвирланган Волдеморет ва унинг гумашталари қўлидаги “ўлимдан

¹³ J.K. Rowling. Harry Potter and the Prisoner of Azkaban. United Kingdom: Bloomsbury, 1999. – p.87

¹⁴ Ўрмон ичидан ўнгача, ақл бовар қилмайдиган жуда ғалати ҳайвонлар чиқиб келди. Ҳар бирининг танаси, орқа туёғи ва думи отники, олд қисми йирик бургутникига ўхшайди. Бошини кўрқинчли тумшук, тўқ сариқ кўз бегаган. Олд оёғининг мудҳиш панжаси ярим футдан қисқа эмас. Ҳар бир ҳайвоннинг бўйнига қалин чарм бўйинбоғ боғланган бўлиб, унга узун занжир илинган. Занжирнинг нариги учини ажиб ҳайвонлар ортидан сақраб келаётган Хагрид бақувват қўли билан маҳкам ушлаб келяпти. (Гарри Поттер ва Азкабан маҳбуси: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг III қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов. – Тошкент, Наврўз, 2019. – 113-6.)

¹⁵ J.K. Rowling. Harry Potter and the Goblet of Fire. United Kingdom: Bloomsbury, 2000. – pp. 94-95

¹⁶ Бу аёллар... Гарри умрида кўрмаган ниҳоятда сохибжамол аёллар... Фақат улар... улар одам бўлиши мумкин эмас... Гаррининг боши қотди. Одам бўлишмаса, ким улар? Нима учун уларнинг баданлари қумуш сингари, ятирамоқда? Нега уларнинг оқ тилла тусли сочи шамол йўқлигига қарамай, бу қадар чиройли ҳилшираяпти? Мусиқа янгради. Энди Гаррини вейлаларнинг ғайриинсоний табияти ҳам, умуман айтганда, бошқа нарсалар ҳам мулақо кизиктимай қўйди. (Гарри Поттер ва олов кубоки: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг IV қисми / Жаҳон адабиётининг жавоҳирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов. – Тошкент, Камалак-Пресс, 2019. – 105-6.)

завкланиш” расмлари ҳар иккала гуруҳ аъзоларининг йиғилиш вақтини билдириш учун нишон эди. Агар Гарри галеонлардаги рақамларни ўзгартирса, гуруҳ аъзоларининг чўнтагидаги тангалар қизиб, уларда ҳам рақамлар алмашинади. Гермiona барчага тангаларни тарқатар экан: “On these fake coins, though, the numbers will change to reflect the time and date of the next meeting. The coins will grow hot when the date changes, so if you’re carry-ing them in a pocket you’ll be able to feel them. We take one each, and when Harry sets the date of the next meeting he’ll change the numbers on his coin, and because I’ve put a Protean Charm on them, they’ll all change to mimic his”^{17, 18}, деб тушунтиради. Алмашиниш тилсими – Протей жозибаси юнон мифологиясидан олинганлигини кўриш мумкин. Протей Посейдоннинг хизматкори бўлиб, одамларнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида барчасини айта олиш қобилиятига эга бўлган. Ушбу қобилияти сабаб барча ундан башорат қилиб беришини сўрайверади ва бу каби ҳолатлардан безган Протей тезда ҳар хил ҳайвон ёки жонзотлар шаклига кириб оларкан. Унинг исмининг маъноси ҳам шундан бўлиб, “Тез-тез ёки осон ўзгаришга мойил ёки қодир” демакдир.

Волдемоорт гуруҳи аъзоларидан бирининг қўлидаги расмга қўл теккизса, қолганларнинг қўли қизиб, бу билан соҳиб ҳаммани ўз ҳузурига чорлаётганини тушунишади. “Voldemort bent down, and pulled out Wormtail’s left arm; he forced the sleeve of Wormtail’s robes up past his elbow, and Harry saw something upon the skin there, something like a vivid red tattoo – a skull, with a snake protruding from its mouth – the same image that had appeared in the sky at the Quidditch World Cup: the Dark Mark. Voldemort examined it carefully, ignoring Wormtail’s uncontrollable weeping”^{19, 20}.

Волдемоорт узун, оппоқ кўрсаткич бармоғини Чувалчангдумнинг қўлидаги тасвирга босганида Гаррининг чандиғи ҳам оғрий бошлади. Чувалчангдум додларди, унинг қўлидаги тасвир эса кўмирдай қоп-қора тусга кирганди. Ж.К.Роулинг ўрта асрлардаги шайтон ҳақидаги ақидаларга таяниб, Волдемоортни Иблис билан тенглаштиради. Афсоналарда айтилишича, шайтон ўз маслакдошларининг “яширин жойлари”да махсус нишон қолдириб, уларни белгилаб кўярган. Бу белги одам ва шайтон ўртасидаги шартнома-келишув нишони ҳисобланади. Романда ҳам айнан ушбу мазмунга амал қилинганлиги яққол намоён бўлган.

Қисқача айтганда, фантастика жанри анъаналарига тўлиқ риоя этилган “Гарри Поттер” туркум романларида мифопоэтик деталлардан унумли фойдаланилган, адиба қўллаган интерматнлар эса асар моҳиятини очишда етакчилик қила олган.

¹⁷ J.K. Rowling. Harry Potter and the Order of the Phoenix. United Kingdom: Bloomsbury, 2003. – p. 353

¹⁸ Менинг тангаларимда эса бу рақамлар ўзгарувчан бўлиб, навбатдаги йиғилиш ўтказиладиган сана ва вақтни англатади. Сана ўзгарса танга қизийди. Унинг ҳарорати кўтарилганини чўнтак орқали, албатта, ҳис этасиз. Ҳаммамизда биттадан шундай танга бўлади. Гарри қачон учрашишимиз кераклиги юзасидан қарор қабул қилса, ўз тангасидаги рақамларга ўзгартириш киритади. Қолган барча тангалардаги рақамлар ҳам тегишинча, ўзгариб қолади. Негаки мен, тангаларга Алмашиниш тилсимини қўлладим. (Гарри Поттер ва қанқус ордени: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг V қисми / Жаҳон адабиётининг жавохирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов.– Тошкент, Адабиёт учқунлари, 2019. – 450-б.)

¹⁹ J.K. Rowling. Harry Potter and the Goblet of Fire. United Kingdom: Bloomsbury, 2000. – pp. 559-560

²⁰ Волдемоорт эгилиб, Чувалчангдумнинг чап қўлини чангаллади-да, куч билан ўзига тортиб, енгини очди. Шунда Гарри Чувалчангдумнинг қўлидаги тери қопламасига акс эттирилган, оғзидан тилга ўхшаб илон чақаётган қирмизи рангли бош суяк тасвирини кўрди. Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйинидан сўнг осмонда пайдо бўлган тасвир-ку, бу! Ажал белгиси! Волдемоорт Чувалчангдум танасининг оғрик зўридан идора қилиб бўлмайдиган зўриқишига аҳамият бермай, тасвирни диққат билан ўрганиб чиқди. (Гарри Поттер ва олов кубоки: роман / “Гарри Поттер” романлар туркумининг IV қисми / Жаҳон адабиётининг жавохирлар туркуми. Жоанна Кетлин Роулинг / Таржимон Шокир Долимов.– Тошкент, Камалак-Пресс, 2019. – 630-б.)



Mansur ZOIROV

Kulib tursin quyosh doimo

Tulki va toshbaqa

Bir kun tulki dalada,
Duch kelib Toshbaqaga
Uning imillashini
Qildi rosa kalaka:

– Toshbaqa, hoy toshbaqa,
Buncha sekin yurishing?
Og‘ir yukni yelkalab,
Butkul nochor turishing.

– Orqamdagi bu yukim
Yukmas, uyim-makonim,
Shuning uchun har doim,
Huzurda tanu jonim.

Qayerga yo‘l olmayin,
Qayda to‘xtab qolmayin,
O‘z uyim-o‘lan joyim,
Shu toshimdan qolmayin...

Shoshib nima ham qildim,
Uch yuz yil axir umrim,
Tosh bo‘lsa ham bu tanam
Menga halovat, huzur...
Sening esa Tulkivoy,
Bilganing ko‘p ayyorlik,
Hiylalaring bir olam,
Tekin oshga tayyorlik.

Mansur ZOIROV – 1947 yil tug‘ilgan. Samarqand davlat arxitektura-qurilish institutini tamomlagan. “Orzular guldastasi”, “Yoshlar bayoti”, “Qaldirg‘och” nomli she‘riy kitoblari chop etilgan.

Nuqul izgʻiysan sarson,
Olazarak, chopqillab.
Yolgʻonchiliging sabab
Qolding hammadan ajrab.

Oʻttiz tulki umrini,
Bir oʻzim yashasam ham.
Na joy, na oʻlja demay
Oʻt-oʻlan oshasam ham,
Shu kunimga koʻp shukur.

Sen ham uzoq yashashni
Istasang agar Tulki
Boriga qanoat qil
Boʻlavermay xoʻp kulgi.

Oʻrmonmi yo qum, adir,
Qayda boʻlma, bari bir.
Turmushingdan nolima,
Yoʻqdir boshqa hech bir sir.

Shaharlik bolajonlar

– Biz-chi qishloqda bobo,
Koʻp narsani koʻrgandik.
Jonivorlar tilini
Darrov bilib, oʻrgandik.

– Xoʻsh, aytingchi, oʻgʻlonlar,
Siz boʻlajak polvonlar!
Nimalarni bildingiz?
Meni qoyil qilingiz.

– Otga “chu” – deyilarkan,
Tovuqlarga esa “kisht”,
Eshakka “xix-xi” kerak,
Pishaklarga esa “pisht”.

Qoʻy, qoʻziga “qoʻsh” dedik,
“Bosh-bosh”ni sigirlarga.
“Ay-ay!” deb poda boqdik,
Yashil adir-qirlarda.

Kelsa kuchuk “Tur!” dedik,
Tovuqlarga “Tu-tu-tu!”
Xullas barchasin tilin
Bilib olib qaytik-ku!

Адабий ҳаёт

* * *

5 сентябрь. АҚШ Конгресси кутубхонасининг немис тилидаги адабиётлар бўлими ходими доктор Дэвид Моррис “Бобурнома”нинг немис тилидаги янги нашри кутубхонага қабул қилинганини хабар қилди. Янги таржима Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзоси, профессор Хельмут Далов томонидан амалга оширилган.

* * *

Беларусь Республикасининг Добруш шаҳрида ўтказиладиган XXIX белорус ёзуви кунлари арафасида “Китоблар – абадий қадриятлар сари йўл. Асос – адолат” мавзусида халқаро онлайн давра суҳбати ташкил этилди. Беларусь Ахборот вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия ёзувчилари, таржимонлари, жамоат ва адабий ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

* * *

7 сентябрь Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида меморандум имзоланди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Тадбирда уюшма фаолиятини, шунингдек, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари ва фаол ижодкорларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қуватлаш ҳамда маиший, тиббий ва маданий хизматларни ташкил этиш масалалари юзасидан ўзаро келишиб олинди. Ҳамкор ташкилот вакиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи билан танишишди.

* * *

8 сентябрь. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Уюшма аъзолари Неъмат Арслон – “Ёзувчи учун атир” ҳикоялар тўплами учун 1-ўринга, Муҳаммад Хошон (Жалғасбай Хошнйазов) – “Оқаётган дарё” (“Бир дарьянинг ағиси”) шеърлар тўплами учун 2-ўринга, Йўлдош Солижонов – “Анвар Обиджон поэтик олами” монографияси учун 3-ўринга лойиқ топилди.

Шунингдек, “Журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги китоблар” номинацияси бўйича уюшма аъзоси Муҳтарама Улуғова – “Изтироблар ҳаловати” китоби учун 2-ўринга муносиб топилди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев билан учрашди. Учрашувда томонларнинг ҳамкорликда амалга оширган ишлари ва келгусидаги режалари хусусида сўз борди. Истикболдаги вазифалар келишиб олинди. ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби Султон Раев Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййидга “Чингиз Айтматов”, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирга “Низомий Ганжавий”, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовга “Халдун Танер”, уюшма аъзолари Қалдибек Сейданов ҳамда Эргаш Абдувалитовга “Мухтор Авезов” медалларини топширди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорига асосан XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 115 йиллиги ҳамда “Абдулла Қаҳҳор уй-музейи” ташкил этилганига 35 йил тўлгани муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Абдулла Қаҳҳор – тенгсиз ижодкор” мавзусида адабий, илмий-маърифий тадбир ўтказилди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир Маҳмуд Йўлдошевнинг “Умай кўшиғи”, “Самовий суҳбат”, “Туркуларим” номли китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида академик Бахтиёр Назаровнинг хотира кечаси ҳамда “Ижоднинг жон томири” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

23 сентябрь. Адиблар хиёбонида “Биринчи китобим” лойиҳасининг 2021 йилда нашр этилган 25 китоби муаллифлари билан учрашув ва шеърят кечаси бўлиб ўтди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Таникли рассом, истеъдодли ёзувчи, уюшма аъзоси Гулнора Раҳмоннинг “Умрнинг уч фасли” киссалар тўплами ҳамда унинг таржимасида Дафна Дю Морьенинг “Ребекка” ва “Рейчел” китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Усмон ҚҶЧҚОР. Кутмаганда келган кутганим менинг4

ҚУТЛУҒ САНА

Сирожиддин САЙИД. Халқ йўлини ёритган юлдуз13

НАСР

Аҳмад ОҚНАЗАРОВ. Бола кўтарган қотил. *Ҳикоя*16
Мухиддин ПОЛВОН. Кўк қашқа. *Қисса*33

НАЗМ

Дилором ЭРГАШЕВА. Кўзингдан арз этиб қошинга келдим22
Башорат ОТАЖОНОВА. Ҳар неки бор янчиб ўтар вақт27
Даврон РАЖАБ. Сирлар шу лаҳзада бўлар намоён48
Шўҳрат ТОҲИР. Титраган япроқда кузак шарпаси55
Сайфулло ҚУЛАЕВ. Мен қарвонман, юким кўп оғир59

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сувон МЕЛИ. Адабиёт – иймон.....63

ТАЛҚИН

Абдурасул ЭШОНБОБОВ. Замонавий матншунослик илми..74

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Авлиёхон ЭШОН. Безовта туйғулар овози. *Кундаликдан*81

ЁШЛАР ИЖОДИ

Шаҳриёр ШАВКАТ. Нидолар мудрайди Моҳи Хоссада86
Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА. Кафтимда исмингни кўтарар дуо..93

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Иброҳим ҒАФУРОВ. Инсон охи бўстонлар аро100
Баҳодир КАРИМ. “Кўнглимни тошга ёрдим”109

ДРАМАТУРГИЯ

Дилором КАРИМОВА. “Мажнун бўлиб элли севаман...”117

МУХЛИС

Зикрилла МАМАТОВ. Юракка таниш соғинчлар137

МУШОИРА

Мухаммад РАЖАБОВ. Сен менинг бош қўяр муқаддас жойим.....141

Мунира МУҲИДДИН. Бахт нимасан.....142

Шаҳризод ШОДИЕВ. Кутасан...143

Бобуржон ЎКТАМОВ. Хавотирлан(ма)гин.....144

Муяссар УКТАМ қизи.145

Равшан МАДУМАРОВ. Унутмоқ осонмас бизларни146

ИНСОН – АЗИЗ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

Нортўхта ҚИЛИЧ. Қўша жаноза147

ТАДҚИҚОТ

Салима УМАРОВА. “Юрагимга она арслон кўйган ин...”159

Гулсал ХУДОЙБЕРДИЕВА. “Гарри поттер” асарлар туркумининг
мифопозтик жиҳатлари165

BOLALAR DUNYOSI

Mansur ZOIROV. Kulib tursin quyosh doimo172

Адабий ҳаёт174

Шарқ юлдузи

2022

9-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳқўча, Адиллар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@mail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
9.11.2022

Қоғоз бичими 70x108^{1/16}
Офсет босма усулида офсет қоғозда
босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Наширёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 6700 нусха.
Буюртма №26

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрозбоев кўчаси, 35-уй
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳихлар:
Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Хусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Бунёдбек Худайёров
Copyright © “Шарқ юлдузи”